Source: Ministry of Ecology and Natural Resources of the Republic of Kazakhstan [7, 8]

For the implementation of compulsory environmental insurance, it is necessary to conclude a contract. It is concluded between the owner of the object and an insurance company licensed to carry out this type of insurance.

The contract of compulsory environmental insurance is concluded by issuing an insurance policy in electronic form.

The contract is concluded for one year with subsequent prolongation. At its conclusion, the insurer performs a direct inspection

of the enterprise. The terms of environmental liability insurance provide for the establishment of maximum amounts of insurance indemnity payments (liability limits) and the policyholder's participation in the payment of losses (deductible). Liability limits can be set for payments for one claim, for a series of claims arising from one insured event [9].

If an insured event has occurred and third parties have been harmed as a result of an accident at the insured facility, a claim for payment should be submitted to the insurance company (for example, victims of an ammunition explosion in Arys in 2019).

The claim may present:

- policyholder (owner of the facility);
- beneficiary (victim).

Individuals or legal entities that carry out environmentally hazardous types of economic and other activities are not entitled to carry out their activities without concluding a compulsory environmental insurance contract.

If an organization or sole proprietor ignores this prohibition, they will have to bear responsibility by the Administrative Code of the Republic of Kazakhstan [10]. A fine is provided for such a violation, which depends on which category of entrepreneurship the violator belongs to [11].

Environmental insurance, therefore, is necessary as a reliable tool of the economic mechanism of environmental protection, which allows to form of financial reserves for eliminating the consequences of environmental pollution and compensation for environmental damage caused, as well as for preventing environmental threats of a technogenic nature, being due to this a socially significant element of the environmental management mechanism.

#### List of literature

1. Kudreiko N.P., Shkaeva A.V. Environmental insurance: concept and forms. Electronic resource. Access code [<https://elib.bsu.by/bitstream>]

2. Flucologic law: ucheb. tool / sA. Balashenko [etc.]; in order. T.And. Makarova, V.Well. Lisgaro. Minsk: Ed. central BSU, 2008. 495 PP.
3. Bogolyubov S. A. Commentary to Federal Law No. 7-FZ of January 10, 2002 "On Environmental Protection" (article by article): (ed. from 30 Dec. 2008) / S. A. Bogolyubov, N. I. Khludeneva. — M.: Justicinform, 2009.
4. Anisimov A. P. Environmental law of Russia: textbook / A. P. Anisimov, A. Ya. Ryzhenkov, A. E. Chernomorets. — M.: Yurayt Publishing House: Yurayt Publishing House, 2010.
5. Law of the Republic of Kazakhstan "On Compulsory environmental insurance" dated December 13, 2005 No. 93. Electronic resource. Access code [[https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z050000093\\_#z2](https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z050000093_#z2)]
6. National report on the state of the environment and the use of natural resources of the Republic of Kazakhstan for 2022
7. Official website: Ministry of Ecology and Natural Resources of the Republic of Kazakhstan. Electronic resource. Access code [<https://www.gov.kz/memleket/entities/ecogeo?lang=ru>]
8. Official website: Committee for Environmental Regulation and Control of the Ministry of Economic Development of the Republic of Kazakhstan Electronic resource. Access code [<https://www.gov.kz/memleket/entities/cerc?lang=ru>]
9. Karataev O. G., Amelin L. A., Environmental insurance in the Russian Federation: legal aspects. Journal of the University of Water Communications. Issue #3, 2006, pp.141-146
10. Code of the Republic of Kazakhstan "On Administrative Offenses" dated July 5, 2014 No. 235-V of the SAM
11. Mandatory environmental insurance in Kazakhstan. Electronic resource. Access code [<https://buhta.com/kz/ru/library/article/Mandatoryenvironmentalinsuranc e-521>]

# **SHU'BA I: HAYOT SUG'URTASINING SALOHİYATINI OSHIRISH VA JADAL RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI**

---

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ИСТИҚБОЛДА БАРҚАРОР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Атаев Шухрат Шавкатович**

*Инак йўли инновациялар университети  
ўқув ишлари бўйича проректори*

Пенсия таъминоти тизими ҳар бир мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастаги ҳисобланади. Бунда асосан белгиланган муддатларда пенсия учун бадаллар ўтказиб борган, меҳнат лаёқатини бутунлай ёки вақтинча йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлган шахсларни пенсиялар орқали уларни моддий таъминлаш тушунилади, яъни пенсия айрим тоифадаги шахслар учун давлатнинг энг муҳим ижтимоий кафолатларидан биридир.

Аҳолини бу турдаги ижтимоий қўллаб қувватлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида асосан тасдиқланган тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи йўналишида белгиланган “54 мақсад – пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, бунда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига



мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш вазифаси белгилаб қуйилган”<sup>4</sup>.

Жаҳон амалиётида пенсия таъминоти ижтимоий муҳофазанинг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Давлатнинг тузилиши ва имкониятларига мувофиқ ҳолда фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 22-моддасида қайд этиб ўтилган. Унга кўра, пенсия таъминоти – муайян давлат қонунчилигида ўрнатилган тартибда, асосий даромад манбасини қариялик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий ва иқтисодий чоратadbирлар мажмуасидир.

Халқаро молиявий ташкилотлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро пенсия ва ижтимоий жамғармалар ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳар йили жаҳон мамлакатлари пенсия тизимларининг ҳолати, ундаги ислохотлар тадқиқ этилмоқда.<sup>5</sup>

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга оширилишини таъминлаш йўлларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгунга қадар, яъни режали иқтисодиёт даврида пенсия таъминоти тизими давлат ижтимоий таъминотининг таркибий компоненти ҳисобланган бўлиб, нафақат пенсия таъминоти, балки моддий ёрдам, ижтимоий, тиббий, санаторий ва курорт хизматлари, меҳнатга лаёқатсиз ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби хизматларни ҳам қамраб олган эди.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.

<sup>5</sup> Tursunov, J. “Ways to ensure the financial stability of the pension fund when improving the state pension provision.” International Finance and Accounting 2020.2 (2020): 5.

Мазкур вазифларни амалга ошириш учун эса давлат бюджетидан маблағлар ажратилган. Бундай схеманинг мавжудлиги пенсия таъминотини молиявий бошқаришнинг давлат органи сифатида Пенсия жамғармасини ташкил қилишга зарурат бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9-сонли қарорига кўра, ССЖ Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилди. Бу пенсия таъминоти тизимидаги янги босқич эди. Айнан шу даврдан бошлаб мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида янгиланиш ва ислохотлар жараёнлари бошланди. 1994 йилда эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Кейинчалик, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарорига асосан Ижтимоий суғурта жамғармаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди ва давлат бюджети таркибига киритилди.

Мазкур жамғарма Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўзгарди ҳамда жамғармага мажбурий тўловлар солиқларга тенглаштирилди ва бу Солиқ кодексига мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғарма Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди. Бунда юзага келган ўзига хослик шундаки, пенсия ишларини тайинлаш ва ҳисоблаш ишлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (ҳозирги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) ваколатларида сақланиб қолган бўлсада, маблағларни жамлаш, молиялаштириш ишлари Молия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли фармони ҳамда ПҚ-1252-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг бугунги ҳолатини пенсия суғуртасининг элементлари билан тақсимлаш тизими кўринишида ифодалаш

мумкин. Ҳаттоки 2005 йилдан АТ Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия ҳам “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган тақсимловчи компонентлар асосида жорий қилинди.

Пенсия тизимидаги тақсимловчи компонент илк бор “Бисмарк модели” асосида ташкил этилган бўлса-да, биздаги ҳозирги тизим кўпроқ совет даврида амал қилган пенсия таъминоти нормаларини мерос қилиб олган. Буларни қуйидаги омиллар орқали кўриш мумкин:

- уч турдаги (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик) меҳнат пенсияларининг амал қилиши;

- кўплаб имтиёзли пенсия ва нафақа (моддий ёрдам)ларнинг мавжудлиги;

- пенсия миқдорини аниқлашда паст дифференциация кўрсаткичи;

- белгиланган пенсия ёшининг паст эканлиги ва ўзгаришсиз қолаётганлиги (эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш);

- аёлларнинг ўртача умр кўриш ёши эркакларникига нисбатан юқори эканлигига қарамай, улар учун пенсия бўйича имтиёзлар кўплиги.

Мазкур омилларнинг ижобий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсионерлар учун муносиб турмуш тарзини яратишга имконият беради.

Ўзбекистонда охириги ўн йилликда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йилда жами пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 3 071,0 минг нафар бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 4 253,0 минг нафарга ошган яъни 28 фоизгача кўпайган. Бунда энг юқори улуш ёшга доир пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келиб, 2 987,0 минг нафарни ташкил қилмоқда. Кейинги ўринларда ногиронлик пенсиясини олувчилар 409,0 минг нафарни, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 289,0 минг нафар, ижтимоий нафақаларни олувчилар эса 568,0 минг нафарни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони<sup>б</sup>

Йил	Пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони	Ёшга доир пенсия олувчилар сони	Ногиронлик пенсиясини олувчилар сони	Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони	Ижтимоий нафақа олувчилар сони
2012	3 071 000	2 118 000	406 000	261 000	286 000
2013	3 091 000	2 148 000	392 000	250 000	301 000
2014	3 120 000	2 182 000	381 000	242 000	315 000
2015	3 204 000	2 263 000	368 000	242 000	331 000
2016	3 324 000	2 369 000	361 000	241 000	353 000
2017	3 489 000	2 481 000	368 000	248 000	392 000
2018	3 690 000	2 618 000	380 000	260 000	432 000
2019	3 878 000	2 750 000	392 000	261 000	475 000
2020	4 029 000	2 849 000	396 000	270 000	514 000
2021	4 253 000	2 987 000	409 000	289 000	568 000

Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошиши 2022 йилда ҳам давом этмоқда ҳамда 1 ноябр ҳолатига кўра жами 4 267,0 минг нафар бўлиб, жами аҳоли таркибида 12 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса йилдан-йилга пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони ошиб бораётганлигини кўрсатади..


Бугунги кунда пенсия таъминотининг барқарорлиги кўпроқ суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга тизим мавжудлиги ва фаолияти билан ўлчанади.

Амалда Ўзбекистондаги тақсимлаш хусусиятига эга пенсия тизими билан истиқболда пенсионерларнинг турмуш даражасини таъминлаш имконияти жуда паст бўлади. Буларга қуйидаги омилларни келтириш мумкин:


– таркибида иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчиларнинг салмоғи ўзгариши ҳисобига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига таъсир этиши.

<sup>б</sup> www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси расмий веб сайти маълумотлари.

## MOLIYA VA SOLIQLAR



**1-расм. Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, 2022 йил 1 ноябр ҳолатига<sup>7</sup>**



**2-расм. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия олувчиларнинг жами пенсионерлар таркибидаги салмоғи ўзгариши (фоиз ҳисобида)<sup>8</sup>**

<sup>7</sup> www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-сайти маълумотлари.

<sup>8</sup> www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-сайти маълумотлари.

Пенсия жамғармаси биринчидан давлат пенсияларини (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик) тайинлаш ва тўлаш, пенсионерларни пенсияга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш билан шуғулланса, иккинчидан камбағалликни қисқартиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя институти сифатида намоён бўлади. Шунингдек норасмий (яширин иқтисодиёт) секторда банд бўлганларнинг ҳисобига келажакда Пенсия жамғармаси даромадлари сезиларли ҳажмда пасайиб кетади. Бунга сабаб пенсия учун фақат иш берувчилар томонидан белгиланган миқдорлардаги ижтимоий солиқ тушумларининг тўланаётганлиги, ишловчилар томонидан пенсия учун ҳеч қандай маблағнинг тўланмаслиги, жисмоний шахслар айрим тоифаларининг ижтимоий солиқ тушумларини тўлаши ва мазкур тўланаётган маблағларнинг ҳисобланадиган пенсия миқдорида боғлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2021 йил якунлари бўйича жами меҳнат ресурслари сони 19 334,9 минг кишидан иборат бўлган бўлса, бунда иқтисодий фаол аҳоли сони 14 980,7 минг кишини ташкил этган. 15 млн. нафар иқтисодий фаол аҳолини пенсия тизимига тўлиқ қамраб олиш учун, аввало, Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалини маҳсус очиладиган ҳисоб рақамда жамғариб бориладиган кўринишда қайта жорий этиш мақсадга мувофиқ.<sup>9</sup>

Хулоса ўрнида пенсия таъминотини суғурта принципларига ўтказишда қуйидаги босқичларда амалга оширилиши зарур:

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини мустақил молия институти сифатида статусини ўзгартириш, ўз харажатларини ўзи мустақил қоплаши учун молиялаштиришнинг суғурта принципига ўтиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– пенсия учун маълум бир белгиланган бадалларни тўламаётган ёки имтиёзли асосда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш ёхуд қисқартириш;

---

<sup>9</sup> Турсунов Ж.П. Пенсия тўловларини индексациялашнинг хориж тажрибаси. //Moliya va bank ishi. 3 (2022), 14-18.

– пенсияга суғурта бадалларини тўлашнинг янгича механизмини ишлаб чиқиш, масалан, баллик тизимда ёки суғурта тўланган даврлар ва тўланган йиллик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб коэффициентлар белгилаш, белгиланган коэффициент ёки балларга қараб пенсияларни ҳисоблаш;

– суғурта моделига асосланган ва жамғариш компонентларига эга тизим асосида ҳар бир суғурта бадалини тўловчи (меҳнат қилувчи) шахс учун пенсия суғуртаси бўйича шахсий ҳисоб рақам (ПСШҲР) очиш ва маблағлар ҳисобини юритиш, ташкил этилган ПСШҲРни барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан тўлиқ интеграцияни таъминлаш.

2. Пенсия таъминоти тизими жозибадорлигини ошириш ва куйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағидаги ҳамда ПСШҲРда йиғилиб бориладиган маблағлардан ипотек, таълим ва бошқа истеъмол кредитларини олишда таъминот сифатида фойдаланиш ёки муддатидан олдин маблағларни ечишга руҳсат бериш;

– бугунги кунда республикада 2022 йил ноябрь ҳолатига кўра 631 та акциядорлик жамиятларида иқтисодий фаол аҳолининг аксарият қисми бандлигини ҳисобга олиб пенсия таъминотида корпоратив пенсия тизимини ишлаб чиқиш ёки бозор капитализацияси юқори бўлган акциядорлик жамиятлари (UzAuto Motors, ТИФ Миллий банк, Ўзбекнефтгаз, Ўзкимёсаноат ва б.) ҳузурида хусусий (нодавлат) пенсия жамғармаларини ташкил қилиш.

# ПЕРСПЕКТИВЫ ИННОВАЦИЙ В ТЕХНОЛОГИЧНОЙ, ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И ПРОДУКТОВОЙ СФЕРАХ СТРАХОВАНИЯ КАК ЭЛЕМЕНТА СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ ЮРИДИЧЕСКИХ И ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ В УЗБЕКИСТАНЕ

д.э.н. Азимов Рустам Садыкович  
*АО НКЭИС “Узбекинвест”, Генеральный директор*  
к.т.н. Мирсадилов Мирадил Абдуллаевич  
*директор школы страхования АО НКЭИС “Узбекинвест”*

**Аннотация.** Развитие инновационной деятельности в значительной степени определяет экономический рост государства, занятость населения и составляет существенный элемент базы, на которой основывается экономическое развитие общества. Инновационная деятельность является важной составляющей развития любой экономической системы, в том числе и страхового рынка. В статье рассмотрены перспективы инноваций в технологичной, экономической и продуктовой сферах страхования как элемента системы управления рисками юридических и физических лиц в Узбекистане и сделаны практические выводы.

**Ключевые слова:** страхование, инновации, страховые продукты, страховые компании

## **Введение**

Инновации в технологичной, экономической и продуктовой сферах страхования как элемента системы управления рисками юридических и физических лиц в Узбекистане представляют собой сложное явление, которое требует всестороннего изучения и оценки. Среди отечественных и зарубежных исследователей нет единого подхода к определению инноваций в страховании [1-8]. В рамках настоящей статьи под инновациями в страховании являются новые страховые продукты и страховые технологии, полученные путем использования научных идей и знаний, совершенствования систем продвижения страховых продуктов и урегулирования страховых



претензий, общего совершенствования системы коммуникаций между профессиональными участниками страховой деятельности. Таким образом, под дефиницией “инновации в страховании” в настоящем исследовании понимается модернизация общества и государства, которая влечет за собой изменение существующего или создание нового страхового продукта для более полного удовлетворения потребности физических и юридических лиц в надежной страховой защите и расширения применения страховых механизмов для эффективного управления рисками физических и юридических лиц. В области применения страховых механизмов для защиты имущественных интересов физических и юридических лиц в Узбекистане инновации могут осуществляться в технологичной, экономической и продуктовой сферах.

#### **Актуальность темы исследования**

В настоящее время в Узбекистане создалась уникальная ситуация: на фоне всеобъемлющих процессов модернизации социально-экономической сферы страны в повседневную жизнь жителей Узбекистана внедряются самые новые и передовые коммуникативные технологии. Население страны втягивается в использование новых технологий и средств связи, при этом происходит взрывной рост участников интернет сетей, форумов, интернет-журналов. Следует отметить, что в сфере страховых услуг в Узбекистане, как и во всем мире растет количество онлайн-сервисов, существенная часть потенциальных клиентов страховых компаний в качестве первичных источников информации по страховым услугам используют интернет-ресурсы. На современном этапе развития страхового рынка, как отмечают некоторые исследователи, поведенческая психология потенциальных пользователей финансовых услуг, в том числе и страховых, определяется интернет сетями и онлайн общением [9].

Целью исследования является анализ перспектив инноваций в технологичной, экономической и продуктовой сферах страхования как элемента системы управления рисками юридических и

физических лиц в Узбекистане и на этой основе разработка соответствующих предложений и рекомендаций.

При написании настоящей статьи применялись такие методы исследования, как анализ и синтез имеющейся информации в области инноваций в страховании, экспертной оценки, научного абстрагирования и другие.

Основные результаты проведенного исследования.

По степени инновационности страховые продукты различают:

- страховые продукты с совершенно новыми нишевыми инновациями, их количество ограничено в виду их достаточно высокой стоимости;

- страховые продукты с комбинированными инновациями (чаще всего это пакетные страховые продукты, объединяющие в себе достоинства нескольких страховых продуктов, пользующихся спросом);

- страховые продукты с "модифицирующими инновациями" (усовершенствованные страховые продукты, ранее предлагавшиеся на страховом рынке) [10].

Чаще всего инновации осуществляется в продуктовой сфере страхового рынка, что объясняется изменением страховых интересов физических и юридических в условиях модернизируемой экономики. В свою очередь изменение страховых интересов обуславливается изменением социально-экономической ситуации в обществе.

В рамках настоящего исследования принято, что продуктовые инновации направлены на совершенствование оказания основных услуг, а технологические инновации относятся к совершенствованию оказания вспомогательных услуг в рамках договора страхования. Продуктовые инновации отечественными страховщиками осуществляются двумя способами:

- страховая компания создает принципиально новый страховой продукт, обладающий потребительскими качествами, которых не было ранее, причем аналогов принципиально нового страхового продукта нет ни в отечественной, ни в зарубежной практике;

- усовершенствование существующего страхового продукта за счет придания ему новых потребительских свойств, при этом существующий страховой продукт может быть взят из собственной практики, практики конкурентов или зарубежной практики, а также практики оказания других финансовых услуг

На современном этапе развития отечественного страхового рынка страховщики в большинстве случаев в качестве инновационного страхового продукта используют модификацию зарекомендовавшего себя страхового продукта, путем придания ему новых потребительских свойств и качеств, необходимых для эффективной защиты имущественных интересов физических и юридических лиц в условиях модернизируемой экономики.

На страховом рынке Узбекистана инновационные страховые продукты, как правило, внедряются лидерами по сбору страховой премии и затем копируются другими участниками рынка. Копирование отечественного передового опыта экономически оправдано – страховщик не тратится на разработку инноваций, а просто копирует чужой положительный опыт. Однако прямое копирование передовых инновационных страховых продуктов, положительно зарекомендовавших себя на зарубежных рынках, на страховом рынке Узбекистана может не дать положительный эффект, а в отдельных случаях даже может привести к негативному результату. Заимствование передовых зарубежных инновационных продуктов необходимо осуществлять с учетом технологичности местных страховщиков, менталитета и платежеспособности потенциальных клиентов страховых компаний.

На современном этапе развития отечественного страхового рынка широкому внедрению инноваций в страховую деятельность препятствуют такие нерешенные проблемы, как:

- узкий перечень инвестиционных инструментов, доступных местным страховщикам при инвестировании временно свободных средств и, как следствие этого низкая доходность инвестиций и ограниченные возможности по финансированию инноваций;

- недостаточный уровень развития инфраструктуры страхового рынка, ограничивающий доступность инновационных страховых продуктов для широкого круга потенциальных страхователей (практическое отсутствие каналов продвижения страховых услуг, ориентированных на работу с населением;

- практическое отсутствие специалистов, способных разрабатывать и внедрять инновационные страховые продукты;

- низкая информированность потенциальных страхователей о достоинствах инновационных страховых продуктов и как следствие этого низкий на них спрос.

### Выводы

Широкого применения инноваций в технологичной, экономической и продуктовой сферах страхования добиваются страховые компании осуществляющие свою деятельность на системной, комплексной основе. При этом они в качестве объекта инноваций рассматривают следующие основные факторы: организационная структура компании; применяемые технологические процессы, в том числе стратегическое и текущее планирование; информационное обеспечение деятельности страховщика; страховой менеджмент и страховой маркетинг. Следует отметить, что основными моментами стратегического планирования страховой организации является определение бизнес концепции и разработка миссии ее деятельности.

Внедрение инноваций в страховании, как правило, продолжительный по времени и требующий финансирования (иногда значительного) процесс, обладающий высокой степенью неопределенности, поэтому особую значимость приобретают вопросы планирования инновационной деятельности страховщика. При планировании каждой стадии инновационного процесса должно предусматриваться несколько альтернатив для своевременного учета меняющихся в ходе реализации инновационного проекта факторов и обеспечения возможности успешной реализации конкретной стадии и инновационного проекта в целом. Выбор альтернатив должен осуществляться с учетом возможности

пересмотра первоначального плана при кардинальном изменении исходных параметров или появлении новых или неучтенных рисков. Успешность реализации инвестиционного проекта существенно возрастает при информированности сотрудников страховщика о цели, задачах и проблемах, возникающих при внедрении инновационного проекта.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММОЛАР ВА ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич**  
*“Сугурта ва пенсия иши” кафедраси доценти,  
иқтисодиёт фанлари доктори*

Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш куннинг энг долзарб масаласи бўлган бир пайтда ҳаёт суғуртасининг ривожланишига бир қанча омилларнинг салбий таъсири, мамлакатимиздаги реал воқеликни ва унга хос бўлган хусусиятларни ҳамда илғор хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳаётни суғурталаш соҳасида инновацион механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган тегишли ишларни амалга оширишни талаб этади. Натижада эса, ҳаёт суғуртасининг ҳар бир потенциал суғурталанувчиларни ушбу фаолият турига жалб этувчанлигини янада ошириш орқали унинг узоқ муддатли прогрессив ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда, миллий ва хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз ҳаёт суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларига баҳо бериш, ҳаёт суғурта соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш, ҳаёт суғуртасини ривожлантириш билан

боғлиқ фундаментал муаммоларни топиш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кун тартибидаги энг долзарб масала эканлиги шубҳасиздир.

Умуман олганда, мамлакатимизда ҳаёт суғурта хизматлари бозорининг охириги йилларда ўсиш даражасини кўриш мумкин, аммо, ҳаёт суғуртаси мукофотлари ўтган йилларда ўртача икки баробарга ошган бўлсада, умумий натижа ЯИМдаги улуши 0,1 % эканлиги мавжуд имкониятлардан ҳамон етарлича фойдаланилмаганлигини билдиради. Ҳаёт суғуртаси ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич энг камида 2-10 % ни ташкил этади.

Мамлакатимизда ҳаёт суғуртасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни, фикримизча, икки гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи ва ички омилларга. Ташқи омиллар сирасига мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги билан боғлиқ бўлган куйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

- инфляция даражасининг юқори эканлиги;
- миллий валютанинг нобарқарорлиги;
- ҳаёт суғурта компаниялари учун суғурта захираларини ишончли жойлаштириш имкониятларининг ва жозибадор инвестиция инструментларининг камлиги, фонд бозорининг суст ривожланганлиги. Ҳаёт суғуртасининг жамғариш ва омонат функцияларини бажарилиши учун инвестициялар бозори ривожланган бўлиши зарур, аммо, мамлакатимизда ушбу ҳолатни етарли даражада деб бўлмайди;
- аҳолининг нобарқарор иқтисодий ва сиёсий вазиятдан ташвишланиши. Ҳаёт суғуртаси, биринчи навбатда, барқарор шароитлардагини самарали ишлайдиган соҳа ҳисобланади;
- аҳолининг реал даромадлари камлиги ёки тўлов қобилятининг пастлиги. Ҳаёт суғуртасини кенг жорий этилишига кўпчилик аҳолининг кам даромадлилиги тўсиқ бўлади. Аҳоли даромадининг асосий қисми биринчи даражали эҳтиёжлар учун сарфланади ва жамғариш учун кам маблағ қолади;
- ҳаёт суғуртасига оид тақдим этилган солиқ имтиёзлари таъсирчанлигининг етарли эмаслиги. Солиқ имтиёзлари жисмоний шахсларнинг фақатгина ҳаёт суғуртасига йўналтирган иш ҳақи

кўринишидаги даромадларига тегишли бўлиб, солиқ ставкаси пасайганда унинг таъсири ҳам пасаяди. Ушбу имтиёзларни жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортиладиган барча даромадларига нисбатан жорий этилиши мақсадга мувофиқ, деб уйлаймиз. Мисол учун, жисмоний шахсларнинг ижара шартномаси бўйича оладиган даромадлари ҳам 12 фоиз солиққа тортилади. Одатда, солиқдан қочиш мақсадида жисмоний шахслар ушбу даромадларини кам қилиб кўрсатадилар ёки умуман ижара шартномасини тузмайди. Бу эса, хуфиёна иқтисодийни кенгайтиради.

Ҳал этилиши суғурталовчиларнинг ўз зиммаларида бўлган, ҳаёт суғуртасининг ривожланишига таъсир этувчи ички омиллар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли характерга эга бўлганлиги, яъни полисларнинг амал қилиш даври 5-20 йил. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида, инфляция юқори бўлганда узоқ муддатли қўйилмалар аҳолида қизиқиш уйғотмайди;

- ҳаёт суғуртаси асосан аҳолининг ўрта қатлами учун хизмат қилади. Бунда, аҳоли харажатларидан даромадлари юқори бўлиши ва улар ушбу маблағларни келажак авлодига мерос қолдиришни ёки инвестиция учун фойдаланиб, қўшимча даромад олиш мақсадини кўзлаши назарда тутилган. Аммо, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳаётни инвестицион суғурта қилиш учун кенг суғурта (маҳсулотлари) базаси мавжуд эмас;

- аҳолининг ҳаёт суғуртаси бўйича маданияти пастлиги. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида ҳаёт суғуртаси ҳақидаги тасаввур, онг, суғурта маданияти, суғурта ҳақидаги тушунчалар унчалик даражада шаклланмаганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу эса, суғурта соҳасидаги энг катта муаммодир. Унинг асосий сабаби, ҳаёт суғуртаси бўйича малакали суғурта агентларининг камлиги ва ҳаёт суғуртаси моҳиятини ёритиб берувчи манбаларнинг йўқлигидир. Аҳоли орасида суғурта маданиятини шакллантиришнинг энг мақбул йўли малакали профессионал суғурта агентларини тайёрлашдир. Шу орқали, уларга ҳаёт суғуртасининг афзалликлари ҳақида маълумот бериш, рекламаларни ривожлантириш лозим;

- аҳолининг ҳаёт суғуртасига ёки суғурта компанияларига нисбатан ишончининг пастлиги. Ҳаёт суғуртасининг асосида суғурта мукофотларини инвестиция қилиш ётганлиги сабабли, суғурта компанияларининг барқарорлиги ва молиявий ҳолатига жиддий талаблар қўйилади. Умумий нобарқарорлик ва молиявий кризис содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатда суғурталовчилар узок муддатли истиқболга кафолат бера олмайдилар. Фикримизча, бундай шароитда, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш суғурталанувчилар (наф олувчилар) мулкӣ манфаатларининг ҳимоясини янада кучайтиради, аҳолининг ҳаёт суғуртасига бўлган ишончини таъминлайди ва суғурта бозорининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади;

- аҳолининг ўз жамғармаларини суғуртада жамғаришга мойиллик даражасининг пастлиги. Аҳоли молиявий институтларга бўлган ишончининг пастлиги сабабли, истеъмолидан ортган маблағларини жамғаришнинг энг мақбул йўли сифатида, пулларини АҚШ долларига айлантириб, уйларида сақлайдилар. Чунки, бу валютанинг йил сайин қадри кўтарилади, шу сабабдан уни маҳаллий иқтисодиётга ҳам инвестиция қилинмайдилар;

- миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи компанияларнинг камлиги. Қолаверса, ҳаёт суғурта компанияларининг барчаси умумий суғурта компанияларининг таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилган. Демак, ҳаёт суғурта тармоғи умумий суғурта тармоғининг таъсири остида қолган. Шу сабабдан, ҳаёт суғурта компаниялари сонини кўпайтириш ва уларни акционерлик жамияти шаклида ташкил этиш лозим;

- қонунчилик базасининг секин ривожланиши, қонунлардаги қарама қаршиликларнинг мавжудлиги. Бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган биринчи даражали вазифа ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги низом, ҳаётни суғурта қилиш тармоғидаги суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги ва тўлов қобилияти тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқишдир. Шунингдек,



“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга узок муддатли ҳаёт суғуртасига оид тегишли моддалар киритилиши лозим.

Умумий хулоса қилганда, ҳаёт суғуртасининг ривожланиши кўп жиҳатдан, миллий иқтисодиётнинг ҳолатига, макроиқтисодий барқарорлик, жамиятдаги инсонларнинг дунёқараши, иқтисодий билимларни эгаллаганлик даражаси, аҳолининг реал даромадлари, инфляция даражасига бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳаёт суғуртасининг тўлақонли шаклланиши учун унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий чораларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим: ҳаёт суғурта компаниялари устав капиталининг минимал қиймати имкон қадар тўғри ўрнатилиши; активларининг энг камида мажбуриятлардан ошиқ бўлиши (тўлов қобилияти маржаси); суғурта захираларининг суғурта мажбуриятларини бажаришга етарлилиги; балансининг ликвидлик кўрсаткичлари ва битта риск бўйича максимал жавобгарлик нормаларига амал қилиш.

## **ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ И ЦИФРОВИЗАЦИИ СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ**

**Закирходжаева Ширин Акмаловна**  
*доцент ТФИ кафедры*  
*«Страховое и пенсионное дело»*

Процесс цифровизации не привносит каких-либо новаций в теоретические подходы к страхованию жизни, которое рассматривается как экономические отношения, обусловленные наличием соответствующих страховых интересов у предприятий и граждан и их удовлетворением на основе формирования специализированного страхового фонда.

Цифровизация позволяет реализовать данные экономические отношения через новые цифровые технологии и интенсифицировать этот процесс. Использование цифровых технологий в различных бизнес-процессах страховщиками, специализирующимися на страховании жизни, может свидетельствовать о цифровизации страхования жизни. Тем не менее, перечень новых цифровых

технологий является открытым и применение иных сходных по свойствам технологий также способствует цифровизации страхования жизни.

Общими, свойственными и страховой деятельности, и деятельности по привлечению свободного капитала, выступают цифровизация коммуникаций со страхователями и цифровизация документооборота.

Для деятельности страховщиков жизни, направленной на удовлетворение потребности в страховой защите, в части цифровизации приоритетны следующие направления:

- формирование цифрового канала продаж;
- оценка риска по договору страхования;
- автоматизация процедур выплат.

Цифровизация деятельности страховщиков жизни по привлечению свободного капитала, прежде всего, нуждается в цифровизации управления инвестициями, в том числе при выборе смены стратегий инвестирования, установления лимитов, возможности фиксирования прибыли.

Анализ используемых новых цифровых технологий показывает значительные различия, обусловленные особенностями бизнес-процессов в компаниях, специализирующихся на страховании жизни и страховании ином, чем страхование жизни.

Страховщики жизни примерно в равной степени по сравнению со страховщиками non-life используют новые производственные технологии (телемедицина и другие) и технологии беспроводной связи.

Страховщики жизни значительно уступают страховщикам non-life в применении технологий интернетизации бизнес-процессов, технологии больших баз данных и технологий искусственного интеллекта. Часть технологий, хотя и обсуждаемых в профессиональном сообществе, пока не вызывает практического интереса (блокчейн, виртуальная реальность).

Во многом такая ситуация обусловлена особенностями подхода к организации каналов продаж страховых услуг и потребности в

сегментации клиентов. Страховщики жизни основные продажи осуществляют через посредников, а именно кредитные организации и собственных агентов. Страховщики, специализирующиеся на страховании ином, чем страхование жизни, активно развивают интернет продажи, применяют технологии анализа больших баз данных и систем искусственного интеллекта как в части выделения новых клиентских сегментов, так и для обнаружения подозрительных (мошеннических) операций.

Страховые компании по страхованию жизни и страхованию pop-life примерно сходятся во мнении, что в качестве основных причин недостаточного развития страхового бизнеса выступают:

- недостаточная адаптация цифровых технологий для страховых услуг;
- отсутствие спроса на оцифрованные страховые программы;
- недостаток квалифицированных кадров в области новых цифровых технологий и страхования.

На современном этапе рынок страхования жизни переживает структурные изменения, связанные с устойчивым снижением доли вмененного кредитного страхования и с увеличением доли добровольного, прежде всего инвестиционного страхования жизни. Высокие темпы прироста показателей по страхованию жизни, опережающие темпы прироста по другим видам страхования и общеэкономические показатели позволили увеличить значение страхования жизни на страховом рынке и в национальной экономике, а также прогнозировать достижение в ближайшие два года показателей рынков Восточной и Центральной Европы. В условиях сохранения потенциала дальнейшего роста следует ожидать усиления конкуренции на рынке страхования жизни, а также потребности страховщиков жизни в технологиях, направленных на повышение их конкурентоспособности, в том числе в технологиях цифровизации страхования жизни.

Особенности цифровизации рынка страхования жизни обусловлены неоднородностью деятельности страховщиков по экономической сути, которая может рассматриваться и как

страховая деятельность, так и деятельность по привлечению свободных денежных средств. Приоритетными направлениями цифровизации страховой деятельности страховщиков жизни выступают формирование цифровых каналов продаж, пред- и пост-продажная оценка риска по договору страхования, автоматизация процедур выплат. Деятельность по привлечению свободных денежных средств нуждается, прежде всего, в цифровизации управления инвестициями (выбор стратегии, установление лимитов и «стопов», фиксирование прибыли и прочие функции). Поэтому оценивая уровень цифровизации страховщиков жизни по бизнес-процессам, необходимо учитывать линии бизнеса в деятельности страховой компании.

Современная практика цифровизации страховщиков жизни сложилась свободным образом в соответствии с рыночными условиями, изучение причин отставания и перспектив важно для тех отраслевых рынков, на которых нет государственного вмешательства, в соответствии с которым проводится «цифровизация сверху», вводятся требования по интернет-продажам или сопровождению договоров. В итоге внедрение цифровых технологий для страховщиков жизни идет существенно медленнее, чем на страховом рынке в целом, но значительно устойчивее и с условием немедленного коммерчески успешного использования.

## **TIBBIY SUG‘URTA VA UNING AHAMIYATI**

**Baratova Dinora Alisherovna**

*TDIU dosent v.b.*

**Olmosova Munisa Sherxon qizi**

*TDIU 3-bosqich talabasi*

Tibbiy sug‘urta – shaxsiy sug‘urtaning bir tarmog‘i bo‘lib, sug‘urtalangan shaxsning ma‘lum bir kasalliklarga chalinishi va sog‘lig‘ining yomonlashishi bilan bog‘liq risklarni sug‘urtalashga mo‘ljallangan sug‘urta turi. Bu sug‘urta mahsulotini barcha sug‘urta kompaniyalari o‘zining sohasiga ko‘ra, ishlab chiqilgan sug‘urta

xizmatlari asosida taqdim etadi. Bugun milliy sog‘liqni saqlash tizimiga joriy etilgan sug‘urta tizimida aholi pul to‘lamaydi, sug‘urta doirasida har bir fuqaroning salomatligini kafolatlangan paket asosida davlat budjeti mablag‘i hisobidan sug‘urta qilinadi. Bu bilan sohaga ajratilayotgan budget mablag‘laridan maqsadli foydalanish, kasalliklarni erta aniqlash, aholiga ko‘rsatilayotgan tibbiy xizmat sifati va ko‘lamini yanada oshirishga erishiladi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati, Zumrad Bekatovanning fikriga ko‘ra, Tibbiyot sohasida sug‘urta tizimining to‘liq yo‘lga qo‘yilishi sog‘liqni saqlash tizimiga ajratilayotgan mablag‘lar doirasida birlamchi tibbiy-sanitariya yordami ulushi oshishiga, aholining ijtimoiy zaif toifalari vakillarini sifatli tibbiy xizmat bilan ta‘minlanganlik darajasini oshirishga, tibbiy xizmatlar bozorida ochiqlik va shaffoflikni ta‘minlashga, aholining tibbiy yordam uchun to‘g‘ridan to‘g‘ri to‘lovlari darajasini kamaytirishga xizmat qiladi. Shuningdek, tibbiyot muassasalarining moliyaviy mustaqilligini yaxshilash, tibbiyot xodimlarini moddiy rag‘batlantirish mexanizmlarini kengaytirish, aholiga davlat tomonidan kafolatlangan tibbiy yordam ko‘rsatishga xususiy tibbiyot tashkilotlarini jalb qilgan holda tibbiy xizmatlar bozorida raqobat muhitini rivojlantirish imkoniyatini yaratadi. Bir so‘z bilan aytganda, aholiga ko‘rsatilayotgan tibbiy xizmatlar sifatini yanada oshirishga zamin yaratadi.

Sog‘liqni saqlash sug‘urtasi yoki tibbiy sug‘urta (Janubiy Afrikada tibbiy yordam sifatida ham tanilgan) tibbiy xarajatlarga duchor bo‘lgan shaxsning xavfini to‘liq yoki bir qismini qoplaydigan sug‘urta turidir. Sug‘urtalovchi sog‘liq uchun xavfning umumiy xavfini va sog‘liqni saqlash tizimi xarajatlarini xavf-xatar pulidan baholash orqali sug‘urta shartnomasida ko‘rsatilgan sog‘liqni saqlash to‘lovlari to‘lash uchun pulni taqdim etish uchun oylik mukofot yoki ish haqi solig‘i kabi muntazam moliyaviy tuzilmani ishlab chiqishi mumkin. Imtiyozlar markaziy tashkilot, masalan, davlat organi, xususiy biznes yoki notijorat tashkilot tomonidan boshqariladi. Amerika sog‘liqni sug‘urtalash assotsiatsiyasining ma‘lumotlariga ko‘ra, tibbiy sug‘urta „kasallik yoki jarohatlar natijasida nafaqalarni to‘lashni ta‘minlaydigan qoplama“ deb ta‘riflanadi. U baxtsiz hodisa, tibbiy xarajatlar, nogironlik

yoki tasodifiy o‘lim natijasida yetkazilgan zararlarni sug‘urtalashni o‘z ichiga oladi. AQShda tibbiy sug‘urtaning ikki turi mavjud — soliq to‘lovchi tomonidan moliyalashtiriladigan va xususiy moliyalashtiriladigan. Xususiy sug‘urta rejasiga misol sifatida ish beruvchi tomonidan moliyalashtiriladigan o‘z-o‘zidan moliyalashtiriladigan ERISA rejasidir. Kompaniya odatda yirik sug‘urta kompaniyalaridan biriga ega ekanligini e‘lon qiladi. Biroq, ERISA holatida, bu sug‘urta kompaniyasi „sug‘urta akti bilan shug‘ullanmaydi“, ular faqat uni boshqaradi. Shuning uchun, ERISA rejalari davlat qonunlariga bo‘ysunmaydi. ERISA rejalari AQSh Mehnat Departamenti (USDOL) yurisdiksiyasi ostidagi federal qonun bilan tartibga solinadi.

O‘zbekiston Respublikasida majburiy davlat tibbiy sug‘urtasi faoliyatini yo‘lga qo‘yish maqsadida 2021-yilda Sirdaryo viloyatida tajriba-sinov tariqasida jarayonlar boshlangan. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sog‘liqni saqlash tizimini tashkil etishning yangi modeli va davlat tibbiy sug‘urtasi mexanizmlarini Sirdaryo viloyatida joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 12-noyabrdagi PQ-4890-son qarori qabul qilingan bo‘lib unda Sirdaryo viloyatida davlat tibbiy sug‘urtasi tizimini tajriba-sinov tariqasida joriy etish Konsepsiyasi yoritilgan. Konsepsiyaning asosiy maqsadi 2021-yil 1-iyuldan 2022-yil yakunigacha bo‘lgan muddatda Sirdaryo viloyatida davlat tibbiy sug‘urtasi tizimini tajriba-sinov tariqasida joriy etish orqali ushbu hududda tibbiy xizmatlar ko‘rsatish va sog‘liqni saqlashni moliyalashtirishning yangi modellarini aprobatsiyadan o‘tkazishdan iborat. Konsepsiyani amalga oshirishda quyidagi asosiy vazifalar belgilab qo‘yilgan:

- ✓ sog‘liqni saqlashni moliyalashtirishning samarali mexanizmlarini hamda tibbiy xizmatlar ko‘rsatishning yangi modellarini amaliyotga tatbiq etish;

- ✓ tibbiy xizmatlar uchun to‘lovlarni natijaga asoslangan moliyalashtirish usullari (jon boshiga moliyalashtirish, “davolangan holat” va bajarilgan ishlar natijalari) orqali amalga oshirish mexanizmini joriy qilish;

✓ davlat tomonidan kafolatlangan tibbiy yordam doirasida tibbiy xizmatlar strategik xaridini amalga oshirish metodologiyasini ishlab chiqish;

✓ barcha darajadagi ambulator-poliklinika hamda statsionar davolash-profilaktika muassasalarida zamonaviy klinik va iqtisodiy boshqaruv mexanizmlarini yaratish;

✓ mutaxassislarni o'qitish, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish orqali sog'liqni saqlashni boshqarish, moliyalashtirish hamda tibbiy xizmatlar ko'rsatish sohalarida kadrlar salohiyatini mustahkamlash;

✓ tajriba-sinov loyihasi doirasida tibbiy xizmatlar ko'rsatish sohasida integratsiyalashgan axborot tizimi va resurslarini yaratish hamda ularning uzluksiz ishlashini ta'minlash.

Tibbiy sug'urtaning 2 ta shakli mavjud bo'lib, ular: ixtiyoriy tibbiy sug'urta va majburiy davlat tibbiy sug'urtasi. Ixtiyoriy tibbiy sug'urta bo'yicha kompaniya ixtiyoriy ravishda tarif stavkasini belgilashi va shu tarif stavkalari asosida tibbiy xizmatlarni qo'shib borish huquqiga ega. Majburiy tibbiy sug'urta - bu sug'urta hodisasi yuz bergan taqdirda shaxsning bepul tibbiy yordam olishi uchun davlat tomonidan yaratilgan chora-tadbirlar tizimidir. Majburiy tibbiy sug'urta holatida sug'urtalovchining mablag'lari mavjudligidan qat'i nazar, sug'urtalangan shaxsning huquqlariga rioya etilishini davlat kafolatlaydi. Davlat tibbiy sug'urtasi tizimini joriy etishdan asosiy maqsad — kasalliklarning oldini olish, erta aniqlash, tibbiy yordam ko'rsatishning birlamchi bo'g'inida malakali va sifatli xizmatlar ko'rsatishni tashkil etish, aholining salomatlik darajasi, o'rtacha umr ko'rish davomiyligini oshirishdan iborat. Ushbu tizimning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalangan holda joriy qilinishi ishtirokchilar o'rtasida axborot almashinuvini ta'minlash hamda tibbiyot xodimlari va bemorlar uchun kerakli ma'lumotlarni olish imkonini beradi. Davlat tibbiy sug'urtasining joriy qilinishi sog'liqni saqlash tizimini to'liq axborotlashtirishni talab etadi. Buning natijasida birlashtirilgan aholining elektron ro'yxati shakllantiriladi, bemorlar kesimida tibbiy ma'lumotlar bazasi yaratiladi, tizimdagi tibbiyot tashkilotlarini sog'liqni saqlashning milliy yagona

axborot tizimiga ulash, o'zaro axborot almashinuvini ta'minlash hamda aholi uchun tibbiy yordamning bepul va pullik hajmlari chegarasini aniqlash imkoni yaratiladi.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Ражабов Нуриддин Навшанович**  
***“Молия” кафедраси катта ўқитувчиси***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича туб ислохотлар ва янгиланишлар янги босқичга кўтарилди, хусусан, жорий йилда янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган туб мақсад – “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш”<sup>10</sup> ҳисобланади. Инсон қадрини юксалтириш ва яхшилаш бевосита жамиятнинг барча аъзоларини нормал яшаш шароитлари билан таъминлаш, етарли даражада ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш билан белгиланади, зеро Янгиланган Конституциямизда ҳам Ўзбекистоннинг “суверен, демократик, ҳуқуқий, дунёвий”лиги билан бир қаторда “ижтимоий” давлат<sup>11</sup> деб белгиланганлиги ҳам бежиз эмас. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, келгусида мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш, пенсия, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорларини нормал турмуш кечиришлари учун зарур миқдорларга етказиш, жамиятнинг барча аъзоларни ижтимоий ҳимоя тизимига қамраб олиш борасида жамиятнинг барча аъзолари ва давлатнинг масъулиятининг ошишини таъкидлаш жоиз. Бу борада пенсия тизимини

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1-модда. <https://lex.uz/uz/docs/6445145>



такомиллаштириш ва яхшилаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади, буни Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида акс этган бир неча мақсадларлар орқали асослаш мумкин:

- Фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш;

- халқаро тамойил ва стандартларга мувофиқ кўп босқичли ва давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш;

- фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идоралараро электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш ва бошқалар.<sup>12</sup>

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида белгиланган “Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш” борасида бир қанча чора тадбирлар амалга оширилди:

- 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилди;

- аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга оширилди;

- болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланди. Амалга оширилган мазкур ўзгаришлар пенсия олувчиларнинг даромадларининг ошишига ва уларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишига хизмат қилган;

- ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. 54-мақсад. <https://lex.uz/docs/5841063>

- кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш кабилар шулар жумласидандир.

Бироқ иккинчи томондан ижтимоий ҳимоя ва пенсия тизимидаги чора-тадбирларни молиялаштириш давлат учун давлат харажатларининг ошишига олиб келади, бу харажатларни молиялаштириш давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси учун юкни оширади. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш келгусида янада долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида пенсия тизимини ислоҳ қилишда ва пенсия тизими мутаносиблигини таъминлашда куйидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармаси харажатларига мутаносиб равишда даромадлар йўналишларини кенгайтириб бориш зарур;

- пенсия тизимида иштирок этмаётган ишловчиларни пенсия тизимида иштирок этишларини таъминловчи чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- пенсия миқдорлари ва пенсия тизимида тўланган бадаллар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш;

- пенсия даврини меҳнат стажи давомийлигига боғлиқлигини юзага келтириш ва чора-тадбирларни шунга монанд амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

## **СУҒУРТА МЕХАНИЗМИ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИ**

**Кенжаев Илҳом Ғиёзович**

*Суғурта ва пенсия иши кафедраси доценти*

Суғурта компаниясининг фаолияти суғурталанувчиларнинг суғурта мукофотлари ҳисобидан пул фондларини (суғурта захиралари) ташкил қилиш ва тузилган суғурта шартномаларида кўзда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда ушбу фонд

ҳисобидан зарарларни қоплашдан иборат. Суғурта ҳодисалари кам юз берган ҳолатда тўпланган заҳиралар ва қопламалар ўртасидаги фарқ фойда сифатида шаклланади. Суғурта компаниясининг иккинчи асосий даромад манбаи, шаклланган суғурта заҳираларини вақтинчалик инвестицияга йўналтирган ҳолда кўриладиган даромаддан иборат. Бундан ташқари суғурта компанияси ўқитиш-малака ошириш ишларини ташкил қилиш, суғурта бозорида агент сифатида ва фонд бозорида брокер сифатида воситачиликни амалга ошириш билан даромад кўриши, қайта суғурта фаолияти билан шуғулланиши, регресс тартибида ундирилган маблағлар ҳамда асосий воситаларни сотиш, корхоналар устав капиталида муассис сифатида иштирок этиш ҳамда рухсат берилган ҳолатда кредит фаолиятини амалга ошириш ҳисобидан даромад кўриши мумкин.

Молиявий ресурслар оқими – бу пул маблағларининг тушуми ва харажати бўлиб, суғурта компанияси маблағларининг айланма ҳаракати бир нечта нисбатан мустақил пул оқимларининг ўзаро муносабатидан ташкил топади:

1) суғурта мукофотларини тўплаш ва суғурта ҳодисаси юз берган суғурталанувчилар ўртасида уларни суғурта қопламаси сифатида тақсимлаш;


2) вақтинчалик бўш суғурта заҳираларини инвестицияга йўналтириш орқали даромад олиш;

3) хусусий капиталдан инвестицион манба ва зарарларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш унинг ўрнини фойда, эмиссион маблағ ва бошқа тушумлар ҳисобидан қоплаш;

4) қайта суғурта фаолияти маблағларни қайта суғурта мукофоти сифатида бирламчи суғурталовчидан қайта суғурталовчига ҳаракатини ва қайта суғурталовчидан бирламчи суғурталовчига қайта суғурта комиссияси, тантъема, суғурта ҳодисаси бўйича зарарнинг бир қисмини қоплаш кўринишидаги ҳаракатини таъминлайди.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурслари вақт нуқтаи-назаридан молиявий оқимни ўзида акс эттиради. Суғурта компаниясининг молиявий оқимини расм орқали қуйидагича

тасвирлаш мумкин (1.1-расмга қаранг).



1-расм. Суғурта компаниясининг молиявий оқимлари<sup>13</sup>

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ҳар қандай хўжалик субъектида пул оқимлари икки қисмдан – даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлади. Аммо уларнинг таркиби, айниқса суғурта ташкилотларида ўзига хос таркибдан иборат бўлади. Даромадларнинг асосий қисми суғурта фаолиятидан ва инвестиция фаолиятидан ташкил топади. Харажатларнинг асосий қисми суғурта заҳиралари ва қайта суғурта харажатларидан, кейинги ўринда давр харажатлари ва молиявий харажатлардан ташкил топади.

Суғуртада суғурта компанияси учун барқарорлик ва хавфсизликка интилиш муҳим ҳисобланади. Суғурта компанияларига нисбатан кўп ҳолларда “биринчи ўринда ишончлилик” концепцияси қўлланилади<sup>14</sup>.

Суғурта компанияси бир маромда фаолият кўрсатиши учун қисқа ва узоқ муддат давомида даромадлар харажатларга тенг ёки ундан юқори бўлиши керак. Яъни суғуртанинг ҳар бир тури бўйича эквивалентлик шарти бажарилиши керак ва буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Суғурта мукофоти + инвестицион даромад – суғурта мукофотида қайта суғурталовчилар улуши  $\geq$  тўловлар + харажатлар – қайта суғурталовчиларнинг суғурта қопламаларидаги ҳиссаси.

Демак, бу дегани, мазкур суғурта тури бўйича тўпланган суғурта мукофотлари суғурта ҳодисалари бўйича тўловлар билан суғурта компанияси харажатларининг йиғиндисидан инвестиция ва қайта суғурта даромадларини айириб ташлагандаги суммага тенг ёки ундан ортиқ бўлиши керак, яъни:

Суғурта мукофоти  $\geq$  (қопламалар – инвестицион даромадлар) + харажатлар + суғурта мукофотларида қайта суғурталовчилар улуши – суғурта тўловларида қайта суғурталовчилар ҳиссаси.

Ушбу нисбатдан кўриниб турибдики, суғурта мукофоти (брутто-мукофот) иккита қисмдан ташкил топиши керак. Биринчи қисм (нетто-мукофот) суғурта заҳираларини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, ушбу заҳиралардан суғурта қопламалари

---

<sup>14</sup>Крутик А.Б., Никитина Т.В. Организация страхового дела. СПб.: Изд.дом “Бизнес-пресса”. 1999. – с.304

тўланади. Иккинчи қисм (юклама) иш юритиш харажатларини коплашга ва суғурта компаниясининг режадаги фойдасини шакллантиришга мўлжалланган. Режадаги фойда таркибидан захира фондига ажратмалар ажратилади.

## **QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASINI MOLIYAVIY QO‘LLAB- QUVVATLASHDA SUBSIDIYA VA SUG‘URTALASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH**

**Xatamov Adxam Sobirovich**

*O‘zRQXV oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi sohasida strategik  
rivojlanish va tadqiqotlar xalqaro markazi mustaqil izlanuvchisi*

O‘zbekiston iqtisodiyotining yetakchi tarmoqlaridan biri hisoblangan qishloq xo‘jaligini davlat tomonidan moliyaviy qo‘llab-quvvatlash O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasida ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida belgilangan. Ushbu vazifalarni amalga oshirish uchun qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarini davlat tomonidan moliyaviy qo‘llab-quvvatlash mexanizmini takomillashtirish, jumladan, strategik ahamiyatga ega bo‘lgan ayrim qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirishga ajratilgan tijorat kreditlarining foiz stavkalarini subsidiyalash zarur. Ushbu holat agrar soha korxonalarining kredit to‘loviga layoqatliligi darajasini oshirish, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilarini kreditlash va sug‘urtalash jaryonini davlat tomonidan moliyaviy qo‘llab-quvvatlash amaliyotini takomillashtirish ilmiy-amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan ilmiy muammolardan biri hisoblanadi.

2019-2030 yillarda Qishloq xo‘jaligini rivojlantirish milliy strategiyasi mazkur sohada Jahon banki Guruhi hamda boshqa xalqaro hamkorlar tomonidan qo‘llab-quvvatlanishga tayyor bo‘lgan islohotlarni amalga oshirish uchun asosiy hujjatga aylanishi lozim. Uning qabul qilinishi va keyinchalik hukumat tomonidan amalga oshirilishi yuqorida tilga olingan chaqiriqlarni mamlakatni rivojlantirish va O‘zbekiston xalqi farovonligini oshirish uchun iqtisodiy imkoniyatlarga aylantirishga zamin yaratadi. Qishloq xo‘jaligi korxonalarini moliyasining mohiyati birinchi

navbatda qishloq xo'jaligining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqadi.

Qishloq xo'jaligida yer, chorva mollari va boshqa tabiiy boyliklardan ishlab chiqarish jarayoniga jalb etilgan bo'lib, bu uning iqtisodiyotning boshqa tarmoqlaridan farqlanishiga sabab bo'ladi. Xususan, qishloq xo'jaligida asosiy ishlab chiqarish vositasi bo'lgan yer boshqa asosiy vositalar singari eskirmaydi (amortizatsiya qilinmaydi) va shu tufayli mahsulot tannarxini shakllantirishda ishtirok etmaydi. Shu bilan bir vaqtda yer uchastkalarining tabiiy unumdorlik darajasi va joylashgan o'rni qishloq xo'jaligi korxonalarini differensial daromad (renta) hosil bo'lishiga sabab bo'ladi.

Qishloq xo'jaligi asosiy ishlab chiqarish fondlarining aksariyat qismini mahsulotlar va ishchi hayvonlar tashkil etadi. Ammo, ularni takror ishlab chiqarish jarayoni bevosita qishloq xo'jaligining o'zida amalga oshiriladi. Yer singari mahsulodori chorva mollariga nisbatan qisqa amortizatsiya hisoblanmaydi va u mahsulot tannarxini shakllanishida ishtirok etmaydi.

Qishloq xo'jaligida ishlatiladigan ko'pgina xomashyo va materiallar bevosita korxonaning o'zida yaratiladi. Yaratilgan mahsulotning ma'lum bir qismi (podani to'ldirish uchun yosh mollar, urug'lik, chorva mollari uchun oziqa, mahalliy o'g'it sifatida go'ng va boshqa.) realizatsiya qilinmay, korxonaning o'zida takror ishlab chiqarish jarayonida foydalanish uchun olib qolinadi.

Chorva mollarini boqish va o'simliklarni parvarishlash ishlab chiqarish jarayoniga avanslangan aylanma mablag'larning uzoq vaqt davomida aylanishini talab etadi. O'simlikchilikda u bir yilgacha, chorvachilikda esa 9 oygacha davom etadi. Buning natijasida qishloq xo'jaligi mahsulotlarining asosiy qismi yil oxirida (asosan chorakda) realizatsiya qilinadi va pul tushumining bir maromda aylanishiga imkon bermaydi. Bu esa xo'jalikning yakuniy moliyaviy natijalarini faqatgina yil yakuniga ko'ra aniqlashni taqozo etadi.

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining tabiiy – iqlimiy shart – sharoitlarga bog'liqligi hosilsizlik, suv toshqini, qurg'oqchilik va boshqa tabiiy ofatlar ta'siriga qarshi korxonalarining moddiy va pul zahira fondlarini yaratishni taqozo qiladi. Ishlab chiqarish jarayonining uzoqligi

sababli qishloq xo‘jaligida yil boshida qilingan sarf-xarajatlar o‘z natijasini yil oxirida beradi. Masalan, kuzgi bug‘doy ekin uchun oktyabr oylarida yerlar tayyorlanib urug‘lik sepiladi va may-iyun (7-8 oy) oylarida yig‘ib olinadi. Bug‘doyni sotib, puli olgingunga qadar (10-12 oy) yana vaqt o‘tadi. Bu holat ishlatilayotgan mablag‘larni 10-12 oy, ba’zi hollarda 15-18 oygacha ushlanib qolishiga sabab bo‘ladi va buning natijasida xo‘jaliklarning o‘z mablag‘lari yetishmaydi.

Respublikamizda qishloq xo‘jaligi tuzilmalari ichida dehqon-fermer xo‘jaliklarining o‘rni yildan yilga ortib bormoqda. Jumladan, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilarning asosiy mulkchilik shakli sifatida fermer xo‘jaliklarini tashkil etish va ularning faoliyati uchun qulay shart-sharoitlar yaratilishi natijasi sifatida ko‘rishimiz mumkin.

1-jadval ma‘lumotlari tahlili shuni ko‘rsatadiki, mamlakatimizda so‘ngi yillarda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini xo‘jalik toifalari bo‘yicha ishlab chiqarishda 2020-yil 1-yanvar holatiga qishloq xo‘jalik mahsulotlari umumiy hajmining 70,1 foiz dehqon (shaxsiy yordamchi) xo‘jaliklariga, 26,9 foizi fermer xo‘jaliklariga va 3,0 foiz –

**1-jadval**

**Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmining  
xo‘jalik toifalari bo‘yicha taqsimlanishi<sup>15</sup>**

№	Tarmoqlar	Yillar kesimida		
		01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
1	Fermer xo‘jaliklari	26,9	27,8	29,2
2	Dehqon xo‘jaliklari	70,1	68,0	65,9
3	Qishloq xo‘jalik faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar	3,0	4,2	4,9
<b>Jami:</b>		100,0	100,0	100,0

qishloq xo‘jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarga to‘g‘ri kelgan bo‘lsa, 2022-yil boshiga qishloq xo‘jaligi mahsuloti ishlab

<sup>15</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.



chiqarishning xo‘jalik toifalari bo‘yicha tahlili yaratilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari umumiy hajmining 65,9 foizi dehqon (shaxsiy yordamchi) xo‘jaliklariga, 29,2 foizi – fermer xo‘jaliklariga va 4,9 foizi-qishloq xo‘jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar zimmasiga to‘g‘ri kelishini ko‘rsatmoqda.

O‘zbekiston Respublikasida qishloq xo‘jaligi korxonalarini subsidiyalashda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 12-iyuldagi «Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarning moddiy-texnik bazasini yanada mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»<sup>16</sup>gi 578-sonli qarori asos bo‘lib xizmat qiladi.

Qishloq xo‘jaligini rivojlantirish uchun quyidagi yo‘nalishlardagi davlat dasturlari va xizmatlariga ajratilayotgan byudjet mablag‘lari miqdorini qayta ko‘rib chiqish hamda moliyalash tizimini takomillashtirish lozim bo‘ladi:

- atrof-muhitni muhofaza qilish, tuproq unumdorligini oshirish va suv tejovchi texnologiyalarni joriy etish;

- oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligi, hayvonlar kasalliklariga qarshi kurash, veterinariya va fitosanitariya xizmatlari;

- birlashmalarning turli shakllarini qo‘llab-quvvatlash (kooperativlar, klasterlar, ishlab chiqarish birlashmalari);

- statistik ma‘lumotlarni yig‘ish va agrar bozorlar monitoringini yuritish tizimini takomillashtirish, bozor va transport-logistika infratuzilmasini rivojlantirish;

- qishloq xo‘jaligi sohasidagi amaliy tadqiqotlar va izlanishlar, ta‘lim va bilimlarni tarqatish tizimini rivojlantirish.

Mazkur yo‘nalishning asosiy maqsadi agrar siyosatning yangi ustuvor yo‘nalishlariga muvofiq asosiy davlat xizmatlarini ko‘rsatish va tarkibiy o‘zgarishlar dasturlarini amalga oshirishga yo‘naltiriladigan qishloq xo‘jaligiga ajratilayotgan davlat moliyaviy resurslarini bosqichma-bosqich qayta taqsimlash orqali mablag‘lardan foydalanish samaradorligini oshirish hisoblanadi.

---

<sup>16</sup> <https://lex.uz/docs/4416988> O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 12.07.2019 yildagi 578-son.

## O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi

O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti parametrlarida qishloq xo'jaligi texnikalarini sotib olish uchun ajratilgan kredit va lizing bo'yicha hisoblangan foizning 10 foizlik punktini qoplab berish uchun ko'zda tutilgan mablag'larni Jamg'armaga ajratadi.

Bunda xarajatlarni qoplashning ushbu miqdori O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining qayta moliyalash stavkasining o'zgarishiga qarab Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qayta ko'rib chiqilishi mumkin;

Tijorat banklarida resurslar taqchilligi yuzaga kelganda qishloq xo'jaligi texnikalarini sotib olishga kreditlar ajratish uchun O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi G'aznachiligining vaqtinchalik bo'sh turgan mablag'larini tijorat banklariga belgilangan tartibda joylashtiradi.

### **1-rasm. Subsiya mablag'larining shakllanish tuzulmasi<sup>17</sup>**

Ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalar belgilanadi:

- qishloq xo'jaligini moliyalashtirish uchun xarajatlar taqsimotini qayta ko'rib chiqib, ilmiy-tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlari va qishloq xo'jaligi bilimlarini tarqatish tizimi, axborot va maslahat xizmatlari uchun ajratiladigan mablag'lar hajmini oshirish;

- qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat tarmog'i bilan bog'liq bo'lgan barcha byudjetdan tashqari jamg'armalar faoliyatini to'liq auditdan o'tkazish va ko'rsatilayotgan xizmatlarni xususiy sektorga berish yuzasidan tavsiyalar ishlab chiqish;

- o'rta muddatli byudjet dasturlarini samarali amalga oshirish maqsadida xalqaro texnik ko'mak mablag'laridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha dasturlarni joriy etish;

- qishloq xo'jaligi sektorida eng yuqori samaradorlikka ega bo'lgan ilmiy tadqiqot loyihalarini subsidiyalash orqali moliyalashtirish;

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/4416988> O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 12.07.2019 yildagi 578-son.

- zamonaviy innovatsion ishlanmalar va loyihalarni amaliyotga tatbiq etish istagida bo‘lgan fermer xo‘jaliklari uchun davlat ulushi mavjud bo‘lgan tijorat banklari tomonidan imtiyozli kreditlash dasturlarini yo‘lga qo‘yish;

- qishloq xo‘jaligi korxonalarida olgan xorijiy valyutadagi kreditlarining valyuta kursi o‘sishi farqidan yuzaga kelgan zarar summasini subsidiyalash orqali ularni moliyaviy barqarorligini ta‘minlash taklifi asoslangan.

- qishloq xo‘jaligi sohasida soliqqa tortish tizimini chuqur tahlil qilish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarga soliq yukini kamaytirish bo‘yicha aniq chora-tadbirlarni ishlab chiqish.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilari tomonidan maqbul qishloq xo‘jaligi va ekologik amaliyot (GAEP), maqbul ishlab chiqarish amaliyoti (GMP) va boshqa standartlarga rioya etilishini rag‘batlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish lozim.

Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tarmog‘ini modernizatsiyalash, diversifikatsiyalash va barqaror rivojlanishi uchun xususiy investitsiyalarni jalb etishga ko‘maklashuvchi samarali tizimni yaratish mazkur ustuvor yo‘nalishning asosiy maqsadi bo‘lib hisoblanadi.

## **YASHIL IQTISODIYOTGA INVESTITSIYALAR JALB QILISHDA SUG‘URTANING O‘RNI VA AHAMIYATI**

**Begmatova Shaxlo Faxriddin qizi**

*“Korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar” kafedrası*

Yashil iqtisodiyot -bu ekologik xavflarni va ekologik tanqislikni kamaytirishga qaratilgan va atrof-muhitni buzmasdan barqaror rivojlanishni maqsad qilgan iqtisodiyot. U ekologik iqtisodiyot bilan chambarchas bog‘liq, lekin ko‘proq siyosiy jihatdan qo‘llaniladigan yo‘nalishga ega.

Yashil iqtisodiyotga o‘tishda sug‘urta soxasi manfaatdor tomonlarga risklarni boshqarishda yordam beradi. Yashil sug‘urta mexanizmi mulk va shaxsiy sug‘urta mahsulotlarini taqdim etadi va energiya tejovchi va ekologik toza korxonalar ehtiyojlari uchun xizmatlar va ularni ishlab

chiqarish va ishlatish uchun har tomonlama xavfdan himoya qilishni ta'minlaydi.

Shuningdek, yashil sug'urta polislari investorlar va loyiha ishlab chiquvchilarning moliyaviy xavfsizligini ta'minlaydi va turli sohalarda barqaror amaliyotlarni qabul qilishga yordam beradi, bu issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish va tizimlarning iqlim o'zgarishi ta'siriga chidamliligini oshirishga yordam beradi.

Yashil sug'urta atrof-muhitni yaxshilashni qo'llab-quvvatlaydigan sug'urta mahsulotlarini taqdim etadi, iqlim o'zgarishiga javob berish, resurslarni tejash va samarali foydalanishni rag'batlantirish. Bundan tashqari ekologik xavflarni boshqarish xizmatlarini taqdim etadi.

Yashil sug'urta ta'minoti tizimini takomillashtirish orqali, sug'urta sohasida to'liq iqtisodiy funktsiyalarni bajarishini moliyalashtirish va risklarni boshqarish, jamiyatning "yashil ta'minoti" va olib borilayotgan islohotlarni rag'batlantirish mumkin.

Shunday ekan, energiya samaradorligini oshirish texnik innovatsiyalar va texnik taraqqiyotni talab qiladi. Ammo innovatsion investitsiyalar yuqori xarajatlar va yuqori xavf bilan bog'liq hisoblanadi. Natijada, xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun innovatsion motivatsiya har doim ham yetarli bo'lmaydi, garchi ular innovatsiyaning asosiy sub'ektlari bo'lsalar ham. Shunday qilib, innovatsion taraqqiyotni rag'batlantirish uchun subsidiya va sug'urta kerak bo'ladi. Birinchidan innovatsiyalar xarajatlarini kamaytirishga qaratilgan bo'lsa, ikkinchidan xavfni kamaytirishga qaratilgan. Yashil sug'urta esa so'nggi yillarda yashil iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qo'llaniladi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Atrof-muhit dasturi tomonidan qo'llab-quvvatlangan so'rovnomasiga ko'ra, global sug'urta kompaniyalarining top-menejerlari ularning sanoati yashil iqtisodiyotga o'tishni tezlashtirishda hal qiluvchi rol o'ynashi mumkinligiga ishonishadi.

Ekologik tahdidlarning kuchayishiga javob sifatida yashil iqtisodiyotning paydo bo'lishi qayta tiklanadigan energiya, barqaror transport, chiqindilarni boshqarish va yashil infratuzilma kabi ko'plab sohalarga katta sarmoyalar kiritish zarurligini keltirib chiqardi.

O‘zbekiston respublikasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar tahlili natijasida yashil iqtisodiyotda investitsiyaviy jozibadorlikni oshirishning ko‘p tomonlama yondashuvi ochib beriladi. Ya’ni:

1. Siyosat va normativ-huquqiy baza: Hukumat atrof-muhitga qulay investitsiyalarni rag‘batlantirish bo‘yicha kompleks siyosat va normativ-huquqiy bazani amalga oshirgan. Bunga qayta tiklanuvchi energiya, energiya samaradorligi, maishiy chiqindilarni boshqarish va barqaror qishloq xo‘jaligini rag‘batlantirish to‘g‘risidagi qonun va qoidalar qabul qilinishi kiradi.

2. Qayta tiklanuvchi energiyani rivojlantirish: O‘zbekiston quyosh, shamol, gidroenergetika kabi muqobil energiya manbalarini rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berdi. Hukumat qayta tiklanuvchi energiya loyihalariga ichki va chet el investitsiyalarini jalb qilish, jumladan, favqulodda oziq-ovqat tarif rejalari va soliq rag‘batlantirishni joriy etish chora-tadbirlarini joriy etdi.

3. Energiya samaradorligi tashabbuslari: Is gazi chiqindilarini kamaytirish va resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishda energiya samaradorligining ahamiyatini inobatga olib, hukumat tomonidan energiya tejrachi texnologiyalar va amaliyotni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha turli dasturlar amalga oshirildi. Ushbu tashabbuslar sohalar, jumladan, binolar, transport va sanoat bo‘yicha energiya sarfini optimallashtirishni ko‘zda tutmoqda.

4. Yashil moliya va investitsiyalarni jalb qilish: O‘zbekiston yashil moliyaga kirishni yanada kuchaytirish va yashil iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha chora-tadbirlar ko‘rildi. Bunga yashil investitsion fondlarni tashkil etish, yashil loyihalarni moliyaviy rag‘batlantirish, yashil investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlik qilish kiradi.

5. Tadqiqot va innovatsiyalar: Hukumat yashil texnologiyalar va innovatsiyalar sohasida tadqiqot va rivojlantirish faoliyatini rag‘batlantiradi. Atrof-muhitga qulay texnologiyalar va amaliyotlarni ishlab chiqish va qabul qilishni yo‘lga qo‘yish uchun akademiya, sanoat va ilmiy-tadqiqot muassasalari o‘rtasidagi hamkorlikni qo‘llab-quvvatlaydi.

6. Xalqaro hamkorlik. O‘zbekiston barqaror rivojlanish bo‘yicha bilim va tajriba almashish maqsadida xalqaro forum va sheriklikda faol ishtirok etadi. U BMT Taraqqiyot Dasturi (BMTTD) va Osiyo taraqqiyot banki (ADB) kabi xalqaro tashkilotlar bilan yashil iqtisodiyot loyihalari bo‘yicha tajriba, mablag‘ va texnik ko‘mak olish bo‘yicha hamkorlik qiladi.

Boshqaruvning turli darajalariga mos keladigan yaxlit siyosat tizimini ishlab chiqish yashil iqtisodiyotda investitsion jozibadorlikni sezilarli darajada oshirishi mumkin. Qayta tiklanadigan energiya maqsadlarini amalga oshirish, uglerod chiqindilarini narxlash va yashil rag‘batlantiruvchi paketlarni ishga tushirish investorlarga aniqlik va barqarorlikni ta‘minlaydi, yashil loyihalar uchun ishonch va uzoq muddatli majburiyatni oshiradi.

Shuningdek, yashil iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishda ta‘lim va ko‘nikmalarni rivojlantirish muhim rol o‘ynaydi. Ushbu sohalarga e‘tibor qaratish orqali manfaatdor tomonlar ishchi kuchining o‘sib borayotgan yashil sektor talablarini qondirish qobiliyatini oshirishi mumkin. Ta‘lim dasturlari barqarorlik tamoyillarini o‘z ichiga olishi va qayta tiklanadigan energiya texnologiyalari, resurslarni boshqarish va ekologik toza amaliyotlar bo‘yicha treninglar o‘tkazishi kerak. Malakani rivojlantirish tashabbuslari texnik tajribani shakllantirish va yashil sohalarda tadbirkorlikni rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berishi kerak. Ta‘lim va malakani oshirishga sarmoya kiritib, mamlakatlar yashil iqtisodiyotning o‘shishiga hissa qo‘shish va bu jarayonga ko‘proq investitsiyalarni jalb qilish uchun tayyor ishchi kuchini yaratishi mumkin.

Yashil iqtisodiyotda investitsiyaviy jozibadorlikni oshirishga e‘tibor qaratib, O‘zbekiston atrof-muhitga ta‘sirni minimallashtirish bilan birga barqaror iqtisodiy o‘shishga erishishni maqsad qilgan. Moliyaviy resurslarning cheklanganligi va imkoniyatlarni mustahkamlash zarurligi kabi qiyinchiliklar davom etishi mumkin bo‘lsa-da, mamlakatning barqarorlikka bo‘lgan bag‘rikengligi maqtovg‘a sazovor. Siyosat va strategiyalarga vaqti-vaqti bilan o‘zgartirishlar kiritish bilan bir qatorda investitsiya samaradorligini uzluksiz nazorat qilish va baholash ushbu

tashabbuslarning uzoq muddatli muvaffaqiyati uchun juda muhim bo'лади.

Yashil iqtisodiyotga investitsiyalarni samarali jalb qilish barqaror va inklyuziv o'sishga erishish uchun juda muhimdir. Keng qamrovli siyosat asoslarini qabul qilish, qo'llab-quvvatlovchi moliyaviy mexanizmlarni yaratish, qulay investitsiya iqlimini joriy etish va zarur texnologik va ko'nikmalarni rivojlantirish orqali hukumatlar va manfaatdor tomonlar qiyinchiliklarni yengib, yashil iqtisodiyotning ulkan salohiyatini ochib berishlari mumkin. Bunday jamoaviy harakatlar yanada barqaror va barqaror kelajakka o'tishni tezlashtirish uchun juda muhimdir.

## **СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШГА МЕТОДИК ЁНДАШУВЛАР**

**Шеркузиева Н.А.**

*Тошкент молия институти*

Маълумки, суғурта фаолияти жамиятнинг суғурта ҳимоясини таъминлаганлиги сабабли, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатига қўйиладиган талаблар суғурта хизматлари истеъмолчиларининг молиявий ҳолатига қўйиладиган талаблардан анча юқори ҳисобланади. Агар суғурта ташкилотларининг ўзлари учун молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятини таъминлаш уларнинг суғурта бозорида фаолият юритишининг зарурий шarti бўлиб ҳисобланса, суғурта хизматлари истеъмолчилари учун эса суғурта ташкилотларининг барқарор молиявий ҳолати уларнинг иқтисодий фаолияти барқарорлигининг кафолати ҳисобланади.

Зеро, суғурта ташкилотларининг барқарор молиявий ҳолатини сақлаш суғуртанинг асосий мақсади ҳисобланган – миждозларни суғурталаш ва унинг тадбиркорлик фаолияти тури сифатида фаолияти мақсадлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш усули бўлиб ҳам хизмат қилади.

Суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатининг барқарорлиги, бу биринчи навбатда, кўплаб омиллар ва кўрсаткичлардан ҳосил

бўлувчи муайян суғурталовчининг тўловга лаёқатлилигидир<sup>18</sup>. Бунда кўрсаткичлар деганда суғурталовчининг фаолияти натижаларини баҳолашга имкон берадиган мезонлар тушунилса, омиллар деганда ушбу натижаларни олишга таъсир қилувчи сабаблар тушунилади.

Бизга маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлили ва прогнозини баҳолаш пул оқимларини самарали бошқариш учун зарур бўлиб, бундай таҳлил натижалари маблағларнинг айланишини баҳолашда, молиявий захиралар ва ресурсларни аниқлашда, корхонанинг тўлов қобилиятини, узок муддатли молиявий инвестицияларнинг самарадорлигини, рақобатбардошлигини аниқлашда қўлланилади.

Суғурталовчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимини шакллантириш билан бирга уларни тўғри танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда кўрсаткичлар тизими бир қатор талабларга жавоб бериши керак, жумладан таҳлил объектини ҳар томонлама баҳолашни қамраб олиш учун танланган кўрсаткичларнинг етарлилиги; кўрсаткичлар ўртасида боғлиқликларнинг мавжудлиги; умумлаштиришда маълум бир кўрсаткичларни мантикий кетма-кетликда жойлаштиришни таъминлаш; мутлақ ва нисбий кўрсаткичларнинг оқилона комбинацияси ва бошқалар. Яратилган тизим прогнозларни ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши муҳимдир.

Умуман олганда суғурта ташкилоти фаолиятининг турли жиҳатларини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- Фаолият кўламини тавсифловчи мутлақ кўрсаткичлар;
- Суғурта бизнесининг сифатни акс эттирувчи нисбий кўрсаткичлар (коэффициентлар).

Молиявий таҳлил назарияси ва амалиётида корхонанинг молиявий ҳолати кўрсаткичларини таснифлашга бир неча ёндашувлар мавжуд. Ёндашувлардан бирига кўра, муаллифлар

---

<sup>18</sup> Мамедова, Э.А. Анализ финансовой устойчивости страховщика и оценка страховых операций: науч. жур. / Э.А Мамедова, З.Т. Шахвердиева. Проблемы современной экономики, 2016. - 1. – С. 137-139.



суғурталовчининг фаолиятини баҳолайдиган кўрсаткичларнинг куйидаги гуруҳини таклиф этади:

- савдо ҳажми, олинган даромад ва ишлатилган капитал ўртасидаги боғлиқликни тавсифлайдиган операцион кўрсаткичлар (бу инвестициялар ва молиявий кўйилмалар бўйича рентабеллик кўрсаткичлари, активлар айланувчанлиги ва маҳсулот сотиш кўрсаткичлари);

- капитал таркиби ва активларнинг ўртасидаги муносабатларни тавсифлайдиган молиявий кўрсаткичлар (тўлов қобилияти, маблағларни жалб қилиш кўрсаткичлари);

- инвестицион фаолиятни турли хил усулларининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар (капиталлашув, капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичлари).

Иқтисодчи М. А. Федорова корхонанинг мулкый ҳолатини ва активларнинг рентабеллигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг бешта гуруҳини алоҳида ажаратиб кўрсатади:

1) активларни бошқариш кўрсаткичлари: активлар, захиралар, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини айланувчанлиги;

2) корхонанинг молиявий барқарорлигини тавсифловчи молиявий ресурсларни бошқариш кўрсаткичлари: активларга йўналтирилган ўз капитали ва қарз маблағларининг улуши, ўз ва қарз маблағларининг нисбати;

3) ликвидлик кўрсаткичлари: қоплаш коэффициенти, мутлақ ликвидлилик коэффициенти;

4) рентабеллик коэффициентлари: инвестицион капитал рентабеллиги, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, ўз капитали рентабеллиги;

5) бозор нархи ва акцияга фойда нисбати кўрсаткичлари<sup>19</sup>.

Фикримизча суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашда 1-расмда келтирилган кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

---

<sup>19</sup> Федорова, М.А. Количественные методы анализа зависимости финансовой устойчивости от стоимости компании: науч. журнал / М.А. Федорова. Эффективное антикризисное управление, 2014, 2. – С. 52-62.

Ликвидлилик кўрсаткичлари	Рентабеллик кўрсаткичлари	Молиявий барқарорлик ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мутлак ликвидлилик</li> <li>• Жорий ликвидлилик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суғурта операциялари рентабеллиги</li> <li>• Активлар рентабеллиги</li> <li>• Капиталнинг рентабеллиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Молиявий мустақиллик</li> <li>• Ўз маблағлари етарлилиги</li> <li>• Молиялаштириш коэффициенти</li> <li>• Айланувчанлик коэффициенти</li> </ul>

### **1-расм. Суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, суғурта ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолаш нафақат ички фойдаланувчилар, хусусан, суғурта компанияларининг ўзини ўзи баҳолаш, уларнинг шўба корхоналари, филиалларини таҳлил қилиш учун муҳим, балки, ташқи фойдаланувчилар ҳисобланган–банклар ва тижорат хамкорлари учун ҳам жуда зарурдир. Суғурта ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилишда мутлак ва нисбий кўрсаткичлар қўлланилади. Бунда энг кўп маълумот тақдим этувчи кўрсаткичлар қаторига нисбий кўрсаткичлар киритилади. Мазкур кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради: рентабеллик, ликвидлилик, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, суғурта ташкилотининг умумий молиявий салоҳияти ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари, ўз маблағларининг етарлилиги коэффициенти ва бошқалар.

## **ЖАВОБГАРЛИКНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШНИНГ СУҒУРТА СОҲАСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

**Холбўтаев Ҳасан Жовли ўғли**  
*Тошкент молия институти*

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ

мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча катта эмас.<sup>20</sup> Президентимиз томонидан ўтказилган суғурта соҳасига оий йиғилишда аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди. Суғурта турларининг ривожланишида асосий ўринни мажбурий жавобгарлик суғурталари эгаллайди сабаби ушбу суғурта турлари кенг тарқалган ва оммавийлиги белгиланган бўлади. Мисол учун транспорт воситаси мавжуд бўлган барча кишилар учинчи шахс олдидаги жавобгарликларини мажбурий суғурта қилдирилшари шарт.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонун билан тартибга солинадиган Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш суғурта турлари 3 тани ташкил этади. Булар:

- 21.04.2008 йилдаги ЎРҚ-155-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

- 16.04.2009 йилдаги ўрқ-210-сонли “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

- 26.05.2015 йилдаги ўрқ-386-сонли “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

Юқоридаги қонунлар асосида ушбу қонунларни тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарорлар ишлаб чиқилган, суғурта қилиш қоидалари тасдиқланган.

Булардан ташқари бир қанча соҳада фаолият олиб боровчи субъектларнинг ҳам фуқаролик ва профессионал жавобгарликлари

---

<sup>20</sup> 2019 йил 10 июн. Ўзбекистон Республикаси Президентининг суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиши

мажбурий суғурта қилинади, масалан: аудиторлар, баҳоловчилар, нотариуслар ва бошқалар.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳозирги кунда энг кенг тарқалган ва ҳаммага маълум бўлган суғурта тури бу “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” ҳисобланади. Ушбу суғурта тури 2022 йил давомида 4 038 334 дона суғурта шартномаси расмийлаштирилган<sup>21</sup> яъни 4 млн.дан ортиқ транспорт воситалари эгалари ушбу суғурта туридан хабардорлар.

Транспорт воситарининг ихтиёрий суғуртаси бунчалик оммалашмаган, бироқ ривожланаётган суғурта тури сифатида қараш мумкин 2022 йил давомида транспорт воситаларининг ихтиёрий суғурталаниши бўйича тузилган суғурта шартномалари сони 281 345 донани ташкил этган<sup>22</sup>. Ушбу кўрсаткич жами мажбурий транспорт воситалари суғуртасига нисбатан тахминан 7 фоизни ташкил этади. Бунга сабаб сифатида қатор омилларни санаб ўтишимиз мумкин: суғурта тури ҳақида суғурталанувчиларда ушбу суғурта тури бўйича маълумот камлиги, суғурта компаниялари томонидан суғурта махсулоти рекламаси камлиги, суғурта махсулоти нархи мажбурий суғуртага қараганда қимматлиги ва шу кабилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- Охирги 5 йил давомида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш турининг ихтиёрий транспорт суғуртасига тасирини чуқур тахлилини амалга ошириш яъни мажбурий суғурта тури бўйича суғурта ходисасига учраган суғурталанувчиларнинг ихтиёрий транспорт суғуртасинидан фойдаланиш кўрсаткичи кабилар орқали транспорт воситаси суғуртасини ривожлантириш.

<sup>21</sup> <https://tkj.uz/uz/p/bozor-korsatkichlari> Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 2022 йилнинг январ-декабр ойлари учун асосий кўрсаткичлари суғурта компаниялари кесимида” маълумоти

<sup>22</sup> <https://imda.uz/wp-content/uploads/2023/02/2022-yillik.pdf> Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг 2022 йил яқунлари бўйича умумий кўрсаткичлари

- Тараққий этган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий омилларни инобатга олган ҳолда, янги турдаги мажбурий суғурта турларини ишлаб чиқиш лозим.

- Мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширилаётган суғурта тўловларини оммавий ахборот воситаларида элон қилиб борилишини таъминлаш орқали суғуртага бўлган ишончни ошириш ва шу йўл билан ихтиёрий суғурта турларини ҳам оммалаштириш.

## **СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**Ф.У.Умаров**

*ТМИ “Иқтисодий хавфсизлик”  
кафедраси катта ўқитувчиси*

Жаҳон амалиётида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ ҳозирги кунда миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шу жумладан, миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялашувини ошириш, суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ушбу соҳада кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади. Ўзбекистонда суғурта жараёнлари фаоллашганлигини мамлакатимиз молия-кредит тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси десак муболаға бўлмайди.

Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича айрим ҳудудларда ўсиш суръатлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори

бўлганлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг кўплаб имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Айтилган вақтда Ўзбекистон Республикасида 41 та суғурта ташкилоти мавжуд бўлиб, жумладан, умумий суғурта соҳасида 33 та, ҳаёт суғуртаси соҳасида 8 та суғурта компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда, шунингдек, суғурта ташкилотларининг 2022 йил 9 ойи якунлари бўйича умумий устав капитали 1,838 трлн. сўмни ташкил этди.

Ушбу суғурта ташкилотлари томонидан жами 7809,8 минг дона шартномалар тузилган бўлиб, шу давр мобайнида 4,452 трлн. сўм суғурта мукофотлари йиғилган ҳамда суғурталанувчиларга 2,896 трлн. сўм суғурта тўловлари тўлаб берилган. Бу кўрсаткич ўтган даврнинг шу вақти билан солиштирилганда 142 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда суғурта хизматлари бозорининг мамлакатлар ЯИМдаги улушини таҳлил қилинганда, бу кўрсаткич АҚШда 12 фоиз, Жанубий Кореяда 11,6 фоиз, ерманияда 6,8 фоиз ва Россияда 1,5 фоизни ташкил қилади. Таққослаш учун, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 0,48 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири суғурта хизматларининг етарлича жозибадор эмаслигидир. Бу эса суғурта бозори салоҳиятининг тўлиқ ишга солинмаётганлиги ва суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятига етарлича эътибор берилмаётганидан далолат бермоқда. Мазкур масалаларни ҳал этилиши алоҳида долзарблик касб этади.

Шу ўринда хорижий мамлакатларни тажрибасини ўрганганимизда суғурта ташкилотлари иқтисодиётда ўзини институционал инвестор сифатидаги функциясини тўлиқ намоёт этаётганлигини гувоҳи бўлдик. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Германия, Испания, Австралия ва Бразилия каби давлатларда суғурта ташкилотлари жуда катта суғурта фондларни ташкил этган бўлиб, ушбу фондлар мамлакатларни ЯИМдаги улушида ҳам салмоқли ўрин эгалламоқда. Шунингдек, суғурта компаниялари кўплаб соҳаларга сармоя киритадилар, «улар бозорларни барқарорлаштирадилар ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда ёрдам беришади.

Мисол учун суғурта компаниялари томонидан муниципал облигацияларга киртилган инвестициялар ҳисобидан ҳар йили 1000 га яқин бошланғич мактабларни қуриши ва шаҳар транспорт лойиҳаларини молиялаштириши» мумкин.

Шунингдек, «Осиё мамлакатларидан Жанубий Кореяда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 12,1 фоиз (170,8 млрд. АҚШ доллар), Қозоғистонсуғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 0,8 фоиз (1,11 млрд АҚШ доллар) ва бизнинг мамлакатда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни (110 млн. АҚШ доллар) ташкил этмоқда»[8], Жанубий Кореяга нисбатан 30 баравар кам ва мамлакатимизда суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти ҳали ҳам жуда паст кўрсаткични кўрсатмоқда. Шунингдек 2022 йилда Корея Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2022 йилда 30 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар эълон қилинди, 18 миллиард сармоя киритилди; хизмат кўрсатиш соҳаси 16,6 миллиард; ишлаб чиқариш саноати- 12,5 миллиард dollar. АҚШнинг улуши 28,5%, Европа Иттифоқи – 27%, Хитой – 17,3%. 2023 йилнинг биринчи чорагида инвестициялар 3,4 фоизга ўсиб, 5,6 миллиард долларни ташкил этди.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-апрель ойларида суғурта хизматлари ҳажми 2,2 трлн сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 % га ошган. Ҳудудлар бўйича суғурта хизматлари ҳажми: Қорақалпоғистон Рес. – 47,5; Андижон вилояти – 46,3; Бухоро вилояти – 69,3; Жиззах вилояти – 29,6; Қашқадарё вилояти – 57,6; Навоий вилояти – 44,9; Наманган вилояти – 60,7; Самарқанд вилояти – 59,8; Сурхондарё вилояти – 38; Сирдарё вилояти – 26,9; Тошкент вилояти – 52,9; Фарғона вилояти – 83,8; Хоразм вилояти – 69,4; Тошкент шаҳри – 1 557,8 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Таҳлилларимиздан шуни кўришимиз мумкинки, «суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолашнинг махсус усуллари мавжуд эмаслиги», «суғурта

компанияларининг инвестицион фаолиятини ривожланишнинг стратегик йўналишлари белгилаб олиш кераклиги, суғурталовчининг инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаб чиқиш керак. Суғурта компаниялар самарадорлик кўрсаткичлари ва ташкилот қийматига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳолда рақобатбардошни тامينлаш мумкин. Инвестиция салоҳияти даражасини тавсифловчи тўғридан-тўғри ва билвосита кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари» ишлаб чиқишимиз зарур. Суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини «бошқариш сифатни диагностика қилишнинг нисбий кўрсаткичларини ишлаб чиқиб инвестиция хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги асосида ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни ўз ичига олган шу жумладан ликвидлилик, рентабеллик» кўрсаткичларини таҳлил қилиб самарадорлик коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ресурсларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича амалий таъсирларни очиб беришга эътиборимизни қаратишимиз даркордир. Инвестициялардан самарали фойдаланишда аввало узоқ муддатли инвестицияларни салмоғини ошириш, узоқ муддатли суғурта хизматлари турларини яратиш ҳамда кўпайтириш, аҳоли орасида ушбу суғурта турларига бўлган ишончни ошириш, кўплаб миждозларни суғурта ҳимоясига жалб қилишни ташкил этиш лозимдир.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишда яна бир қанча муаммолар юзага келганки, яъни мамлакатда суғурта соҳаси, инвестиция фаолияти бўйича ҳуқуқий базалар яратилган бўлсада ушбу фаолиятни олиб боришда айрим чегаралар қўйилганидир. Жаҳонда бугунги кунда суғурта компанияларининг асосий даромад олиш манбаи бўлиб суғурта операцияларини амалга ошириш ва бўш маблағларини юқори даромад олиш мақсадида инвестицияга жалб этиш ҳисобланади. Шундай экан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган суғурта



компаниялари фаолиятини янада ривожлантириш имкониятлари орқали инвестиция самарадорлигини ошириш замон талабларидан бири эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозимдир. Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатларини кўзлаб бу жараёнда ягона бир мақсадга, яъни фойда (даромад) олиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Мамлакатимиз суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш учун компанияларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини баҳолашни бир неча босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек қуйида биз ҳар бир босқич бўйича баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган метод ва формулаларни орқали суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини туғри ва оқилона баҳолашимиз мумкин

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибалари асосида ушбу муаммоларни ҳал этиш, инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топишни олдимизга мақсад қилиб қўйиш мумкин бўлади. Шунингдек, суғурталовчининг молиявий ресурслари қанчалик даражада юқори бўлса улардан фойдаланиш ҳам шунча юқори даражада бўлади. Шунинг учун суғурталовчилар ўз молиявий ресурсларини янада ошириши ва кенгайтириши лозим. Бунинг учун албатта суғурта компаниялари суғуртанинг умумий тармоғи бўйича қолаверса ҳаёт суғурта тармоғи бўйича кўрсатилиши лозим бўлган суғурта хизматларини ўзларининг фаолиятларида кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида суғурта ташкилотларини кўшимча инвестиция фаолиятини амалга оширишга ундайди ҳамда унинг молиявий барқарорлик даражасини оширади ва мустаҳкамлайди. Янги «узок муддатли суғурта воситаларини шакллантириш, суғурта институтлари капиталлашувини кўпайтириш, макро ва мезо даражаларида такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун иқтисодий ривожланиш институтлари билан

биргаликда инвестиция сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш зарур».

Ҳозирда мамлакатимиз суғурта тизими олдида фуқароларни ва юридик шахсларни мулкӣ ва шахсий манфаатларини самарали ҳимоя қила оладиган суғурта тизимини яратиш асосий мақсадлардан биридир.

## **ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Холбўтаев Ҳасан Жовли ўғли**  
*ТМИ мустақил изланувчиси*

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта тури Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 23 октябридан бошлаб амалиётда ишлатилиб келмоқда. Ушбу суғурта тури 21.04.2008 йилдаги ЎРҚ-155-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва 24.06.2008 йилдаги 141-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тартибга солинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг оммалашган суғурта тури ҳисобланади, ушбу суғурта тури доирасида 2022 йил давомида 4 миллиондан ортиқ транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлиги суғурталанган.

Суғурта тури бўйича суғурта суммаси 40 000 000,00 (қирқ миллион) сўм этиб белгиланган бўлиб ушбу сумманинг 35 фоизи яъни 14 000 000,00 (ўн тўрт миллион) сўм қисми учинчи шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қолган 65 фоизи эса учинчи шахсларнинг соғлиги ва ёки ҳайтига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун йўналтирилади<sup>23</sup>.

Суғурта мукофоти миқдори ҳозирги кунда асосан иккита асосий кўрсаткич орқали ҳисобланади. Булар: транспорт воситаси тури ва

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 24.06.2008 йилдаги 141-сон

транспорт воситасидан кўп фойдаланиладиган ҳудуд (рўйхатдан ўтказиш жойи) ҳисобланади. Транспорт воситалари тўртта турга бўлинади, энгил автомобиллар, юк автомобиллари, автобуслар ва микроавтобуслар ҳамда трамвайлар, мотоцикиллар ва мотороллёрлар, тракторлар, ўзиюлар йўл-қурилиш машиналари ва бошқа машиналар ҳисобланади.

Транспорт воситасидан кўп фойдаланиладиган ҳудуд Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун алоҳида коэффициент бошқа ҳудудлар учун эса алоҳида коэффициент олинади.

Суғурта полисининг икки тури мавжуд: хайдовчилар сони чекланган яъни бешта хайдовчигача ёки хайдовчилар сони чекланмаган турдаги суғурта полислари яъни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлган ҳар қандай хайдовчи бошқариши имкониятини берувчи суғурта полиси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган транспорт воситалари учун суғурта мукофоти миқдори чекланган хайдовчилар учун 56 000,00 (эллик олти минг) сўм бўлса Бошқа ҳудудларда ушбу турдаги суғурта полисининг нархи 40 000,00 (қирқ минг) сўм бўлади.

Суғурта мукофотини ҳисоблашда ишлатиладиган энг асосий кўрсаткич сифатида транспорт воситасидан кўп фойдаланиладиган ҳудуд десак адашмаган бўламиз сабаби хавфлилик даражаси юқори бўлган хухудларда албатта суғурта мукофоти ҳам юқори бўлади.

1-жадвал

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича суғурта тўлови ва мукофотлари таҳлили<sup>24</sup>**

Йиллар	Суғурта мукофоти (млн. сўмда)	Суғурта қопламаси (млн сўмда)	Зарарлилик даражаси (фоизда)
2020 й.	65 601,6	49 354,8	90,5
2021 й.	74 106,9	87 470,4	118,0
2022 й.	90 967,7	112 878 ,8	124,1

<sup>24</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармаси маълумотлари (tkj.uz) асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, кўришимиз мумкинки Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ушбу суғурта тури бўйича йиғилаётган суғурта мукофотлари ҳажми сўнги икки йил мобайнида тўланган суғурта товонларини қоплаш учун етмаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Биз суғурта мукофотларининг бир қисми суғуртани амалга ошириш харажатлари учун йўналтирилишини, шунингдек суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича олдини олиш чора-тадбирлари захирасига ажратмаларни ва бошқа харажатларни инобатга олишимиз зарур.

Демак, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида суғуртани амалга оширишда, суғурта компаниялар учун зарарлилик коэффициенти юқорилиги маълум бўлмоқда. Суғурта товонларини тўлаш учун маблағ бошқа ҳудудларда суғурталанган транспорт воситалари учун тўланган суғурта мукофотлари эвазига қопланмоқда десак адашмаймиз.

2021 йилда суғурта тўловлари 2020 йилга қараганда 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса 34 фоиздан ошган бундан билиш мумкинки тўловлар ҳажми ўсиш кўрсаткичини ташкил этмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолга келгусида ҳам тўловлар ҳажми ошиб боришини инобатга олган ҳолга қуйидагиларга алоҳида этибор қаратиш лозим.

1. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган транспорт воситалари учун суғурта мукофотларининг таҳлилини амалга ошириш асосида ушбу ҳудудлар учун “Транспорт воситасидан кўп фойдаланиладиган ҳудуд” коэффициентини ошириш ва бу орқали ушбу ҳудудларда суғурта тўловларининг суғурта мукофотига мутаносиблигига эришиш.

2. Суғурта мукофоти ҳисобланишинида “Транспорт воситасидан кўп фойдаланиладиган ҳудуд” коэффициентининг суғурта тўловларига боғлиқлик даражасини инобатга олиб, базавий ҳисоблаш миқдорига боғлаган ҳолда суғурта мукофотини

ҳисобланишини амалиётга жорий этиш ва бу орқали суғурта тўловларининг ўсиш сурати суғурта мукофотига нисбатан ошиб кетмаслигига эришиш зарур.

## **РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ СТРАН СНГ (СОДРУЖЕСТВО НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВ)**

**Носирова Г.А.**

*старший преподаватель кафедры  
«Страхование и управление рисками»  
Банковская-Финансовая академия*

В бывших странах СССР в 1990-е годы страховая система была абсолютно не развита, основной причиной этому являлась полное отсутствие реальной рыночной конкуренции. В силу отсутствия конкурентных отношений между участниками страхового рынка происходило застой в развитии страховых отношений.

После приобретения независимости в постсоветских странах возникла необходимость в страховых компаниях постепенно началось развитие и совершенствование страховых рынков. Основным источником доходов страховых компаний является инвестиционная деятельность. Каждая страховая компания должна составлять свою программу развития, в соответствии с которой инвестиционная деятельность будет прибыльной. В данной статье приводится алгоритм определенных действий инвестиционной деятельности, в соответствии с которой страховая компания увеличит свою доходность. Данный алгоритм состоит из следующих этапов.

Первый шаг алгоритма «NEOS» является обязательным этапом, изучает инвестиционную деятельность аналогичных страховых компаний, а также рассматривает возможные варианты объектов инвестиционной деятельности. Для принятия рациональных, обоснованных управленческих решений по поводу использования вложений, необходимы сведения о том, как существовал и

развивался объект в периоды, предшествующие настоящему. Лишь получив достаточно полную и достоверную информацию о деятельности объекта в прошлом, о сложившихся тенденциях в его функционировании и развитии, можно выработать уверенные бизнес-планы и программы вложения в объекты на будущие периоды.

Следующим шагом является определение потенциальных предметов вложений на определенный момент времени, а также имеются данные о величине собственных средств и временно свободных собственных средств.

Многие страховщики-инвесторы стран СНГ рассматривают инвестиции в нетрадиционные активы – золото, недвижимость, предметы искусства и коллекционирования, как необходимую часть своих совокупных портфелей. Причиной этому является достижение нескольких целей:

- диверсифицировать портфели и уменьшить часть их риска;
- защитить от инфляции;
- получить доход;
- удовлетворить потребности в форме потребления.

Популярность вышеперечисленных вложений для страховых компаний обусловлена тем, что современные финансовые активы не обладают важным свойством – сохранять стоимость. Вложение в акции, облигации, другие ценные бумаги более подвержены инфляции, чем вложения в определенные материальные активы – золото, недвижимость, предметы коллекционирования. По мнению многих инвесторов именно способность золота, недвижимости и предметов искусства сохранять стоимость вызывает интерес к ним как к объектам инвестирования. Перечисленные активы называют «вечными ценностями».

Третий этап алгоритма является определение оптимального временного периода для инвестирования, при котором, инвестор – страховщик делает максимальную выгоду от реализации инвестиционного проекта. Проблема определения оптимального периода для инвестиционных вложений является одной из наименее

исследованных в теории оценки эффективности инвестиций. Важность данного этапа приобретает при обосновании целесообразности реализации инвестиционных проектов, характеризующихся длительным жизненным циклом. Необходимо различать сроки экономической и физической жизни объекта инвестиций. При данном исследовании можно сделать следующие выводы:

1. Страховые компании в большей степени подвержены рискам, связанным со страхованием, чем с инвестиционной деятельностью, однако инвестиционные риски оказывают негативное влияние на их финансовую устойчивость. Предложен алгоритм, объединяющий этапы формирования инвестиционного портфеля страховых компаний, дополнительно повышающий продуктивность инвестиционной деятельности и увеличивающий общую прибыль;

2. В случае вложений свободных средств в облигации, выпущенные государством, гарантирована доходность страховой компании. Данное вложение служит успешной инвестиционной деятельностью страховых компаний;

3. Увеличение резервного фонда от уставного капитала служит покрытием возможных колоссальных убытков страховщика от инвестиционной деятельности. Успешная инвестиционная деятельность позволяет страховой компании использовать часть полученного инвестиционного дохода для компенсаций в случае увеличения убытков, даже в случае неравномерного распределения риска или наступления катастрофических рисков;

4. Инвестиционная деятельность очень важна для страховой компании в связи со значительным накоплением денежных средств. Однако в силу социальной значимости страхования как института финансовой защиты эта деятельность должна регулироваться государством и, следовательно, основываться на принципах прибыльности, надежности и ликвидности. В целях эффективного размещения финансовых ресурсов необходимо создание специального центра, при Агенстве по развитию страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан, который в

свою очередь будет защищать права и интересы владельцев акций страховых компаний;

## **SUG‘URTA KOMPANIYALARIDA MOLIYAVIY MENEJMENTNING O‘RNI**

**Ilxomjonova Fotima Muxiddinovna,  
*Toshkent moliya instituti o‘qituvchisi***

Milliy iqtisodiyotda xizmatlar sohasi, alohida o‘rin egallab, uni rivojlantirish bevosita boshqa sohalarni ham rivojlanishiga turtki bo‘ladi. Xizmatlar sohasi tarkibiga moliyaviy xizmatlar, savdo xizmatlari, transport xizmatlari, ko‘chmas mulk bilan bog‘liq xizmatlar, ta‘lim sohasidagi xizmatlar, aloqa va axborotlashtirish xizmatlari, yashash va ovqatlanish xizmatlarini kiritishimiz mumkindir.

Sug‘urta kompaniyalari sug‘urta bozorida moliyaviy xizmatlarni amalga oshirib, tabiiy ofatlar (zilzila, suv toshqini, yog‘in va boshqalar), har xil baxtsiz hodisalar ro‘y berishi natijasida ko‘rilgan zararni qoplash va boshqa pul qoplamalari to‘lash uchun maqsadli pul jamg‘armalarini tashkil etish va undan foydalanish bilan bog‘liq iqtisodiy munosabatlar subyekti sifatida namoyon bo‘ladi.

Sug‘urta faoliyati bilan bog‘liq rasmiy statistikasi kuzatar ekanmiz, O‘zbekiston Respublikasida moliyaviy xizmatlarning hajmi 2022-yilda 20 697,7 mlrd. so‘mga oshdi va 80 431,0 mlrd. so‘mga yetdi. Jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmida moliyaviy xizmatlarning ulushi 22,5 foizni tashkil etdi. Jami moliyaviy xizmatlarning o‘sish sur‘ati 129,3 % ni tashkil etdi. Shuningdek, sug‘urta bo‘yicha xizmatlar 7,3 foizni yoki 5,871 trln. so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2021- yil yakuni bo‘yicha hisobot ma‘lumotlariga ko‘ra, 47 ta sug‘urta kompaniyasi tomonidan 6841354 ta shartnomalar tuzilgan yoki 2020-yilning shu davriga nisbatan solishtirilganda 115,2 foizni tashkil etdi<sup>25</sup>. Ushbu jihatlarga e‘tibor qaratganda, sug‘urta bozorini rivojlantirish va yangi sug‘urta instrumentlarini taqdim etish muhim ahamiyat kasb etadi.

---

<sup>25</sup> <https://stat.uz/images/uploads/docs/xizmatlar12022pressuz.pdf>



Sugʻurta kompaniyalari tomonidan aholi va tadbirkorlarga koʻrsatilayotgan asosiy xizmatlaridan biri:

Transport vositalarini sugʻurtalash;

Tibbiy sugʻurta;

Yuklarni sugʻurtalash;

Ipoteka sugʻurtasi;

Mol-mulkni sugʻurtalash va boshqalar.

Faoliyat koʻlami, mulkchilik shakllari va faoliyat turlari xilma-xilligiga bogʻliqlikda korxonalar moliyasini boshqarish tizimi yetarli darajada murakkab tuzilmagan ega boʻlishi mumkin.

Korxonalarining moliyaviy resurslarini shakllantirish xususiyatlari va jalb qilish sharoitlari, ularni taqsimlash yoʻnalishlari va metodlari quyidagilarga bogʻliq holda sezilarli darajada farq qiladi:

- korxonalarining moliyaviy-xoʻjalik faoliyati koʻlami;
- korxonalar rivojlanishining hayotiy sikl bosqichlari;
- biznes yuritishning tashkiliy-huquqiy shakllari va boshqalar.


Oʻzbekiston Respublikasining “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi Qonunida qayd etilganidek, “Sugʻurta bozorining professional ishtirokchilarini tashkil etish va davlat roʻyxatidan oʻtkazishda sugʻurtalovchilar (qayta sugʻurtalovchilar) aksiyadorlik jamiyati shaklida tashkil etiladi”<sup>26</sup>. Sugʻurta kompaniyalari 25 fevral 2022 yilga qadar aksiyadorlik jamiyatlari va maʼsuliyligi cheklangan jamiyatlar shaklida faoliyat olib borayotgan edi. Qonunchilikdagi oʻzgarish boʻyicha sugʻurta kompaniyalari faqatgina aksiyadorlik jamiyatlari shaklida tashkil etiladigan boʻldi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy resurslarni boshqarish va aksiyadorlar huquqlarini himoya qilishda korporativ boshqaruv hamda moliyaviy menejmentning oʻrni beqiyosdir. Iqtisodiy adabiyotlarda taʼkidlanganidek, moliyaviy menejment – bu korxonaning strategik va joriy maqsadlarini amalga oshirishga yoʻnaltirilgan moliyaviy resurslarni va moliyaviy faoliyatni boshqarishdir.

---

<sup>26</sup> Oʻzbekiston Respublikasining “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi Qonuni 23.11.2021 yildagi OʻRQ-730-son

Sugʻurta kompaniyalarida moliyaviy menejmentning kompleks vazifalari tarkibi operatsion qarorlar qabul qilish, investitsion qarorlar qabul qilish, moliyaviy qarorlar qabul qilishdan iborat. Sugʻurta kompaniyasida moliyaviy menejment tizimi qay darajada optimal va samarali tashkil etilgan boʻlsa, shu darajada tizimli risklarni oldini olish hamda faoliyat rentabelligini oshirish imkoniyati yuqori boʻladi.



**1-rasm. Moliyaviy menejmentning kompleks vazifalari<sup>27</sup>**

## СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Абдураимова Мафтунахон Ахматовна**  
**ТМИ “Аудит” кафедраси доценти**

Суғурта ишида иш юритиш харажатлари суғурта ташкилоти фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун мўлжаллангани боис

<sup>27</sup> Toshmurodova B.E., Elmirzayev S.E., Tursunova N.R. Moliyaviy menejment. Darslik. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2017. - 350 bet.

муҳим рол ўйнайди. Улар шу боисдан ҳам суғурта хизмати таннархининг асосий қисми ҳисобланадилар.

Булардан ташқари иш юритиш учун харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади:

- ўзгарувчан харажатлар суғуртанинг алоҳида бўладиган сарф-харажатлар турига, алоҳида суғурта шартномасига киритилиши мумкин;

- доимий сарф-харажатлар эса, алоҳида суғурта турига киритилиши мумкин эмас. Улар тузилган барча суғурта шартномаларига жойлаштирилган бўлиши керак.

Суғурта компанияси фаолиятида доимий харажатларнинг умумий салмоғи нисбатан кичикроқ бўлиб, ўзгарувчан харажатлар салмоқли ўрин тутаяди.

«Иш юритиш харажатлари 2010-«Суғурта ишини юритиш харажатлари»счётида ҳисобга олинади. Харажатлар бўйича дастлабки маълумотлар қуйидагилар асосида олинади»<sup>28</sup>:

- суғурта ташкилотининг иш юритиш харажатлари таркибининг тўғри белгиланиши;

- иш юритиш харажатларининг 2010-«Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётига олиб борилишининг асосланганлигини, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5-февралдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотишнинг харажатлари тўғрисидаги Низом» ва фойдадан солиқ олишда ҳисобга олинган молиявий натижаларнинг шаклланиш қоидаларига мувофиқлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 октябрда рўйхатга олинган 1517-сонли «Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги» Низом асосида юритилиши;

- бевосита ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ бўлган иш юритишга кетадиган сарф-харажатларнинг акс эттирилиши;

---

<sup>28</sup> Туйчиев А.Ж., Астанакулов О.Т. «Хизмат кўрсатиш соҳасида аудитнинг хусусиятлари». Ўқув қўлланма. Иқтисод – молия, 2017. – 152 б.

- ҳаётни суғурта қилишдан бошқа суғурта турлари бўйича иш юритишга кетадиган сарф-харажатларнинг мавжудлиги;

- ҳаётни суғурта қилиш захираси маблағларини инвестиция қилишни бошқариш бўйича сарф-харажатларнинг алоҳида счёта акс эттирилиши;

- суғурта ташкилотининг бошқа маблағларини инвестиция қилишни бошқариш бўйича сарф-харажатларнинг асосланганлиги;

- иш юритиш бўйича бошқа сарф-харажатларнинг келтирилиши.

Давр харажатлари бўйича ушбу тур харажатларининг счётларга тўғри олиб борилиши, яъни иккиёқлама ёзув тўғри амалга оширилганлиги, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиши ҳисобот тузиш учун етарлича маълумот бўлиб хизмат қилади.

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг шаклланиш хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- суғурта ташкилотлари фаолиятини қонунийлиги;

- тузилган суғурта шартномаларининг хусусияти;

- қайта суғурта операцияларининг мавжудлиги;

- суғурта даввоси ва суғурта товонларининг ўзаро мутаносиблиги;

- суғурта захираларини ташкил этиш ва жойлаштирилиши бўйича манфаатдорлик;

- суғурта ташкилотларида инвестиция фаолиятининг жозибаторлиги;

- иш юритиш харажатларининг тўғри тақсимланиши;

- суғурта иштирокчиларининг фаолияти хусусиятлари.

Суғурта ташкилотлари фаолиятининг қонунийлиги таъсис ҳужжатларининг давлат рўйхатига олиш ҳужжатлари ва суғурта ташкилотига рухсат этилган суғурта тури билан ва лицензияга мувофиқ суғурта фаолияти билан шуғулланаётганлигини ифодалайди.

Суғурта ташкилотларининг ҳисоботини тузишда энг аҳамият касб этадиган йўналиш бу суғурта ташкилотининг даромадлари ва харажатлари ҳисобланади. Юқорида ҳам суғурта ташкилотининг

даромадлари ва харажатларига қисқача тўхталиб ўтган эдик. Энди даромад гуруҳларига ҳам тўхталиб ўтишимиз зарур деб ҳисоблаймиз:

Суғурта ташкилотларининг даромадлари қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади:

1) Суғурта операциялари бўйича даромадлар (суғурталовчининг соф тушуми);

2) Суғурта фаолияти бўйича бошқа даромадлар (суғурта захираси маблағларини инвестициялаш, суброгация, қайта суғурталаш бўйича мукофотлар бўйича фоизлар);

3) бошқа фаолиятдан олинган даромадлар (активларни сотиш, мулкни ижарага бериш ва ҳ.к).

Суғурталовчининг соф тушуми (суғурта хизматларини сотишдан) бевосита суғурталаш ва биргаликда суғурталаш (биргаликда суғурталаш шартномасида белгиланган суғурталовчининг улуши қисмида) бўйича мукофотлар умумий суммаси қайта суғурталашга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотларини чиқариб ташлаган ҳолда ҳамда суғурта агенти, брокери, воситачи хизматларини кўрсатиш учун комиссия ва бошқа мукофотлар ҳамда бевосита суғурта хизматлари кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар тарзида аниқланади.

Суғурта фаолияти бўйича бошқа даромадлар (суғурта захираси маблағларини инвестициялаш яъни инвестицион фаолиятдан олинган даромадлар) қаторига суғурта захиралари ва бошқа маблағларни бошқа хўжалик субъектлари фаолиятида улуш билан қатнашишда жойлаштириш натижасида олинган даромадлар, хўжалик субъектига тегишли бўлган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар, инвестицион фаолиятни амалга оширишдан бошқа даромадлар, суғурта захиралари маблағларини инвестициялашдан даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар қаторига қуйидагилар киради: асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар, мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, олдинги даврларда

зарарлар қаторига чиқариб юборилган дебиторлик қарзларини сўндириш учун келиб тушган суммалар, лизинг шартномаси бўйича олинган фоизлар суммаси, кредиторлик қарзларидан кечиб юборилиши, регресс даъволар бўйича суғурта тўловини қайтариб беришдан ҳисоб рақамига келиб тушган суммалар; валюта счётлари бўйича мусбат курс фарқи, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган даромад. Уларнинг барчаси ҳисобот тузилаётган жараёнда актив қатнашади ва ҳисобот йилида суғурта ташкилотининг қай даражада даромад билан чиққанини ифодалаб беради.

Суғурта ташкилотлари харажатлари бевосита даромад олиш мақсадида фаолиятига алоқадор ишларни режалаштириш ва бажариш натижасида даромаддан чегириладиган қисм ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари харажатлари икки турга бўлинади: суғурта хизматини кўрсатиш бўйича харажатлар ва давр харажатлари:

Суғурта хизматлари таннархи таркибига қўшимча (ўзига хос) харажатлар суғурталаш (биргаликда суғурталаш) ва қайта суғурталаш (суғурта ташкилотига тегишли улуш қисмида) шартномалари бўйича суғурта мукофотлари тўлов миқдори, суғурта ҳолатлари бўйича тўловлар ва тартибга солиш билан боғлиқ харажатлари, олдини олиш чора-тарбирларини молиялаштириш бўйича захираларга ажратмалар, қайта суғурталаш операциялари бўйича тантём ва комиссиян мукофотлар, суғурта агенти ва суғурта брокери хизматларини кўрсатиш учун тўланган комиссиян мукофотлар, суғурта агентларининг турар жойидан суғурталовчининг олдига бориб келиш харажатлари тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган бу харажатларни қоплаш, ташкилотларга нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан уларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари ўтказиш бўйича ходимларнинг ёзма топшириқларини бажарганлик учун тўловлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг маълумотномаси, статистик маълумотлар, хулосалар ва ҳоказолар бериш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш, суғурта рискинни баҳолаш, мулкнинг суғурта қийматини

аниқлаш, суғурта ҳолатлари оқибатини баҳолаш ва суғурта тўлови миқдорини аниқлаш учун жалб этиладиган мутахассислар (экспертлар, юристлар, адвокатлар) хизматларига ҳақ тўлаш; суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ, жумладан, суғурталовчиларга тўловларга хизмат кўрсатиш, ҳисоб рақами ва бошқа счётлар, нақд пул бериш ва қабул қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг хизматларига ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрлар доирасида реклама, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, вакиллик харажатлари, суғурта гувоҳномалари, қатъий ҳисоб остидаги бланклар, квитанциялар ва ҳоказолар тайёрлаш учун харажатлар, суғурта фаолиятини амалга ошириш (ҳужжатлар ва моддий бойликлар, мутахассисларни ташиш) учун мўлжалланган автомобиль транспорти харажатлари киради.

Давр харажатлари таркибига бевосита суғурта хизматлари билан боғлиқ бўлмаган, яъни бошқарув тавсифидаги харажатлари киради. Давр харажатлари қуйидаги моддаларга тақсимланади: реализация харажатлари (маркетинг ва реклама харажатлари), маъмурий харажатлар (бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бошқарув ходимлари учун ижтимоий суғурта ажратмалари, хизмат автотранспорти харажатлари, халқаро ва шаҳарлараро телефон хизмати учун тўловлар, уяли ва пейджинг алоқа учун тўловлар, маълумот узатиш тармоқлари радиочастота спектридан, жумладан, интернетдан фойдаланиш харажатлари, маъмурий бошқарув эҳтиёжлари учун бино ва иншоотлар ижара тўловлари; маъмурий тавсифдаги асосий воситаларни таъминлаш ва амортизация харажатлари; бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун харажатлар, вакиллик харажатлари), бошқа операцион харажатлар (маслаҳат ва ахборот хизматлари учун тўловлар, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш, мажбурий бюджет тўловлари, солиқлар ва давлат мақсадли фондларига ажратмалар, ҳукумат қарори бўйича халқаро ташкилотларга аъзолик

бадаллари, жарима ва пеня тўловлари, суд харажатлари, даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари ва бошқа ундириб олишнинг имкони бўлмаган қарзлардан кечиб юбориш харажатлари, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича зарарлар, асосий воситалар ва хўжалик субъектининг бошқа мулки (активлари)ни баланسدан чиқариш туфайли зарарлар, солиқ ва бошқа қонунчиликни бузганлик учун жарима ва пеня тўловлари, экологик, соғломлаштириш ва бошқа хайрия фондларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотларига бадаллар, қонунчиликка мувофиқ икки ёшга тўлгунга қадарболага қараганлик учун тўланадиган тўловлар, молиявий ҳисоботларни чоп этиш харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар (хорижий валюта манфий курс фарқи ва улар билан операциялардаги зарарлар, ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш харажатлари қимматли қоғозлар бўйича бошқа харажатлар).

Суғурта мукофотларини йиғиш суғурта ташкилоти фаолиятининг асоси ҳисобланади. Чунки ташкилотнинг самарали ишлаши учун маблағлар мукофотлар ҳисобидан яратилади. Мукофотлар суғурталовчининг асосий фаолияти самарадорлигини белгиси ҳисобланади.

Тўловлар суғурталовчининг харажатларини асосий қисмини ташкил қилади ва уларнинг хусусияти бухгалтерия нуқтаи назаридан шундаки, уларнинг ҳисоб-китоблари касса усули билан амалга оширилади. Ушбу ёндашув суғурталовчининг даъво қилинган зарарлар учун захирани шакллантириш мажбурияти билан белгиланади, бу эса суғурталовчининг харажатлари бўлиб, ҳисоб-китоб усули билан тўловларни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобида харажатларни икки баравар оширишга олиб келади. Шундай қилиб, суғурта тўловларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини ўрганиш уларнинг қуйидаги хусусиятларни кўрсатади: тўловларни ҳисобга олишнинг махсус ҳисоби, ҳисоб-китоб касса усули билан амалга ошириладиган сарф-харажатларнинг ўзига хос тури, қайта суғурталовчиларнинг улуши мавжудлиги, зарар захираларини



шакллантиришга таъсири, захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, суғурта ташкилотлари тўғрисидаги ишончли маълумотларнинг очиклиги ва ҳаққонийлиги муаммосини ҳал қилиш йўлидаги қадамлардан бири суғурта ташкилотининг бошқарувини тавсифловчи маълумотлар, шу жумладан корпоратив бошқарув тамойиллари ва ташкилотнинг раҳбарияти ҳақидаги шахсий маълумотлар, шунингдек, потенциал инвестор ёки суғурта қилдирувчи материалларини таҳлил қилишдан суғурта ташкилотининг фаолияти ва натижалари ҳақида ишончли хулосалар чиқаришига эришиш мумкин.

## **SUG‘URTA FAOLIYATIDA BIZNES JARAYONLARI REINJINIRINGI**

**Yakubova N.T.**  
**TMI dotsenti, PhD**

Keyingi vaqtlarda jadal kechayotgan raqamlashtirish jabhasidagi yutuqlar biznes jarayonlari usuli funksionalligini ta'minlash, aynan xodimlar ixtisoslashuviga ko'ra, ularning vazifa va majburiyatlari tubdan o'zgarishini taqazo etmoqda.

Keltirilgan natija va xususiyatlar sug'urta faoliyatida biznes jarayonlari tubdan o'zgartirilishida samarali qo'llanilishi mumkin. Bu o'rinda, biznes jarayonlari reinjiniringining muhim tarkibiy qismi sifatida sug'urtasi mahsuloti injeniringi konsepsiyasini joriy qilish samarali hisoblanadi.

“Sug'urta mahsuloti injiniringi - sug'urta mahsulotini ishlab chiqishda qo'llaniladigan usullar va usullar to'plami bo'lib, ular quyidagilarni:

- elementar sug'urta operatsiyalarini amalga oshirish texnologiyalari;

- sug'urtalangan mijozlarning biznes vazifalarini tavsiflash usullari (ularni hal qilish zarurati sug'urta mahsulotlarini taqdim etish orqali qondirilishi mumkin);

**Sugʻurta faoliyatida biznes jarayonlari reinjiningi konsepsiyasi bosqichlari va natijalari<sup>29</sup>**

<b>SUGʻURTA FAOLIYATIDA BIZNES JARAYONLARI REINJINIRINGI</b>			
<b>BOSQICH</b>	<b>KONTENT</b>	<b>NATIJA</b>	<b>XUSUSIYATLAR</b>
<b>I</b>	Sugʻurta tashkilotining rivojlanish strategiyasini shakllantirish	Mavjud biznes jarayonlarini rivojlantirish	Amalda eskirgan qoidalarni bekor qilish orqali biznes jarayonlarini takomillashtirish
<b>II</b>	Sugʻurta faoliyatida biznes jarayonlari usuli namunasini ishlab chiqish	Maqsadlarni roʻyobga chiqarish tizimini shakllantirish	Faoliyat(operatsiyalar) natijadorligini oshirish mexanizmini yaratish
<b>III</b>	Sugʻurta faoliyatida yangi biznes jarayonlarini amaliyotga joriy etish	Erishilgan natijalar nazorati va tahlili	Biznes jarayonlarini tubdan qayta qurish

Sugʻurtalovchining sugʻurta biznesi sugʻurta operatsiyalari birikmasi sifatida vaqt va makonda sugʻurta texnologiyalarini tartibga solish (mijoz(polis egasi)ga xizmat koʻrsatish) jarayonini amalga oshirishdir.

Biznes jarayonlarining boshlanishi sugʻurta himoyasini sotib olish uchun potensial sugʻurtalanuvchilarning arizasi bilan va sugʻurtalash shartlari, risklar, tarif stavkasi, qoplama tizimi, sugʻurta mahsuloti parametrlari, sugʻurta shartnomasi va polisi taqdim etiladi.

Risklar transferida sugʻurta shartnomasi biznes jarayonining asosini tashkil etadi. Bu oʻrinda, sugʻurtalangan mijozning isteʼmol qiymati ekvivalentlik tamoyiliga mos ravishda sugʻurta shartnomasining amal

<sup>29</sup> Tadqiqotchi ishlanmasi

<sup>29</sup> Никулина Н.Н. Инновационные технологии в маркетинге. Учебник, 2018. // <https://bstudy.net/776698/>.

qilish muddati va shartlari asosida olishi mumkin bo'lgan kafillik xizmati hisoblanadi. Sug'urtalovchi shartnomada nazarda tutilgan sug'urta xizmati ko'rsatilishini o'zaro bog'liq operatsiyalarni amalga oshirish orqali ta'minlaydi.

Biznes jarayonining har bir alohida qismi o'zaro uzviy bog'liq bo'lgan biznes operatsiyalaridan tashkil topadi. Sug'urta faoliyatida biznes-jarayonlari anderraytingi komponentlari (18-rasm) misolida ko'rib chiqish mumkin.

Bu o'rinda zarar ko'rilishi ehtimol bo'lgan risk quyidagi:

-sotilgan mahsulot(xizmat)lar uchun to'lov amalga oshirilmaganligi sababli foydaning yo'qotilishi;

-resurs bazasining qisqarishi va boshqa natijalar olinishi bilan ifodalanadi. Shu bilan birga, bir tomondan, risk darajasi qanchalik past bo'lsa, daromad olish ehtimoli shunga mos darajada bo'ladi, shuning uchun har qanday riskni minimal darajaga tushirish yoki muqobil echimlar orasidan ham minimal darajadagi riskni tanlashi, boshqa tomondan, risk darajasi, biznes jarayoni darajasi hamda samaradorlik darajasini optimal nisbatda tanlash talab etiladi.

Shunday qilib, sug'urta faoliyatida biznes jarayonlari sug'urta sub'ekti bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq mijozga xizmat ko'rsatilishini nazarda tutadi.

Bu o'rinda, ko'rsatilayotgan xizmat uchun sug'urtalangan mijozning moliyaviy majburiyatlari bajarilishi sug'urta mukofoti shaklidagi pul oqimi bilan bog'liq jarayonlar hisoblanadi. Bu biznes jarayonlari davriylikda amalga oshirilishini anglatadi, bu jarayon davriyligini sug'urtalovchi belgilaydi.

Sug'urta tashkiloti mijozning sug'urta himoyasiga bo'lgan talabining mohiyatiga ko'ra uning biznes vazifasini belgilaydi va uni sug'urtalash qoidasida aks ettiradi.

Xususan, sug'urta tashkiloti sug'urtalash texnologiyasiga muvofiq quyidagi hujjatlar to'plamini:

- sug'urta xizmati uchun ariza shakli;
- sug'urta shartnomasi va mijozga xizmat ko'rsatish qoidasi;
- sug'urta polisini sug'urtalanuvchiga taqdim etadi.

## СУҒУРТАЛОВЧИЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Кенжаев Илхом Ғиёзович**

*Суғурта ва пенсия иши кафедраси доценти*

Жаҳон иқтисодиётида инвестициялар бўйича даромад нормаларини ҳисобга олган ҳолда суғурта тўловларини дисконтлаштириш хос бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича операцияларни амалга оширишда Европа давлатларининг ихтисослашган суғурта ташкилотлари учун инвестиция фаолиятдан даромад олиш муҳимдир. Мазкур суғурта ташкилотларида ликвидлик масаласи иккинчи даражали ҳисобланади, чунки суғурта ташкилотларига жалб қилинган маблағлар асосан узоқ муддатли маблағларни ташкил қилади. Англия суғурта ташкилотларининг активлари таркибини олиб қарайдиган бўлсак, уларда “давлат қиммали қоғозлари, маҳаллий органларнинг қимматли қоғозлари ва чет эл қимматли қоғозлари 25 фоиз атрофида, компанияларнинг қимматли қоғозлари 30 фоиздан ортиқ, ссудалар ва ипотека кредитлари 2-5 фоиз, кўчмас мулкка қўйилмалар 3-5 фоизни ва бошқа соҳаларга 35 фоиз атрофида маблағлар йўналтирилади”<sup>30</sup>.

Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятини бошқариш масалалари замон талаблар асосида амалга оширилиб, суғурта ташкилотлари ихтиёрида бўлган бўш маблағларни сифатли жойлаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”<sup>31</sup> устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш

---

<sup>30</sup>Сирцов О.В. Методы прогнозирования, анализ инвестиционных возможностей страховых компаний. Автореферат диссертации на соискание кандидата экономических наук, – Москва, 2009. – с.20.

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ва суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Суғурта ташкилотларининг фонд бозоридаги актив фаолияти унинг тузилмасига спекулятив операциялар улушини пасайтириш томонга қараб ҳаракат қилиш имконини беради. Бу биринчи ўринда, фақат мўътадил инвестиция сиёсати олиб боришни назарда тутган суғурта фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларида эса аҳвол бошқача. Яъни, катта ҳажмдаги молиявий ресурсларга эга бўлган суғурта ташкилотлари банклар ва пенсия фондлари билан бирга йирик инвестор сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар пассив молиявий ресурсларни актив капиталга айлантириб, миллий иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳолат қуйидаги жадвалда тасвирланган (1-жадвал).

Инвестиция сиёсатни ишлаб чиқиш иқтисодиётнинг барча даражаларида амалга оширилиши зарур. Микродаражада инвестиция сиёсати инновацион фаолиятни амалга ошираётган корхоналар, банклар, фондлар, суғурта ташкилотлари ва уй хўжаликлари учун ишлаб чиқирилиши зарур. Шу билан бирга иқтисодий тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Макродаражада давлат инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чекланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Шундай бўлсада суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун инвестиция муҳити ҳали ҳанузгача яхшимас. Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятини амалга ошириш муҳитини яхшилаш учун қуйида чора-тадбирларни амалга

оширишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1-жадвал

**Суғурта ташкилотларини инвестиция фаолияти тажрибасининг қисқача шарҳи<sup>32</sup>**

<b>Мамлакат</b>	<b>Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини ўзига хос хусусиятлари</b>
Германия	Суғурта ташкилотлари мамлакат иқтисодиётдаги инвестицияларнинг 25 фоизини таъминлайди ва уларнинг инвестиция фаолиятидан олган даромадлари жами даромадларининг 1/5 қисмини ташкил қилади.
Швецария	Суғурта ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши шартлари қўлланилади. Улардан бири бўлиб, суғурта ташкилотларининг капитал бозоридаги фаол ҳаракати ҳисобланди. Суғурта ташкилотлари активларининг ярмига яқини ссуда ва инвестициялар шаклида облигацияларга жойлаштиради.
Япония	Аҳоли маблағларини жалб қилиш учун келажакда миллий иқтисодиётда стратегик муаммоларни ечишга қаратилган алоҳида олинган иқтисодий механизм қўлланилади. Мазкур механизмини қўллашга ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари жалб қилинган. Бундан ташқари, айти пайтда улар йирик инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда устувор ҳуқуққа эга.
АҚШ	Алоҳида олинган штатлар инвестицияларнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, улар ҳозирги вақтда инвестицияларга эҳтиёжи юқори бўлган миллий иқтисодиёт соҳаларига молиявий ресурсларни суғурта ташкилотлари томонидан жойлаштирилишини рағбатлантирувчи иқтисодий меъёрларни белгилаши мумкин.

<sup>32</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**Биринчидан:** ҳудудларда суғурталанувчиларга суғурта хизматини кўрсатилиши бўйича қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Яъни радио ва телевиденияларда суғурта терминлари ҳамда суғуртанинг ҳуқуқий асослари бўйича тушунтириш ишларини олиб борилишини йўлга қўйиш керак;

**Иккинчидан:** суғурталанувчилар ўртасида суғуртанинг узок муддатли турларидан кўпроқ фойдаланишни йўлга қўйиш керак;

**Учинчидан:** қайта суғурталаш бўйича чет эл суғурта компаниялари билан ҳамкорликни кучайтириш керак.

Юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни бирин-кетинлик билан суғурта бозорида амалга оширилса, биринчидан аҳоли ўртасида суғурта маданияти кенг шаклланади, иккинчидан суғурта ташкилотлари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларни узок муддатга йўналтириш имконияти яратилади, учинчидан суғурта ташкилотлар ихтиёрида катта миқдордаги суғурта мукофотларини тўпланишига олиб келади. Бу эса суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини самарадорлик даражасини янада оширади.

## **СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ**

**Хаттабов Муродулла Ботирович**  
*ТМИ мустақил изланувчиси*

Молиявий барқарорлик тушунчаси иқтисодиётнинг умумий ва шу билан бирга асосий терминларидан бири бўлиб, доимий равишда аниқлик киритишни талаб қилади. Чунки молиявий барқарорликнинг моҳиятини тўлиқ ва аниқ белгилаб олиш уни сон жиҳатидан аниқ ўлчаш ва унга самарали таъсир кўрсатиш имконини беради. Ҳозирги даврда шу тан олинганки, суғурталовчининг молиявий барқарорлигини аниқлаш масаласи — суғурталовчиларнинг ўзлари, уларнинг ҳамкорлари, суғурталанувчилар ва давлатнинг муаммоси.

Молиявий ресурслар суғурта ташкилотлари ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, улар жорий харажатлар ва суғурта хизматларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари молиявий мажбуриятларни бажариш ва ходимларнинг моддий таъминотини амалга ошириш учун ишлатилади.

Шунингдек суғурта бизнеси молия бозорининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, ушбу секторда бизнес-жараёнларни амалга оширишнинг асосий воситаси пул оқимлари ҳаракати ҳисобланади. Пул оқимларининг самарали ҳаракати ва қайта тақсимланиши жами бизнеснинг қийматига боғлиқ. Шу муносабат билан суғурта бизнесининг қийматини баҳолашда ташкилотнинг пул оқимларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчи ўринда суғурта бизнесининг ўзига хосликларига эътибор қаратамиз.

Биринчидан, суғуртанинг бевосита иштирокчилари сифатида товар ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар, яъни суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ҳисобланади.

Иккинчидан, суғуртанинг бош мақсади – суғурталанувчиларнинг мулкӣ манфаатларини фавқулотда ҳодисалардан ҳимоя қилиш, суғурта тадбиркорларининг бош мақсади – фойда олиш ва уни мазкур суғурта бизнеси иштирокчилари ўртасида тақсимлашдан иборат.

Учинчидан, суғурта иштирокчиларининг мақсадини таъминлаш воситаси - суғурта маҳсулоти ҳисобланади ва у суғурталанувчилар учун суғурталовчилар томонидан яратилади<sup>33</sup>.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар суғурта компанияси молиявий фаолиятининг, капитал шаклланиши ва маблағлар харажатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Суғурта ташкилоти капиталини шакллантириш, суғурта бизнесига молиявий ресурсларни жалб қилиш, суғурталовчи мажбуриятларини молиялаштириш имкониятига эга бўлган, ҳар

---

<sup>33</sup>В.Б.Гомелля Страховой бизнес: сущность и содержание [текст]/В.Б.Гомелля//Материалы ежегодной научной сессии «Роль бизнеса в трансформации Российского общества». М.: Маркет ДС, 2006. 424 с.



қандай вақтда унинг тўлов қобилиятини таъминлай оладиган ушбу ресурсларни бошқариш ва уларни капиталнинг аниқ шаклларига айлантириш жараёнидир<sup>34</sup>. Суғурта ташкилоти молиявий ресурсларни суғурта фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолиятларни амалга ошириш асосида жалб қилади. Бунда фаолиятларни бу каби йўналишларга ажратиш ушбу операцияларни иқтисодий хусусиятидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратиш билан амалга оширилади. Молиявий ресурсларнинг ушбу фаолият майдонларидаги ҳаракати ўзаро боғлиқ бўлиб, суғурта компанияси маблағларининг айланма ҳаракатини юзага келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғурта хизматлари суғурта компаниялари томонидан таклиф этилаётган, суғурта бозорининг ўзига хос товари ҳисобланади. Бошқа товарлар каби суғурта маҳсулоти ҳам ўзининг қиймати ва баҳосига эга.

Инвестицион ва молиявий фаолият ҳам суғурта компаниясининг муҳим фаолиятлари ҳисобланади, чунки улар ҳам суғурта компанияси учун зарур даражадаги капитални шакллантиради.

Суғурта компанияси капитал таркибининг асосий ўзига хослиги суғурта заҳираларининг мавжудлигидир. Суғурта заҳиралари суғурталанувчиларнинг маблағлари – суғурта мукофотлари ҳисобидан шакллантирилади ва ушбу заҳиралар суғурта қопламаларини амалга ошириш учун мўлжалланган. Улар суғурта компаниясининг хусусий маблағи эмас, улар суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталовчи бошқарувидаги маблағлардир. Уларни шакллантириш тартиблари қонунчилик асосида белгиланади.

Бизнинг фикримизча, суғурта заҳираларини юқоридагича тавсифлаш бутунлай тўғри бўлмайди. Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси заҳираларидан ташқари барча суғурта заҳиралари фақат суғурта ҳодисаси юз берган суғурталанувчиларга қайтарилади ва ушбу қопламалар баъзи ҳоллардагина жами суғурта заҳираларини ташкил этиши мумкин. Ушбу заҳиралар аниқ бир суғурталанувчига

---

<sup>34</sup>Н.Н.Никулина Особенности оценки и анализа платежеспособности страховой организации [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.insur-info.ru>.

тегишли эмас, балки кўп сондаги суғурталанувчилар гуруҳига тегишли. Йил давомида ишлатилмаган заҳиралар суғурта компаниясининг фойдасига айланади ва шу асосда компаниянинг хусусий капитали кўпайиб боради.

Суғурта, инвестицион ва молиявий фаолиятларни амалга ошириш натижасида жалб қилинган молиявий ресурслар фақат суғурта бизнеси учун хос таркибга эга бўлган капиталга айланади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш бир қатор манбалар ҳисобидан амалга оширилади, Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари асосан иккита йирик манбадан ташкил топади: хусусий ва жалб қилинган маблағлар. Уларни янада аниқроқ қуйидагича изоҳлаш мумкин: хусусий ва унга тенглаштирилган маблағлар; молиявий бозордаги ресурслар; қайта тақсимлаш тартибидаги пул қиримлари.

Суғурта ташкилотлари бизнесининг асосини молиявий сармоялар ва молиявий заҳиралар ташкил қилади. Суғурта фондлари ва заҳиралари уларнинг ихтиёрида бўлган пул воситаларидан ташкил топади. Суғурта заҳиралари иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция сифатида йўналтирилади. Хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий заҳиралар пул кўринишидаги сармоядир. Шундай қилиб, суғурта ташкилотининг молиявий менежментида сармоя бу молиявий заҳиранинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

## **СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШДА СТРЕСС-ТЕСТ УСУЛИ**

**Сатторов Шохрух Махмуджон ўғли**  
*ТМИ мустақил тадқиқотчиси*

Суғурта хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини турли хавф-хатарлар ва кутилмаган вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали воситаларидан бири. Кейинги йилларда мамлакатда суғурта соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли юқори натижаларга эришилди. Жумладан, соҳанинг ҳуқуқий

асослари мустаҳкамланди, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, рақобатбардош суғурта бозорини ривожлантириш ва ўзгартиришга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамланиши натижасида соҳани янада ривожлантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Барча ҳудудларда 15,4 минг нафар ходим ва суғурта агенти учун барқарор иш ўрни яратилди. Ҳозирги вақтда, мамлакатдаги суғурта компаниялари турли йўналишларда 110 дан ортиқ турдаги суғурта маҳсулотларини таклиф этяпти.

Суғурта ташкилоти рискларини баҳолашда Стресс-тест усули қўллаш ташкилотнинг молиявий ҳолатини ва рискларни баҳолашнинг энг долзарб механизмидир. Бундан ташқари суғурта рискларини бошқариш ва баҳолаш соҳасидаги самарали тизим бўлиб, бизнесга хос бўлган рискларни мукамал тушунишга ёрдам беради. Ушбу усул орқали зарур ҳаракатларни ўз вақтида бажаришга ва рискларни камайтиришга ёки олдини олиш учун хизмат қилади.

Стресс-тест энг оммабоп усуллардан бири бўлиб, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мавжуд рискни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро йирик хорижий баҳоловчи ташкилотлар стресс-тест усулидан фойдаланади ва уни рискларни баҳолашнинг энг мақбул ечими деб ҳисоблашади.


Стресс-тест усули риск омилларига кўра қуйдагиларга ажратилади:

- бир ўзгарувчан стресс-тест
- мултифакториал стресс-тест

Стресс тест усули икки хил модел билан ифодаланади.

1. Бир факторли модел - кўп фойдаланилади ва у мунтазам мониторинг ўзтказиш учун қўлланилади.

2. Кўп факторли модел - ўтган давр маълумотлари асосида ёки фаразий (эксперт баҳолари асосида) маълумотлар асосида қўлланилади.



### 1-расм. Стресс-тест усулининг афзаллик ва камчиликлари<sup>35</sup>

Мазкур моделлар қўлланилганда гипотетик тестларни ўтказиш жараёни ижобий натижаларни беради. Амалиётда мазкур усул тизимли (корреляция усули, Монте-Карло усули, стохастик моделлаштириш ва экстремал қийматлар назарияси) ва тизимли бўлмаган (субъектив усул, иккиламчи омилларни ҳисобга олмаган ҳолдаги усул) стресс-тестларига бўлинади. Бошқа усуллар сингари, стресс-тест усули орқали рискни баҳолашнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, стресс-тест усулини амалда қўллаш ижобий натижалар келтиради яъни, усулдан фойдаланишнинг қулайлиги, уни доимий равишда мониторинг ўтказиш учун фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда комплекс омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш мажбуриятини талаб этмаслиги билан ажралиб туради.

<sup>35</sup> Сатторов Ш. “Суғурга ташкилотлари рискларини баҳолашнинг замонавий усуллари” Scientific Journal of “International finance and accounting” Issue 4, august 2023.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда молиявий ташкилотларнинг ҳолатини таҳлил қилишда стресс-тест усулини қўллаш амалиёти тобора оммалашиб бормоқда.

Замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, суғурта бозорини рақамлаштириш, истеъмолчилар ишончини, шунингдек, суғурта маданияти даражасини ошириш, миллий суғурта бозорини халқаро стандартларга изчил мувофиқлаштириш соҳада самарадорликнинг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил этилиши, бозорда рақобат даражаси ва бизнес юритиш ишончилигининг ошиши ҳисобига нафақат суғурта хизматлари соҳаси, балки турдош тармоқлар ҳам янада ривожланади, турли соҳаларга инвестиция киритиш имкониятлари кенгаяди.

## **СУГУРТА МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Хаттабов Муродулла Ботирович**

*ТМИ мустақил изланувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг асоси сифатида 2019 йилнинг 5 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги №Р-5464 сонли Президент фармони асосида қабул қилинган Концепция 2-бўлимининг 10-чи банди суғуртага бағишланган бўлиб, унда суғурта институтини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, хусусан мулкни ва бошқа мулкрий манфаатларни ўзаролик асосида суғурталашни ривожлантириш ва бунда ихтиёрий бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фондларни инвестицияга йўналтириш билан доимий даромад олишни кўзда тутиш белгиланиши назарда тутилган.

Суғуртанинг ўзаро суғурталаш шакли суғуртанинг илк шакли бўлиб, ушбу шакл эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларда

пайдо бўлиб, XVIII асрга қадар ягона шакл сифатида амал қилган. Тижоратга асосланган суғуртанинг илк кўринишлари XIV асрда пайдо бўлган бўлсада, унинг тармов сифатида шаклланиши XVIII асрда юз берган.

Ўзаро суғуртанинг асл моҳияти нотижорат шаклда эканлигида бўлиб, иккинчи ўзига хос хусусияти ушбу жамиятлар суғурта хизматларини фақат ўз аъзоларига кўрсатишидадир. Ўзаро суғуртанинг ушбу икки хусусияти бундай жамиятлар томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг арзонлиги, ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги, фаолиятнинг тўлиқ шаффофлиги, манфаатлар ягоналиги, жамиятни бошқаришда барча аъзолар иштирокининг таъминланганлиги, инвестицион даромадларнинг барча аъзолар учун тенг тақсимланиши ва бошқа имкониятларни яратади.

Ўзаро суғурта суғуртанинг алоҳида ва нотижорат шакли бўлиб, чет мамлакатларда кенг ривожланган ва кўпгина мамлакатларда унинг ҳажми жами суғурта хизматларининг 40 фоиздан ортигини ташкил этмоқда, баъзи мамлакатларда эса ундан ҳам ортиқ. Ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, аввало ушбу суғуртанинг оддий кўриниши нотижорат шаклида бўлиб, ўз аъзолигига кўп ҳолларда маълум касб эгаларини (хаёт суғуртасидан бошқа суғурта турларида), юридик шахслар ўртасида тузилган бундай жамиятлар бир тармоққа мансуб корхоналарни ихтиёрийлик асосида ўзида бирлаштиради. Концерн ёки холдинглар таркибига кирувчи корхоналар ўртасида ташкил этилган ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолият айниқса ҳар жиҳатдан қулай шароитга эга бўлади. Ўзаро суғурталаш жамиятларида барча суғурталанувчилар ушбу жамиятнинг аъзоси бўлганлиги туфайли ушбу жамият фаолият тўғрисидаги барча маълумотлар очик бўлиб, бу ушбу жамиятга бўлган юқори даражадаги ишончни таъминлайди. Инвестицион фаолиятдан кўрилган даромад ва суғурта ҳодисаларининг кам юз беришидан манфаатдорликнинг мавжудлиги суғурта ҳодисаларининг камайишига сабаб бўлади. Ўзаро суғуртани қишлоқ хўжалигида жорий этиш айниқса юқори самарадорликка эришиш

имконини беради. Ушбу суғурта шаклининг энг муҳим жиҳати ташкилий ва маъмурий харажатларнинг камлиги ҳисобига йиғилган суғурта бадалларининг 90 фоизгача бўлган қисмини суғурта қопламалари учун йўналтириш имконининг мавжудлигидир.

Суғурта турларининг хилма-хиллиги билан биргаликда кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш суғурта компаниясининг келажагини таъминлаб беради. Суғурта хизматларининг сифати аввалам бор, суғурта шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилиши давомида амалга ошириладиган ишлар ва албатта суғурта ҳодисалари бўйича кўрилган зарарларни тартибга солиш жараёнларини амалга оширишдаги хизматлар сифати билан белгиланади. Афсуски, Ўзбекистон суғурта компанияларининг аксарият қисмида, айниқса зарарларни қоплаш жараёнида ҳавас қилса арзийдиган ҳолат мавжуд эмас. Биринчидан, суғурталовчи ва суғурталанувчи муносабатларининг бошидаёқ, яъни тузилаётган суғурта шартномаси кўпроқ бир томон манфаатини, яъни суғурталовчи манфаатини кўзлаб ишлаб чиқилади. Бу эса суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчига қопламани тўламаслик имкониятини яратиб беради. Иккинчидан, суғурта ҳодисаси юз бериб, қопламани тўлаш зарурати юзага келган ҳолатда барча ҳужжатлаштириш ишлари учун югур-югурлар суғурталанувчи зиммасида бўлади. Бу эса ҳар қандай суғурталанувчини қопламани тўлашни сўраб суғурта компаниясига мурожаат қилишдан чекинишга сабаб бўлади. Учинчидан, транспорт воситаси билан боғлиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларида йўл-транспорт ҳодисасининг юз беришига сабабчи бўлган транспорт воситасининг эгаси-суғурталанувчи, юз берган ҳодисани атайлабдан содир этмасида давлатга жарима тўлаши керак. Бу эса суғурталанувчини яна бир бор суғурта қопламасини олиш учун суғурта компаниясига мурожаат қилишдан ўзини тийишга ва зарарни ўз ҳисобидан тўлашга мажбур қилади.

Юқоридаги мавжуд шарт-шароитлар натижасида миллий суғурта бозоримизда тўпланаётган суғурта мукофотларининг атиги тахминан 20 фоизи миқдоридаги қисми суғурта қопламалари учун

йўналтирилмоқда. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 70-80 фоизни ташкил этади. Суғурта компанияларига бўлган ишончни ҳосил қилишнинг энг асосий омили аслида мана шу ҳисобланади.

Суғурта компаниялари ўртасида тобора кучайиб бораётган ўзаро рақобат шароитида таклиф этилаётган суғурта хизматларининг сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимиз суғурта бозорида ўзаро рақобат нисбатан кучайиб бораётган бўлсада, зарур даражада эмас деб ҳисоблаймиз. Зарур даражадаги рақобатни таъминлаш учун ривожланган хорижий мамлакатлар суғурта компанияларининг бозорга киришига маълум даражада йўл очиб бериш керак, бу **биринчидан**, кучли рақобатни таъминласа, **иккинчидан**, улардаги тажрибадан фойдаланиш имконияти юзага келади. Нима учун маълум даражада деган иборани қўлладик, чунки агар чет эл компаниялари учун бозор тўлиқ очиб берилса, бу миллий компанияларнинг касодга учрашига олиб келади. Шунинг учун бу масалада эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозим.

## **РИСКЛАРИНИ СУГУРТАЛАШ ВА БАҲОЛАШ**

**Сатторов Шохрух Махмуджон ўғли**  
*ТМИ мустақил тадқиқотчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида иқтисодиётда, жумладан, молия соҳасида ва унинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган суғурта бозорида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йил якуни бўйича суғурта соҳасидаги умумий кўрсаткичларнинг кескин ўсишининг асосий сабаби – мамлакатдаги суғурта ташкилотларининг халқаро суғурта ва қайта суғурталаш бозорларида суғурта операцияларининг жадал ва барқарор ривожланиши бўлди. Хусусан, “Ўзбекинвест” АЖ компаниясининг қайта суғурталаш ҳимояси дунёнинг 118 та давлатида қабул қилинмоқда, бу компаниянинг сўнгги йилларда халқаро суғурта



бозорининг фаол ва тан олинган нуфузли иштирокчисига айланганидан далолат беради<sup>36</sup>.

Риск ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ажралмас қисмидир. Корхона ва ташкилотлар эса рискни бартараф этиш ёки уни минималлаштиришга интилмаслиги аксинча, рискни бошқаришга одатланиши зарур. Бунда рискларни қабул қилишнинг мақбул зонасини аниқлаш ва уни баҳолаш долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳар бир корхона ва ташкилотга рискни амалий, барқарор ва тушунарли бўлган баҳолаш жараёни зарур. Мазкур жараён корхонанинг ҳажми, мураккаблиги ва географик қамровини инобатга олиши мақсадга мувофиқ. Рискни баҳолаш нисбатан янги иқтисодий назария бўлиб, сўнги ўн йил ичида уни қўллашнинг турли усуллари ишлаб чиқилди. Рус олимларининг фикрича рискни баҳолаш воқеа идентификациясидан келиб чиқади бунда унинг мақсади энг мақбул имкониятларга қаратилади шунингдек, рискларни бошқаришда асос яратиш учун унинг қанчалик катта эканлиги ўрганилади.

Суғурта рискни баҳолаш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- хатарни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш;
- даврий янгиланишлар;
- янги лойиҳани бошлаш ва бирлаштириш.

Суғурта рискин баҳолаш жараёнида анъанавий риск таҳлили тушунчаси мавжуд бўлиб у рискни эҳтимоллик ва таъсир функцияси сифатида ифодалайди. Корхоналарда рисклар динамик, индивидуал, бозор ва ишлаб чиқариш характериға эға бўлиб доимий мониторинг ва баҳолашни талаб қилади.

Рискларни аниқлаш жараёни хавфни баҳолашдан олдин амалға оширилади. Риск тоифасига қараб икки гуруҳға, катта тоифа ва кичик тоифаларға бўлинади.

Катта риск тоифаларига молиявий, операцион, стратегик, мувофиқлик каби кўрсаткичлар кирса, кичик риск тоифаларига

---

<sup>36</sup> “Ўзбекинвест” АЖ экспорт-импорт суғурта компаниясининг расмий веб сайти маълумотларидан олинди.

бозор, кредит, ликвидлик кўрсаткичлари киради. Ҳар бир аниқланган риск функция ва бизнес бирлиги даражасида бошқарув учун муҳим бўлиши зарур. Рискнинг устувор бўлиш жараёни бу олдиндан белгиланган мақсадли хавф даражаси ва бардошлилик чегараси билан таққослаш орқали рискларни бошқаришнинг энг дастлабки жараёнидир. Риск нафақат молиявий ва эҳтимоллик оқибатлар нуқтаи назаридан, балки соғлиқ ва хавфсизлик, корхона престижига таъсир қилиш каби субъектив мезонлар билан ҳам кўриб чиқилади.

Риск одатда таъсир ва эҳтимоллик нуқтаи назаридан баҳоланади. Рискни баҳолаш ҳар бир хавфга қийматларни белгилаш ва маълум мезонлардан фойдаланиш имкониятидан иборат.

Рисклар алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди, шунинг учун риск билан боғлиқ бўлган барча муносабатларни бошқариш зарур. Ҳатто кичик бўлиб кўринадиган рисклар ҳам ўзининг потенциалга эга, чунки улар бошқа ҳодиса ва шароитлар билан ўзаро таъсир кучига эга бўлади ва рискнинг катталашшига ва корхонага йирик миқдорда молиявий зарар етказиш имкониятини яратади. Шу сабабли корхоналар рискларни ўзаро таъсир матрицалари, диаграммалар ва эҳтимоллик тақсимотлари каби усуллардан фойдаланган ҳолда яхлит ёки яхлит эмаслигини аниқлайдилар.

Рискни баҳолаш мезонлари молиявий, престиж, тартибга солувчи, хавфсизлик, экологик, ходимлар, мижозлар ва операциялар каби таъсирларни ўз ичига олиши мумкин. Баҳоловчи одатда, маълум рисклар корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкинлигини, бошқа кичик хавфлар эса корхона престижига ёки хавфсизлигига кўпроқ таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу таъсир омилларининг ўзаро комбинациясидан фойдаланган ҳолда таъсирни аниқлайди. Вужудга келган хавф-хатарларнинг таъсир даражасини минималлаштирувчи воситаларидан бири уларни суғурталаш ҳисобланади. Суғурта рискни аниқлаш ва баҳолашда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятида юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган йўқотишларни тақрибий содир бўлишини олдиндан билиш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта фаолияти таснифига кўра, хўжалик юритувчи субъект, бизнес ва молиявий рискларни суғурталаш мумкин. Молиявий рискларни суғурталаш суғурталовчининг қўшимча харажатлари ёки суғурталанган шахснинг даромад йўқотишларини тўлиқ ёки қисман қоплаш мажбуриятларини назарда тутадиган суғурта турларининг комбинацияси ҳисобланади.

Суғурталанадиган рисклар қуйидаги ҳодисалар туфайли юзага келиши мумкин:

- \* шартномада кўрсатилган ҳодисалар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ёки ишлаб чиқаришни тўхтатиш;

- \* суғурталанган шахснинг контрагенти томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик;

- \* кутилмаган харажатлар;

- \* суд харажатлари;

- \* банкротлик;

- \* бошқа тадбирлар.

Амалиётда рискларни баҳолаш жараёни ҳар қандай корхона ва ташкилот учун катта аҳамиятга эга. Рискларни таҳлил қилиш ва идентификациялаш бўйича юқоридаги келтирилган назарий фикрлар корхонага ҳар қандай хавф ҳодисасини тез ва сифатли аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришга ёрдам беради ва молиявий зарар миқдорини минималлаштиради. 2023 йил якунига қадар мамлакатдаги баъзи суғурта компанияларини таҳлиллаштириш, рискларни баҳолаш, қарорлар қабул қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришдаги барча асосий жараёнларини сунъий интеллект технологиясига асосланган рақамли форматга ўтказган ҳолда тўлақонли рақамлаштириш бўйича тизимли ишлар якунлаш кўзда тутилган.

## **ВОПРОСЫ РАСШИРЕНИЯ СФЕРЫ СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ НА НАЦИОНАЛЬНОМ СТРАХОВОМ РЫНКЕ**

**Журакулова Маржонахон Сирожиддновна**  
студентка 3-курса ТФИ

**Научный руководитель: Шеннаев Хужаёр**  
**Мусурманович, заведующий кафедрой**  
**«Страховое и пенсионное дело» ТФИ**

**Аннотация:** В данном тезисе рассматриваются вопросы расширения сферы страхования жизни на национальном страховом рынке. Анализируемые текущее состояние рынка страхования жизни, выявление проблемные аспекты и предлагаемые возможные пути его расширения. Особое внимание уделяется значению развития инновационных продуктов и технологий в сфере страхования жизни и их влиянию на национальный страховой рынок.

**Ключевые слова:** страхование жизни, страховой рынок, национальный рынок, расширение, инновации, продукты страхования, технологии, анализ, развитие.

Расширение сферы страхования жизни на национальном страховом рынке представляет собой ключевой вопрос, обусловленный изменениями в социально-экономической динамике и потребительском поведении. Этот процесс требует внимания к факторам, таким как социальная защита, инновации в отрасли, роль государства, демографические сдвиги и управление факторами риска, чтобы обеспечить эффективное и доступное страхование, способное соответствовать потребностям и ожиданиям разнообразной аудитории, а также способствовать общественной и экономической устойчивости. Расширение сферы страхования жизни на национальном страховом рынке может привести к повышению финансовой защищенности населения, снижению социальной нагрузки на государство и стимулированию инвестиций в долгосрочные проекты.

Подобное расширение может быть достигнуто путем рассмотрения следующих вопросов:

Развитие продуктов страхования жизни:

Какие новые продукты страхования жизни могут быть предложены на рынке для удовлетворения различных потребностей клиентов, таких как страхование от утраты трудоспособности или долгосрочной инвалидности? Для удовлетворения различных потребностей клиентов в области страхования жизни, рынок может предложить разнообразные продукты. Вот несколько новых продуктов страхования жизни, которые могут быть разработаны для учета страхования от утраты трудоспособности или долгосрочной инвалидности:

-Страхование от потери трудоспособности: Этот вид страхования может предоставить выплаты в случае временной или постоянной утраты трудоспособности, обеспечивая страхователя финансовой поддержкой в периоды, когда он не способен работать из-за заболевания или травмы.

-Долгосрочное страхование от инвалидности: Этот продукт охватывает случаи инвалидности, которые продолжаются в течение длительного времени. Обеспечивает страхователя и его семью постоянной финансовой защитой, включая затраты на медицинское обслуживание и изменения в образе жизни.

-Комбинированные полисы жизни и страхования от утраты трудоспособности: Эти продукты могут объединять в себе страхование жизни и страхование от утраты трудоспособности, предоставляя комплексный подход к защите финансовых интересов клиентов в случае несчастных случаев или болезней.

-Страхование критических заболеваний: Этот вид страхования предусматривает выплаты в случае диагностики серьезных заболеваний, таких как рак, инсульт или инфаркт. Обеспечивает финансовую поддержку для лечения и покрытия других расходов в подобных ситуациях.

-Полисы с возможностью возврата страховых взносов: Этот продукт предоставляет клиенту возможность возврата части или

всех уплаченных страховых взносов в случае, если страховое событие не наступает. Это может быть привлекательным для клиентов, которые хотят обеспечить себя и своих близких, но также ценят возможность возврата инвестиций в случае отсутствия страхового случая.

-**Страхование от утраты дохода:** Этот вид страхования может предоставлять ежемесячные выплаты в случае утраты дохода, например, из-за потери работы. Обеспечивает временную финансовую поддержку клиентам в периоды финансовых трудностей.

Развитие таких инновационных продуктов позволяет страховым компаниям лучше соответствовать потребностям клиентов, предоставляя им более гибкие и индивидуализированные варианты страховой защиты.

**Доступность и ценовая доступность:** Какие меры могут быть приняты для обеспечения доступности страховых продуктов для широких слоев населения, включая молодежь, пенсионеров и низкооплачиваемых работников?

Для обеспечения доступности страховых продуктов для различных социальных групп можно принять следующие меры:

-**Гибкость тарифов:** Введение гибких тарифов и пакетов, позволяющих адаптировать страховые продукты к разным бюджетам клиентов.

-**Образовательные программы:** Проведение образовательных программ, направленных на повышение финансовой грамотности и осведомленности о преимуществах страхования, чтобы стимулировать интерес и понимание среди широких слоев населения.

-**Субсидии и льготы:** Предоставление государственных субсидий и льгот для определенных категорий граждан, таких как молодежь, пенсионеры и низкооплачиваемые работники, чтобы сделать страхование более доступным.

-**Использование технологий:** Внедрение современных технологий, таких как мобильные приложения и онлайн-платформы,

чтобы упростить процессы покупки страховки и сделать их более доступными для широкой аудитории.

-Сотрудничество с работодателями: Заключение партнерских соглашений с работодателями для предоставления страховых продуктов как части корпоративных бенефитов, что может повысить доступность для сотрудников.

-Создание специальных программ для молодежи и пенсионеров: Разработка специализированных страховых программ, учитывающих уникальные потребности молодежи и пенсионеров, например, страхование образования для молодежи или пожизненное страхование для пенсионеров.

-Стимулирование конкуренции: Поддержка конкуренции на страховом рынке, что может способствовать снижению цен и улучшению условий для потребителей.

-Проактивная маркетинговая стратегия: Реализация эффективной маркетинговой стратегии для привлечения внимания различных социальных групп и повышения осведомленности о страховых продуктах.

Регулирование и нормативные акты: Какие изменения в законодательстве и нормативных актах могут способствовать стимулированию развития рынка страхования жизни и защите интересов страхователей? Для стимулирования развития рынка страхования жизни и защиты интересов страхователей, необходимы следующие изменения в законодательстве и нормативных актах:

-Стимулирование инноваций: Внедрение гибких правил для страховых компаний, способствующих разработке инновационных продуктов и технологий.

-Повышение прозрачности: Ужесточение требований к дискламации и предоставление более подробной информации страхователям для повышения прозрачности и понимания условий страхования.

-Гарантии стабильности рынка: Разработка мер для обеспечения стабильности страховых компаний и финансового рынка в целом, что создаст доверие у потребителей.

-Стимулирование конкуренции: Регулирование, способствующее конкуренции между страховыми компаниями, что может привести к улучшению условий страхования и снижению стоимости для клиентов.

-Обеспечение защиты прав потребителей: Введение мер по защите прав страхователей, включая четкие правила выплат и процедур разрешения споров.

-Гибкость при установлении тарифов: Возможность для страховых компаний устанавливать гибкие тарифы, учитывая различные риски и потребности клиентов.

-Стимулирование долгосрочного страхования: Введение налоговых льгот или других мер поощрения долгосрочных страховых контрактов, что может способствовать стабильности и долгосрочному финансовому планированию.

-Содействие социальным программам: Разработка механизмов сотрудничества с государственными и социальными программами для обеспечения дополнительной защиты важных социальных категорий населения.

Эти изменения могут создать благоприятные условия для развития рынка страхования жизни и повышения доверия со стороны потребителей.

Прозрачность и образование: Каким образом можно повысить осведомленность населения о преимуществах страхования жизни и обеспечить прозрачность предлагаемых страховых продуктов?

-Повышение осведомленности о преимуществах страхования жизни и обеспечение прозрачности страховых продуктов достигается через образовательные кампании, доступную информацию, простой язык в документах и использование технологий для обеспечения ясности и доступности информации.

Сотрудничество с финансовым сектором: Как можно укрепить партнерские отношения между страховыми компаниями и другими участниками финансового рынка для создания инновационных продуктов и услуг страхования жизни?



-Укрепление партнерских отношений между страховыми компаниями и финансовым сектором достигается через совместные исследования, обмен экспертизой, разработку интегрированных продуктов и использование современных технологий для улучшения процессов и предоставления ценных решений клиентам. Рассмотрение этих вопросов позволит разработать стратегию расширения сферы страхования жизни на национальном страховом рынке, с целью обеспечения более широкой защиты интересов населения и устойчивого развития отрасли страхования.

### **Список источников литературы**

1. Бочкова, Е. В. Преимущества и недостатки накопительного страхования жизни / Е. В. Бочкова, В. А. Назаренко // Научно-методический электронный журнал «Концепт». - 2017.- URL: <http://e-koncept.ru/2017/970776.htm>

2.[https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/95279/1/978-5-7996-2770-6\\_2019.pdf?ysclid=lpkyemtj6l731369380](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/95279/1/978-5-7996-2770-6_2019.pdf?ysclid=lpkyemtj6l731369380)

## SHU'BA II: MILLIY SUG'URTA BOZORIDA HAYOT SUG'URTA SOHASINI OMMALASHTIRISH VA KO'LAMINI KENGAYTIRISH MASALALARI

---

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*ТМИ “Суғурта ва пенсия иши”  
кафедраси мудири, и.ф.д., доцент  
Шеннаев Хужаёр Мусурманович*

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасининг мустақил соҳа сифатида шаклланиши ва ривожланишига 2023 йилда 20 йил тўлди. Гап шундаки, 2022 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда (ушбу қонун 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сон Қонунга мувофиқ ўз кучини йўқотган) илк марта суғурта 2 та мустақил соҳага ажратилди<sup>37</sup>:

ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади);

умумий суғурта (шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, лицензия суғурталовчига ёхуд ҳаётни суғурта қилиш соҳасида, ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун алоҳида берилиши юқорида қайд этилган қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ,

---

<sup>37</sup> 2022 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун. (ушбу қонун 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сон Қонунга мувофиқ ўз кучини йўқотган).  
// <https://lex.uz/docs/40253>.

ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган суғурта компанияларига умумий суғурта соҳасининг I классси “Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурта қилиш” ва II классси “Қасалликдан эҳтиёти шарт суғурта қилиш” бўйича суғурта хизматларини кўрсатишга рухсат берилган. Фикримизча, ҳаёт суғуртаси компанияларига мазкур имкониятнинг тақдим этилиши, қайсидир маънода, суғурта бозорида уларнинг мавқеини барқарорлаштириш билан узвий боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, Ўзбекистонда ҳаётни суғурта қилиш суғурта фаолиятининг ихтисослашган соҳаси мақомини олгунга қадар ҳам амалга оширилган. 1991-2002 йилларда фаолият кўрсатган суғурта компаниялари бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта хизматларини кўрсатган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 125-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан амалга ошириладиган суғуртанинг асосий турлари рўйхатида бошқа суғурта турлари билан бир қаторда ҳаётни суғурта қилишнинг мавжудлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган “Ўзбекинвест Ҳаёт” суғурта компанияси 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларга 20 дан ортиқ суғурта тури бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарорига<sup>38</sup> асосан суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1168263>.

ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслиги юзасидан тартибнинг жорий этилганлиги йирик давлат ва хусусий суғурта компаниялари томонидан ўз муассислигида ҳаётни суғурталашга ихтисослашган шуъба суғурта компанияларининг вужудга келишига олиб келди. Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 54-боби 378-моддасига “солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (ҳаёт суғуртаси соҳасининг барча тоифаларида) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганда. Суғурталанган шахснинг муайян ёшгача яшаши ёки ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномасида кўрсатилган муддатдан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта суммаси ушбу кўрсатилган шартларга амал қилмаган ҳолда тўланиши мумкин;

шартнома бўйича суғурта даври бошланиш санасидан камида 12 ойдан сўнг рента (аннуитет) олинганда ва рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда;

рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда, бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган вақтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш санасига ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда” мазмунидаги

қўшимча ва ўзгартиришларнинг киритилганлиги мамлакатимизда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг кескин ривожланишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2003-2023 йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳаётни суғурталашга ихтисослашган 8 та суғурта компанияси фаолият кўрсатган эди. Улар тўғрисидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган (жадвалга қаранг).

Бироқ, Солиқ кодекси 378-модданинг 15-бандида назарда тутилган ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ солиқ имтиёзининг Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонунига<sup>39</sup> асосан 2023 йил 1 апрелдан бекор этилиши ҳаётни суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари фаолиятига салбий кўрсатди. Хусусан, уларнинг мижозлар сони сезиларли даражада камайди, банобарин, суғурта мукофотлари тушуми ҳам кескин пасайиб кетди. Боз устига, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2023 йил 27 октябрдаги тегишли қарорига асосан, “FAROVON SUG‘URTA” АЖ ҳаётни суғурта қилиш соҳасининг I, II, III ва IV класслари ҳамда умумий суғурта соҳасида 1 ва 2 класслар бўйича ихтиёрий шаклда суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича берилган 2022 йил 25 февралдаги SF 00046-сонли лицензияси 2023 йил 30 октябрдан бекор қилинди<sup>40</sup>.

Албатта, қисқа сатрларда мустақиллик йиллари мамлакатимизда ҳаётни суғурта қилиш соҳасининг тараққиёт йўллари афрофлича ёритиш имконияти чекланган.

Умид қиламизки, ушбу мавзу кейинги тадқиқот ишларининг объекти бўлади ва бу борада илмий изланишлар давом этади.

Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасининг ривожланиш истиқболлари хусусида ўйлар эканмиз, сўнгги 2-3 йил давомида мазкур йўналишда фундаментал ва амалий аҳамимиятга молик йирик тадқиқот ишлари

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. // <https://lex.uz/uz/docs/6333246>.

<sup>40</sup> “FAROVON SUG‘URTA” АЖ суғурта ташкилоти лицензияси бекор қилинди. // <https://napp.uz/uz/news/farovon-sug-urta-aj-cug-urta-tashkiloti-litsenziyasi-bekor-qilindi>.

амалга оширилганлигини эътироф этишни ўринли, деб ҳисоблаймиз. Демак, илмий жамоатчиликда айнан ҳаёт суғуртаси соҳасида юзага келаётган муаммоларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини асослашга қизиқиш юқори

## 2.0-Жадвал

### Ҳаётни суғурталашга ихтисослашган суғурта компаниялари тўғрисида маълумот<sup>41</sup>

№	Суғурта компанияси номи	Ташкил этилган йили	Таъсисчиси	Устав капитали миқдори (млрд.сўм)
1.	«O‘zbekinvest Hayot sug‘urta kompaniyasi» АЖ	2003	“O‘zbekinvest” eksport-import sug‘urta kompaniyasi	20,0
2.	“Alfa life insurance” АЖ	2009	“Alfa invest sug'urta kompaniyasi” АЖ	35,0
3.	“New Life sug‘urta kompaniyasi” АЖ	2014	«Gross sug‘urta kompaniyasi» АЖ	35,9
4.	“Agros hayot sug‘urta kompaniyasi” АЖ	2016	“O‘zagrosug‘urta” АЖ	45,0
5.	“Kafolat hayot” АЖ	2018	“Kafolat sug‘urta kompaniyasi” АЖ	25,0
6.	“Farovon-sug‘urta” АЖ	2019	"Alskom sug'urta kompaniyasi" АЖ	15,54
7.	“Apex life insurance” АЖ	2019	«APEX INSURANCE» АЖ	25,0
8.	“Euroasia life insurance” АЖ	2019	“EUROASIA INSURANCE” АЖ	35,3

<sup>41</sup> Интернет тармоғидаги очик маълумотларга таянган ҳолда муаллиф томонидан тайёрланган.

Сўнги сўз ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ҳаётни суғурта қилиш соҳасини ривожлантиришга, фақат, ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ёхуд кўпчилик тадқиқотчилар қайд этганларидек, аҳолининг суғурта маданиятини юксалтириш орқали эмас, балки аҳолининг эҳтиёжларига мос ва арзон суғурта хизмат турларини яратиш ва уларни мижозлар қатламига тақдим этиш асносида эришиш мумкин. Тавсия фақат бундан иборат эмас. Кейинги илмий ишларимизда бу борадаги тадқиқотларимизни сифат жиҳатидан юқори даражада таъминлаган ҳолда давом эттиришимизга шубҳа йўқ.

## **ВОПРОСЫ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ И РАСШИРЕНИЯ ИНДУСТРИИ СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ НА НАЦИОНАЛЬНОМ СТРАХОВОМ РЫНКЕ**

**Халикулова Гулзода Таджимуратовна**  
*ТФИ, и.о. доцент кафедры «Экономика»*  
**Карина Мурадовна Сеницина**  
*ТФИ, 3-курс, группа SS-40*

**Аннотация:** Данная научная работа исследует вопросы популяризации и расширения индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке. Страхование жизни является важным средством финансовой защиты для семей и близких, и его развитие может способствовать повышению уровня финансовой безопасности населения. В работе рассматриваются основные факторы, влияющие на популяризацию страхования жизни, такие как образование населения о его преимуществах, доступность страховых продуктов, эффективность маркетинговых стратегий и правительственная поддержка данной отрасли. Ключевые аспекты расширения индустрии страхования жизни также анализируются, включая разнообразие продуктов, инновационные подходы к страхованию жизни и потенциал для привлечения новых клиентов. Результаты и выводы работы могут быть полезны для страховых

компаний, правительственных органов и академического сообщества при формировании стратегий развития страхования жизни на национальном рынке.

**Ключевые слова:** страхование жизни, финансовая защита, популяризация, расширение, страховой рынок, доступность, образование населения, маркетинговые стратегии, правительственная поддержка.

Страхование жизни - один из важнейших сегментов страховой отрасли, обеспечивающий финансовую защиту семьи и близких от непредвиденных обстоятельств. Отечественный страховой рынок обладает потенциалом для расширения и популяризации индустрии страхования жизни и повышения финансовой защищенности населения.

Расширение и популяризация индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке представляют собой важную задачу как для страховых компаний, так и для государства. Страхование жизни является основным видом страхования, который предоставляет защиту и финансовую поддержку семьям и близким в случае непредвиденных обстоятельств, связанных с потерей кормильца или основного заработного источника. Одной из главных задач при популяризации страхования жизни является повышение осведомленности и понимания населения о преимуществах и необходимости такой защиты. Медиа, рекламные кампании, информационные ресурсы и образовательные программы могут быть использованы для увеличения осведомленности об индустрии страхования жизни и ее преимуществах. Важно подчеркнуть роль страхования жизни в обеспечении финансовой безопасности и будущего поколения.

Доступность страхования жизни также является ключевым фактором для популяризации этой индустрии. Государственные программы поддержки и стимулирования страхования жизни, такие как налоговые льготы или субсидии, могут сделать страхование более доступным для населения. Кроме того, расширение сети страховых агентов и брокеров, а также предоставление информации



о различных планах страхования и их ценах, может помочь потенциальным клиентам осознать преимущества и варианты страхования жизни. Сотрудничество между страховыми компаниями и финансовыми учреждениями также может способствовать популяризации и расширению индустрии страхования жизни. Например, предложение совместных продуктов или решений, таких как инвестиционные планы в сочетании со страхованием жизни, может привлечь больше клиентов и увеличить уровень понимания и доверия к страховой отрасли. В общем, популяризация и расширение индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке требует комплексного подхода, сочетающего маркетинговые и информационные стратегии, регулятивные меры и сотрудничество с финансовыми учреждениями. Основная цель заключается в повышении осведомленности и доступности страхования жизни, чтобы все граждане имели возможность защитить своих близких и обеспечить финансовую стабильность в случае непредвиденных событий. Для популяризации и расширения индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке необходимо учитывать несколько ключевых факторов. Во-первых, доступность страховых продуктов играет важную роль. Национальные страховые компании должны сосредоточиться на разработке инновационных и гибких продуктов, которые будут соответствовать различным потребностям и возможностям потенциальных клиентов. Это может включать в себя разработку недорогих и простых в использовании продуктов, которые будут доступны широкому кругу населения. Вторым важным фактором является образование населения о пользе и важности страхования жизни. Национальные страховые компании должны инвестировать в образовательные программы и информационные материалы, которые помогут людям лучше понять, какие преимущества имеет страхование жизни. Это может включать в себя проведение семинаров, тренингов и кампаний по пропаганде страхования жизни. Также маркетинговые стратегии позволяют привлечь больше потенциальных клиентов.

Национальные страховые компании должны активно использовать различные каналы продвижения, такие как реклама, социальные медиа, сотрудничество с финансовыми учреждениями и другими партнерами.

Правительственная поддержка играет важную роль в развитии страховой отрасли. Национальные правительства могут предоставлять налоговые льготы и другие стимулы для тех, кто приобретает страхование жизни. Это может включать субсидии, снижение налоговых ставок или другие формы поддержки. Такие меры могут стимулировать рост спроса на страховые продукты и способствовать развитию отрасли. В целом, популяризация и расширение индустрии страхования жизни на национальном рынке требует совместных усилий страховых компаний, правительства и образовательных учреждений.

С учетом доступности, образования, маркетинговых стратегий и правительственной поддержки, возможно достичь устойчивого роста страховой отрасли и обеспечить финансовую защиту для населения. Одним из ключевых моментов в популяризации страхования жизни является увеличение осведомленности о его преимуществах и роли в финансовом планировании. Многим людям не хватает информации о том, что такое страхование жизни и как оно может помочь им и их семьям в случае непредвиденных обстоятельств. Поэтому проведение образовательных кампаний и информационных мероприятий может помочь поднять интерес к этой отрасли. Также важным аспектом является развитие новых видов страхования жизни, которые могут быть более привлекательными для различных клиентов. Например, страхование жизни с накоплением или с индексированным покрытием может предложить дополнительные преимущества и возможности для клиентов. Развитие новых видов страхования жизни может помочь привлечь больше людей к этой отрасли и удовлетворить их индивидуальные потребности в страховании.

В заключение, популяризация и расширение индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке требует

совместных усилий страховых компаний, государства и общественности. Необходимо проводить информационные кампании, разрабатывать удобные и доступные страховые продукты, а также улучшать условия работы страховых компаний. Только тогда страхование жизни сможет стать популярным и надежным инструментом финансовой защиты для всех слоев населения.

## **ҲАЁТ СУҒУРТАСИДА СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ВОСИТАЧИЛАР ОРҚАЛИ СОТИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИШ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**С.Р.Матиязова**  
*ТМИ доценти*

Суғурта бозорининг замонавий воқеликларида янги ва самарали савдо каналларини фаол ривожлантириш, модернизация қилиш ва жорий этиш кузатилмоқда. Суғурталовчилар ўзларининг суғурта маҳсулотларини сотиш учун турли савдо каналларидан фойдаланадилар.

Анъанага кўра, бу тўғридан-тўғри ва билвосита каналлардир. Бу каналлар ҳар қандай суғурта компаниясининг асоси бўлиб, унинг ривожланиш стратегиясининг асосий қисми ҳисобланади. Бироқ рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва рақобатнинг кучайиши суғурта компаниялари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу муаммолардан бири интернет савдо каналларини жорий этишдир.

Суғурта компаниялари томонидан бундай технологиялардан фойдаланиш масофавий ва тезкор хизмат кўрсатиш каналларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муайян муаммолар билан боғлиқ.

Шу муносабат билан биз ушбу муаммоларни аниқлаш, ушбу каналларнинг ривожланиш динамикасини кўриб чиқиш ва ушбу савдо каналларининг самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Интернет савдо каналларининг ривожланиш даражаси иқтисодий маконни рақамлаштириш жараёнида суғурта компаниялари фаолиятининг муҳим шарти саналади.

Суғурта бозорини рақамлаштиришнинг (хусусан, интернет савдо каналларини жорий этишнинг) молия бозоридаги рақобатга, суғурта маҳсулотлари ва суғурта компанияларининг рақобатбардошлигига таъсири мавзунинг янгилиги туфайли илмий ишларда айтарли ўрганилмаган. Рақамли суғуртани ривожлантиришда рақобат муҳим омил бўлиб қолаётганига қарамай, уни янги иқтисодий шароитларда ўрганиш тезкор кўриб чиқишни талаб қиладиган илмий муаммо, чунки кўплаб бозор иштирокчилари учун Интернет-сотиш каналлари рақобатбардош устунлиги эмас, балки оддий бозор амалиётига айланиб бормоқда.

Бироқ бугунги кунда йирик суғурта компаниялари аллақачон интернет савдо каналларини тўлиқ жорий қилган, бу эса умумий бозор амалиёти, маркетинг воситаси ва суғурта компанияси фаолиятини оптималлаштириш усулидир.

Суғурталовчилар бундай канални жорий этиш зарурлигини қанча тез англаб олсалар, суғурта бозори шунча тез Ўзбекистон молия бозорининг ривожланишида ишончли олға силжишни амалга ошириши мумкин.

Шунинг учун суғурталовчиларнинг интернет савдога бўлган муносабати ва уларнинг ривожланишининг эҳтимолий истиқболлари ҳақидаги бугунги воқеликни ўрганиш бутунлай ҳал қилинмаган муаммо саналади.

Бутун суғурта бозори конъюктурасининг ўзгариши суғурта компанияларидан ўз маҳсулотларини бозор амалиётига татбиқ этиш стратегиясига замонавий ечимларни жорий этишни талаб қилади.

Ҳар бир миллий суғурта бозори шаклланиш жараёнида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳар бир мамлакатда суғурта бозорининг эволюцион ривожланиши суғурта маҳсулотларини сотишнинг анъанавий каналларини шакллантирди. Шундай қилиб, Францияда суғурта биринчи навбатда банкларга қаратилган бўлиб, жамғарма масалалари билан боғлиқ эди. Польшада суғурта маҳсулоти

каналлари сармоявий йўналтирилган ҳолда ривожланган. Бироқ Шарқий Европада суғурта маҳсулотларини сотишда суғуртага кўпроқ ҳимоя воситаси сифатида, Ғарбий Европада эса активларни яратиш воситаси сифатида эътибор берилди. Буюк Британияда суғурта маҳсулотларини сотиш вақт ўтиши билан инновацион йўлни босиб ўтди, шу жумладан телефон ва Интернет орқали масофавий савдо улуши ортиб бормоқда. Бироқ Европа қитъасининг аксарият қисми суғурта маҳсулотларини сотиш усулларига кўра тўртта минтақага бўлинган.

Биринчи минтақага Германия, Греция ва Шарқий Европанинг маркази ва жанубидаги мамлакатлар киради. Ушбу ҳудудларда суғурта маҳсулотларини сотиш бўйича агентлик каналларининг улуши устунлик қилади. Европанинг жанубий қисми ва унинг энг чекка қисми (Италия, Франция, Бельгия, Испания, Португалия) банк савдо каналидан фойдаланган ҳолда суғурта маҳсулотларини сотишга кўпроқ йўналтирилган.

Нидерландда суғурта маҳсулотлари брокерлар ва мустақил молиявий маслаҳатчилар орқали сотилади, бироқ уларнинг янги тарқатиш каналларини ривожлантиришдаги позицияси сезиларли даражада камади. Болтиқбўйи ва Туркияда суғурта мукофотларининг асосий қисми тўғридан-тўғри савдо каналлари (штатдаги ходимлар ва колл-марказ) орқали шаклланади.

Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари позициясидан суғурта бозорларининг эволюцияси бир неча босқичларни босиб ўтди.

Суғурта бозорлари ривожланишининг биринчи босқичида компаниянинг филиаллари ва агентликлари тармоғи асосий савдо канали эди.

Кейин улар ўрнини умумий агентликлар эгаллайди, бу эса ривожланаётган бозор босқичини тавсифлайди. Ушбу босқичда янги каналлар жорий этилмоқда, жумладан: банк суғуртаси, компаниянинг доимий ходимлари ва мустақил умумий агентликлар томонидан сотиш. Ушбу каналлар энг ривожланаётган ва ривожланган бозорларда ҳукмронлик қилишда давом этмоқда.

Суғурта бозорининг энг ривожланган “босқичи” франшиза остида фаолият юритувчи агентликлар ва мустақил молиявий маслаҳатчилар савдо каналларининг юқори роли билан тавсифланади.

Бироқ замонавий шароитда суғурта бозорининг ҳар қандай ривожланиши даражаси суғурта маҳсулотларини масофадан сотиш ва суғурта компаниясининг компания сифатида имиджини шакллантириш имкониятини таъминлайдиган анъанавий усуллар ва замонавий Интернет технологиялари уйғунлашувини талаб қилади.

Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланаётганига ва истеъмолчилар кўз ўнгида тўлиқ шаклланиб улгурмаганига қарамай, муҳим ҳимоя ва инвестициявий молия сектори сифатида фаол рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу жараён суғурта компанияларининг деярли барча бизнес жараёнларига, жумладан суғурта маҳсулотларини сотишга таъсир қилади.

Янги савдо каналларидан фойдаланиш бугунги кунда суғурта компаниялари ўртасидаги рақобат жараёнининг ўзгаришига олиб келади, суғурталовчи ёки суғурта хизматини танлашда суғурта қилдирувчиларнинг афзалликлари ва истеъмолчи хатти-ҳаракатларига таъсир қилади.

Суғурта хизматларини сотишда рақамлаштириш жараёнининг жорий этилиши бундай савдо каналларининг пайдо бўлиши учун катализатор бўлиб хизмат қилади: интернет савдо, блокчейн маҳсулотлари, мобил иловалар орқали сотиш. Ушбу савдо каналлари энг кўп суғурта компаниялари ўртасидаги канал рақобати билан тавсифланади.

Статистик маълумотларга асосланиб, суғурта маҳсулотларини сотиш бўйича Интернет-каналлар замонавий воқеликда қанчалик динамик ривожланаётганини кўриб чиқамиз.

Агар биз бутун хизмат кўрсатиш циклини онлайн режимга ўтказиш доирасида суғурта бозорининг умумий кўринишини берадиган бўлсак, қуйидаги манзарани кузатишимиз мумкин.

Суғурта компанияларининг 25% га яқини ушбу чорани қўллашни режалаштирмапти, 34% ушбу ривожланиш

стратегиясининг мақсадга мувофиқлигини ўрганишни давом эттирмоқда, 8% бундай жараёни амалга оширишга тайёрланмоқда, 25% тажриба лойиҳаларига эга, 8% ушбу моделдан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ўз навбатида, суғурта компаниялари аста-секин янги савдо каналларини жорий этиш билан бирга янги технологияларни жорий этиш ва қўллашни бошлайдилар. Бироқ кўпчилик ҳали тўлиқ фойдаланишга киришмаган ва синов лойиҳаларини таҳлил қилмоқда ёки ишга туширмоқда. Ушбу компаниялар ҳозирги вақтда янги технологиялар компаниянинг рақобатдош устунлиги эканлигини тан олишлари керак, аммо келажакда улар ҳар қандай суғурта компанияси учун одатий бозор амалиётига айланиши мумкин.

2022 йил якунлари бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, суғурталовчиларнинг 8 фоизи ўзаро ҳамкорликнинг бутун циклини онлайн режимга ўтказмоқда, шу жумладан, суғурта маҳсулотларини сотишнинг асосий канали сифатида интернет савдо каналини фундаментал тарзда ўз ичига олади.

Ушбу каналнинг ривожланиш истиқболларига қарамай, кўплаб суғурта компаниялари томонидан қайд этилган янги савдо каналларини ривожлантириш йўлида бир қатор чекловчи омиллар юзага келади. Сўров натижаларига кўра, энг чекловчи омиллар: малакали ишчиларнинг етишмаслиги (75%), аниқ тушунчанинг йўқлиги (57%), IT-ечимларнинг етишмаслиги (42%). Бунда бюджетнинг етишмаслиги каби омилни алоҳида таъкидлаш керак – 33%.

Бугунги кунда кўплаб суғурта компаниялари интернет савдо каналлари нафақат мукофот портфели ҳажмини ошириш, балки келажакда муайян харажатларни оптималлаштиришга қарамай, суғурта маҳсулотларини интернет орқали сотиш каналини жорий қилиш учун етарли маблағга эга эмас.

Албатта, электрон тижорат – бу дастурий таъминот, суғурта компаниялари учун махсус жиҳозлар, йирик давлат маълумотлар базалари билан техник интеграция. Аммо келажакда бу харажатлар қопланади: полисларни сотишни 2-3 баравар ошириш (электрон

полислардан кўпроқ фойдаланувчилар фойдалана олади) ва фақатгина тўғридан-тўғри интернет савдо канали орқали компанияларнинг ўзи доимий харажатлардан ҳар йили 9 дан 12% гача тежаши мумкин.

Ушбу савдо каналини ривожлантириш учун суғурталовчилар ва мега тартиблагич сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги Капитал ва суғурта бозорини ривожлантириш департаменти томонидан оптималлаштирилган ва тўлақонли онлайн савдо каналларини ривожлантиришга туртки берувчи муайян чора-тадбирларни амалга оширилиши зарур.

Ушбу чора-тадбирлар қаторида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– Малакали кадрларни излаш ва шакллантириш. Ушбу чора суғурта компаниялари учун Интернет орқали ўз мижозларига барқарор ва узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш учун зарур. Бунинг учун ИТ соҳасида кенг билимга эга бўлган ходимлар ва у ёки бу суғурта маҳсулотини Интернет орқали сотишнинг ўзига хос хусусиятларини тушунадиган ходимлар талаб қилинади. Яхши шаклланган ходимлар штаби тайёр ИТ-ечимлар етишмаслиги муаммосини ҳал қилади, бу анъанавийлар билан бир қаторда янги рақобатбардош савдо каналини жорий этиш йўлидаги навбатдаги қадам бўлади.

– Фаол реклама кампаниялари, маърузалар, семинарлар ўтказиш ва функционал мобил илова яратиш. Ушбу чора мижозлар билан интернет савдо канали орқали ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Мижоз Интернет орқали суғурта маҳсулотини сотиб олаётганда қандай имтиёзлар олишини тушуниши керак. Агар мижоз кўп функцияли хизматни қабул қилса ва интернет-каналлардан бемалол фойдаланса, бу техник қисмни кўпроқ ҳал қилади, хабардорликни ошириш Интернет савдо канали орқали янада кўпроқ суғурта маҳсулотларига буюртма бериш учун потенциал фойдаланишни рағбатлантиради. Бу мижоз билан ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижаларини яратади ва олинган натижа асосида суғурталовчи суғурта полисларини



сотишнинг қанчалик юқори даражасини Интернет орқали амалга ошириш мумкинлигини ўзи кўриши мумкин.

– Чегирмалар ва бонуслар орқали интернет савдони ривожлантириш.

Ушбу савдо канали тўлиқ амалга оширилгач, суғурта компанияси ходимлар, суғурта агентлари ва биноларни ижарага олиш харажатларини камайтириш орқали ўз миждозларига суғурта маҳсулотлари учун янада қулай тарифларни таклиф қилиш имконига эга бўлади.

– Интернет тармоғи орқали шериклик савдосини амалга ошириш.

Ушбу чора кўплаб суғурталовчилар томонидан фаол қўлланилмоқда, шу билан бирга уни амалга ошириш кичик бюджетга эга суғурта компаниясининг харажатларини оптималлаштиришга кўмаклашади. Шериклик интернет савдолари ташувчилар, сайёҳлик агентликлари ва суғурта маҳсулотларини сотиб олиш учун бошқа потенциал платформалар орқали амалга оширилиши мумкин.

– Суғурта маҳсулотларини онлайн сотиш ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича тўлақонли меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш. Давлат томонидан суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги каналларига ишончни ҳимоя қилиш ва ошириш учун ушбу операцияларнинг тафсилотларини тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш керак. Бундан ташқари, Интернет-фирибгарларга қарши кенг қўламли кураш зарур.

## **HAYOT SUG'URTA KOMPANIYARINING SUG'URTA BOZORIDAGI O'RNI**

**Baratova Dinora Alisherovna**  
*TDIU dosent v.b.*

Hayot sug'urtasi barcha rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyoti uchun katta ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega, shu jumladan O'zbekiston uchun ham. O'zbekistonda hayot sug'urtasining rivojlanish

istiqbollarga asos bo'luvchi holatlar sifatida ko'pgina dunyo mamlakatlariga nisbatan aholi soni o'sish darajasining yuqoriligi va bu aholining mehnatga layoqatli qismining o'sishiga hamda ularning ishlab chiqarishning yetakchi sohalariga jalb qilinayotganligi bilan, aholi daromadlarining sezilarli darajada oshib borayotganligi, tadbirkorlik sohalarining rivojlanib borayotganligi va o'z o'rnida risk darajasining ortib borayotganligi holatlarini keltirish mumkin.

Albatta, mustaqillikka erishilgandan keyingi o'tish davridagi iqtisodiyot hamda ijtimoiy hayotdagi transformatsion jarayonlar, iqtisodiyotdagi yuqori inflyasiya, oylik maoshlarning pastligi, moliya bozoridagi o'zgaruvchanlik, iqtisodiyotdagi turg'unlik va shu kabi holatlarning ta'sirida hayot sug'urtasining rivojlanishiga shart-sharoitlar yo'qolgan edi.

2002-yil 27-noyabrda Vazirlar Mahkamasining "Sug'urta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 413-sonli qarori asosida sug'urta faoliyati klassifikatori qabul qilindi. Ushbu meyoriy hujjatlar asosida hayot sug'urtasi bo'yicha O'zbekistonda qonunchilik birmuncha takomillashdi. Natijada mamlakatimizda hayot sug'urtasiga ixtisoslashgan birinchi kompaniya "O'zbekinvest hayot" ShKsi 2004-yilda o'z faoliyatini boshladi. Hozirgi kunda ularning soni 8taga etdi. (2.1-jadvalga qarang).

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, sug'urta bozoridagi hayot sug'urtasining ulushi 2014-yilda 4,9 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2019-yilga kelib, ushbu ko'rsatkich 25,4 foizni tashkil etdi, ammo ushbu yilda oldingi yilga nisbatan 0,1 foizga pasayish yuz berdi. 2020 va 2021-2022yillarda hayot sug'urtasining umumiy sug'urta mukofotlarining qiymati yuqori bo'lganligi uchun sug'urta mukofotlarining qiymati foiz nisbatida pastroq bo'lib ko'rinmoqda. Shunday bo'lsada buni yuqori o'sish darajasi deya e'tirof etish mumkin. Ammo ushbu nisbatni sug'urta sohasi rivojlangan chet mamlakatlardagi ushbu ko'rsatkich bilan taqqoslanganda katta farq mavjudligini ko'rish mumkin. Bunday mamlakatlarda to'plangan jami sug'urta mukofotlarida hayot sug'urtasining hisyasi 50 foiz va undan ortiqni tashkil etadi, ya'ni ushbu

mamlakatlarda to‘planayotgan sug‘urta mukofotlarining asosiy qismi hayot sug‘urtasi tarmog‘i hissasiga to‘g‘ri keladi.

2.1-jadval

### O‘zbekistonda hayot sug‘urtasining rivojlanish dinamikasi<sup>42</sup>

(jami sug‘urta mukofotlariga nisbatan hayot sug‘urtasi kompaniyalari ulushi, % da)

№	Sug‘urta kompaniyalari	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	O‘zbekinvest Hayot	3,8	4,1	5,2	6,8	6,2	4,1	22,4	10,9	15,1
2.	Alfa Life	0,5	0,7	1,0	1,9	1,5	2,9	6,4	7,3	10,9
3.	New Life Insurance	0,5	1,4	2,3	4,8	9,8	9,3	26,3	37,3	46,4
4.	Agros Hayot	-	-	-	1,4	7,9	4,2	18,8	15,8	10,4
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	0,1	3,3	10,9	7,4	7,9
6.	Kafolat Hayot	-	-	-	-	0,01	1,0	6,8	8,9	9,4
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	0,5	5,2	7,4	7,9
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	0,1	2,4	1,9	1,06
	Hayot sug‘urtasining jami sug‘urta bozoridagi hissasi	4,9	6,2	8,5	14,9	25,5	25,4	15,1	19,9	39,9

Mamlakatimizda hayot sug‘urtasi dinamikasining yuqori darajasiga qanday omil asos bo‘layotganligiga e‘tibor qaratganimizda shu ma‘lum bo‘ldiki, bu darajasiga erishishda O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti tomonidan 2007-yil 10-aprelda qabul qilingan №PQ-618 sonli “Sug‘urta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirish va isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori muhim rol o‘ynamoqda. Ushbu qarorga asosan mol-mulk sug‘urtasi va uzoq muddatli hayot sug‘urtasiga oid sug‘urta mukofotlari yuzasidan yuridik shaxslarning daromad (foyda) solig‘i va jismoniy shaxslarning daromad solig‘i bo‘yicha imtiyozlar belgilangan bo‘lib, ushbu imtiyozlarni qo‘llash bo‘yicha “Nizom” ishlab chiqilib, Moliya vazirligi va Davlat soliq qo‘mitasining 2007-yil 24-maydagi №59, 2007-37 sonli qarori bilan amaliyotga joriy etilgan. Ushbu nizomga ko‘ra yuridik shaxs tomonidan o‘z xodimlarining hayotini uzoq muddatli sug‘urtalash shartnomasi bo‘yicha to‘langan sug‘urta

<sup>42</sup> Moliya vazirligining sayti ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

mukofotlari summasi jami daromaddan chegirib tashlanadigan va soliqqa tortilmaydigan bo'ldi. Yuridik shaxs tomonidan o'z xodimi uchun uzoq muddatli hayot sug'urtasi bo'yicha to'langan sug'urta mukofotlari summasi, jismoniy shaxsning soliqqa tortiladigan daromadi sifatida qaralmaydigan bo'ldi va xuddi shunday jismoniy shaxs o'z hayotini uzoq muddatli sug'urta qilganda ham u tomonidan to'langan sug'urta mukofoti bo'yicha daromad solig'i olinmaydi. Yuqori o'sish darajasiga ushbu imtiyozlar evaziga erishilgan.

2.2-jadvalda keltirilganidek, hayot sug'urtasi bilan shug'ullanuvchi sug'urta kompaniyalari soni so'nggi yillar oralig'ida ikkitadan sakkiztaga yetgan va ular tomonidan to'plangan sug'urta mukofotlari hajmi so'nggi yillar ichida 27,5-marta o'sgan.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, hayot sug'urtasidagi o'sish mamlakatimizda asosan davlat tomonidan taqdim etilgan soliq bo'yicha imtiyoz evaziga yuz berib kelayotgan edi, ammo ushbu imtiyozni qo'llash tartibiga 2019-yil 2-avgustda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilingan PQ-4412-sonli "O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori asosida biroz o'zgartirish kiritildi.

Ushbu o'zgarish asosan quyidagicha bo'ldi: sug'urta summasi shartnoma bo'yicha sug'urta davri boshlanishi sanasidan kamida 12 oydan so'ng bir yo'la to'langanda va bunda sug'urta badallarini to'lash sug'urta summasini to'lash sanasidan oldingi 12 oylik davrda o'sib bormaydigan tartib bo'yicha amalga oshirilgandagina imtiyoz qo'llaniladi. Mana shu kiritilgan o'zgartirish 2019-yilda hayot sug'urtasi bo'yicha yillik o'sish darajasining sezilarli darajada pasayishiga olib keldi.

Faqat imtiyozga tayangan holda ishni tashkil qilish masalaga bir yoqlama yondashuv bo'lib, bugungi kunda imtiyozdan foydalanish bo'yicha kiritilgan o'zgartirish sug'urta kompaniyalari faoliyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Imtiyoz borasidagi o'zgarish ayniqsa ikkita kompaniya faoliyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatganligini ko'rish mumkin, bular "O'zbekinvest hayot" va "Agros Hayot" kompaniyalari bo'lib, ular

tomonidan 2019-yilda to‘plangan sug‘urta mukofotlari 2018-yilga nisbatan kamayib, mos ravishda 94 % va 74,3 % darajalarini qayd etgan.

2.2-jadval

**Hayot sug‘urtasiga ixtisoslashgan sug‘urta kompaniyalari tomonidan to‘plangan sug‘urta mukofotlari dinamikasi<sup>43</sup> (mlrd. so‘mda)**

№	Sug‘urta kompaniyalari	2018y	2019y	2020y	2021y	2022
1	O‘zbekinvest Hayot	101,2	95,1	74,9	80,7	<b>101.1</b>
2	Alfa Life	24,4	67,4	17,6	55,02	170.2
3	New Life Insurance	159,9	214,4	89,8	274,8	<b>720.7</b>
4	Agros Hayot	129,6	96,3	62,9	136,8	161.8
5	Euroasia Life	2,0	78,5	36,7	54,5	<b>133.4</b>
6	Kafolat Hayot	0,2	22,4	22,7	65,7	<b>146.4</b>
7	Apex Life	-	11,2	17,6	55,02	100.7
8	Alskom Vita	-	1,2	8,03	14,4	16.5
9	Jami:	417,3	586,5	334,3	736,3	<b>1 551.5</b>
10	Aholi soni	33255,5	33905,8	34860,0	35270,0	36000.0
11	Kishi boshiga to‘g‘ri kelgan sug‘urta mukofoti, so‘m	12548	17298	9590	20877	43097
12	Jami sug‘urta mukofotlari, mlrd.so‘m	1635,2	2314,1	2,213	3,732	6.233
13	YAIM, trln.so‘m	406,6	511,8	734,6	580,2	800.3
14	Jami sug‘urta mukofotlarining YaIMdagi hissasi, %	0,40	0,45	0,4	0,5	0.6
15	Hayot sug‘urtasi mukofotlarining YaIMdagi hissasi, %	0,10	0,11	0,04	0,01	0.05

Sug‘urta mukofotlarining YaIMdagi hissasi ko‘rsatkichi bo‘yicha jami sug‘urta mukofotlari o‘sishi 2019-yilda 2018-yilga nisbatan 0,05 foizga o‘sgani holda, hayot sug‘urtasi mukofotlarining ushbu davrdagi

<sup>43</sup> Moliya vazirligining va Davlat statistika qo‘mitasining saytlari ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

o'sishi 0,01 foizni tashkil etgan. Xulosa qilish mumkinki, hayot sug'urtasining o'sish darajasi barcha ko'rsatkichlar bo'yicha pasayish tendensiyasiga ega. Ushbu pasayishga yuqorida keltirilgan qarorning ta'siri va sug'urta kompaniyalari tomonidan faqat imtiyozga tayangan holda ishni tashkil qilganligi sabab bo'lgan deya xulosa qilish mumkin.

2.3-jadvalni tahlil qilganimizda, 2014-yilga nisbatan 2019-yilda to'lab berilgan sug'urta to'lovlari 50-martaga oshganligining guvohi bo'ldik. Yuqorida 2.2-jadvalni tahlil qilganimizda ushbu olti yillik oraliqda sug'urta mukofotlarining 27,5-marta oshganligining guvohi bo'lgan edik. Bundan ko'rinadiki, sug'urta to'lovlarida o'sish anchagina yuqori bo'lgan. Bu shuni anglatadiki, hayot sug'urtasi bo'yicha tuzilgan sug'urta shartnomalari asosan qisqa muddatli va shu bilan birga ular asosan jamg'arib boriladigan sug'urta turlaridan iborat bo'lib, ular muddati tugagandan keyin to'lig'icha qaytarilishi munosabati bilan sug'urta to'lovlari hajmi keskin oshib borgan. 2019-yilda to'lab berilgan sug'urta qoplamalari hajmining keskin oshganligi yuqoridagi qaror asosida imtiyoz taqdim etishdagi o'zgarishga bog'liq bo'lib, ushbu o'zgarish natijasida, tuzilgan yangi sug'urta shartnomalari soni kamayishi yuz berganligi sug'urta to'lovlari hajmining yuqori bo'lishiga olib kelgan.

2018-yilda hayot sug'urtasi bo'yicha to'plangan sug'urta mukofotlarining asosiy qismi, ya'ni 90 foizi jamg'arib boriladigan hayot sug'urtasi va sug'urta rentasi to'lovi bilan uzoq muddatli hayot sug'urtasi sug'urta mahsulotlaridan iborat bo'lib, ushbu ikkala sug'urta mahsuloti ham belgilangan soliq imtiyozlariga tushadigan sug'urta mahsulotlari hisoblanadi. Bundan xulosa qilish mumkinki, hayot sug'urtasi bo'yicha yuqori o'sish darajasiga erishishda belgilangan imtiyoz asosiy omil bo'lib xizmat qilgan. Ammo sug'urtalovchilar shuni unutmasliklari kerak, soliq imtiyozlari doimiylik xususiyatiga ega emas, ular kutilmaganda bekor qilinishi mumkin. Buning isboti sifatida 2019-yilning 2-avgustida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori asosida mazkur soliq imtiyozlarining qo'llanilishi borasidagi shartlarning birmuncha kuchaytirilganligini ko'rish mumkin, ya'ni ushbu qarorga

ko‘ra, amaldagi imtiyozlar sug‘urta summasi shartnoma bo‘yicha sug‘urta davri boshlanishi sanasidan kamida 12 oydan so‘ng bir yo‘la to‘langanda, bunda sug‘urta badallarini to‘lash sug‘urta summasini to‘lash sanasidan oldingi 12 oylik davrda o‘shib bormaydigan tartib bo‘yicha amalga oshirilgan bo‘lishi talab etiladi, renta (annuitet) to‘lash shartnoma bo‘yicha sug‘urta davri boshlanishi sanasidan kamida 12 oydan so‘ng boshlangan bo‘lishi kabi talablar belgilandi. Ushbu o‘zgarish 2019-yilda jamg‘arib boriladigan hayot sug‘urtasining o‘shish dinamikasini biroz pasaytirdi. Shunday holatlar bundan keyin ham yuz berishi mumkinligini hisobga olgan holda sug‘urta kompaniyalari soliq imtiyoziga aloqador bo‘lmagan, ammo turli xususiyatlari bilan jozibadorlikka ega bo‘lgan sug‘urta mahsulotlarini ishlab chiqishga e‘tibor qaratishlari zarur deb hisoblaymiz.

2.3-jadval

**Hayot sug‘urtasiga ixtisoslashgan sug‘urta kompaniyalari tomonidan to‘lab berilgan sug‘urta qoplamalari dinamikasi<sup>44</sup> (mlrd. so‘mda)**

<b>№</b>	<b>Sug‘urta kompaniyalari</b>	<b>2018y</b>	<b>2019y</b>	<b>2020y</b>	<b>2021y</b>	<b>2022</b>
<b>1.</b>	O‘zbekinvest Hayot	68,1	110,4	86,7	69,6	<b>116 012</b>
<b>2.</b>	Alfa Life	17,6	39,1	38,01	45,7	<b>153 575</b>
<b>3.</b>	New Life Insurance	98,7	230,6	888,61	240,4	<b>722 522</b>
<b>4.</b>	Agros Hayot	79,1	109,8	48214	91,244	<b>166 093</b>
<b>5.</b>	Euroasia Life	0,4	23,9	25,03	86,5	<b>116 012</b>
<b>6.</b>	Kafolat Hayot	0,0	14,4	18,3	47,6	<b>106 485</b>
<b>7.</b>	Apex Life	-	0,9	6,7	33,8	<b>82 762</b>
<b>8.</b>	Alskom Vita	-	0,2	5,8	7,3	<b>17 920</b>
<b>9.</b>	Jami:	263,9	529,4	317,9	622,3	<b>1 509 359</b>
<b>10.</b>	Sug‘urta mukofotlariga nisbatan qoplamalar hajmi, %	63,2	90,3	10,5	11,8	12,3

Hayot sug‘urta kompaniyalarining faoliyati 2020 va 2021-yillarda sug‘urta mukofotlari, sug‘urta to‘lovlari ko‘rsatkichlari oldingi yillarga nisbatan past bo‘lishiga Karona virus pandemiyasining ta’siri bo‘lib, bu

<sup>44</sup> Moliya vazirligining sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

vaqtlarda hayot sug'urtasiga nisbatan talab kamayib ketganligi sababli, sug'urta mukofotlari ko'rsatkichlari pasayishiga olib keldi.

## **ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич**  
**“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси доценти, и.ф.д.**

**Мамбеткулова Махлиё**

***ТМИ талабаси***

Суғурта соҳаси мамлакат молия тизимининг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Аммо, замонавий дунёда анъанавий суғурта турлари ҳар доим ҳам шариат қоидаларига амал қиладиган аҳолининг эътиқоти ва қарашларига мос келавермайди. Жумладан, ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар қатори юртимизда ҳам амалда қўлланилаётган анъанавий суғурта тизими ўзида рибо (фоиз), ғарар (ноаниқлик) ва майсир (қимор) элементларининг мавжудлиги билан мусулмон аҳолининг диний ақидаларига тўғри келмайди. Ана шундай шароитда, исломий суғурта (такафул) турлари ўзининг иштирокчилари ўртасида ўзаро муносабатлар механизмининг очиқ ойдин белгиланганлиги билан ўзига хослигини кўрсатади. Шу жиҳатдан, мусулмон бўлмаган давлатларда ҳам исломий суғурта (такафул) бозорига халқаро даражада қизиқишлар ортиб бормоқда.

Шариат қонунларида белгиланган чекловларга карамай, кўпчилик мусулмонлар заруратдан келиб чиқиб, анъанавий суғурта хизматларидан фойдаланганлар. Чунки, шариат талабларига жавоб берадиган суғурта турлари пайдо бўлгунга қадар мусулмонлар анъанавий суғурта хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлган. Бироқ, мусулмон давлатларида исломий суғурта (такафул)нинг жорий этилиши анъанавий суғуртадан фойдаланишни тўхтатиб, фақат исломий суғурта (такафул)дан фойдаланиш мажбуриятини белгилаб қўйди.



Такафул исломий суғурта тури бўлса-да, у нафақат мусулмон мамлакатларида, балки бошқа (АҚШ, Буюк Британия, Люксембург ва Япония) мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Чунки, исломий суғурта (такафул) номусулмон суғурта қилдирувчилар учун ҳам жозибадор ҳисобланади, қолаверса, анъанавий суғуртага нисбатан ҳам фойдалироқ ва ҳам ахлоқийроқдир.

Исломий суғурта (такафул) бутун дунёда тез суръатлар билан машҳур бўлиб бораётган ёш суғурта институти ҳисобланади. Жаҳон суғурта бозоридаги йиллик суғурта мукофотларининг салкам 0,1% и такафул ҳиссасига тўғри келади. Исломий мамлакатларда такафулни ташкил этилиши билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш натижалари суғурта бозорининг ушбу сектори жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Замонавий дунёда деярли ҳар бешинчи кишининг ислом динига эътиқод қилишини, охириги 50 йил ичида ер юзидаги мусулмонлар сони 235 фоизга ошганлигини ва ҳозирда 1,6 миллиард кишини ташкил этишини ҳисобга олсак, исломий суғурта (такафул)нинг ривожланиши янада долзарб бўлиб бормоқда [1].

Аммо, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳамма мамлакатларда ҳам исломий суғуртани жорий этишнинг институционал, қонунчилик ва ташкилий механизмлари шаклланмаган, шу сабабли миллий суғурта тизимига уни жорий қилишда турли қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Маълумки, суғурта муносабатлари тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Суғурта муносабатларининг асосини биринчи навбатда, ўзаро ёрдам ва зарарни қайта тақсимлаш имконияти ташкил қилади. Ана шундай хусусиятларни ўзида жамлаган исломий суғурта ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатларнинг суғурта бозорларида кенг тарқалган, қолаверса, жаҳон суғурта бозорида ҳам муваффақиятли ривожланиб, мусулмон аҳоли орасида машҳур бўлиб бормоқда.

Такафул арабчадан таржима қилинганда ўзаро кафолат бериш деган маънони англатиб, шариат қонунларига асосланган такафул оператори ва такафул фонди иштирокчилари ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш механизмига асосланган исломий суғурта

тизими ҳисобланади. Исломий суғурта хизматларининг асосий мақсади такафул фонди иштирокчиларини жабрланувчиларнинг зарарларида биргаликда иштирок этиши орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бир вақтнинг ўзида, анъанавий (тижорат) суғурта шариятнинг бир қатор қоидаларига мос келмаслиги, чунончи, исломий ҳуқуқшунослар унда мусулмон эътиқоди нуқтаи-назаридан таъқиқланган учта элемент мавжудлигини эътироф этишади: ғарар (ноаниқлик), майсир (қимор) ва рибо (судхўрлик).

Ғарар (ноаниқлик)ни енгиш учун такафул шартномаси аниқ, тўлиқ ошкор ва шаффоф бўлиши лозим. Агар, камида битта номаълум хавф мавжуд бўлса, такафул шартномаси тузилмайди.

Такафул шартномасида майсир (қимор)ни бартараф этиш учун рискларни тақсимлашда спекулятив элемент бўлмаслиги лозим, бунда, суғурта муносабатлар ўзаро ҳимоя (таавун) асосида курилади.

Рибо (судхўрлик)ни истисно қилиш учун иштирокчиларнинг такафул фондидаги ҳиссасига анъанавий суғуртадаги каби суғурта мукофот сифатида эмас, балки эҳсон, ҳадя (табарру) сифатида қаралади.

Шундай қилиб, суғурта қилдирувчи (иштирокчи)ларнинг ихтиёрий бадаллари (табарру) ҳисобидан кутилмаган нохуш ҳодисалар юз берганда ўзаро молиявий ҳимоя (таавун)ни таъминлаш учун фойдаланиладиган махсус суғурта (такафул) фондини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар тизимига такафул дейилади. Такафул иштирокчилари ва субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизми қуйидагилардан иборат: такафул иштирокчилари бир-бирига молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзолайдилар; такафул шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлган тақдирда, шу иштирокчига жамғарма (табарру) маблағлари ҳисобидан суғурта товони тўлаб берилади; такафул иштирокчилари барча хавф ва йўқотишларни ўзаро тақсимлайдилар; суғурта (такафул) фондида маблағ етишмаган тақдирда, иштирокчилар ўз маблағлари ҳисобидан компенсация тўлаш учун биргаликда жавобгар бўладилар.

Ўз навбатида, такафул оператори иштирокчиларнинг рискларини ўз зиммасига олишда иштирок этмайди, фақат такафул фондини шакллантиради ва бошқаради. Шунингдек, такафул фондининг маълум бир қисми оператор томонидан инвестиция фондларига йўналтирилади, унинг ҳисобидан иштирокчилар инвестицион даромадлар олиш имкониятига эга бўлади.

Исломий суғурта ёки такафул ривожланган айрим давлатларнинг тажрибаларидан кўриш мумкинки, миллий суғурта бозорларининг тижорат суғуртаси билан қамраб олинмаган соҳаларини айнан такафул суғуртаси орқали қамраб олиш ва кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида, жаҳон суғурта бозорида такафул ҳизматларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, исломий суғуртани жорий этиш ва ривожлантириш долзарб бўлиб қолмоқдаки, бунинг учун аввало, унинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал масалаларини ҳал этиш лозим.

Исломий суғурта хизматлари турли молиявий инқирозлар даврида ҳам ўзининг молиявий барқарорлигини ва барқарор ривожланиш суръатларини намоён этганлиги билан иштирокчиларининг ишончини сақлаб қолган. Шу жиҳатдан, миллий суғурта бозорида исломий суғурта хизматларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралиб, уларни ҳал этиш қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини талаб этади:

- Шариат қонунлари, қоидалари ва принциплари асосида миллий суғурта тизимида исломий суғурта хизматлари бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Концепция ишлаб чиқиш;

- такафул операторлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда такафул инвестиция фаолиятини назорат қилиш бўйича миллий қонунчилик ҳужжатларини яратиш;

- исломий суғурта (такафул) хизматларини кўрсатишнинг ҳалол (шариат қонунларига мос) суғурта стандартларини ишлаб чиқиш;

- халқаро суғурта амалиётида самарали ишлаб келаётган такафул суғурта компанияларининг тажрибаларини ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича суғурта назорати органлари фаолиятини ўрганиш;

- миллий суғурта бозорида такафул компанияларини ташкил этиш, исломий суғурта хизматларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва институционал механизмларини ишлаб чиқиш;

- аҳолининг исломий суғурта бўйича саводхонлиги ва маданиятини ошириш мақсадида такафул маҳсулотларининг хусусиятларини очиб бериш, таништирув ва амалий семинарлар ташкил этиш, ижтимоий реклама тадбирларини амалга ошириш.

## **ИЖТИМОЙ СУГУРТА ТИЗИМИНИ ТАМОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Бекназаров Зафаржон Эргашевич**

***“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси доценти***

Жаҳон тажрибасига кўра, ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институти, молия тизими ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг энг муҳим ижтимоий қафолати сифатида намоён бўлади. Ижтимоий суғурта тизими аҳолини муҳтожликда, кексаликда, меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганида ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим молиявий механизмидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг таркибидаги Болалар фонди (UNICEF), Жаҳон банки (WB), Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра, «дунё аҳолисининг бор-йўғи 45 фоизи ижтимоий ҳимоя тизими доирасидаги пулли тўловларнинг камида битта тури билан таъминланган, деярли 4 миллиард инсонлар ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олинмаган». Таҳлил натижаларидан кўринадики, дунё аҳолисининг салмоқли қисми етарли даражада ижтимоий

ҳимояланмаган, хусусан, «жами ишсизларнинг фақат 22 фоизи ишсизлик нафақасини, ногиронлиги бўлганларнинг атиги 28 фоизи ногиронлик нафақасини олади». Мазкур ҳолатлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш ва қамров даражасини кенгайтириб бориш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳонда ижтимоий суғурта тизимининг турли моделларини ўзаро уйғунлаштириш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини молиялаштиришни самарали ташкил этиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг имконият ва чекловлари ҳамда таъсир самарасини эътиборга олган ҳолда янада ривожлантириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш тартибини аҳоли турмуш даражаси меъёрларини таъминлаш негизида такомиллаштириш, кўп даражали пенсия таъминотига ўтиш асосида пенсия таъминоти тизими барқарорлигини ошириш, пенсия ва ижтимоий фондлар фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини ижтимоий кафолатларнинг максимал даражада таъминланишини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш, пенсия дастурларини молиялаштиришнинг суғурта механизминини илғор тажрибаларни татбиқ этиш асосида кучайтириш, хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва молиявий фаолиятининг барқарорлигини янги молиявий манбалар ва самарали дастакларни жорий этиш ҳисобига таъминлаш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланмоқда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, АҚШнинг Mercer халқаро консалтинг компанияси ва Австралиянинг Monash университети ҳузуридаги молиявий тадқиқотлар маркази (MMGPI – Melbourne Mercer Global Pension Index), Пенсия ва ижтимоий фондлар халқаро ассоциацияси (APSF – International association pension and social funds), БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти (United

Nations, Department of Economic and Social Affairs), Буюк Британия (University of Cambridge), Япония (Waseda University) ва Хитойнинг (Tsinghua University) нуфузли университетлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD – Organisation for Economic Cooperation and Development) ва унинг таркибидаги халқаро ташкилотлар (IOPS – International Organisation of Pension supervisors, Pensions at a Glance), Жаҳон банки гуруҳи (World Bank Group) томонидан амалга оширилмоқда.

Ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда қатор, илмий натижалар олинган: жумладан, жаҳон пенсия тизимлари рейтинги аниқланиб, пенсия таъминоти тизими барқарорлигини ошириш юзасидан мажбурий ижтимоий тўловларни иш берувчи ва ишловчилар томонидан тенг паритет тамойили асосида амалга оширилиши юзасидан ишловчилар томонидан ҳам ижтимоий солиқлар тўлаш таклифи ишлаб чиқилган (Австралия, Melbourne Mercer Global Pension Index); МДХ мамлакатларида пенсия ва ижтимоий фондлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича истеъмол нархларини ошиб бориши омилнинг таъсирида харажатларнинг ўрта муддатли прогнозлаштириш модели ишлаб чиқилган (International association pension and social funds); демографик ижтимоий таъминот билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича демографик дивидендлардан мақсадли фойдаланиш учун хусусий секторда ишловчи оналарга хомиладорлик ва туғиш нафақасини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган (United Nations, Department of Economic and Social Affairs); ижтимоий соҳаларнинг молиявий таъминотида ижтимоий фондлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича жамғарма маблағларини инвестицион ресурс сифатида фойдаланиш асосланган (University of Cambridge, Буюк Британия); давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар таъминотида бюджетдан ташқари фондларни ташкил этишнинг давлат бюджетига ортиқча молиявий юкламани келтирмаслиги хусусий-ижтимоий ва хорижий инвестициялар асосида ижтимоий фондларни ташкил этиш

йўналишлари аниқланган (Tsinghua University, Хитой); кўп поғонали пенсия тизимини жорий қилиш, пенсия дастурларини молиялаштиришнинг суғурта механизминини кучайтириш, корпоратив пенсия дастурларини жорий қилиш бўйича ишловчиларнинг ёши, иш стажи ва иш ҳақиға мувофиқ миқдорларда пенсия тайинлашни, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорини ўн баробардан ўн икки баробарига ошириш, ёши юзга тўлган ва ундан ошганларни молиявий рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Organisation for Economic Cooperation and Development); хусусий пенсия тизимларини назорат қилиш сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, пенсия даромадларининг ишончли манбаларини таъминлашга оид жамғарманинг бўш турган маблағларидан даромад олиш учун инвестицион шартлар асосида маблағларини инвестицияга йўналтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (International Organisation of Pension supervisors, Pensions at a Glance); ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тақсимланувчи (pay as you go) ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳамда хусусий ихтиёрий суғуртага асосланган кўп даражали пенсия тизимини босқичма-босқич жорий этиш, корпоратив пенсия турлари ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлганларни павариши билан банд бўлганларни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (World Bank Group).

## **O‘ZBEKISTONDA SUG‘URTA KOMPANIYALARINING MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA‘MINLASH YO‘NALISHLARI**

**Karimova Zilola To‘laganovna**

*Ipak yo‘li innovatsiyalar*

*universiteti o‘quv ishlari bo‘yicha inspektor*

Bozor iqtisodiyoti sharoitida barcha sub’ektlar mulk egalari, investorlar, banklar, birjalar, mahsulot va xom-ashyo yetkazib beruvchilar, xaridorlar va shu bilan bir qatorda sug‘urta kompaniyalari o‘z

hamkorlari va mijozlarining moliyaviy barqarorligidan manfaatdor bo'ladi.

Moliyaviy barqarorlik – har qanday tashkilotning holatini belgilovchi muhim kursorlik hisoblanadi. Shu bilan birga ushbu tushuncha boyicha aniq va bir xil ta'rif mavjud emas. Ushbu tushunchani turli manbalarda turlicha talqin qilinadi. Ko'pgina ishlarda moliyaviy barqarorlikni tahlil qilishda ma'lum koeffitsientlar o'rganiladi (to'lovga qobillik, rentabellik, likvidlik va boshqalar) va ularning natijalari tahlil qilinadi. Ammo bunda tashqi va ichki faktorlarning ta'siri natijasida koeffitsientlar o'zgarishi dinamikasining o'zgarish ehtimolligi o'rganilmaydi.

Sug'urta kompaniyasining moliyaviy barqarorligini biror-bir yagona ko'rsatkich asosida belgilash va bunda ushbu ko'rsatkichning boshqa ko'pgina ko'rsatkichlar bilan bog'liqligini e'tiborga olmaslik noto'g'ri xulosaning shakllanishiga olib keladi. Sug'urta muddatidan kelib chiqqan holda, sug'urta kompaniyasining shartnoma tuzilayotgan paytdagi moliyaviy holati yoki uning faoliyatining istiqboldagi natijalari muhim rol o'ynaydi. Kompaniya sug'urta faoliyatini amalga oshirishi uchun moliyaviy va investitsion risklarga nisbatan yetarli darajadagi moliyaviy barqarorlikka ega bo'lishi zarur.

Sug'urta kompaniyasining moliyaviy barqarorligi deganda uning normal va noxush iqtisodiy holatlarda ham tuzilgan sug'urta shartnomalari boyicha olingan majburiyatlarni bajara olish imkoniyati tushuniladi. Sug'urtalanuvchi uchun sug'urta kompaniyasi xususiy mablag'lari tarkibini tahlil qilish maqsadida uning ustav kapitali miqdorini aniqlash muhim hisoblanadi. Chunki kompaniya tolo'vga qobilligining yuzaga kelgan holatida uning xususiy mablag'lari sug'urtalanuvchi oldidagi majburiyatini bajarishda kafolat hisoblanadi.

Sug'urta tashkiloti faoliyati foydaliligini aniqlash uchun turli koeffitsientlar hisoblanadi. Mazkur koeffitsientlar yordamida zararlarni qoplash bilan bogliq xarajatlar va undirilgan mukofotlar summasi solishtiriladi. Shuningdek, zararlilik koeffitsientini aniqlashda investitsiya daromadlari hisobga olinmaydi. Demak, investitsiya daromadlari hisobga olinsa, uzoq muddatli sugurtada mazkur daromadlar yuqoriligi sababli sugurtaning boshqa tarmoqlarida zararlilik darajasi



korsatkichi nisbatan pastligi koeffitsient me'yori belgilanmasligini taqozo etadi.

Sug'urta tashkiloti faoliyatining foydaliligiga uning investitsiya faoliyati ham katta ta'sir korsatadi. Masalan, AQSh kabi sugurta sohasi rivojlangan mamlakatlarda sugurta tashkilotlarining asosiy daromad manbai ularning sugurta faoliyati hisobidan emas, balki investitsiya faoliyati hisobiga shakllanadi. Shu bois sugurta tashkilotining daromadlilikini aniqlashda investitsiya faoliyati natijasini ham hisobga olish zarurligi namoyon boladi. Shu orinda sugurta tashkilotining asosiy daromad manbalari ortasidagi nisbatni aniqlash ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu ko'rsatkichni investitsiyadan olingan daromadlar orqali hisoblash mumkin.

Sug'urta tashkiloti sugurta qoplamasini tolashda investitsiya daromadlaridan ham foydalanishi mumkin. Yuqoridagi korsatkichlar asosida daromad manbalarini hisoblash va baho berish mumkin. Umuman olganda, sug'urta tashkiloti oz faoliyati davomida to'lov qobiliyatiga ega bolishi zarur. Sug'urta tashkilotining barqaror tolov qobiliyatiga ega bolishi mijozlarning unga bolgan ishonchini oshiradi va uning sug'urta bozoridagi mavqeini mustahkamlaydi.

Demak, sug'urta tashkiloti ozining to'lov qobiliyati tahlil etilishi va mustahkamlanishidan manfaatdor ekanligi ko'zga tashlanadi. Bu tahlilni me'yoriy yoki me'yori belgilanmagan korsatkichlardan foydalanib, likvidlilik va foydalilik me'zonlari asosida amalga oshirish mumkin. Tahlilni amalga oshirish me'zon va korsatkichlari tahlilning maqsadidan kelib chiqadi. Sug'urta faoliyatining oziga xosligini hisobga olgan holda, uning asosiy ko'rsatkichlari tahlil etiladi va ularga baho beriladi.

Mamlakatimizda sug'urta faoliyatining oziga xos xususiyatlari va xorijiy mamlakatlar tajribasini hisobga olgan holda, to'lov qobiliyatini aniqlashning samarali uslubiyotini ishlab chiqish hamda shu asosda tolov qobiliyati me'yorlarini belgilash, shuningdek tahlil etish mazkur sohaning barqaror faoliyatini ta'minlab beruvchi asosiy omillardan hisoblanadi.

Bozor munosabatlari rivojlanishi va faol ishbilarmonlik sharoitida bozor sub'ektlarining tolovga qobilligini baholashga bolgan talab ortib bormoqda. Natijada reyting baholash instrumenti paydo boldi. Bu esa

bozor sub'ektlarining moliyaviy barqarorligi holatini keng jamoatchilik oldida namoyish qilish imkonini berdi.

Klassik reyting xojalik sub'ektining investor va mijozlar oldidagi majburiyatlarini oz vaqtida va toliq bajara olish imkoniyatini baholashdir. Bugungi kunda reyting mustaqil ekspertlar tomonidan moliyaviy holatni kompleks baholovchi sifatida narxsiz raqobat"ning asosiy elementi sifatida shakllandi.

Moliyaviy barqarorlik reytingiga ayniqsa moliya tashkilotlari, shu jumladan sugurta kompaniyalari tomonidan talab yuqori. Chunki sugurta xizmatlari ommaviy xizmat turi hisoblanadi va shuning uchun keng jamoatchilikning ushbu xizmatni korsatuvchi sugurta kompaniyasi to'g'risidagi fikri mazkur kompaniya faoliyatining samarali va barqaror rivojlanishida muhim omil boladi. Mazkur holatda reyting sug'urta kompaniyasi to'g'risidagi jamoatchilik fikrining shakllanishida muhim rol o'ynaydi. Bundan tashqari, hozirgi sharoitda sugurta bozorining rivojida ushbu bozorda faoliyat korsatuvchi sugurta kompaniyalari, ularning muassislari, qayta sug'urtalovchilar va boshqa infratuzilma sub'ektlari to'g'risidagi ma'lumotlarning shaffofligi muhim o'rin tutadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda O'zbekiston milliy sug'urta bozorida faoliyat ko'rsatayotgan sug'urta kompaniyalari mamlakat ichkarisidagi mustaqil reyting tashkilotlari hamda xalqaro reyting tashkilotlaridan reytinglar olishga alohida e'tibor qaratishmoqda. O'z o'rnida milliy reyting tashkilotlarimizning ish hajmi kengaymoqda va o'z-o'zidan ularda malakali moliyaviy tahlilchilarga bolgan ehtiyoj ortib bormoqda. Ammo bunday malakali mutaxassilar yetishmovchiligi kundan-kunga yaqqol ko'zga tashlanmoqda.

Moliyaviy resurslar sug'urta tashkilotlari ixtiyoridagi pul mablag'lari bo'lib, ular joriy xarajatlar va sug'urta xizmatlarini rivojlantirish uchun xizmat qiladi. Bundan tashqari, sug'urta tashkilotlarining moliyaviy resurslari moliyaviy majburiyatlarni bajarish va xodimlarning moddiy ta'minotini amalga oshirish uchun ishlatiladi.

Investitsion va moliyaviy faoliyat ham sug'urta kompaniyasining muhim faoliyati bolib, ushbu faoliyat ham sugurta kompaniyasi uchun zarur darajadagi kapitalni shakllantiradi va hattoki rivojlangan bozorlarda

mazkur faoliyat turlari sug'urta kompaniyasini moliyaviy mablaglar bilan ta'minlovchi birinchi darajali manba hisoblanadi.

O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy holati, uning jahondagi o'rni va raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish imkoniyatlarining kengligi bugungi kunda quvonarli holat. Hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan islohatlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikga berilayotgan imtiyozlar, ayollar tadbirkorliki va shu kabi yangiliklar mamlakatimiz ravnaqi uchun xizmat qiladi. Sug'urta mamlakat iqtisodiy rivojlanishining bir omili sifatida qaralmoqda, va natijada sug'urta bozorini rivojlantirish boyicha me'yoriy xujjatlar qabul qilinmoqda. 2022 – 2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida qishloq xo'jaligida davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash ko'lamini kengaytirish va sug'urtalashning yangi mexanizmlarini amalga oshirish"ga qaratilgan masalalarga ahamiyat berilgan. Sug'urtalashning yangi mexanizmlarini ishlab chiqish uchun amaldagi sug'urta bozorini tahlil qilish maqsadga muvofiq.

## **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Абдубоқиев Мухаммад Шарофитдинович**  
*ТДИУ таянч докторанти*

Жахон амалиётида молия бозорининг муҳим сегменти ҳисобланадиган суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги асосан уларнинг инвестицион фаоллиги, тўловга қобиллиги ва суғурта захираларининг миқдори билан белгиланади. Халқаро йирик рейтинг компаниялари<sup>45</sup> берган маълумотларга кўра аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси билан (ЯИМни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори) ва ЯИМ нинг таркибида суғурта мукофотларининг улуши ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги, етакчи ривожланган давлатларнинг суғурта

---

<sup>45</sup> ACRA (Analytical Credit Rating Agency) - халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.

бозори молиявий барқарорлиги ҳақида далолат бермоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам суғурта бозорини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида ЯИМ таркибида суғурта хизматларининг улуши ортиб бормоқда. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ошириб бориш нафақат компаниялар томонидан кредиторлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш балки қўшимча инвестицион имкониятларини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2022 йилнинг якунларига кўра, Ўзбекистонда жами 41 та суғурта компаниялари фаолият юритаётган бўлса шундан 33 таси умумий суғурта соҳасига ва қолган 8 таси ҳаётни суғурта қилиш соҳасига таалуқли ҳисобланади. Агар суғурта компанияларининг устав капитали миқдори бўйича солиштирадиган бўлсак 2022 йилнинг якунларига кўра 1,884 трлн сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 фоизга ошган (1-жадвал).

**1-жадвал**  
**Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши<sup>46</sup>**

№	Суғурта бозори тузилиши	2021 йил	2022 йил	Ўзгариши (+,-)
1	Суғурта ташкилотлари сони <i>шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича</i>	42	41	-2,4%
		8	8	0%
2	Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (млрд.сўм)	1589,8	1884,1	+18,5%
3	Суғурта брокерлари сони	5	7	+40%
4	Актуарийлар сони	5	5	0%
5	Суғурта агентлари сони <i>шу жумладан юридик шахслар</i>	9581	9155	-4,4%
		2820	2625	-6,9%
6	Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони	23	25	+8,7%

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Шунингдек, 2022 йил давомида суғурталовчилар томонидан йиғилган умумий суғурта мукофотлари 67,0 фоизга ўсиб, 6,23 триллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда ҳаётни суғурталаш бўйича тўловлар 112,6 фоизга ошиб, 1 524,68 млрд. сўмни ташкил этган. Хусусан, ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўловлар 76,89 фоизга ўсиб, суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган барча суғурта мукофотларининг 5,71 триллион сўмини ёки 91,68 фоизини (2021 йилда 86,54 фоиз) ташкил этди. Шу билан бирга, 2022 йил мобайнида мажбурий суғурта хизматлари бўйича тўловлар 3,18 фоизга ошиб, 518,04 миллиард сўмни ташкил этган. Суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган инвестицион фаолиятнинг асосий қисми тижорат банкларининг депозитлари улушига тўғри келиб, таҳлил қилинаётган даврда уларнинг миқдори 31,2 фоизга ошиб 2,896 трлн сўмни ташкил этган. Таъкидлаш лозимки кейинги йилларда суғурта компаниялари институционал инвестор сифатида Тошкент РФБ қимматли қоғозлар савдо ҳажмида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Суғурта компаниялари томонидан қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар 2022 йил якуни бўйича 17,5 фоизга ўсиб, 1287,92 миллиард сўмни ёки суғурта ташкилотлари инвестицияларининг 27,1 фоизини ташкил этган (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган юқори инвестицион йўналиш сифатида тижорат банкларига депозит шаклида киритилган инвестициялар ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда иқтисодиётдаги бизнес фоиз ставкалари орасида тижорат банклари томонидан депозитлар бўйича таклиф қилинаётган фоиз ставкалари юқори эканлиги ҳисобланади. Шунингдек, суғурта компанияларининг кўчмас мулк бозоридаги инвестицион фаолияти нисбатан жадаллашганлигини кўриш мумкин, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган давр мобайнида салкам 50 фоизга ўсганлигини қайд этиш лозим. Суғурта компанияларининг ташкилотлар устав фондидаги иштироки бўйича кўрсаткич камайиш тенденциясига эга бўлган, ушбу вазиятни суғурта компаниялари томонидан

киритилган инвестицияларни қимматли қоғозлари бўйича олинаётган дивидендлар миқдорининг нобарқарор даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

## 2-жадвал

### Суғурталовчиларнинг инвестицион фаолияти<sup>47</sup>

№	Кўрсаткич номи	2021 йил		2022 йил		Ўзгар иши (+,-)
		млрд. сўмда	жамига нисбатан % да	млрд. сўмда	жамига нисбатан % да	
1	Жами инвестициялар, шу жумладан	3746,6	100	4751,7	100	+26,8 %
2	Депозитлар (омонатлар)	2208,5	58,9	2896,6	61	+31,2 %
3	Қимматли қоғозлар	1095,9	29,3	1287,9	27,1	+17,5 %
4	Займлар	47,4	1,3	60,7	1,3	+28,1 %
5	Кўчмас мулк	247,3	6,6	358,9	7,6	+45,1 %
6	Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	142,2	3,8	118,2	2,5	-16,9%
7	Бошқа инвестициялар	5,1	0,1	29,2	0,6	+471,1

Инвестиция фаолиятининг диверсификацияси биринчи навбатда суғурта компанияси инвестиция портфелининг барқарорлигини кўзда тутди. Маълумки, суғурта компаниялари уларга ўз маблағларини қўшиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳалар тўплами сармоя бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда суғурталовчиларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига, қимматли қоғозларга жойлаштирилиши, корхона ва кўчмас мулкларга инвестиция қилиниши мумкин. Инвестицион портфел таркиби ва

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

тизимини тартибга солиш одатда киритилган маблағларнинг турлари бўйича минимум ва максимумни белгилаш йўллари орқали амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари активларини жойлаштириш стандартлари, суғурта резервларини максимал ва минимал квоталари, суғурта резервларининг қамраб олувчи активлар рўйхати ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган меъёрлар иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, молия бозорларининг ҳолати, миллий анъаналарга қараб тартибга солинади. Суғурта компанияларининг инвестиция йўналишлари ҳаёт суғурта соҳаси бўйича алоҳида ва бошқа умумий суғурта тармоғи бўйича алоҳида белгиланади. Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва АҚШда суғурта бозорини тартибга солиш жавобгарлиги маълум маънода давлат, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ўртасида тақсимланган. АҚШнинг ҳар бир штатида суғурта соҳасини мустақил назорат қилувчи органлари мавжуд. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг алоҳида назорат органларига эга, аммо уларнинг ҳар бирлари учун умумий бўлган директиваларга амал қилади.

## **O‘ZBEKISTONDA SUG‘URTA KOMPANIYALARNING MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA‘MINLASH YO‘NALISHLARI**

**Meyliyev Obid Raxmatullaevich.**

*TMI, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc),*

**Gofurova.K. TMI moliya fakulteti talabasi**

Hozirgi kunda iqtisodiy global muammolar va inqirozlarning, jumladan tabiiy ofatlar va boshqa stixiyali kuchlar ta’sirida yuzaga keladigan zararlar vujudga kelishi milliy iqtisodiyotning makroiqtisodiy va moliyaviy barqarorligiga ta’siri davlatlarning moliya tizimi, xususan sug’urta tizimi va sug’urta kompaniyalarining faoliyatini yanada takomillashtirishni talab etadi.

Shu sababdan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 23.10.2021-yilda qabul qilingan "Sug'urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug'urtasi sohasini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-5265 sonli farmonida ham sug'urta faoliyatiga bog'liq muammolar va kamchiliklarni bartaraf etish hamda rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, quyidagi maqsadlarni bajarishni o'z zimmasiga oldi:

- sug'urtaning barcha turlarini (klasslarini) elektron shaklda amalga oshirishga ruxsat beriladi;

- yagona axborot tizimini ishlab chiqish hamda ushbu tizim ishlashi uchun zarur infratuzilmani yaratish bo'yicha ishlar sug'urta to'lovlarini kafolatlash jamg'armasi hisobidan moliyalashtiriladi;

- moliya vazirligi sug'urta tashkilotlari tomonidan ixtiyoriy pensiya sug'urtasi hamda uzoq muddatli (besh yil va undan ortiq) hayot sug'urtasi turlari bo'yicha sug'urta mukofotlari hisobidan shakllangan mablag'larni investitsiya qilish maqsadida inflatsiyaga bog'langan davlat qimmatli qog'ozlarga yo'naltirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqishi va boshqa amallar belgilandi<sup>48</sup>.

Bozor iqtisodiyotining rivojlanishi iqtisodiy infratuzilmaning qaror topishi bilan bog'liq vaziyatdir. Iqtisodiy infratuzilmaning bir qismini sug'urta faoliyati tashkil etib, bir tomondan ijtimoiy himoyani kafolatlasa, ikkinchi tomondan, shartnomaviy hujjatlar va mexanizmlar asosida iqtisodiy subyektlarni risklardan ogoh etish orqali ularning manfaatlarini ham himoyasini ta'minlaydi.

Sug'urta faoliyati yuridik va jismoniy shaxslarning manfaatlarini himoya qilish, moliyaviy risklar oqibatida yuzaga keladigan zararlarni qoplash yuzasida paydo bo'lgan va rivojlangan. Bu zarurat asnosida sug'urta manfaatlari negizida sug'urta munosabatlari yuzaga keladi. Sug'urta munosabatlari ularning yaratilish shakli qandayligidan farqli sug'urta fondalarini tashkil etish va rivojlanish jarayonini o'z ichiga olib, murakkab va keng qamrovli moliyaviy-pullik iqtisodiy hodisadir.


---

<sup>48</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidenti "Sug'urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug'urtasi sohasini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi PQ-5265 sonli farmoni//<https://lex.uz/docs/-5692504>.



Sug'urta faoliyati bozor munosabatlarining eng muhim unsuriga aylandi. “Sug'urta faoliyati deganda sug'urta bozori professional ishtirokchilarining sug'urtani amalga oshirish bilan bog'liq faoliyati tushuniladi”<sup>49</sup>. Mamlakatimizda tadbirkorlik va biznesning rivojlanishiga qaratilgan e'tibor bu soha vakillarini ko'payishiga sabab bo'lib, natijada tadbirkorlik rivoj topish jarayonida turli risklar vujudga kelishi va jamiyatda kuzatiladigan qarama- qarshiliklar subyektlarning sug'urta faoliyatiga va risklar transferiga bo'lgan munosabati o'zgarishiga sabab bo'ldi.

Rasmda keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, 2021-yil davomida 47 ta sug'urta kompaniyasi tomonidan 6841354 dona sug'urta shartnomalari tuzilgan va bu ko'rsatkich 2020-yil hisobida tuzilgan sug'urta shartnomalari bilan solishtirganda 115,2% ni tashkil etadi.



**1-rasm. 2020 va 2021 yillar davomida tuzilgan sug'urta shartnomalari hajmi<sup>50</sup>**

Respublika bo'yicha sug'urta summasi hajmi 1159259,7 mlrd so'mni tashkil etib 2020-yilga nisbatan 28,7 foizga yoki 258393 mlrd. so'mga

<sup>49</sup> O'zbekiston Respublikasining «Sug'urta faoliyati to'g'risida»gi qonuni, 3-modda

<sup>50</sup> O'zbekiston Respublikasi statistika qo'mitasi sayti asosida tayyorlandi.

ko'paydi. Ixtiyoriy sug'urtaning hajmi 71% (822717,7 mlrd so'm) bo'lsa, majburiy sug'urtaning hajmi 29% (336542,0 mlrd so'm) ga to'g'ri keladi.

Ixtiyoriy tibbiy sug'urta hajmi 2020-yilda 2605,4 mlrd so'm hisoblagan bo'lsa, 2021-yilda bu ko'rsatkich 35330,3 mlrd so'mni ko'rsatgan. Sug'urta ishlari bilan shug'ullanuvchi kompaniyalar va shartnomalar soni hamda hajmi o'sish tendensiyasiga ega bo'lgan.

Shuningdek, joriy yilda "O'zbekinvest" milliy sug'urta kompaniyasi tomonidan yig'iladigan mukofotlar o'tgan yilga nisbatan 2,3 barobarga oshgan bo'lib, kompaniya eksport, ijtimoiy-iqtisodiy sektorlarda barqaror rivojlanishni ta'minlash uchun muhim ahamiyatga ega iqtisodiy ko'rsatkich hisoblanib, salohiyatini rivojlantirish, milliy maxsulot tizimini qo'llab-quvvatlash maqsadida 1,2 milliard AQSH dollari miqdorida eksportchilarni sug'urta himoyasi bilan ta'minladi.

Bundan tashqari, 2023-yilning may oyida Moody's Investors Service Ltd. (AQSH) xalqaro reyting agentligi «O'zbekinvest» sug'urta kompaniyasining moliyaviy mustahkamlik reytingi prognozi «Ba3», «Barqaror» darajasidan «Ba3», «Ijobiy» darajasiga ko'tarilganini rasman e'lon qildi. «O'zbekinvest» O'zbekiston bank-moliya sektoridagi «Moody's» xalqaro reyting agentligi tomonidan «Ba3» moliyaviy mustahkamlik reytingi berilgan birinchi kompaniya hisoblanadi<sup>51</sup>.

Kompaniyaning ustuvor jihati "mahallabay" tizimida ish olib borishi, respublikamizning chekka hududlarida ham aholi va kichik tadbirkorlik egalari bilan faol tushuntirish ishlari olib borishi tufayli sug'urta himoyasini belgilashni ta'minlab oladi. Shu sababdan, maxsulotlarni sotishga rejalashtirishga yoshlar va oliy o'quv yurti talabalarini sug'urta agentligi tomonidan keng jalb qilganligi sababli nafaqat moliya tizimining bo'g'ini hisoblangan sug'urta sohasini barqaror rivojlantirishga o'z hissasini qo'shadi, balki yosh kadrlarning bandlik darajasini ko'tarishga yordam bermoqda.

Ammo, yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, sug'urta kompaniyalari soni oshish tendensiyasiga ega bo'lsada, kompaniyalar tomonidan olingan sug'urta mukofotlari hajmi va kompaniyaning milliy

---

<sup>51</sup> Moliya vazirligi huzuridagi sug'urta bozorini rivojlantirish agentligi ma'lumotlari.

hamda xalqaro standartdagi o'zni past hisoblanib, "O'zbekinvest" sug'urta kompaniyasi faqatgina, Allianz SE (Germaniya), Zurich Insurance Group (Shveysariya), Tokio Marine (Yaponiya), AXA (Fransiya), People Insurance Company of China (Xitoy), Korean Reinsurance Company (Janubiy Koreya), Marsh (AQSH), Willis, AON va UIB (Buyuk Britaniya) kabi yetakchi xalqaro transmilliy sug'urta va qayta sug'urtalash kompaniyalari bilan birgalikda ishlashni yo'lga qo'ygan birinchi sug'urta kompaniyasi hisoblanadi. Shu sababdan sug'urta bozorida faoliyat olib borayotgan barcha sug'urta kompaniyalarining xalqaro va milliy standartlariga to'g'ri kelishini ta'minlash, kichik kompaniyalariga malakali va yosh kadrlarni sug'urta agentligi tomonidan jalb etishni yanada takomillashtirish hamda hodimlarning chet davlatlarda malaka oshirish uchun sharoit yaratib berish darkor.

Bundan tashqari, "Raqamli iqtisodiyot" va "Yashil iqtisodiyot" tushunchalari, sun'iy intellektning hozirgi kunda jahon iqtisodiyotida yuzaga kelayotgan dolzarb muammolarga yechim topishda ahamiyatliligidan ko'rishimiz mumkin. Shu tufayli bu sohada ham yuqorida keltirilgan zamonaviy texnologiya va tizimlarni qo'llash, foydalanishni rivojlantirish kerak, bu esa biznesning vaqt va resurs xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirish va xavf-xatarni baholash, qarorlar qabul qilish va hujjatlarni rasmiylashtirishning barcha asosiy jarayonlarini optimallashtirish imkonini beradi.

## **АГРАР СОҲАНИ СУГУРТАЛАШНИНГ ЕВРОПА ТАЖРИБАСИ**

**Кўчқаров Файзулло Абдужабборович**  
*ТМИ мустақил изланувчиси*

Аграр соҳа кўшимча имкониятларга жуда бой соҳа. Маҳаллий бозорларимизнинг файзу баракаси, дастурхонимизнинг тўкин-сочини, энг асосийси, ҳаётимизнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда аграр соҳани, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига

мослаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалигини суғурталаш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, «аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган анъанавий турларини ривожлантиришга ва янги турларини жорий қилишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти соҳасида суғурта ҳимоясини кучайтириш»<sup>52</sup>, ўз навбатида, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва шу асосда аграр соҳани суғурталаш амалиётини ривожлантирилишини тақозо этади.

Европа мамлакатларида суғурта дастурларида давлатнинг иштирокини тартибга солувчи асосий ҳужжат қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги Битим бўлиб, унга мувофиқ ҳукуматнинг молиявий жиҳатдан иштироки таъминланади. Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига муайян шароитларда (риск, фойда, зарур, хавф-хатар, нобуд бўлиш, зарур кўриш, ноқулай об-ҳаво ва ҳ.к.) тўловларни амалга оширади:

1. Тўловларга эга бўлиш ҳуқуқи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришидан олинган даромадларнинг ўртача ялпи даромаднинг 30 фоизидан ошадиган ёки ўтган уч йиллик давр учун соф даромад кўринишидаги эквиваленти ёки ўтган беш йиллик давр асосида ҳисобланган уч йиллик ўртача қийматдан келиб чиқадиган зарарлар билан белгиланади, бунда энг юқори ва энг паст йиллик кўрсаткичлар мустасно. Ушбу шартга жавоб берадиган ҳар қандай ишлаб чиқарувчи аграр соҳа корхоналари тўловларни олиш ҳуқуқига эга;

2. Тўловлар миқдори ишлаб чиқарувчининг йил давомидаги йўқотишларининг 70 фоиздан камини қоплайди;

3. Тўловлар миқдори фақат даромадга боғлиқ бўлиб, у ишлаб чиқарилган маҳсулот турига ёки ҳажмига, шунингдек, унинг ички ва жаҳон бозоридаги нархларига боғлиқ эмас;

---

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-Сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

4. Ишлаб чиқарувчи жорий йилда ушбу дастур асосида, шунингдек, табиий офатларга ёрдам дастури бўйича тўловларни қабул қилганда, тўловларнинг умумий миқдори умумий йўқотишларнинг 100 фоиздан камини ташкил қилади.

Аксарият мамлакатлар, жумладан, Европадаги давлатлар ва бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги экинларни суғурталаш жуда кучли восита бўлиб, фермерлар даромадларининг барқарорлигини таъминлаш учун сиёсий восита эканлигини аллақачон англадилар. Бир неча йиллик Европа тажрибаси шуни кўрсатадики, бир нечта рисклар бўйича суғурта қопламаси суғурта компанияси томонидан фермерга фақат давлат суғурта механизмида мукофотларнинг бир қисмини субсидиялаш ёки суғурта товонини тўлашда иштирок этиш орқали иштирок этган тақдирдагина таклиф қилиниши мумкин.

Европа Иттифоқининг иқтисодий ва ижтимоий Қўмитаси 1992 йил 23 сентябрда “Қишлоқ хўжалигини суғурталашда жамият режими тўғрисида”ги махсус тавсияларни қабул қилди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва жамиятнинг ўзи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига табиий ҳодисалардан ишлаб чиқариш йўқотишларини, ундан кўйрилган зарарларни қоплашни кафолатлайдиган суғурта шартномаларини тузишни рағбатлантиради. Европа Иттифоқига аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг миллий суғурта режалари ёки суғурталаш дастурлари қуйидаги кўрсатмаларни ҳисобга олиши керак:

– Европа Иттифоқи ҳақидаги битим (шартнома)нинг 86-92-моддаларига мувофиқ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар қишлоқ хўжалигини суғурталаш дастурлари учун субсидиялар бериш ҳуқуқига эга;

– суғурта ташкилотларининг фаолияти эркин рақобат шароитида ва Европа Иттифоқига аъзо бўлган ҳар бир мамлакатнинг амалдаги қонун-қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Германияда давлат томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини тижорат асосида суғурталаш субсидиялаштирилмайди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг 80

фоизи ихтиёрий равишда табиий ҳодиса ҳисобланган дўлга қарши суғурта қилинган. Бу мамлакатда экинлардан олинадиган ҳосилни йўқотиш билан боғлиқ зарарларни қоплашга қаратилган давлат ёрдам тизими мавжуд эмас. Фақат, алоҳида ҳолатларда, фермерлар қандайдир фавқулодда табиий вазиятга дуч келсалар, унга ёрдам (молиявий) ажратиш тўғрисида аниқ қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда фавқулодда вазиятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга маълум кўринишда ёрдам кўрсатилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, Федерал ҳукумат ёки Европа Иттифоқининг ёрдамидан ташқари, Германияда муайян ерлар учун ҳукуматнинг махсус дастури тузилади. Хусусан, Баварияда фавқулодда вазиятларда молиявий ёрдам тўғрисида кўрсатма ёки буйруқлар мавжуд. Фавқулодда вазиятлар – бу тижорат суғурта компаниялари томонидан суғурта қопламаси бўлмаган хавфлар, яъни: тошқин, бўрон ва бошқа табиий офатлар. Табиий офатлардан ташқари, чорва молларини йўқотиш ҳам фавқулодда вазиятларга тегишлидир. Европа мамлакатлари фавқулодда вазиятлар юзага келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида тегишли тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Давлатдан, ҳукуматдан компенсация тўловларини олишнинг биринчи шarti шундаки, бунда фермерларнинг ўз маблағлари тўлиқ тугаган бўлиши керак. Бошқа шarti эса фермер учун белгиланган минимал йўқотиш даражаси содир бўлиши керак, ундан кейин уларга давлат ёрдами кўрсатилиши мумкин. Молиявий ёрдам дастури давлат томонидан йўқотишлар учун максимал компенсацияни назарда тутди ва у 35 фоиздан ошмайди. Зарарни қоплаш масаласи маълум бир орган – Федерал ҳукуматнинг тегишли қарори асосида ҳал этилади.

Аграр соҳада суғурта акциядорлик жамиятлари, ўзаро суғурта компаниялари ва ихтисослашган компаниялар томонидан амалга

оширилади. Яқинда ихтисослашган қишлоқ хўжалиги суғурта компанияларининг ролини ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

Францияда экинларни суғурталаш тизими учта дастурни ўз ичига олади:

– «Са1но. 1» дастурининг кафолатлари табиий офатлардан хусусий мулк эгалари ёки корхоналарга етказилган зарарларнинг энг катта қисмини қоплайди;

– СБТ дастурининг кафолатлари кучли бўронлар, дўл билан боғлиқ хавфларни қамраб олади. Ушбу дастур доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки суғурта қилинади;

– қишлоқ хўжалиги экинларининг йўқотилиши натижасида етказилган зарарни қоплашнинг давлат кафолатлари.

Zamonaviy sharoitlarda iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirish va axborot texnologiyalari faoliyatning barcha sohalariga kirib bormoqda. Yangi O'zbekistonning 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasida ham raqamli iqtisodiyotni iqtisodiy rivojlanishning asosiy "drayveri"ga aylantirish va uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirish rejalashtirilgan.

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida, 2020-yilning 25-iyun sanasida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi tizimidagi ayrim tashkilotlarning faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 409-sonli qarori bilan "Raqamli iqtisodiyot

tadqiqotlari markazi” davlat muassasasi tashkil etildi. Markazning asosiy funksiyalari quyidagilardan iborat:

har tomonlama tahliliy va amaliy tadqiqotlar asosida raqamlashtirish jarayonlarining ishlab chiqarish va iqtisodiyot tarmoqlariga taʼsirini baholash hamda kelgusida mamlakat iqtisodiyotining raqamli transformasiyasini kengaytirish boʻyicha takliflar ishlab chiqish;

davlat organlari va iqtisodiyot tarmoqlari faoliyatida raqamli iqtisodiyotni keng joriy etishda yuzaga keladigan muammolarni oʻrganish, tahlil qilish va ularning echimlari boʻyicha har tomonlama asoslangan takliflar tayyorlash;

ekspertlar hamjamiyati bilan birgalikda davlat organlari va tashkilotlarining faoliyatiga raqamli iqtisodiyot va elektron hukumat sohalaridagi yangi yoʻnalish va zamonaviy texnologiyalarni chuqur oʻrganish orqali keng joriy etish boʻyicha takliflar ishlab chiqish;

raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatning rivojlanganlik darajasi boʻyicha yetakchi mamlakatlar tajribasini oʻrganish hamda ularni davlat organlari, tashkilotlar va iqtisodiyot tarmoqlariga tatbiq etish yuzasidan takliflar tayyorlash;

“aqlli” va boshqa istiqbolli texnologiyalarni, shuningdek iqtisodiyotning turli sohalarida katta hajmdagi maʼlumotlarni qayta ishlash texnologiyalarini joriy qilishning konseptual va uslubiy asoslarini shakllantirish;

raqamli texnologiyalarni joriy etishning ustuvor yoʻnalishlari boʻyicha ilmiy-texnik va tadqiqot faoliyatini amalga oshirishga asoslangan elektron hukumat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning uzoq muddatli istiqbollari ishlab chiqish.

Hozirgi kunda “Raqamli iqtisodiyot tadqiqotlar markazi” davlat muassasasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yuzasidan, elektron tijorat, frilanserlik faoliyati, ilmiy-tadqiqotlar va raqamli savodxonlik yoʻnalishlarida qator tadbirlar amalga oshirilmoqda.

## **MIKROSUG‘URTA VA UNING IQTISODIY MOHIYATI**

**Mambetqulova M., TMI talabasi**

**Ilmiy rahbar: Yuldashev O., TMI dotsenti, i.f.d**

Mikrosug‘urta - bu kichik va o‘rta biznes sub’ektlari, shuningdek, kam ta‘minlangan shaxslar uchun mo‘ljallangan sug‘urta shakli. U o‘zingizni hayotingiz davomida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavf va kutilmagan xarajatlardan himoya qilish imkonini beradi. Mikrosug‘urta moliyaviy barqarorlikni mustahkamlash va aholi turmush darajasini yuksaltirishga xizmat qilishi bilan moliya sektorini rivojlantirishning muhim omili hisoblanadi.

Butun dunyo uchun, xususan, O‘zbekiston uchun bu masala ancha yangi va rivojlanmagan. Shtab-kvartirasi Varshavada joylashgan Yevropadagi mikrosug‘urta markazi mikrosug‘urtani rivojlantirish bilan shug‘ullana boshladi, u sug‘urta xizmatlariga bo‘lgan ehtiyojni aniqlash maqsadida Yevropa aholisi orasida tanlab so‘rov o‘tkazdi.

Ushbu sug‘urta turi kam ta‘minlangan aholini moliyaviy himoya qilish uchun mo‘ljallangan. U sug‘urta xizmatlari tannaxsini pasaytiradigan va aholining keng qatlamlari uchun foydalanish imkoniyatini oshiradigan innovatsion yondashuv va texnologiyalardan foydalanishga asoslangan. Mikrosug‘urta turlaridan biri mobil sug‘urta hisoblanadi. Bu mobil qurilmalar orqali taqdim etiladigan maxsus sug‘urta turidir. Mijozlar mobil ilova orqali sug‘urta polisini rasmiylashtirishi, uning to‘lovini amalga oshirishi va kerakli ma‘lumotlarni olishi mumkin. Ushbu sug‘urta shakli sug‘urta mahsulotlarini sotish va ularga xizmat ko‘rsatish xarajatlarini kamaytirish va mijozlar sonini ko‘paytirish imkonini beradi.

Mikrosug‘urtaning yana bir shakli guruh sug‘urtasidir. Bu kichik biznes yoki qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilari kabi kam ta‘minlangan guruhlarni moliyaviy himoya qilish uchun mo‘ljallangan. Ushbu sug‘urta shakliga ko‘ra, bir guruh odamlar sug‘urta qoplamasini olish uchun birlashadilar va shu bilan sug‘urta xizmatlari narxini pasaytiradilar. Mikrosug‘urta ob-havo ta‘siridan sug‘urtalashni ham o‘z

ichiga olishi mumkin. Ushbu sugʻurta shakli qishloq xoʻjaligi ishlab chiqaruvchilarini noqulay ob-havo sharoiti bilan bogʻliq yoʻqotishlardan moliyaviy himoya qilish uchun moʻljallangan. Sugʻurta kompaniyasi qurgʻoqchilik, suv toshqini yoki boshqa ob-havo ofatlari bilan bogʻliq yoʻqotishlar uchun tovon toʻlaydi.

Xalqaro sugʻurta korporatsiyalari mikrosugʻurtaga nafaqat xayriya, balki kam rivojlangan mamlakatlar, ayniqsa, Afro-Osiyo mintaqasidagi vaziyat uchun global masʼuliyatning koʻrinishi sifatida qaraydi. Bundan tashqari, rivojlanayotgan mamlakatlarda mikrosugʻurta sugʻurta biznesini rivojlantirish uchun ulkan salohiyat va zaxiralarni oʻz ichiga oladi. Mikrosugʻurta hajmining geografik mintaqalar boʻyicha taqsimlanishi shuni koʻrsatadiki, uning eng katta ulushi mikro kreditning eng katta hajmlari kuzatilgan mamlakatlarga xosdir: Sharqiy va Janubiy Osiyo, Lotin Amerikasi. Mikrosugʻurta dunyo boʻylab, asosan, mikro kredit sugʻurtasi orqali mashhur boʻlib bormoqda. Oxirgi natija koʻp hollarda mikrosugʻurta kredit tashkilotlarini himoya qilish vositasi ekanligini tavsiflaydi. Mikrosugʻurta mahsulotlarini tarqatishning asosiy kanallari quyidagilardir:

- kredit uyushmalari (koʻngillilar, mahalliy ishchilar orqali);
- sugʻurta kompaniyalari (sugʻurta agentlari, Internet va uyali aloqa orqali);
- xalqaro moliya tashkilotlari;
- notijorat tashkilotlar (oʻz-oʻziga yordam guruhlari, tibbiyot xodimlari, xodimlar orqali).

Umuman olganda, mikrosugʻurta sugʻurtaga innovatsion yondashuv boʻlib, aholining barcha qatlamlari uchun sugʻurta xizmatlaridan foydalanish imkoniyatini taʼminlash va ijtimoiy tengsizlikni kamaytirishga yordam beradi.

Birinchiidan, mikrosugʻurta kam taʼminlangan aholi uchun moliyaviy inklyuzivlikni yaxshilashga yordam beradi. Buning yordamida odamlar oʻzlarini kutilmagan xarajatlardan himoya qilish va jamgʻarmalarini himoya qilish imkonini beruvchi sugʻurtadan foydalanishlari mumkin. Bu ham aholining moliyaviy barqarorligini mustahkamlashga xizmat qilmoqda.



Ikkinchidan, mikrosugʻurta kichik va oʻrta biznesni rivojlantirishga yordam beradi. Kichik va oʻrta korxonalar koʻpincha kutilmagan xarajatlar bilan bogʻliq xavflarga duch kelishadi. Mikrosugʻurta ularga oʻzini ushbu xatarlardan himoya qilish va moliyaviy barqarorlikni taʼminlash imkonini beradi.

Uchinchidan, mikrosugʻurta moliya bozorining rivojlanishiga xizmat qiladi. Buning sharofati bilan sugʻurta bozorining yangi oʻyinchilar va investorlarni jalb qila oladigan yangi segmenti shakllanmoqda. Bu, oʻz navbatida, raqobatning rivojlanishiga, xizmatlar sifatining oshishiga xizmat qilmoqda.

Toʻrtinchidan, mikrosugʻurta moliya tizimini mustahkamlashga yordam beradi. Xatarlardan va kutilmagan xarajatlardan himoya qilish iqtisodiyotdagi inqirozlar ehtimolini kamaytirishga yordam beradi. Bu, shuningdek, moliyaviy tizimga ishonchni mustahkamlashga va uning barqarorligini oshirishga yordam beradi. Masalan, 2022-yilda dunyoda sugʻurta mukofotlari hajmi 7,2 trillion dollarga yetdi, bu oʻtgan yilga nisbatan 3,7 foizga koʻpdir. Ushbu oʻsish sugʻurtalangan shaxslar va mulklar sonining koʻpayishi, shuningdek, sugʻurta tariflarining oshishi bilan izohlanadi. Kibertahdidlar va maʼlumotlar sizib chiqishining oʻsishi tufayli kibersugʻurta bozori faol rivojlanmoqda. 2022 yilda global kiber sugʻurta mukofotlari 6,1 milliard dollarni tashkil etdi, bu oʻtgan yilga nisbatan 39 foizga koʻpdir.

Qoʻshma Shtatlarda ish beruvchilar va xodimlar uchun tibbiy sugʻurta narxi bozor raqobatining kuchayishi va texnologiyaning takomillashuvi tufayli arzonlashmoqda. 2022 yilda tibbiy sugʻurta mukofotlari atigi 4 foizga oʻsdi, bu 20 yil ichidagi eng kichik oʻsishdir. Dunyoning turli mintaqalarida tabiiy ofatlarning tez-tez uchrab turishi munosabati bilan ularning oqibatlaridan sugʻurtalanganlar soni ortib bormoqda.

Shunday qilib, moliya sektorini rivojlantirishda mikrosugʻurta muhim oʻrin tutadi. Bu moliyaviy barqarorlikni mustahkamlash, kam taʼminlangan aholi uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatini oshirish, kichik va oʻrta biznesni rivojlantirish, sugʻurta bozorining yangi segmentlarini shakllantirish va umuman moliya tizimini

mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Binobarin, mikrosugʻurtani rivojlantirish moliya sektorini rivojlantirishning ustuvor yoʻnalishlaridan biri boʻlishi kerak.

Xulosa oʻrnida shuni taʼkidlash mumkinki, mikrosugʻurta moliyaviy barqarorlikni oshirish va aholining kam taʼminlangan qatlamlari uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini yaxshilashning muhim vositasidir. Shuningdek, u kichik va oʻrta biznesni rivojlantirish, sugʻurta bozorining yangi segmentlarini shakllantirish va umuman moliya tizimini mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Shu sababli, mikrosugʻurtani rivojlantirish, ayniqsa, iqtisodiy noaniqlik va risklar kuchaygan sharoitda moliya sektorini rivojlantirishning ustuvor yoʻnalishlaridan biri boʻlishi kerak.

Mikrosugʻurta gʻoyasi oʻzaro yordam va unga muhtojlarni himoya qilish tamoyillariga asoslangan edi. Qishloq xoʻjaligida mikrosugʻurta faoliyatini kooperatsiya asosida rivojlantirish turli sugʻurta vositalaridan foydalanish mexanizmi orqali uning ishtirokchilarining mulkiy va shaxsiy manfaatlarini tartibga solish uchun bozor muhitini shakllantirish uchun yuqori sifatli shart-sharoitlar yaratadi. Yakka tartibdagi dehqon va oilaviy fermer xoʻjaliklari ishlab chiqarish-xoʻjalik faoliyatini xavfli sharoitda amalga oshiradi va ishonchli sugʻurta himoyasiga, jumladan, qishloq xoʻjaligi sugʻurtasi bozoriga zamonaviy mikrosugʻurta dasturlarini joriy etish hisobiga muhtoj.

# SHU'BA IV: O'ZBEKISTONDA SUG'URTA XIZMATLARI BOZORINING MOLIYA TIZIMIDA TUTGAN O'RNI VA MILLIY IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHIGA TA'SIRI

---

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Атаев Шухрат Шавкатович

*Инак йўли инновациялар университети  
ўқув ишлари бўйича проректори*

Бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир.

Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига), давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-худудий бўлинишига бевосита боғлиқ (Буреш & Бикбергенева, 2010). У ёки бу мамлакатнинг бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унитар давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғиндан (марказий ва маҳаллий бюджетлар), федератив давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда эса уч бўғиндан (марказий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин (Новоскольцева, Ю Ю., 2016).

Бугунги кунда пандемия туфайли юзага келган глобал инқироз деярли барча давлатларнинг бюджетига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги ойлар давомида коронавирус ва миллионлаб кишиларнинг карантинда қолиши жаҳон иқтисодиётини издан чиқарди. Иқтисодчиларнинг фикрича, бу таназзул аҳли башариятнинг энг янги тарихида мисли кўрилмаган пасайиш бўлиши мумкин. Хусусан, карантин шароитида дунё ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаолияти кескин тўхташи, туризмнинг тўхташи ва шунга ўхшаш салбий

ҳолатлар давлат бюджети даромадларининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли ҳам давлат бюджетини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими маълум бир принципларга таянади. Бундай принципларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджетлар даромадлар ва харажатларининг тўлиқ акс этиши;
- бюджетларнинг баланслилиги;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги;
- бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги;
- ошкоралик;
- бюджетнинг ҳаққонийлиги;
- бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги.

Бюджет тизимининг ягоналиги принципи ҳуқуқий базалар, пул тизими, бюджет ҳужжатлари шакллари, бюджет жараёни принциплари(Hertz, 1979), бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларнинг ягоналиги, мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари харажатларини молиялаштириш ва бюджет маблағлари бухгалтерия ҳисобини юргизиш тартибининг ягоналиги билан белгиланади(Shaturaev & Jumaev, 2019).

Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи тегишли даромадлар турларини (тўлиқ ёки қисман) ва харажатларни амалга ошириш бўйича ваколатларни мамлакатнинг ҳокимият органлари, мамлакат субъектларининг ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилганлигини кўзда тутди(Новоскольцева, Ю Ю., 2016)(Jensen & Smith, Jr., 2005).

Бюджетларнинг мустақиллиги принципи қонунчилик ва давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мамлакат бюджет тизимининг тегишли даражаларида бюджет жараёнини мустақил амалга ошириш борасидаги ҳуқуқларини билдиради(Jensen & Smith, Jr., 2005). Бу принципнинг амал қилиши қонунчиликка мувофиқ мамлакат бюджет тизимининг ҳар бир даражасида бюджетлар даромадларининг ўз манбаларига эгаллигини, бюджетларнинг тартибга келтирувчи даромадларини, қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетларнинг даромадларини шакллантириш бўйича ваколатларни, давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетлар харажатларининг сарфланиш йўналишларини мустақил аниқлаш ҳуқуқини қонуний бириктирилишини, бюджет тўғрисидаги қонунларни ижро этиш жараёнида олинган қўшимча даромадлар, бюджет даромадларининг харажат-ларидан ошган қисми суммалари ва бюджет харажатлари бўйича иқтисод қилинган суммаларни олишнинг мумкин эмаслигини, бюджет тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши жараёнида вужудга келган даромадлардаги йўқотмалар ва қўшимча харажатларни бюджет тизимининг бошқа даражалари ҳисобидан компенсация қилишга йўл қўймасликни (қонунчиликнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда вужудга келган ҳолатлардан ташқари) тақозо этади (Jensen & Smith, Jr., 2005) (Stamalevi, 2015).

Жумладан, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунини Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Қонуннинг қабул қилиниши коронавирус пандемияси ва глобал инкироз даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда харажатларни оптималлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Унга мувофиқ Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилганлиги муносабати билан республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг чегараланган миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, Қонуннинг 5- иловаси янги таҳрирда берилмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг қарорларига асосан айрим давлат бошқарув органлари тузилмасида маъмурий ўзгартиришлар амалга оширилганлиги, шунингдек, йиллик бюджет тўғрисидаги қонун биринчи марта жорий этилиши муносабати билан амалиётда юзага келаётган айрим ҳолатлардан келиб чиқиб, бошқа ўзгартиришлар ҳам киритиш зарурати пайдо бўлган.

Шунингдек, Президентимизнинг қарорига асосан республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан амалга ошириладиган харажатларни қисқартириш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган ва улар ижросининг ҳуқуқий асослари Қонунда белгиланган. Хусусан, республика бюджетидан адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш, фермер хўжаликлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қийматини қоплаш учун ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун бериладиган субсидиялар маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштириши белгиланаётганлиги сабабли ҳудудий бюджетларга бериладиган трансфертлар кўпайтирилмоқда.

Қонун билан коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет харажатлари оптималлаштирилмоқда ҳамда устувор йўналишларга, яъни коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва унинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга сафарбар қилиниши назарда тутилган.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари тўлиқ акс этиши, солиқ ҳамда бу борадаги қонунларга мувофиқ белгиланган бошқа мажбурий тушумлари тўлиқ ҳажмда ўз аксини топиши керак. Барча умумдавлат ва маҳаллий харажатлар мамлакат бюджет тизимида ўз аксини топган бюджетлари ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғар-маларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Солиқ кредитлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кечиктиришлар ва муддатларнинг ўзгартирилиши бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетлари даромадлари ва харажатлари бўйича тўлиқ равишда алоҳида ҳисобга олинади. Бюджетларнинг баланслилиги принципи бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг ҳажми бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушадиган тушумларнинг жами ҳажмига тенг бўлиши кераклигини билдиради. Бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнида ваколатли органлар бюджет дефицити миқдорини минималлаштириш зарурлигидан келиб чиқишлари керак.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлилиги ва тежамлилиги принципининг маъномазмуни шундан иборатки, унга мувофиқ равишда ваколатли органлар ва бюджет маблағларини олувчилар бюджетларни тузиш (В.М. Гальперин, С.М. Игнатъев, 2007) ва уларнинг ижросини таъминлашда, аввало, кўзда тутилган мақсадларга эришишда маблағларнинг камроқ ҳажмидан ёки маълум бир ҳажмдаги маблағлардан фойдаланган ҳолда юқори натижага эришиш зарурлигидан келиб чиқиши керак (G.M.Bekimbetova, 2020). Бюджет харажатларини қоплашнинг

умумийлиги принципи унинг барча харажатларини шу бюджетнинг барча даромадларини умумий суммаси ва унинг дефицитини молиялаштириш манбалари ҳисобидан тушган тушумлардан қопланиши кераклигини англатади. Бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштиришнинг манбаларидан тушумлар бюджетнинг маълум харажатлари билан боғланган бўлиши мумкин эмас (G.Vekimbetova, 2019) (мақсадли бюджет фондларининг даромадлари, мақсадли хорижий кредит маблағлари, мамлакат бюджет тизимида бошқа даражадаги бюджетлар маблағларининг марказлаштирилиш ҳолатлари бундан мустасно).

Бюджет тизимидаги ошкоралик принципи очик матбуотда тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, албатта, эълон қилинишини, бюджет ижроси жараёнида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилишини, давлат ҳокимияти қонунчилик органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларига оид бошқа маълумотларни олиш имкониятининг яратилганлигини, бюджет лойиҳаси бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибларининг (R.Karlibaeva, 2021) (жумладан, давлат ҳокимияти қонунчилик органи ичида ёки давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижроия органлари ўртасидаги қарамақаршиликларни ифодаловчи масалалар бўйича ҳам) жамият ва оммавий ахборот воситалари учун ал-батта, очик бўлишини кўзда тутди.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда шу республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятлар бюджети эса вилоят бюджетидан, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан иборатдир (Мирзиёев, 2017). Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Ва ниҳоят, туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади.



### *Давлат бюджетининг классификацияси*

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ўзларининг манбалари, маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва бошқа белгиларига кўра хилма-хилдир. Бир вақтнинг ўзида улар умумий белгиларга ҳам эга. Бутун мамлакат миқёсида бюджет даромадлари ва харажатларининг тўғри режалаштирилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун улар классификация қилинади. Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳларга ажратишда ёки гуруҳлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди. Ундан Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини ягона бир тизимга келтириш учун фойдаланилади ва бюджет классификацияси бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан таққосланишини таъминлайди. Шу маънода, маълум бир тизимга келтирилган ва ўрнатилган тартибда код (шифр)лаштирилган бюджет даромадлари ва харажат-ларининг бир хил белгилари бўйича илмий асосланган иқтисодий гуруҳланишига бюджет классификацияси дейилади. Одатда, бюджет классификациясининг асосида даромадлар бўйича уларнинг манбалари, харажатлар бўйича эса маблағларнинг мақсадли сарфланиш йўналишлари ётади. Бюджет классификацияси ўзининг кенг йўналиши билан ажралиб туради. Унинг бўлинмаларига қатъий риоя этган ҳолда бюджет режалаштирилиши амалга оширилади, бюджет ташкилотларининг индивидуаль ва умумий ҳамда йиғма тармоқ сметалари тузилади, маҳаллий, республика ва Давлат бюджетининг ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Фискал барқарорлик бюджет фаолиятининг бундай механизмини акс эттиради. Мақсадларга эришиш ҳозирда муваффақиятга шубҳа туғдирмайдиган тизимлар келажакдаги мақсадлар. Бу контрциклик фискал сиёсатни талаб қилади ва унинг шарт - ҳудуднинг қарз барқарорлиги. Бироқ, молиявий барқарорлик қарз миқдорига эмас, балки уни таъминлаш институтларига - солиқ

юкининг барқарорлиги ва тузилишига, харажатлар таркиби ва уларнинг макроқўрсаткичлар билан боғлиқлигига, бюджетлараро муносабатларнинг ҳолатига ва минтақавий бюджет ваколатларининг етарлилигига боғлиқдир.

## **РОЛЬ РЫНКА СТРАХОВЫХ УСЛУГ УЗБЕКИСТАНА В ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЕ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Карина Мурадовна Синицина**

**ТФИ, 3-курс, группа SS-40**

**Шермухамедова Ширин Амонуллаевна**

**ТФИ, и.о. доцент кафедры «Финансы»**

### **Аннотация:**

Данный тезис затрагивает вопрос о роли рынка страховых услуг в финансовой системе Узбекистана и его влиянии на развитие национальной экономики. Оно основывается на анализе данных, отчетов и законодательных актов, связанных с страховой деятельностью в Узбекистане. Тезис приходит к выводу о важности развития страхового сектора в Узбекистане для обеспечения стабильности финансовой системы и стимулирования экономического роста..

### **Ключевые слова:**

рынок страховых услуг, Узбекистан, финансовая система, национальная экономика, стабильность, развитие.

Рынок страховых услуг играет важную роль в финансовой системе любой страны, и Узбекистан не является исключением. Он не только обеспечивает защиту населения и предпринимателей от финансовых рисков, но и имеет значительное влияние на развитие национальной экономики. В данном тезисе мы рассмотрим роль рынка страховых услуг Узбекистана в финансовой системе и его влияние на развитие страны.

Рынок страховых услуг Узбекистана представлен широким спектром компаний, предлагающих различные виды страхования,

включая страхование автомобилей, имущества, гражданской ответственности, жизни и здоровья. Страховые компании играют роль посредника между страхователями и страховщиками, предлагая различные полисы и выступая в качестве гаранта выплаты страхового возмещения в случае наступления страхового случая.

Кроме того, рынок страхования способствует формированию дополнительных финансовых ресурсов. Когда страховые компании принимают платежи за страховые полисы, они накапливают финансовые средства, которые могут быть использованы для инвестирования в различные секторы экономики. Это позволяет страховым компаниям не только выполнять свои обязательства перед страхователями, но и активно участвовать в экономическом развитии страны, например, путем инвестиций в проекты различных отраслей. Однако, для того чтобы рынок страховых услуг имел максимально положительное влияние на развитие национальной экономики, необходима эффективная регулировка и контроль со стороны государства.

В Узбекистане функции регулирования и надзора за страховой деятельностью осуществляются Агентством по страхованию и финансовому надзору. Это гарантирует соблюдение страховщиками установленных норм и правил, а также обеспечивает защиту интересов страхователей.

В целом, рынок страховых услуг Узбекистана играет важную роль в финансовой системе страны и влияет на развитие национальной экономики. Он способствует уменьшению финансовых рисков, поддерживает активность предпринимателей, формирует дополнительные финансовые ресурсы и участвует в экономическом развитии страны. При правильном регулировании и контроле со стороны государства, рынок страховых услуг будет продолжать развиваться и приносить пользу всем участникам экономического процесса. Страховая отрасль вносит вклад в социально-экономическое развитие страны по следующим направлениям :

0. Вклад в социально-экономическое развитие страны.

1. Страховая отрасль вносит вклад в социально-экономическое развитие страны путем использования ресурсов страховых организаций для развития финансовой системы в целом, в том числе в области страхового надзора.

2. Страховая отрасль вносит вклад в социально-экономическое развитие страны, используя ресурсы страховых организаций для развития финансовой системы в целом, в том числе в области инвестиций.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года № ПП-4412 «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Узбекистана» утверждена

«дорожная карта» развития сферы страхования на 2019–2020 годы. В постановлении определены семь направлений развития страхового рынка.

3. Первое – совершенствование нормативно-правовой базы. Закон

«О страховой деятельности» устарел и не отвечает современным

4. Второе – институциональное развитие регулирования страховой деятельности. Будут пересмотрены нормативы платежеспособности страховщиков, повышены размеры уставных фондов, будут предъявляться требования к качеству активов страховых компаний.

5. Третье – развитие и расширение инфраструктуры страхового рынка.

6. Четвертое – повышение уровня капитализации, платежеспособности и финансовой устойчивости профессиональных участников страхового рынка.

7. Пятое – усиление защиты прав потребителей страховых услуг и других субъектов и популяризация страхования и страховой культуры.

Основным фактором успешного развития национальной системы страхования является формирование современной рыночной инфраструктуры. В связи с этим важное значение имеет

осуществление финансового инжиниринга бизнес-процессов в страховой компании. Основной целью описания бизнес-процессов является изображение их в виде логической схемы, отражающей общую структуру компании. Анализ бизнес-процессов предусматривает, прежде всего, снижение расходов.

Цель реинжиниринга в период, когда национальная экономика изменяется весьма быстрыми темпами, определяется такими вопросами, как упрощение организационной структуры страховой организации, перераспределение и минимизация различных ресурсов, повышение качества услуг. Проведение реинжиниринга бизнес-процессов в страховой организации в течение определенного времени, например, каждые пять лет, позволит осуществлять изменения в страховой организации с учетом изменения внешних факторов.

*Применение реинжиниринга бизнес-процессов в страховой организации позволит достигнуть следующего:*

1. Определение основных направлений деятельности страховой организации;
2. Совершенствование бизнес-структуры страховой организации и обеспечение ее прозрачности;
3. Определение основных направлений деятельности страховой организации;
4. Совершенствование бизнес-структуры страховой организации и обеспечение ее прозрачности;
5. Снижение расходов на ведение страхового бизнеса страховой организацией;

Практическая реализация научных предложений и практических рекомендаций будет способствовать совершенствованию страховой системы и механизма ее реализации, а также реализации задач, обозначенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. Таким образом, в Узбекистане страховой рынок является достаточно молодым и не развитым. И государство хочет внедрить обязательное медицинское страхование с 2020 - 2021 года в Сырдарьинской

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТАНИНГ СОҲАЛАРГА АЖРАТИЛИШИ, УМУМИЙ СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯЛАНИШИ

**Н.А.Маврулова ТМИ доценти**

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар замирида молия институтларининг самарали фаолияти салмоқли ўринга эга. Уларнинг сафига кенг турдаги суғурта хизматларини таклиф этиб аҳолини ҳам ижтимоий, ҳам молиявий жиҳатдан ҳимоя қилиб келаётган миллий суғурта бозорини киритиш мумкин. Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб улгурган мазкур соҳада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ундаги мавжуд юқори салоҳият, балки энг аввало давлат томонидан ушбу тармоқни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат билан изоҳланади.

“Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани ва қайта суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади”<sup>90</sup>. Бу фаолият аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ижтимоий ҳимоялаш функциясини ифода этган ҳолда қуйидаги тамойилларга таянади, булар: суғурта муносабатларида рискнинг маълум даражада мавжуд бўлиши; суғурта мукофотларининг қайтарилиш хусусиятига эгаллиги; зарарларнинг маълум вақт ва маконда тақсимланиши. Суғурта фаолиятининг республика иқтисодиёти ривожигадаги роли ва аҳамияти беқиёс. Айниқса, сўнгги йилларда суғурта фаолиятига қизиққанлар ва ундан фойдаланувчилар аудиторияси кенгайиб бормоқда. Суғурта компаниялари нафақат бевосита суғурталаш, балки инвестиция фаолиятини ҳам юритган ҳолда иқтисодий жараёнларнинг жадал кечишини таъминламоқда. Бу орқали маблағга муҳтож тармоқлар молиялаштирилиб, бўш иш ўринлари яратилмоқда ва ҳукуматимиз раҳбарининг камбағалликни

---

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон Қонуни янги таҳрири, 3-модда. 2021 йил 23 ноябр.

қисқартириш ва аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ислохотларини амалга оширишда таянч бўлмоқда.

Жаҳонда суғурта фаолияти икки соҳага ажратилган: ҳаёт суғурта соҳаси ҳамда умумий суғурта соҳаси, халқаро атамашуносликда life insurance ҳамда non-life insurance деб юритилади. Соҳалар бир-биридан суғурталаш объектларига кўра фарқланади, яъни ҳаёт суғурта соҳасида инсон саломатлиги, ҳаёти, меҳнат қобилияти билан юзага келадиган рисклар суғурталанса, умумий суғурта соҳасида санаб ўтилган объектлардан бошқа барча объектлар, хусусан, мулкӣ, молиявий, тадбиркорлик, жавобгарлик рисклари суғуртага олинади. Шу каби, мамлакатимизда ҳам суғурта фаолияти икки соҳада олиб борилади: ҳаёт ва умумий суғурта соҳалари.

Янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг 6-моддаси “Суғурта соҳалари ва класслари” деб номланиб, унда умумий суғуртага қуйидагича изоҳ берилган: “умумий суғурта (шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари)”. Ўзбекистонда умумий суғуртанинг ҳиссаси ҳаёт суғурта соҳасига қараганда анча салмоқли бўлиб, суғурта тизими ривожланган давлатларда ҳам худди шу тенденция мавжуд. Буни умумий суғурта соҳасида суғурталанадиган объектларга инсон ҳаёти, меҳнат қобилияти ва саломатлигидан бошқа барча объектлар киритилиши билан изоҳлаш мумкин. Умумий суғуртага оид жами 18 та класс қуйидагича гуруҳланган:

бахтсиз ҳодисалар ва касалликлардан суғурталаш гуруҳида жисмоний шахсларни индивидуал ва корпоратив тарзда суғурталаш назарда тутилади ва шартнома шартларига киритилган ҳодисалардан суғуртавий ҳимояланади, бунда объектнинг, яъни инсон ҳаёти ва саломатлигининг қийматини аниқлаш имконсизлиги сабабли суғурта суммаси суғурталанувчи ташаббуси билан, суғурта тарифлари эса икки томон ўртасида белгиланади, шунингдек, ҳимоя чегараси, яъни эҳтимол тутилган бахтсиз ҳодисалар ва касалликлар

турлари аниқ кўрсатилади ва фақат шу доирада суғурта ҳимояси тақдим этилади;

тиббий суғурта шахсларни тиббий хизматлар билан мажбурий ва ихтиёрий тарзда ҳимоялашни назарда тутиб, бу суғурта классификацияси 2022 йилда классификаторга қўшимча 18-класс бўлиб киритилган, бироқ ҳозирда бу суғурта турига кам сонли мижозлар қизиқиш билдирмоқда, шу билан бирга суғурта компанияларининг аксарияти бу турни амалга оширишдан бош тортади, кутилаётган мажбурий тиббий суғуртанинг амалиётга татбиқ этилиши мазкур суғурта классини оммалаштиради;

мол-мулк суғуртасида юридик ва жисмоний шахслар ихтиёридаги барча моддий қийматликлар, Фуқаролик Кодексининг суғуртага оид 52-бобида белгиланган истиснолардан ташқари, юклар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий офатлардан, оловдан ва бошқа барча зарарлардан суғуртавий ҳимояланади, бироқ сиёсий рисклар бундан мустасно. Мамлакатимизда сиёсий рисклар давлат компанияси бўлган “Ўзбекинвест” ЭИСК томонидан қабул қилинади;

транспорт воситалари ва юкларни суғурталаш гуруҳида ер усти транспорт воситалари, темир йўл транспорти, денгиз транспорти ҳамда ҳаво транспорти воситалари ва уларнинг таркибий қисмлари шикастланишдан, ўғирлик ва бузилишдан суғуртавий ҳимоя қилинади, бунда суғурта суммаси объектнинг ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб, бироқ ундан ошмаган миқдорда белгиланади, шунингдек унда ташиладиган юклар алоҳида мулкӣ суғурта сифатида жўнатиш нуқтасидан қабул қилиб олувчига етиб боргунга қадар эҳтимол тутилган рисклардан суғуртавий ҳимояланади;

қишлоқ хўжалиги суғуртаси шу соҳага алоқадор бўлган барча объектларни суғуртавий ҳимоялайди;

умумфуқаролик жавобгарлиги суғуртаси доирасида фуқаролик ва касбий жавобгарлик суғуртасининг барча шакллари ва турлари, хусусан, транспорт воситаси эгаларининг, иш берувчининг, ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси, нотариуслар, аудиторлар, шифокорлар ва бошқа касб эгаларининг



касбий жавобгарлиги суғурталанади, мазкур суғурта турида суғурта объекти, яъни жавобгарлик ҳажми аниқ қийматга эга бўлмаганлиги учун суғурталовчи мажбурияти икки томон ўртасида келишув асосида белгиланади;

молиявий рисклар суғуртасида суғурталанувчининг (тижорат банклари, кредит ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари каби тижорат фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар) тўлов қобилияти пасайиши ёхуд банкротлик натижасида пайдо бўладиган молиявий йўқотишлар, шунингдек кредит қайтмаслиги суғурта ҳимоясига олинади; кредит қайтмаслиги суғуртасида мижозларга банк кредитини тақдим этган тижорат банклари суғурталанувчи мижоз сифатида намоён бўлади ва у кредит суммасининг қайтмаслиги хавфи борлиги сабабли суғурталанади, бунда суғурта объекти бўлиб кредит суммаси ҳисобланади ва суғурталовчининг жавобгарлиги шу миқдорга тенг бўлади; кредит маблағи мижоз томонидан қайтарилмаган тақдирда, қайтмаган миқдор суғурта компанияси томонидан тўлиқ қоплаб берилади, шу ўринда таъкидлаш жозки, суғурталовчининг мажбурияти суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳодисалар рўй бериши натижасида пайдо бўлади ва шартнома даври кредит муддатига мутаносиб тарзда белгиланади;

тадбиркорлик рисклари суғуртаси доирасида ишлаб чиқариш рисклари, жумладан, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши, бизнес-режадаги ишларнинг бажарилмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, бозор конъюнктурасининг ўзгариши, бозордаги позициянинг йўқолиши, нархларнинг ўзгариши ҳамда молиявий рисклар назарда тутилади;


кафилликни суғурталаш деганда бошқа шахслар учун кафилликни ўз зиммасига олиш ва жавобгар бўлиш тушунилади, масалан, бошқа бировнинг кредит шартномасини имзолаш катта молиявий ва ҳатто жиноий муаммоларга олиб келиши мумкин. Кафил қарз олувчи томонидан кредитга сотиб олинган мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаслиги мумкин, лекин у учун банк олдида тўлиқ жавобгар бўлади;

хуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар суғуртаси мамлакатимиз суғурта фаолиятида энг кам талаб шаклланган суғурта тури бўлиб, суд муҳокамасига оид харажатлар натижасида суғурта қилдирувчилар молиявий зарар кўрганда компенсациялар тўланишини ифодалайди.

## **OBLIGATSIYALAR BILAN BOG'LIQ MUNOSABATLARNING RIVOJLANISHIDA SUG'URTA KOMPANIYALARINING AHAMIYATI**

**Xushvaqov Islombek Muxammadi o'g'li**  
**TMI tayanch doktoranti**

Dunyo bo'yicha davlatlarning moliya bozoriga integratsiyalashuvi natijasida moliyaviy munosabatlar ham o'zining yuqori cho'qqisiga chiqmoqda. Ko'plab sohalar moliyaviy mablag' jalb qilish uchun moliya bozoriga murojaat qilmoqda. Shu nuqtayi nazardan moliya bozori ishtirokchilari safi ham kengayib bormoqda. Bugungi kunda moliya bozori ishtirokchilari va moliya bozorining institutsional investorlari sifatida sug'urta kompaniyalarini alohida aytib o'tishimiz joiz. Chunki sug'urta kompaniyalari moliya bozorining to'laqonli ishtirokchisi sifatida namoyon bo'ladi. Ya'ni sug'urta kompaniyalari birinchidan emitent sifatida fond bozoriga aksiya va obligatsiyalarni emissiya qilsa, ikkinchidan sug'urta kompaniyalari boshqa kompaniyalar qimmatli qog'ozlarini investor sifatida sotib ham oladi, uchinchidan esa sug'urta kompaniyalari rivojlangan moliya bozorlarida aksiya va obligatsiyalarni riskdan ximoyalovchi tomon sifatida ham moliya bozorida ishtirok etmoqda. Qimmatli qog'ozlarning, xususan, obligatsiyalar bilan bog'liq oldi-sotdi jarayonidagi risklarni sug'urta kompaniyalari tomonidan sug'urta qilinishi moliya bozori investorlari uchun investitsiyalarni nisbatan xavfsiz joylashtirishga imkoniyat yaratadi hamda investorlarni moliya bozoriga qiziqishini ortishiga xizmat qiladi.



### **1-rasm Uzoq muddatli korporativ obligatsiyalar ta'minoti sifatida sug'urta polislaridan foydalanish amaliyoti<sup>91</sup>**

Buyuk Britaniya va Amerika Qo'shma Shtatlari kabi kapital bozori rivojlangan davlatlar tajribasida uzoq muddatli korporativ obligatsiyalar ta'minoti sifatida sug'urta polislaridan foydalanish amaliyoti joriy qilinganligini ta'kidlashimiz mumkin. Ushbu moliyaviy munosabatda uzoq muddatli korporativ obligatsiyalar bilan bog'liq risklarni va majburiyatlarni sug'urta kompaniyasi va obligatsiya emitenti o'z zimmasiga oladi. Bu bilan investor moliya bozorida uzoq muddatli investitsiyalarini nisbatan xavfsiz shaklda joylashtirgan bo'ladi. Mazkur jarayonni yuqoridagi ko'rinishda tushuntirish mumkin.

Ushbu amaliyot orqali obligatsiya chiqaruvchi korporativ tuzilma nisbatan past foizda kapital jalb qilish hamda loyihalarni moliyalashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Sug'urta kompaniyasi emitentning moliyaviy barqarorligidan kelib chiqqan holda sug'urta mukofotlarining miqdorini belgilaydi hamda sug'urta tashkiloti tomonidan emitentning korporativ obligatsiyalari bo'yicha asosiy qarz va foiz to'lovlari sug'urtalanadi. Bu kabi qo'shimcha faoliyat sug'urta kompaniyalarining kapital bozoridagi faoliyatining kengayishiga va yangi turdagi sug'urta mahsulotining amaliyotga joriy etilishiga xizmat qiladi.

<sup>91</sup> S.O'.Omonov. Kapital bozorida institutsional investorlar faolligini oshirish: Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati – Toshkent, 2023. -21 b.

Sug'urta kompaniyalarining moliya bozorida ishtiroki va ularni bozorga jalb qilish bo'yicha mamlakatimizda bir qancha bozor ilohotlari amalga oshirilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi PF-6207-sonli "Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni bilan tasdiqlangan Yo'l xaritasining 32-bandiga asosan moliya bozorida sug'urta kompaniyalarining ishtirokini rag'batlantirish va investitsiya faoliyatini kengaytirish belgilangan. Shuningdek sug'urta korxonalarini fond bozoriga jalb qilish qamrovini oshirish asosiy maqsadlardan hisoblanadi. Raqamlarga e'tibor beradigan bo'lsak, 2022-yil holatiga ko'ra mamlakat bo'yicha jami 42 ta sug'urta kompaniyasidan faqatgina 7 tasi "Toshkent" RFBda listingdan o'tgan va bu fond bozorida sug'urta kompaniyalari orqali investitsiya jalb qilish imkoniyatlari mavjudligini anglatadi.

Bugungi kunda sug'urtalangan qimmatli qog'ozlarning aksariyatini AQSH va boshqa ba'zi moliya bozori rivojlangan mamlakatlarning mahalliy hukumat va boshqa davlat organlari tomonidan emissiya qilingan munitsipal obligatsiyalar tashkil qiladi. Sug'urtalanadigan obligatsiyalar sifatida davlat-xususiy sheriklik asosida infratuzilma loyihalarini moliyalashtirish uchun emissiya qilingan obligatsiyalar, shuningdek, AQSH tomonidan tartibga solinmaydigan kommunal xizmatlarni ko'rsatuvchi tashkilotlar tomonidan chiqarilgan obligatsiyalar kiritiladi.

Sug'urtalangan qimmatli qog'ozlarni sotib oladigan obligatsiya egalari, agar emitent belgilangan muddatda asosiy qarzni yoki foizlarni to'lamasa, sug'urtalovchi tomonidan taqdim etiladigan qo'shimcha to'lov manbalaridan foydalanadi. Bu o'tkazib yuborilgan to'lov ehtimolini nafaqat emitent, balki sug'urtalovchining ham o'z majburiyatlarini bajarmaslik ehtimolini kamaytiradi. 2008-yilgi jahon moliyaviy inqirozi obligatsiyalar bo'yicha ham sug'urta munosabatlarining qo'llanilishi qanchalik samarali ekanligini isbotladi.

# DAVLAT ISHTIROKIDAGI AKSIYADORLIK TIJORAT BAKLARIGA KAPITAL JALB QILISHNI TAKOMILLASHTIRISH

**Davurov Nursulton Qo‘ldosh o‘g‘li**  
**TMI, “Kapital bozori va birja ishi”**  
**yo‘nalishi magistranti**

Tijorat banklari bank tizimining quyi bo‘g‘ini bo‘lib, jismoniy va yuridik shaxslarning bo‘sh turgan pul mablag‘larini jalb qilish va ularni o‘z nomidan, to‘lovlilik, muddatlik, qaytib berish sharti asosida joylashtirish va boshqa bank faoliyati deb hisoblanadigan operatsiyalarni amalga oshiruvchi tijorat tashkilotidir.

So‘nggi yillarda iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirish, davlat aktivlarini xususiylashtirish orqali xususiy mulkchilikni kengaytirish, samarasiz ishlayotgan va istiqbolsiz korxonalarni tugatish yuzasidan tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24 martdagi “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi<sup>92</sup> PQ-102-son qarorida davlat ulushiga ega tijorat banklarini transformatsiya qilish va ularni xususiylashtirish bo‘yicha vazifalar belgilab berildi.

IPO (Initial Public Offering) kapital emissiyasini moliyalashtirish manbalarini bildiradi<sup>93</sup>. IPO kompaniya uchun birinchi marta o‘z aksiyalarini cheksiz miqdorda potensial investorlar orasida ochiq obuna shaklida joylashtirish hisoblanadi. Jalb qilingan mablag‘larni kompaniya o‘z maqsadlarini amalga oshirish uchun ishlatadi. “Xalq IPO”si deganda esa kompaniya aksiyalari chet ellik investorlar emas, balki mahalliy aholi uchun savdoga qo‘yilishi tushuniladi. U mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishi yo‘lida aholida bo‘sh turgan pul mablag‘larini jalb qilishning bir usuli bo‘lib, u orqali xalqning moliya bozoridagi ishtiroki ham yuqori darajada ta‘minlanadi.

---

<sup>92</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-6417192> (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi)

<sup>93</sup> Сайфутдинов Артём Антонович/ Разработка стратегии проведения IPO инновационной компанией/Санкт-Петербург 2019

Shuni takidlab o'tish kerakki, "Xalq IPO"si kompaniyalarni hozirgi va bo'lajak investorlari oldida hisobdor va shaffof bo'lishga majbur qiladi. Bu esa kompaniya faoliyatini kengaytirishga, innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda samaradorlikni oshirishga turtki bo'ladi.

Shuningdek, "Xalq IPO"sining asosiy maqsadlari sifatida aholini fond bozoriga jalb etish, mahalliy bozorda investitsiya ma'daniyatini yuksaltirish kabilarini keltirish mumkin, bu nafaqat moliya sektorini rivojlanishiga balki davlat investorlari doirasini kengaytirishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda mazkur savdoda aholining barcha qatlamlari ishtirok etishiga imkoniyat yaratish maqsadida "E-auksion" platformasidan foydalanish keng yo'lga qo'yildi. Mazkur savdo platformasi aholi va fond bozori o'rtasida "ko'prik" vazifasini bajaradi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida tijorat banklarining vazifasini qayta ko'rib chiqish, ularni raqamli bank amaliyotlariga (Digital banking) o'tishni ta'minlashda xususiy lashtirish jarayoni dastlabki qadam sifatida ko'rish mumkin. Jahon bank amaliyotiga nazar tashlaydigan bo'lsak hozirgi kunda NEOBANKlar bank xizmatlarini to'liq qamrab olgan. Milliy iqtisodiyotda esa umumiy bank aktivlarining 80% idan ortiq qismi davlat nazoratidagi tijorat banklari hisoblanadi. Bu esa o'z-o'zidan davlat ulushiga ega bo'lgan tijorat banklarini xususiy lashtirilishini taqozo etadi.

Yuqorida keltirilgan jadval ma'lumotlarini tahlil qiladigan bo'lsak, Asaka bank va Xalq banki aksiyalari fond bozozrida listingdan o'tmaganligi sababli bozor bahosi shakllanmagan. Listingda mavjud qolgan tijorat banklar aksiyalari nominal bahodan ancha past savdo qilingan. Aksincha, xususiy tijorat banklari hisoblangan "Ipak Yo'li" AITB, "Trastbank" XATB, "Garantbank" ATB lar aksiyalari bozor bahosi nominal qiymatdan bir necha marta yuqori. Bu esa davlat nazoratidagi tijorat banklariga nisbatan xususiy aksiyadorlik tijorat banklarida rentabellik darajasi yuqoriligini anglatadi.

## 1-jadval

### Xalqchil IPOga chiqishi kutilayotgan tijorat banklari aksiyalari tahlili<sup>94</sup>

№	Bank nomi	Davlat ulushi, foizda	Sotiladigan aksiyalar		Nominal bahosi	Bozor bahosi	Kurs sanasi
			%da	donada			
1.	«O‘zsanoatqurilish bank» ATB	95,2	2,0	4 878 435 656	19	10,24 /35*	29.03.20 23
2.	«Asakabank» ATB	98,96	2,0	842 745 407	139,01	yo‘q	
3.	AT «Xalq banki»	100	2,0	148 667 596	1000	yo‘q	
4.	«Qishloqqurilishbank» ATB	98,34	2,0	311 141 316	119,25	105,01 /175*	29.03.20 23
5.	«Aloqabank» ATB	66,6	2,0	223 319 146	121	67,51 /390,01*	29.03.20 23
6.	«Turonbank» ATB	98,77	2,0	17 460 499	1700	796 /2260,01*	29.03.20 23
7.	«Mikrokreditbank» ATB	98,9	2,0	66 429 463	1068	999,74 /500,02*	29.03.20 23
8.	«Ipak yo‘li» AITB	0,0003	0,00 03	192 888	10	26.13	29.03.20 23
9.	«Trastbank» XATB	0,001	0,00 1	598	1000	8800	29.03.20 23
10.	«Garantbank» ATB	0,01	0,01	294 396	100	179	

Shuningdek, tijorat banklari o‘z aksiyalarini ommaviy joylashtirish orqali kapital jalb qilish bilan birga IPO yoki SPO amaliyotlarini tashkil etish va o‘tkazishda anderrayter sifatida ham faol ishtirok etadi. Nafaqat, tijorat banklari balki sug`urta kompaniyalari ham mazkur amaliyotda anderrayterlik faoliyati bn shug`ullanishi mumkin. Bu 2023 yil 23-noyabrdagi "sug`urta faoliyati to'g'risida"gi yangi taxrirda qabul qilingan O‘RQ-730-sonli qonunida belgilab qoyilgan. Natijada xalqaro amaliyotda tijorat banklari tomonidan o‘tkaziladigan o‘z aksiyalarini ommaviy joylashtirish amaliyotlari muvaffaqiyatli kechadi. Mamlakatimizdagi

<sup>94</sup> Маматов, Б. (2023). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ IPO АМАЛИЁТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 1(4)

tijorat banklarining aksiyalari ommaviy joylashtirilishi bozor uchun ijobiy signal bo'lib, bunda avvalo puxta tayyorgarlik asosida investision jozibadorlikni ta'minlash maqsadga muvofiq hisoblanadi. Aks holda IPO yoki SPO amaliyotlarini o'tkazish xarajatlari ortib ketishi tufayli ham moliyaviy yo'qotishlar kuzatilishi mumkin.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, mamlakatimizda tijorat banklari, sug'urta kompaniyalarining davlat aksiya paketlarini IPO orqali joylashtirish mazkur moliyaviy sektorlarning faoliyat samaradorligiga ta'sir qiluvchi asosiy omil sifatida xizmat qiladi

## **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Бахриддинов Камолиддин Бахриддин ўғли**  
**Агробанк АТБ Сув лойиҳалари**  
**маркази гуруҳ раҳбари**

Акциядорлик жамиятларида истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, инвестицион имкониятларни аниқлаш, келгусида ташқи омиллар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда турли молиявий инқирозлар ва уларни молиявий-инвестицион фаолиятига таъсирини баҳолаш ҳамда молиявий рисклар даражасини минималлаштиришда молиявий стратегиянинг ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этилиши долзарб аҳамият касб этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини босқичма-босқич ривожлантириш орқали молиявий стратегияларни шакллантириш ва корпоратив ошкораликни таъминлаш мақсадида тегишли корпоратив ахборот портали, акциядорлик жамиятларининг расмий сайтлари орқали инвесторлар ва кенг оммага эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Суғурта компаниялари мамлакатимиз молия секторининг муҳим тармоқларидан бирига айланди десак, муболаға бўлмайди. Кейинги йилларда суғурта компаниялари томонидан амалга оширилаётган инвестиция хажмининг ошиб бораётганлиги иқтисодиёт



тармоқларида қўшимча молиявий ресурсларнинг муҳим манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг жорий шароитида суғурта тармоқларини молиявий барқарорлигини таъминлаш асосида уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда суғурта компаниялари молиявий фаолияти ва стратегиясини халқаро умумэтироф этилган стандартлар асосида ривожлантириб боришни тақозо этади. Бугунги кунда аксарият акциядорлик жамиятлари томонидан истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда бир хиллилик, замонавий корпоратив бошқарув услубларини “сингдирилмаганлиги”, прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда эконометрик инструментлардан фойдаланиш имкониятларидан кенг фойдаланилмаётганлиги соҳани ривожланишидаги мавжуд муаммолар сифатида қайд этиб ўтиш мумкин. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишнинг илмий асосларини янада кенгроқ ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва миллий амалиётда жорий этишга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Кейинги икки йилликда суғурта компаниялари тузилган шартномалар сонини ошиб бораётганлиги улар томонидан таклиф этилаётган суғурта турлари ва хизматларини диверсификациялаб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Агар 2021 йилда умумий суғурта соҳаси бўйича амалда бўлган шартномалар 7775,9 минг, янги тузилган шартномалар эса 6959,9 минг донани ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг якунларига кўра мос равишда 0,4% ва 0,7% га ошгани ҳолда 7807,1 минг ва янги тузилган шартномалар сони 7010,7 минг донани ташкил этган (1-жадвал).

АШ-амалда бўлган шартномалар сони (минг дона); ЯТШ-янги тузилган шартномалар сони (минг дона)

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолият юритаётган

компаниялар томонидан амалда бўлган шартномалар сони камайган бўлсада, янги тузилган шартномалар сони салкам 22%га ошганлигини қайд этиш мумкин. Юқорида айтиб ўтканимиздек, суғурта компаниялари томонидан иқтисодиёт соҳаларида инвестициялар киритиш борасида ҳам самарали ишлар амалга

### 1-жадвал


#### Суғурта компанияларининг амалда бўлган ва янги тузилган шартномалари тўғрисида маълумот<sup>95</sup>

№	Асосий кўрсаткичлар	2021 йил		2022 йил		Ўзгариш % (амалдаги шартномалар)	Ўзгариш % (янги тузилган шартномалар)
		АШ	ЯТШ	АШ	ЯТШ		
<b>Умумий суғурта соҳаси бўйича</b>							
1	Жами суғурта компаниялари	7775,9	6959,9	7807,1	7010,7	+0,4	+0,7
<b>Хаётни суғурта қилиш соҳаси бўйича</b>							
2	Жами суғурта компаниялари	620,8	774,1	598,5	941,1	-3,6	+21,6

оширилиб келинмоқда. 2022 йилнинг якунлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, суғурта компаниялари томонидан энг кўп киритилган инвестицион сармоя тижорат банклари депозитлари бўлса (2896,5 млрд.сўм), энг кам киритилган инвестиция киритилган йўналиш сифатида займларни келтириш мумкин (60,7 млрд.сўм) (1-расм). Фарб амалиётида суғурта компаниялари молиявий жиҳатдан иқтисодиётнинг ва қимматли қоғозлар бозорида муҳим институтчионал инвесторлар ҳисобланади. Айти пайтда фонд

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

бозорига қилинган инвестициялар суғурта захиралари ва суғурта компанияларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу билан бирга суғурта компанияларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг йиллик миқдори ҳатто тўплаган суғурта мукофотлари миқдоридан сезиларни даражада юқори бўлиши мумкин.



**1-расм. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти<sup>96</sup>**

Қимматли қоғозлар бозорида харидор сифатида суғурта компаниялари ролининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзларининг бозордаги имкониятларидан келиб чиқиб инвестицияларни қисқа ва узоқ муддатли ёки риск даражаси юқори ёки хавфсиз бўлган операциялар билан шуғулланишлари мумкин, аммо амалиётда улар жуда консерватив фаолият олиб борадилар. Бу жараёнда фаолият нафақат иқтисодий ва сиёсий балки бозордаги маркетинг ҳалатига ҳам боғлиқ бўлади.

Қимматли қоғозларнинг жозибадорлиги таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу эмитентнинг ишончли суғурта компанияси

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

билан суғурта шартномасига эга бўлишидир. Мисол учун оддий инвесторларнинг инвестиция хавфи суғурталанганлиги инвесторларда бўлган ишончни оширади. Сабаби оддий инвесторга нисбатан суғурта компанияси инвестицияларни суғурталашдан олдин уни батафсил ва тизимли экспертиза текширувидан ўтказди, бу эса оддий инвестор текширувидан бир неча бор ишончлидир. Аксарият мамлакатларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта компаниялари, банклар ва кредит ташкилотлари билан бирга кафиллик вазифасини бажариши мумкин, яъни мижозларнинг мажбурият бажаришларини кафолатлайди. Бунда суғурта компанияси мижоз ўз мажбуриятини бажара олмаса суғурта компанияси мижознинг учинчи шахслар олдидаги қарз мажбуриятларини тўлаб беради. Йирик суғурта компанияларининг кафиллиги инвестицияларнинг ишончилигини аниқлашда муҳим далил бўлиб хизмат қилади, шунинг учун халқаро муносабатларда суғурта компаниясининг кафиллик берилиши кенг тарқалган амалиётлари қаторига киради. Суғурталаш тизимининг ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш иқтисодиётининг инкирозларсиз ривожланиши гаровидир, шундан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар бозори ривожини учун ҳам кўлай шарт – шароит яратиб беради.

## **БАҲОЛАНДИГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

**PhD, Ф.Очилов**

**Тошкент молия институти,**

Бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини мамлакатимизда фаол қўллаш бўйича олиб борилаётган чоратадбирларнинг самараси ўлароқ мажбуриятлар ҳисобини янада такомиллаштириш жараёни ҳам бормоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида баҳоланадиган мажбуриятларнинг турли хусусий ҳолатлари келтирилган. Ушбу хусусий ҳолатлардан бири зарар келтирувчи шартнома дейилади. Дастлаб мол етказиб бервчи

ва пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган муқаррар шартлар ҳамда ушбу шартномани натижасида олинадиган иқтисодий наф солиштирилганда, корхона томонидан амалга ошириладиган муқаррар сарфларимиз кўп бўлади. Яъни бу иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган шартнома дейишимиз мумкин. Чунки бундай шартномалар натижасида аниқ зарар кўради. Иқтисодий наф яъни корхонага келадиган пул маблағлари ёки харидор томонидан берилган активлар тузилган шартномага қилинган сарфлардан кам бўлса бу ҳолатда юқоридаги каби зарар келтирувчи шартнома ҳисобланади. Зарар келтирувчи шартнома бўйича дастлаб биз, шартнома бажарилиши учун ажратилган активларнинг ҳар қандай қадрсизланишидан зарарни тан олишимиз лозим бўлади. Яъни нима учун зарар келтирмоқда, маълум бир вақт ўтгандан кейин ёки янги технологиялар чиқиши натижасида биз олдин шартномада келишиб қўйган қийматларимиздан кўра харажатларимиз ошиб кетиши бу албатта активларнинг қадрсизланиши натижасида бўлиши мумкин ва бундай қадрсизланишни 36-сонли БХҲС бўйича қадрсизланиш тестидан ўтказиш лозим. Иккинчи қиладиган ишишимиз, зарар келтирувчи шартнома бўйича алоҳида баҳоланган мажбурият яратишимиз керак. Бунинг учун қуйидаги икки қийматдан кичигини танлаб олишимиз керак:

1. Шартномани бажариш учун талаб этиладиган сарфлар.
2. Бажармаслик натижасидаги компенсациялар ёки жарималар.

Агар шартномадан зарар кўришимиз аниқ бўлса, корхона олдида ушбу икки ҳолатдан бирини аниқ танлаш йўли туради ва мантиқий равишда тўғрики, агар корхона шартномани бажармаслик натижасида тўланадиган компенсация суммалари шартномани бажариш сарфидан кам бўладиган бўлса корхона шартномани бекор қилади. Шу мантиқий мулоҳазадан келиб чиқиб 37-сонли БХҲС да ҳам анашу икки қийматдан кичиги билан баҳолашни назарда тутати. Баҳоланадиган мажбуриятлар таркибида объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришларда дастлабки тан олиш баҳоланган

мажбуриятни ва асосий воситани тан олишни назарда тутлади. Яъни белгиланган объектнинг қийматига баҳоланадиган мажбуриятнинг суммаси ҳам қўшилади ва бунда ўша келгуси даврда сарфларни амалга оширишдаги пул оқимлари, айнан ҳисобот санасидаги жорий бозор шартларини акс эттирувчи дисконтлаш ставкаси муҳим аҳамият касб этади. Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришларда дастлабки тан олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т Ер

К-т Баҳоланадиган мажбурият

Яна бир муҳим хусусий ҳолатлардан бири реструктуризация ҳисобланади. Реструктуризация бу дастур бўлиб, қайсики унда компания раҳбарияти томонидан режалаштирилган ва назорат қилинадиган ўзгаришларга олиб келади. Уларга:

(а) фаолият масштаби, компания томонидан олиб бориладиган; ёки

(б) фаолият юритиш усули.

Реструктуризация жараёнига мисол қилиб қуйидагиларни киритиш мумкин:

(а) Фаолият йўналишининг сотилиши ёки тугатилиши;

(б) мамлакатда ёки регионда маълум хўжалик бўлимлари ёпилиши ёки хўжалик фаолиятининг бир давлат ёки региондан бошқасига кўчирилиши;

(с) бошқарув структурасидаги ўзгаришлар, бошқарув даражаси ликвидацияси; ва

(д) фундаментал қайта ташкил этиш, қайсики компания фаолиятининг хусусияти ва йўналтирилганлигига салмоқли таъсир кўрсатади.

Реструктуризацияга оид қарор фақат битта бошқарувчи томонидан қабул қилинмайди. У бошқарув Кенгашида, директорлар Кенгашида, таъсисчиларнинг йиғилишларида, акциядорлик жамияти умумий йиғилишларида муҳокама қилиниши ва барча инстанцияларнинг иштирок этиши таъминланиши мақсадга

мувофикдир.

1-жадвал

### Реструктуризация жараёнининг кўринишлари

Бизнес кўламини ўзгариши	Бизнес бошқариш тарзини ўзгариши
Фаолият йўналишини сотилиши ёки тугатилиши	Бошқарув тузилмасидаги ўзгаришлар, масалан, бошқарувнинг қандайдир поғонасидан воз кечилиши
Мамлакат ёки ҳудуддаги бўлинмаларни ёпилиши ёки хўжалик фаолиятини бир мамлакат ёки ҳудуддан бошқасига кўчирилиши	Ташкилот фаолиятининг характери ва йўналишига муҳим даражада таъсир қиладиган фундаментал қайта ташкил этиш

Реструктуризация бўйича баҳоланган мажбуриятлар реструктуризациядан келиб чиқадиган тўғридан-тўғри харажатларни қамраб олиши, қайсики қуйидаги иккита шартларга мувофиқ келиши керак:

(а) Реструктуризациядан келиб чиқиши;

(б) компаниянинг жорий фаолияти билан боғлиқ бўлмаслиги.

Компания стандарт талабларига мувофиқ ҳар бир класс резервлар учун очиклашлар қилиши талаб этилади:

- Ҳисобот даврининг бошида ва охирида баланс суммаси ва унинг қуйидаги турлари бўйича ҳаракати:

- Қўшимча яратилган резерв ҳамда амалдаги резервларнинг кўпайиши;

- давр давомида суммадан фойдаланиш (резервга нисбатан сарфланган ёки ҳисобланган);

- давр давомида фойдаланилмаган ва тикланган суммалар;

- дисконтланган суммалар.

- мажбуриятларнинг қисқача тавсифи ва иқтисодий нафнинг мўлжалланган чиқиб кетиши суммаси ва вақти;

- чиқиб кетиш суммаси ва вақтига нисбатан ноаниқликлар;

- кутилаётган қопламалар суммаси.

Компания ҳисоботда шартли активлар ва шартли

мажбуриятларга оид очиклашларни тақдим этишлари ҳам талаб этилади. Корхонани реструктуризация қилиш бўйича конструктив жавобгарлик юзага келиши мумкин. У қуйидаги жадвалда ўз аксини топган:

2-жадвал.

**Реструктуризация қилиш бўйича конструктив жавобгарлик**

<b>Батафсил расмий режа</b>	<b>Реструктуризация таъсир кўрсатадиган томонларда асосли кутиш</b>
бизнес фаолияти	реструктуризация режасини бажаришини бошлаш
асосий географик жойлар	реструктуризация асосий хусусиятларини эълон қилиш
Ходимлар	
амалга ошириладиган сарфлар	
режанинг амалга ошириш муддати	

Реструктуризация бўйича баҳоланган мажбурият пайдо бўлиши мумкин. Ушбу баҳоланган мажбуриятни баҳолаш қуйидаги икки хусусиятдаги сарфлар билан аниқланади:

Бундан ташқари реструктуризация санасигача бўлган идентификацияланадиган келгуси операцион зарарлар, агар улар зарар келтирувчи шартномаларга тегишли бўлмаса, баҳоланган мажбурият таркибига киритилмайди. Шунингдек, активларнинг кутилаётган чиқиб кетишидан фойда, ҳатто активларнинг сотилиши реструктуризациянинг бир қисми сифатида қараладиган бўлса ҳам, реструктуризация бўйича баҳоланадиган мажбуриятни баҳолашда инобатга олинмайди.



## **СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАСНИФИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Хамдамов Омонулло Нематуллаевич  
Исламов Шухратжон Туйчибаевич  
ТМИ “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар”  
профессор-ўқитувчилари**

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни таснифлаш ва уларнинг асосий хусусиятларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни умумий ёндашувга мувофиқ ташқи (бошқариш имконияти мавжуд бўлмаган) ва ички (бошқариш имконияти мавжуд) омилларга ажратиш мумкин (1-расм).


Таъкидлаш лозимки, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ташқи омиллардан бири мамлакатдаги мазкур тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Айнан суғурта бозори фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини мукамал даражада ишлаб чиқилганлиги компанияларда стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий барқарорликка эришиш асосида самарали фаолият юритишини таъминлайди. Бундан ташқари, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий ички омиллар сифатида суғурта компанияларида корпоратив бошқарув механизмини самарали ташкил этилиши, суғурта турлари ва хизматларини диверсификациялаш имкониятлари, риск-менежментини тўғри ташкил этилиши, суғурта портфелини оптималлаштириш, суғурта захираларининг миқдори каби муҳим омилларни келтириб ўтиш мумкин. “Суғурта компаниялари молиявий бақарорлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун, аниқ миқдорий чегараланган молиявий кўрсаткичлар мавжуд эмас, балки ушбу кўрсаткичлар суғурта

компаниясининг бир қанча хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин” деган асосий ғоясига асосланган ҳолда, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини алоҳида кетма-кетликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги дейилганда, суғурта қилдирувчи олдида шартнома ёки қонунчилик ҳужжатлари билан келишилган шартларга мувофиқ пулли мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажара олиш имконияти тушунилади. Суғурта компанияларининг тўловга қобиллигини аниқлашда унинг сектор ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади. Бундан ташқари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва халқаро амалиётда ушбу кўрсаткични алоҳида хусусиятлари ҳам мавжуд.

Жумладан, Европа иттифоқи давлатларида қабул қилинган тартибга мувофиқ, суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги, тўлов қобилияти бўйича белгиланган стандарт миқдор (меъёр) билан жорий ҳолатини таққослаш йўли билан баҳоланади. Умуман олганда, суғурта компаниясининг тўловга қобиллик даражаси, компания томонидан мажбуриятларини бажара олиш учун хусусий капиталнинг етарлилик миқдори қандай деган саволга жавоб бериши лозим. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлар гуруҳи ликвидлилик коэффициентлари бўлиб, ликвидлилик коэффициенти суғурта компанияси томонидан ҳисобот йили мобайнида қисқа муддатли мажбуриятларини бажара олиш ҳамда кўрилган зарарлар ёки суғурта полислари бўйича тўловлар билан боғлиқ жорий харажатларни қоплай олиш имкониятини аниқлайди.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш молия бозорининг барча иштирокчилари учун муҳим вазифалардан бири саналади. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги фақатгина маълум бир кўрсаткичлар доирасида баҳолаш мураккаб бўлган жараён ҳисобланади. Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашда молиявий коэффициентлардан ташқари, барча ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиш лозим.



**1-расм. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифи<sup>97</sup>**

Бугунги кунда устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари фаолият самардорлигини баҳолашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлсада, ушбу Низом қоидалари тижорат банклари ва суғурта компанияларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бизнингча, суғурта компаниялари фаолият самардорлиги ва молиявий барқарорлигини баҳолашда халқаро стандартлар ва халқаро рейтинг агентликлари ҳисоблаш

<sup>97</sup> Муалиф томонидан тузилган.

методикасига асосланган Низом ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши лозим. Бунинг натижасида эса, суғурта компаниялари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш билан бирга инвестицион жозибадорлигини янада ошириш имконияти вужудга келади.

## **СУГУРТА РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

**Мамадиёров Олимжон Умарович**  
**“Иқтисодий хавфсизлик”**  
**кафедраси катта ўқитувчиси**

Риск тушунчаси иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин этилади. Риск тушунчасини таҳлил этар эканмиз, бу атама и.ф.д., проф. Ш.Абдуллаеванинг “Банк рисклари ва кредитлаш” китобида муфассал ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу илмий асарда “риск” тушунчаси турли олимларнинг қарашлари асосида илмий таҳлил этилади ва бунда проф. Ш.Абдуллаеванинг фикрича “рискни” “хавф-хатар” тушунчасидан фарқлаш зарур. “Хавф-хатар деганда,-деб ёзади и.ф.д., проф. Ш.Абдуллаева,-биз олдиндан бирон салбий натижа берувчи ёки бирон бир салбийликка ёки зарар, талофатга олиб келувчи жараён мавжудлигини биламиз... хавф-хатар бирламчи, риск иккиламчи”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, хавф-хатарни олдини олиш ва уни бартараф этиш учун риск қиламиз. Иқтисодчи олим И.Т.Балабанов: “Риск-бу молиявий категориядир. Риск миқдорини камайтириш диверсификация, лимитлаштириш, ўз-ўзини суғурталаш ва суғурталаш каби молиявий усуллар ёрдамида амалга оширилади”, -деб ҳисоблайди.

Рискни камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун “Риск-менежмент” фаолияти йўлга қўйилади. Йирик саноат ишлаб чиқариш концернлари ва компаниялари ўз таркибларида рискларни бошқариш билан шуғулланадиган бўлинмаларга эга. Улар нафақат, эҳтимол тутилган хавф-хатарларни олдиндан башорат қилишади, балки уларни камайтириш, олдини олиш ва чеклаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқадилар. Бу чора-тадбирларни

амалиётга тадбиқ этиш мазкур компания ва концернларни рақобат шароитида барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Риск - бу иқтисодий категория ҳисобланади. Бу борада и.ф.д., проф. Ш.Абдуллаева қуйидаги фикрларни баён этади: “иқтисодий категория сифатида у бирон ҳодисанинг, вақеликнинг амалга ошиши ёки ошмаслигини ифода қилади. Рискнинг бўлиши уч хил натижани бериши мумкин: салбий ҳол (зарар), ўзгаришсиз (ноллик), ижобий (фойда) бўлиши мумкин”.

Рискларни қуйидаги гуруҳларга ажратади экология рисклари;

- транспорт рисклари;
- сиёсий рисклар;
- махсус рисклар.

Рискларни хавфлилик даражасига қараб қуйидаги турга бўлади:

- техноген рисклар;
- табиий рисклар;
- аралаш рисклар.

Турли чоралар кўриш йўли билан рискли ҳодиса рўй беришини башорат қилиш ва унинг даражасини камайтириш, яъни рискни бошқариш мумкин.

Н.В.Бендина рискни баъзи бир хусусиятларига кўра таснифлар экан, уни суғурталаш мумкин бўладиган ва суғурталаш мумкин бўлмайдиган турларга ажратади.

Рискларни бошқариш ёки бошқача айтганда риск-менежмент бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

- Рискни таҳлил этиш.
- Рискларни таққослама самарадорлигини баҳолашда унга таъсир этувчи методларни танлаш.

- Назорат ва бошқарув жараёни натижаларини ихчамлаштириш.

Рискни таҳлил этиш риск-менежментда бошланғич босқич бўлиб, у риск хусусиятлари ва тузилиши тўғрисида муайян маълумот олиш имкониятини беради. Таҳлил натижасида олинган

маълумотлар кейинги босқичларда рискни бошқариш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади.

Рискни аниқлаш жараёнида уни пайдо бўлиш сабаблари ва вужудга келишига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, рискнинг сифат жиҳатлари аниқланади. Рискни баҳолаш – бу аниқланган рискни миқдорий таснифлаш бўлиб, унда зарар кўриш эҳтимоли ва миқдорига эътибор қаратилади. Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш бир-бирга жуда ҳам яқин, уларни ажратиш мураккабдир. Амалиётда аксинча, риск аниқланмасдан аввал уни баҳолашга ўтилади.

Рискни камайтириш эҳтимол тутилган зарар миқдорини камайтириш ёки кўнгилсиз ҳодиса рўй бериш ҳолатини камайтиришни назарда тутди. Рискни сақлаш фермер ва деҳқон хўжаликларида рискни бартараф этиш ёки камайтиришдан бутунлай воз кечишни англамайди. Ширкат хўжаликлари, эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш учун ўзига хос захира фондларини, яъни ўз-ўзини суғурталаш фондларини ташкил этиш мумкин.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалиги соҳасида рискларнинг юзага келиш сабабларини, кўрилган зарарлар миқдорини аниқлаш, айниқса, суғурта ҳодисаларини қайд этиб бориш, яъни суғурта статистикасини яратиш борасида муаммоларни ҳал этиш қишлоқ хўжалигида рискларни бошқариш услубиётини такомиллаштиришда ва энг муҳими эҳтимол тутилган зарарлар миқдорини камайтиришда катта аҳамият касб этади.

## **ФОНД БОЗОРИДА СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

**Каримов Акрамжон Икромжон ўғли,  
ТМИ доценти, PhD**

Миллий иқтисодиётни ривожланиши ва тараққий топиши учун молия тизими мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозим ҳисобланиб, бунда бизнес субъектлар ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун янгидан янги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезадилар. Ушбу

ҳолатда фонд бозорининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ошиб боради.

Фонд бозорида суғурта компанияларининг иштироки бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Суғурта компаниялари суғурта фаолияти билан шуғулланиб, қонунчилик бўйича “Суғурта - муайян воқеа (ходиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар... Суғурталовчи қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди”<sup>98</sup>. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги акциялари бўйича маълумот қуйидаги жадвалда акс эттирилган(1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан “Тошкент” РФБида суғурта компанияларининг акциялари бўйича маълумот келтирилган бўлиб, “Алском” СК АЖ, “Кафолат” СК АЖ, “Капитал” СК АЖларнинг оддий акциялари фонд биржасида “Standard” категориясида бўлса, “Ўзагросуғурта” СК АЖ, “Темирйўл-суғурта” СК АЖ, “INFINITY” СК АЖларнинг оддий акциялари “Transit” категориясида савдолари амалга оширилади. Акцияларнинг номинал қиймати бўйича энг қуйи кўрсаткич “Капитал” СК АЖнинг оддий ва имтиёзли акцияларига

### 1-жадвал

**“Тошкент” РФБида суғурта компанияларининг листинг маълумотлари**<sup>99</sup>


Акциядорлик жамияти	Акция гури	Тоифа	Микдори	Номинал (UZS)	Савдо кунидagi нархи
“Алском” СК АЖ	Оддий	Standard	29 062 358	1 380	1899.0
“Алском” СК АЖ	Имтиёзли	-	55 000	1 380	-

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” Қонуни, 23.11.2021 йилдаги ЎРҚ-730-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 03/21/730/1089-сон

<sup>99</sup> [https://uzse.uz/isu\\_infos/](https://uzse.uz/isu_infos/)

“Кафолат” СК АЖ	Оддий	Standard	89 980 700 000	1	126.0
“Кафолат” СК АЖ	Имтиёзли	-	19 300 000	1	2.4
“Капитал” СК АЖ	Оддий	Standard	3 600 000 000 000	0.01	0.02
“Капитал” СК АЖ	Имтиёзли	-	900 000 000 000	0.01	1.42
“Ўзагросуғурта” СК АЖ	Оддий	Transit	33 198 274	3 280	3700.0
“Ўзагросуғурта” СК АЖ	Имтиёзли	-	20 000	3 280	3300.0
“Темирйўл-суғурта” СК АЖ	Оддий	Transit	50 000 000	1 000	1542.5
“INFINITY” СК АЖ	Оддий	Transit	9 031 250	5 000	7371

тегишли. Шунингдек, 2023 йил сентябр ҳолатига акция номинали ва бозор баҳосидаги ижобий фарқни максимал даражасини яъни 14200 фоиз “Капитал” СК АЖнинг имтиёзли ва 12600 фоиз “Кафолат” СК АЖ оддий акцияларида кўришимиз мумкин.



### 1-расм. “Кафолат” СК АЖ оддий акциялари бўйича фонд бозоридаги савдолар котировкаси<sup>100</sup>

1-расм маълумотларидан шунини таъкидлаш мумкинки, “Кафолат” СК АЖ оддий акциялари энг юқори қиймати 453,49 сўм 23.01.2023 кунги ва энг қуйи нарх 33 сўм 26.10.2022 кунги савдоларда кузатилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 133,49 сўмни ташиқил этади. Ушбу жиҳатдан, таъкидлаш жоизки, фонд

<sup>100</sup> <https://investfunds.ru/stocks/GASK-Kafolat/>



бозорида суғурта компанияларининг акцияларини савдо жараёнлари йилдан йилга жадаллашмоқда.

Хулоса қилганда, Ўзбекистон Республикасида фонд бозори суғурта компанияларининг акциялари савдоси учун кенг имкониятларга эга ва миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири сифатида эътироф этсак бўлади. Лекин, соҳани янада ривожлантириш ва унга хорижий инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида бир қатор амалларни бажариш зарур ҳисобланади:

- фонд бозори ва давлат қимматли қўғозлар бозорини уйғунлигини таъминлаш;

- фонд бозорида суғурта компаниялари акциялари савдоси бўйича маҳаллий ва хорижий ОАВларда кенг маркетинг табдирларини амалга ошириш;

- фонд бозорида суғурта компаниялари облигациялари савдоси бўйича маҳаллий ва хорижий ОАВларда кенг маркетинг табдирларини амалга ошириш;

- фонд бозори савдо инфратузилмасига замонавий молиявий технологияларни олиб кириш;

- акциядорлик жамиятларининг акциялар қийматини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ва бошқалар.

## **ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Рахимов Тимур Фурқатович,**

**«Ўзбекинвест»ЭИСК АЖ**

**Экспорт қалтисликларини суғурталаш  
департаменти Бош менежери**

**Аннотация:** Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиши ва модернизация қилиниши шароитида суғурта бозорини ривожланишига тўсиқ бўлаётган актуал

муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечими сифатида таклифларни шакллантириш, суғурта хизматларининг фойдаланувчилари ишончини таъминлаш учун амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирларни ёритишдан иборат. Шунингдек, модернизация шароитида бозор иқтисодиёти воситалари орқали суғурта бозорини тартибга солишнинг таъсирчан усуллари таҳлил қилиш мақсад қилинган.

**Калит сўзлар:** “суғурта”, “модернизация”, “мажбурий суғурта”, “ихтиёрий суғурта”, “суғурта бозори”, “назорат”.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш ва модернизация қилиш шароитида, тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайиб бораётганлиги суғурта хизматларига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида, суғурта фаолияти, суғурта компаниялари ва суғурта бозорини ривожлантириш, бунинг учун эса унинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, суғурталашнинг янгича шакллари амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

2021-йил 23-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва 2021 йил 23 октябрда «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5265-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ва қонунлардан кўзланган асл мақсад суғурта бозорини янада ривожлантириш баробарида уни тартибга солишни рақамлаштириш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида жамиятнинг замонавий талабаларига мос келадиган суғурта хизматлари бозорини шакллантиришга хали тўлиқ эришилмади. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори янада ривожланиши, давлатнинг ижтимоий – иқтисодий вазифаларини амалга оширишидаги имкониятларини кенгайтиради[1].

Ҳозирги кунда Республикада суғурта бозорини ривожланишига қуйидаги омиллар ҳалал бермоқда:

-суғурта хизмталарига фуқаролар ва юридик шахсларнинг талаби ва тўлов қобилиятининг паст даражаси.

-суғурта соҳасида етарли даражада бозор механизмларидан фойдаланмаслик ва мажбурий суғуртанинг ривожланмаганлиги, қайсики, мажбурий суғуртасиз ихтиёрий суғурта фаол ривожлана олмайди.

-суғурта захираларини узоқ муддатли инвестиция қилиш воситаларининг йўқлиги.

-суғурта ташкилотларининг паст даражадаги капитализацияси, шунингдек, миллий қайта суғурталаш бозорининг ривожланмаганлиги. Бу ўз навбатида, йирик қалтисликларни суғурталашга маҳаллий компанияларнинг имкониятлари йўқлиги ва ушбу операцияларга хорижий қайта суғурталаш компанияларини жалб қилишга олиб келмоқда.

-суғурта хизматлари бозорида ахборотнинг ёпиқлиги. У ўз навбатида суғурталовчилар томонидан барқарор суғурта ташкилотларини тиклашда муаммолар яратмоқда.

Ўзбекистонда суғуртани ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

-миллий суғурта бозорининг очиқлиги ва ишончилигини таъминлаш, суғурта компанияларига қўйиладиган талабаларни ошириш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг ҳалқаро андозаларини тадбиқ этиш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва суғурта назорати масалаларига тегишли меъёрий ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш.

-суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари (суғурта воситачилари, актуарийлар ва аудиторлар) ва бошқа қатнашчилари фаолиятини фаоллаштириш, суғурта бозорида кўрсатилаётган асосий ва қўшимча хизматлар даражасини ошириш.

-Ўзбекистон суғурта бозорини халқаро суғурта ва қайта суғурталаш тизимига муваффақиятли қўшилишига шароитлар яратиш.

Хорижий мамлакатларда суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик кучайди, улар иштирокидаги қўшма суғурта компаниялар ташкил этилди. Суғурта маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш асосида уларнинг молиявий аҳволи яхшиланди, хорижий мамлакатлар маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланишда суғурта ташкилотларининг воситачилик роли вужудга келди. Суғурта ташкилотлар билан кредит муассасаларининг ҳамкорлиги кучайди, яъни банклардан олинган қарзларининг қайтарилишини суғуртаси ҳам кенгайди.

Бозор иқтисодиёти турли мулкчиликка асосланган ҳолда ривожланиб боради[2]. Турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар ўз ўрнида бир хил мулк шаклидаги бир соҳа корхоналари ўртасидаги рақобатнинг пайдо бўлиши ва кучайиши ҳар бир корхонани иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиши учун кураш олиб боришига мажбур этади.

Суғурта бозори турли хил мулк шаклидаги суғурта ташкилотларининг ўз суғурта хизматлари ва бошқа хизматларини бозорда таклиф этиши натижасида ҳосил бўлади. Суғурта бозори бир шаҳар, мамлакат, регион миқёсида ва халқаро суғурта бозори сифатида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин алоҳида суғурта тизими шаклланди ва унда турли мулк шаклларидаги алоҳида суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади. Халқаро суғурта бозорида ҳам Ўзбекистон ўз суғурта хизматларини таклиф эта бошлади.

Суғурта бозорининг ривожланишида мажбурий суғурта хизматларининг жорий этилиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Мажбурий суғурта хизматлари кўрсатилиши орқали давлат бюджети олдидаги ижтимоий харажатларга тушадиган оғирлик камаяди. Мажбурий суғурта хизматлари ундан фойдаланувчиларнинг суғурта мукофотларини тўлаш жиҳатидан мажбурий суғурта ва мажбурий давлат суғуртасига ажратилади[3]. Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин. Мажбурий

давлат суғуртасидан фойдаланганлик учун суғурта мукофотлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Мажбурий суғурта турларининг ортиши натижасида суғурта бозорида суғурта мукофотларининг жамғарилиши ўсиб бормоқда. 2020 йил суғурта бозоридаги амалий натижаларга эътибор қаратсак, жами йиғилган суғурта мукофотлари таркибида мажбурий суғурта хизматларини кўрсатишдан тушган суғурта мукофотлари улуши 32,3% ни ташкил этди. [5].

Албатта бу кўрсаткичнинг ўсишида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш алоҳида ўрин эгаллайди. Суғурта бозорининг ривожланишига давлат аралашуви орқали таъсир этишнинг яна бир йўналиши бу соддалаштирилган солиққа тортиш механизмининг қўлланилишидир. Ҳозирда суғурта фаолиятини солиққа тортиш юзасидан бир қатор имтиёзлар амал қилиб келмоқда. Суғурталовчиларнинг дивидендлари ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилиниши, суғурталовчилар акцияларидан олинган дивидендларга нисбатан берилган солиқ имтиёзлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари, мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ҳисобланади. Бундай имтиёзларнинг берилиши фуқароларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш ҳажмининг ўсишига ва шу орқали суғурта бозорининг ривожланишига билвосита таъсир кўрсатади. Суғурта компанияларининг солиққа тортиш механизмининг соддалаштирилиши суғурта хизматлари бозорининг тараққий этишига замин яратади. Оқибатда суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги таъминланади, суғурта захираларининг инвестиция объектларига жойлаштирилиши ўсади, суғурта

хизматларининг сифати ошади, аҳолининг суғурта хизматлари орқали ижтимоий ҳимояланиши кенгаяди.

**Хулоса:** Суғурта ривожланган муносабатларнинг кучли таянчларидан бири унинг ривожланиши ижтимоий–иқтисодий тизим, жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаби ва ишончига боғлиқ бўлади. Бу эса қуйидагилар билан изоҳланади: Авваламбор, суғурта маданияти савиясининг юқорилиги, суғуртанинг кўп турлари суғурталанувчилар учун ихтиёрийлиги, суғурталанувчилар учун зарур бўлган жавобгарлик тизими беками-қўст ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Олийгоҳларда суғурта бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Суғурта бозорини ривожлантириш учун бозор иқтисодиётидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўз ичига олган давлат дастури ишлаб чиқилган. Мавжуд ҳуқуқий қонунлар ва суғурта тўғрисидаги қонунга амал қилишни назорат қилиш вазифаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарорига асосан юклатилди. Бу жаҳон тажрибасида синалган жараён бўлиб, иқтисоди ривожланган давлатларда давлат органларида суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиб боради. Зеро, бундай назорат суғурталанувчилар манфаатини бевосита ҳимоя қилади, сармоядорлар таваккалчилигини камайтиради ва ниҳоят суғурта маблағларини миллий иқтисодиётнинг ривожланишига сарф қилинишини таъминлайди ҳамда суғурта бозори фаолиятида ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асослар яратади.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИСКЛАРИНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ**

**Кенжаев М.Ғ.– ТМИ, PhD., доцент  
“Умум иқтисодий фанлар” кафедраси**

Тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш хусусида илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

- кредит шартномаларида фоиз ставкаларини пул бозорининг янги шароитларига мослаштириш қоидасидан фойдаланиш керак;
- баланс таркибининг ўзгаришини бошқариш;
- фоиз рискинни қоплаш миқдорини аниқлаш, яъни баланснинг актив қисмида фоиз риски пайдо бўлса, у ҳолда, баланснинг пассивида уни қоплаш миқдорини шакллантириш тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискинни бошқаришни такомиллаштириш имконини беради;

Фикримизча, Р.Евстратов фоиз рискинни бошқаришнинг муҳим жиҳатларини эътироф этган. Аммо, фоиз рискинни бошқаришнинг сузувчи ставкадаги депозитлар ва кредитлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш каби муҳим усулини эътироф этмаган.

- фоизли маржани бошқариш фоиз рискинни бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири бўлгани ҳолда, фоизли спрэдга эътиборни қаратиш фоиз рискинни бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

– активлар ва пассивларни муддатларига кўра мувофиқлаштириш фоизли спрэдни қатъий белгилаш асосида фоиз рискинни нейтраллаштириш имконини беради;

– бозор риски деганда қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларини ва валюта курсларининг тебраниши натижасида банкнинг зарар кўриш хавфини тушуниш лозим;

– бозор рискинни баҳолашнинг нисбатан такомиллашган усули бўлиб, VAR (Value - at - Risk) усули ҳисобланади ва ушбу усул бозор рискиннинг чуқурлашиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган

зарарларни ва олиними мумкин бўлган даромадларни юқори аниқликда прогноз қилиш имконини беради;

– спот операцияларида валюта rischi даражасининг юқори эканлиги ушбу операцияларни суғурта қилиб бўлмаслиги ва спот операцияларининг мутлақ асосий қисми амалга ошириладиган халқаро захира валюталарнинг барчасини эркин сузиш режимига эга эканлиги билан изоҳланади.

Тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган riskларни бошқариш эволюцияси таҳлили кўрсатдики:

– тижорат банклари фаолиятидаги riskларни баҳолаш ва бошқаришнинг нисбатан такомиллашган методикалари бўлиб, Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган стандартларидаги методикалар ҳисобланади;

– Базель-III стандартида тижорат банкларининг биринчи даражали капиталига нисбатан талабларни 2013 йилдан бошлаб ошириб боришни кўзда тутилганлиги тижорат банкларининг молиявий инқирозлар даврида кўриладиган зарарларни капитал ҳисобидан қоплаш имкониятини кенгайтиришни кўзда тутадиган асосан

– Базель қўмитасининг тижорат банклари фаолияти йўналишларининг операцион riskка таъсирчанлигини баҳолаш методикасига кўра, тижорат банкларининг уч бизнес йўналишида – корпоратив молиялаштириш, савдо ва тўловлар-ҳисоб-китоблар йўналишида операцион risk даражаси нисбатан юқори ҳисобланади;

– Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан кредит riskини баҳолаш учун тавсия этилган қуйидаги баҳолаш методикалари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади:

\* муаммоли кредитларнинг мўътадил даражаси;

\* муаммоли кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси;

\* кредитлардан кўриладиган зарарларни тўлашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори.



–“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг бозор рискларига таъсирчанлиги бозор рискларини бошқариш натижасида капиталнинг бозор рисклари таъсирида кўриладиган зарарларни қоплаш даражасига қараб баҳоланади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг банк амалиётида кредит рискинни бошқаришга катта эътибор қаратилади ва кредит портфелининг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар доимий таҳлил ва назорат объекти ҳисобланади.

### 1-жадвал

#### Дойчебанкнинг (Германия) кредитлари миқдори, даражаси ва динамикаси<sup>101</sup>, фоизда.

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши
Кредитлар миқдори, млн. евро	401	400	429	427	471	117,5 %
Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	27,2	29,7	33,1	32,2	35,6	8,4 ф.п.

Тижорат банкларининг активлари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш бўйича хориж тажрибасининг таҳлили кўрсатдики:

– 2018-2021 йилларда Дойчебанк кредитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва кредитлар миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада юқори ўсиш суръатига эга бўлган. Ушбу ҳолатлар кредит механизмини такомиллаштириш йўналишидаги ижобий ҳолат ҳисобланади;

– Дойчебанк брутто активларининг ҳажмида кредитларнинг салмоғи 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ,

<sup>101</sup>Жадвал [www.db.com](http://www.db.com) (Annual Reports. Consolidated Balance Sheet) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларсиз даражада пасайган (1,1 ф.п.), 2021 йилда 2020 йилга нисбатан юқори даража ўсиш суръатига эга бўлганлигини кўрамиз(3,4 ф.п.) ;

### 1.7-жадвал

**Нурбанкбанкнинг (Қозоғистон) кредитлари миқдори, даражаси ва динамикаси<sup>102</sup>, фоизда**

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши
Кредитлар миқдори, млн. тенге	224248	237507	230781	191938	215026	95,9 %
Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, %	65,3	65,7	57,5	45,3	46,9	- 18,4 ф.п.

- Нурбанк кредитларининг миқдори 2018-2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, кредитлар миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 4,1 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда. Бу кредит механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолатдир.

– 2018-2020 йилларда Нурбанкнинг брутто активлари ҳажмида кредитларнинг салмоғини пасайиш тенденцияси мавжуд бўлганлиги мазкур давр мобайнида банк кредитлари миқдорининг камайганлиги билан изоҳланади;

Кредитларнинг даромадлилик даражаси кредит механизмининг такомиллашганлигини ёки такомиллашмаганлигини тавсифловчи муҳит кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, 1 бирлик кредитнинг даромадлилик даражаси кўрсаткичи кредитларнинг

<sup>102</sup>Жадвал Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. <http://www.nurbank.kz> (Нурбанк) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

даромадлилик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич таъсир қилувчи омилларнинг кредитларнинг даромадлилигига таъсирини инбобатга олмаган ҳолда, кредитларнинг даромадлилигига аниқ баҳо бериш имконини беради.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ РИСКЛАРИНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Кенжаев М.Ғ.– ТМИ, PhD., доцент  
“Умум иқтисодий фанлар” кафедраси**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб муаммолар аниқланди:

– муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитларни нисбатан даражасининг юқори эканлиги, фоизли даромадлар билан фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланмаганлиги, соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръатлари ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги сабабли тижорат банклари активларининг даромадлилик даражасини нисбатан паст эканлиги;

– тижорат банкларида даромад келтирмайдиган пул шаклидаги активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи юқори бўлгани ҳолда, нисбатан қиммат ресурс ҳисобланган бошқа банклардан жалб қилинган кредитларнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада юқори эканлиги;

– банкларда молиявий рисклар – лойиҳани амалга оширувчи лойиҳа ташаббускори ва бенефициар сифатида маблағларини етишмаслиги, унинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши натижасида зарар кўриш хавфи) даражасининг ошиши кузатилмоқда;

– республикамиз тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражасини паст эканлиги қимматли қоғозлар портфелининг молиявий рискларга таъсирчанлигини пасайтириш имконини бермайди;

– молия бозори инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги (тижорат банклари фаолиятида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операцияларнинг мавжуд эмаслиги, валютавий своп операциялари ва форвард операцияларининг ривожланмаганлиги);

– тижорат банкларида ликвидлилик рискинни минималлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги (трансформация рискинни банкларда жуда кескин эканлиги, банкларнинг активларини таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даражасининг паст эканлиги, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори эканлиги):

\* тижорат банклари регулятив капитали таркибининг барқарорлигини таъминланмаганлиги (эмиссион даромаднинг тижорат банкларининг регулятив капитали ҳажмидаги салмоғининг жуда кичик эканлиги, нокумулятив имтиёзли акцияларни мавжуд эмаслиги, биринчи даражали асосий капиталнинг биринчи даражали капитапл);

\* Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларини тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги (мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги, мажбурий захира ажжратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидан олиб келаётганлиги);

\* банкларда трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги (тижорат банкларини қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар беришга мажбурланганлиги улар фаолиятидаги трансформация рискинни чуқурлашишига олиб келди);

\* тижорат банклари томонидан давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги (ҳозирга қадар давлат кафолати асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик тижорат банкларига қайтариб берилмаган, имтиёзли кредитлар бўйича гаров объектлари

билан таъминланмаган кредитлар бўйича катта миқдордаги қарздорлик мавжуд);

\* банкларга миждозларнинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағларидан, уларнинг розилигисиз ишлатиш ҳуқуқининг берилганлиги;

\* мамлакатимизда, тараққий этган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидан фарқли равишда, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётганлиги ва давлат солиқ хизматига солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлиги;

\* йирик тижорат банкларида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги (тижорат банкларига талаб қилиб олинадиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш ҳуқуқининг берилганлиги, соф фоизли спрэдни тижорат банкларида жуда паст эканлиги).

Тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсияларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Тижорат банкларининг актив операциялардан кўриладиган зарарларни қоплаш имкониятини ошириш учун фоизли даромадларнинг ялпи даромадлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ва ялпи даромаднинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

2. Тижорат банкларида пул шаклидаги юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи билан миждозлар ва банклардан жалб қилинган ресурсларнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур.

3. Кредит рискинни бошқаришнинг комплекс тизимининг муҳим элементи сифатида кредит портфелининг таркибини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш таклифи.

4. Тижорат банкларининг ҳар бир функционал бўлинмасини операцион рискка таъсирчанлигини баҳолаш имконини берадиган

мезонларни ишлаб чиқиш орқали операцион риск даражасини пасайтириш таклифи.

5. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялари бўйича очиқ позицияларига нисбатан қуйидаги турлардаги лимитлар белгилаш лозим:

- қимматли қоғозларнинг валютавий таркибига кўра;
- қимматли қоғозларнинг рисклилигига кўра;
- ҳар бир эмитент қимматли қоғозларининг банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги улушига кўра.

6. Тижорат банкларига миллий валютада сузувчи ставкаларда депозитлар қабул қилишга ва кредитлар беришга рухсат бериш ҳамда ГЭП таҳлилини банклар амалиётига жорий қилиш орқали фоиз ставкалари даражалари ва активлар ҳажмининг ўтган даврлардаги ўзгаришини соф фоизли даромадларга таъсирини аниқ баҳолаш лозим.

## **SUG‘URTA FAOLIYATIDA BIZNES JARAYONLARI**

### **Ergasheva Y.E. KIUT talabasi**

Sug‘urta faoliyatida biznes jarayonlari - boshqaruvning bir-biriga bog‘liq bo‘lgan ketma-ketlikdagi faoliyat (operatsiyalar) majmui bo‘lib, unga muvofiq xizmatlarni rivojlantirish strategiyasi, amaliy taktikasi shakllantiriladi, mijozlarning talabi o‘rganiladi, prognozlar ishlab chiqiladi.

Sug‘urta faoliyatida biznes jarayonlarining turli darajadagi tafsilotlarini o‘rganish, ularning kechishini aniqlash imkonini beradigan imperativlar hamda umumiy rivojlanish strategiyasi an‘analari bilan o‘zaro bog‘lash zamirida samaradorlik parametrlarini aniqlash zarurati yuzaga keladi.

Bu o‘rinda sug‘urta faoliyatida biznes jarayonlarida sinergiya ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu ikki yoki undan ortiq omillarning o‘zaro birgalikdagi ta’siri, har qanday alohida komponent ta’siri yig‘indisidan sezilarli darajada oshib ketishi bilan izohlanadi. Sug‘urta faoliyatida “Yo‘l xaritasi” ishlab chiqilishi va uning bosqichma-bosqich amalga

oshirilishi belgilangan strategik maqsadlarga erishish shartiga aylanmoqda.

Sugʻurta xizmatlarini taqdim etish shartnoma imzolanishi va sugʻurta mukofoti undirilishi bilan boshlanadi (sugʻurta xizmatlarini sotish sugʻurta mukofoti undirilishini taʼminlaydi va sugʻurtalovchining asosiy daromadining manbai sanaladi) va shartnoma muddatiga mos tarzda yakunlanadi.

Sugʻurta faoliyatida biznes jarayonlarining asosini bevosita sugʻurta shartnomalarini tuzish, rasmiylashtirish va ularni boshqarish jarayonlari tashkil etadi. Sugʻurta shartnomasi rasmiylashtirilganidan soʻng, shartnomani qoʻllab-quvvatlash jarayonlarida sugʻurta obʼekti (subʼekti) holati monitoringi yuritiladi va unga mos tarzda sugʻurta risklari minimallashtiriladi, shuningdek, sugʻurtaga qabul qilingan risklarning parametrlari oʻzgargan taqdirda, sugʻurta stavkasini qayta hisoblab chiqadi va shartnomaga muayyan tuzatishlar kiritadi. Mazkur jarayonlar anderrayter tomonidan amalga oshiriladi.

Shu oʻrinda qayd etish mumkinki, riskni sugʻurtalash texnologiyasi quyidagi:

- sugʻurta xizmatlarini taqdim etish yuzasidan arizaning namunaviy shakli va uni mijozlarga xizmat koʻrsatish uchun sugʻurtalovchi masʼul xodimga etkazish usullari;

- sugʻurta operatsiyalarini bajarish ketma-ketligi va mijozlarga xizmat koʻrsatishning tarkibiy tuzilmalari va bu jarayonlarda masʼul xodimlarining oʻzaro uzviy aloqalari toʻgʻrisidagi nizomlar;

- sugʻurta xizmatlarini koʻrsatish kontekstida sugʻurta qoidalari va uni sugʻurtalanuvchiga etkazish usullarini oʻzida aks ettirgan hujjatlar toʻplamining funktsionalligidan iborat kontentlar tizimidan tashkil topgan.

Bu jarayonlarda sugʻurta tashkiloti faoliyatini bevosita sugʻurta shartnomalarini saqlash va ularga xizmat koʻrsatish boʻlinmalari, sugʻurta zaxiralari va xususiy mablagʻlarini investitsiyaga yoʻnaltirish boʻlinmasi, sugʻurta hodisalari oqibatida koʻrilgan zararlarni qoplash boʻlinmasi tomonidan amalga oshiriladigan operatsiyalar tizimi sifatida qarash mumkin.

Mazkur jarayonlar normativ hujjatlar bilan tartibga solinadi va boshqariladi. Ushbu ichki biznes jarayonlari quyidagi:

- ma'lumotlar bazasiga shartnomani kiritish va saqlash;
- muayyan hisobotlarda faoliyat(operatsiyalar) natijalarini aks ettirish;
- sug'urta mukofotlari undirilishini ta'minlash;
- sug'urta zaxiralari investitsiyaga yo'naltirish;
- sug'urta shartnomasini tuzish, amal qilish muddati va uning tugashi yuzasidan hisobni yuritish;
- shartnomada ko'rsatilgan sug'urta xizmatlarini taqdim etilishini ta'minlash;
- sug'urta ob'ektining (risk darajasi o'zgarishini hisobga olish, ma'lumotlarni saqlash, o'zgartirish) monitoringini yuritish kabi asosiy faoliyat(operatsiyalar)ni o'z ichiga oladi.

Biznes jarayonlarida maqsadlarni belgilash va ularga mos strategiya, taktika va qoidalar ishlab chiqilishi hamda amalga oshirilishi belgilangan funksional vazifalar bajarilishiga omil bo'ladi.

## **СОСТОЯНИЕ ИНКЛЮЗИВНОГО СТРАХОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**к.т.н. Мирсадиков Мирадил Абдуллаевич**

**АО НКЭИС “Узбекинвест”, директор школы страхования**

### **Аннотация**

Статья посвящена изучению современного состояния инклюзивного страхования в Республике Узбекистан, выявлению проблем и разработке предложений по их решению.

В страховом портфеле отечественных страховщиков широко представлены страховые продукты, которые по формальным признакам могут быть отнесены к инклюзивному страхованию, однако инклюзивное страхование не получило в республике достаточного развития. В настоящей статье рассмотрены основные проблемы развития инклюзивного страхования в Узбекистане.



**Ключевые слова:** страхование, инклюзивное страхование, проблемы развития, отрасли страхования жизни и общего страхования.

### **Введение**

Инклюзивное страхование — это подход к страхованию, направленный на то, чтобы сделать страховые продукты и услуги доступными для отдельных лиц и групп, которые в противном случае могли бы быть исключены или недостаточно обслуживаться традиционными поставщиками страховых услуг. Инклюзивное страхование направлено на предоставление страховых продуктов и услуг малоимущим и уязвимым группам населения, в том числе проживающим в сельских или отдаленных районах, женщинам и другим маргинализированным группам.

### **Актуальность темы исследования**

Цель инклюзивного страхования — обеспечить каждому доступ к доступным страховым продуктам, которые могут помочь защитить от непредвиденных событий, таких как болезнь, инвалидность или стихийные бедствия. Инклюзивное страхование особенно важно в развивающихся странах, где многие люди не имеют доступа к страховым продуктам и где отсутствие страхового покрытия может иметь серьезные экономические и социальные последствия.

Концепция инклюзивного страхования не нова. Он уходит своими корнями в микрофинансирование, когда малообеспеченным лицам и группам предоставляются небольшие ссуды, чтобы помочь им начать или развить малый бизнес. В последние годы инклюзивное страхование привлекло внимание как способ расширения доступа к страховым продуктам и услугам для более широкого круга людей.

В рамках настоящей статьи под инклюзивным страхованием будет пониматься страхование, доступное для малообеспеченной части населения, а также субъектов малого и частного бизнеса. Актуальность инклюзивного страхования для Узбекистана в первую очередь обосновывается масштабами бедного населения, которое на начало 2020 года составляло до 15% от общей численности

населения. Реальные доходы на душу населения, согласно официальным данным Государственного комитета статистики, в 2020 году составили 989 долларов США на человека в год.

По данным Центрального Банка Республики Узбекистан 38,7% респондентов домохозяйств отнесли себя к группе с доходами с 2–4 млн сумов в месяц, уровень благосостояния основной части домохозяйств остается сравнительно низким, но при этом технически оснащенным. С одной стороны по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике в Узбекистане на 100 домохозяйств приходится 48 автомашин, домохозяйства оснащены телевизорами, холодильниками, кондиционерами и стиральными машинами. 100% трудоспособного населения имеют мобильные телефоны, растет обеспеченность персональными компьютерами, с другой стороны, имущество домохозяйств практически не страхуется. Аналогичная ситуация с личным страхованием, это объясняется тем, что основной статьей расходов этих домохозяйств являются затраты на товары первой необходимости и потребительские товары.

Согласно данным Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан в разрезе отраслей 9,1% субъектов малого бизнеса осуществляют деятельность в сельском хозяйстве, в промышленности – 20,9%, строительстве – 11%, торговле и питания – 34,1%, перевозке грузов – 5,2% и в других сферах деятельности – 19,7%. Более 62% занятых в малом бизнесе страны занимаются индивидуальным предпринимательством и лишь около 16% приходится на малые предприятия и микрофирмы, которые и являются основной клиентской базой страховых компаний при этом, в основном, заключаются договора обязательного и вмененного страхования – страхование гражданской ответственности владельцев транспортных средств, страхование ответственности работодателя, страхование имущества, выставляемого в залог, страхование ответственности заемщика, страхование жизни заемщика в пользу банка и т.п. Таким образом субъекты частного и малого бизнеса фактически не используют

механизмы страхования как элемент системы управления собственными рисками, а используют страхования как средство доступа к кредитным ресурсам. Недостаточная финансовая грамотность представителей частного и малого бизнеса, в особенности руководителей фермерских и дехканских хозяйств, недостаточное понимание сути страховых услуг ограничивает применение частным и малым бизнесом страхования для защиты своих имущественных интересов.

**Целью исследования** является анализ перспектив инклюзивного страхования в Узбекистане и выявление сопутствующих проблем и на этой основе разработка соответствующих предложений и рекомендаций.

### **Основные результаты проведенного исследования.**

Инклюзивное страхование предполагает оказание страховых услуг в условиях низкой осведомленности населения, невысоких доходов и недоступности страховых услуг в регионах. Поэтому страховые продукты по инклюзивному страхованию должны содержать стандартизированные условия и минимальные требования к документам, чтобы облегчить понимание продукта людьми и процесс урегулирования страховых случаев. Инклюзивное страхование в соответствии с законодательством Узбекистана может относиться как к имущественному страхованию, так и личному страхованию и может оказываться по 1,2,3,7,8,9 и 18 классам отрасли общего страхования и 7 классам отрасли страхования жизни.

Отечественные страховщики в соответствии со Стандартными правилами страхования, утвержденными Ассоциацией профессиональных участников страхового рынка Узбекистана (протокол заседания Совета Ассоциации №2 от 08 апреля 2009г.), по указанным выше классам разработали и предлагают гражданам республики более 50 видов страховых продуктов, которые по формальным признакам могут быть отнесены к инклюзивному страхованию.

Следует отметить, что страховые продукты, предлагаемые отечественными страховщиками по 8 и 9 классам страхования являются видоизмененными продуктами Госстраха. Только в последние годы стали появляться страховые продукты, аналогичные страховым договорам FLEXA.

Имеющиеся в страховом портфеле отечественных страховщиков добровольные договора страхования имущества могут послужить основой для договоров инклюзивного страхования в целом и микрострахования в частности.

На сегодняшний день практически все отечественные страховщики, как в отрасли общего страхования, так и в отрасли страхования жизни предлагают личное страхование от несчастного случая со страховыми суммами от 1 млн. (100 дол. США) со страховыми премиями от 10 тысяч (1 дол. США), кроме того имеются варианты страхования на случай болезни со страховой суммой от 5 млн. (500 дол. США) со страховыми премиями от 500 тысяч (50 дол. США).

Также страховщики Узбекистана, осуществляющие свою деятельность в отрасли общего страхования, предлагают имущественное страхование жилья (недвижимости) от всех рисков со страховой суммой от 50 млн. сумов (порядка 5000 дол. США) и страховым тарифом менее одного процента, а также страхование домашнего имущества от перечисленных рисков со страховой суммой от 5 млн. сумов (порядка 500 дол. США) и страховым тарифом 0,5-1 процент.

Следует отметить, что вышеуказанные размеры страховых сумм ориентированы на слои населения с ежедневным доходом от 40 тыс. сумов (4 дол. США) и могут быть скорректированы по согласованию со страховщиком как в меньшую, так и большую сторону с соответствующим изменением размера страховой премии, при этом страховая премия может уплачиваться как единовременно, так и в рассрочку.

Инклюзивное страхование в области личного страхования в Республике Узбекистан может осуществляться в накопительном и рисковом видах.

В накопительном виде инклюзивное страхование осуществляется по 1-3 классу отрасли страхования жизни и годовой страховой сумме не менее ста долларов США в сумовом эквиваленте (микрострахование). Страхование с меньшими страховыми суммами становится экономически нецелесообразным для страховщика.

Не смотря на наличие страховых продуктов по микрострахованию отечественные страховщики, получившие лицензию на осуществление страховой деятельности в отрасли страхования жизни не заключают такие договора их-за отсутствия платежеспособного спроса со стороны физических лиц, практически все отечественные страховщики в отрасли страхования жизни предлагают “зарплатное” страхование – схему оптимизации налогообложения страхователей.

Страховщики, осуществляющие свою деятельность в отрасли страхования жизни предлагают страховые продукты по различным видам смешанного накопительного страхования со страховой суммой от 1 млн. сумов (порядка 100 дол. США)

### **Выводы**

Таким образом на сегодняшний день у отечественных страховщиков по вышеуказанным видам страхования имеются страховые продукты, ориентированные на клиентов с низким уровнем доходов и которые по формальным признакам могут быть отнесены к сфере инклюзивного страхования или к сфере микрострахования.

Однако, в страховом портфеле отечественных страховщиков эти виды страхования практически не представлены вследствие:

- отсутствия платежеспособного спроса со стороны населения из-за низкого уровня жизни и недостаточного уровня страховой культуры;

- отсутствия каналов продаж, ориентированных на реализацию страховых продуктов по инклюзивному страхованию и

микрострахованию – практического отсутствия сети розничных продаж;

- низкого профессионального уровня работников страховых компаний, занимающихся реализацией страховых продуктов населению;

- отмены льгот и преференций со стороны государства (льгота сохранена только по накопительному страхованию в виде сокращения налогооблагаемой базы физических на величину уплачиваемых страхователем страховых премий).

Количество людей, живущих в нищете, низкий уровень доходов и высокий уровень безработицы представляют собой большой потенциал для инклюзивного страхования. Отличительной особенностью малоимущих, малообеспеченных и уязвимых слоев населения Узбекистана является то, что практически у них у всех в собственности имеется жильё (недвижимость) и введение обязательного страхования жилья от стихийных бедствий и сопутствующие продажи добровольных страховых продуктов могло бы генерировать существенный спрос на сопутствующие виды инклюзивного страхования.

Кроме того, менталитет узбекистанцев ориентирован на постоянное накопление средств “на всякий случай”, причем это накопление средств внебанковское (дома “под подушкой”, различные варианты финансовой взаимопомощи и т.п.), так как народ не доверяет ни банковским ни страховым структурам. Варианты накопительного микрострахования с перестрахованием у надежных зарубежных перестраховщиков или под государственную гарантию могли бы стимулировать спрос малоимущих, малообеспеченных и уязвимых слоев населения на эти виды страхования.

В Узбекистане рынок инклюзивного страхования, в том числе и микрострахования, на данный момент организационно не оформлен. Но, по нашему мнению, в условиях повышения требований к качеству социальной защиты населения, постепенному переходу системы здравоохранения на рыночную основу, увеличения

существующих и появления новых социальных рисков, дальнейшего усиления имущественного неравенства инклюзивное страхование и, прежде всего микрострахование, может стать эффективным элементом системы социальной защиты граждан. Мы исходим из гипотезы, что для эффективного развития инклюзивного страхования в Узбекистане необходима заинтересованность и участие государства. Рассмотренный выше опыт зарубежных стран показывает, что правительство может оказать огромное стимулирующее воздействие на формирование рынка инклюзивного страхования. В Узбекистане существуют и технические и организационные условия для развития инклюзивного страхования. Республика обладает достаточно развитой инфраструктурой страхового рынка, население в основной массе образовано, популярностью пользуются микрофинансовые организации.

Таким образом, инклюзивное страхование, в том числе и микрострахование в Узбекистане возможно, но решающую роль на начальном этапе его развития должно сыграть государство. Заинтересованность и участие крупных страховых компаний также необходимы.

### **Список литературы**

1. Отчет Всемирного банка “Страхование имущества от бедствий в Республике Узбекистан”, январь 2020 года
2. Аксютина С.В. Трансформация страхования: инновационные продукты и технологии // Экономика, предпринимательство и право. – 2020. – Том 10. – № 2. с. 395-407. // <https://1economic.ru/lib/100463>
3. Ахвледиани Ю.Т. Тенденции и перспективы развития страхового бизнеса в России <https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-i-perspektivy-razvitiya-strahovogo-biznesa-v-rossii>
4. Жилкина А. Н. Управление инновационным развитием страхового бизнеса: автореф. дис. ... канд. экон. наук. URL: <http://www.dissercat.com/content/>
5. Кузнецов А. Альтернативные каналы продаж в помощь традиционным - Журнал "Русский Полис", №2, 02-2005г.

6. Методическое пособие “Техника и методы анализа инновационного проекта, оценка рисков”/М.А.Мирсадыков, – Т.: Проект ПРООН и ИПМИ “Поддержка в сфере инновационной политики и трансфера технологий”. 2010, 55с.

## **ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ**

**Ш.Ф.Кобилжонова**  
**преподаватель кафедры**  
**"Общэкономической дисциплины" ТФИ**

Механизм, который гарантирует защищённость субъектов экономики, в том числе и страховых учреждений, ликвидирует или минимизирует ущерб не только потенциалу данного учреждения, но и экономике страны (региона) в целом. Именно в этом и заключается основная функция обеспечения экономической безопасности субъектов экономики –повышение научного и экономического потенциала.

Существуют группы факторов воздействия внутренней и внешней среды на безопасность организации, каждый из которых может содержать различные виды угроз: экономические, рыночные, политические, криминальные, технологические, конкурентные, социальные, международные и др. [1, с.187].

К основным факторам, влияющим на устойчивость и экономическую безопасность фирмы следует отнести: – размер компании;

- внешние риски;
- сбалансированность страхового портфеля;
- развитость и устойчивость клиентской базы;
- сбалансированность финансовых потоков;
- состояние филиальной сети;
- срок существования компании на рынке;
- деловой потенциал компании.



Для каждой страховой компании используется свой соответствующий комплекс мер и методов, которые подходят как для его внутренней, так и внешней обстановке.

В режиме устойчивого функционирования, страховая организация при решении задач своей экономической безопасности уделяет большое внимание на поддержание нормального ритма функционирования, на предотвращение материального и/или финансового ущерба, на недопущение незаконного доступа к служебной информации и разрушения компьютерных баз данных, на противодействие недобросовестной конкуренции и другое.

Непрерывное усиление факторов, которые угрожают экономической защищённости страховой организации и обуславливают ее угнетённое развитие, ставит вопрос о создании системы мониторинга состояния и динамики развития компании с целью предупреждения о грозящей опасности и принятия необходимых мер защиты и противодействия.

Существенное значение имеет определение характеристик экономической безопасности страховой организации (индикаторов). От точного распознавания опасностей, от правильного выбора измерителей их проявления, зависит как степень адекватности оценки экономической безопасности компании, отвечающей реальному положению дел, так и корректность обоснования комплекса необходимых мер по предупреждению и устранению опасности, соответствующей масштабу и характеру угроз.

В общем случае для страховой компании концепция количественных и качественных показателей экономической безопасности может содержать в себе следующие индикаторы:

1) индикаторы предоставляемых услуг по страхованию (рейтинговая оценка, оценка конкурентоспособности услуг и другие.);

2) финансовые индикаторы (оценка уровня платежеспособности и финансовой устойчивости организации и другие.);

3) социальные индикаторы (оценка уровня задолженности по зарплате и другие.).

Главными потребителями рейтинговой оценки являются фактические (подлинные) и потенциальные (возможные) страхователи. Поскольку их заинтересованность сконцентрирована на возможности полного и своевременного выполнения компанией своих обязательств по действующим (функционирующим) полисам страхования, а также перспективах исполнения снова появляющихся обязательств с учетом вероятных изменений в экономической среде, в качестве ключевых показателей при установлении уровня надежности рассматриваются два: платежеспособность компании и ее финансовая устойчивость [1, с.187].

Следовательно необходимо оценивать не только "мгновенный" коэффициент платежеспособности, но и вероятность компании сохранять действующий уровень платежеспособности при возможных внешних и внутренних угрозах, то есть ее финансовую устойчивость. Фактически обязательно должна рассматриваться деятельность компании как некий непредвиденный процесс в качестве показателя, в котором рассматривается ее платежеспособность, и оценивается вероятность того, что траектория данного процесса в условиях внутренних и внешних рисков на конечном интервале не пересечет установленную нижнюю границу допустимого уровня платежеспособности, что может привести к банкротству.

#### **Список использованных источников:**

1. Авдийский В.И., Дадалко В.А. Теневая экономика и экономическая безопасность государства. Учебное пособие. 2-е издание. М.: Инфра-М, 2014.

## **ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТАЛАШДА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ**

**Ҳамраева Ф.Ш.**

**ТМИ катта ўқитувчиси**

Суғурта қопламаси тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Тўлиқ қопланишда суғурта тўлови зарар микдориға тенг. Масалан,

автотранспорт воситаларининг жавобгарлигини суғурталашда, ҳақиқий тўлов қиймати зарар миқдorigа тенг бўлган ҳолда, тўлиқ суғурта қопламаси ҳолатлари мавжуд. Бироқ, суғурта қопламасида одатда суғурта тўловлари миқдорини ҳақиқий зарар миқдори билан камайтирадиган баъзи чекловлар мавжуд.

Суғурта қопламасини чеклаш суғурта қопламасидан мумкин бўлган зарарнинг бир қисмини олиб ташлаш орқали таъминланиши мумкин, бу суғурта маҳсулоти (суғурта мукофоти) нархини пасайтиришдан манфаатдор бўлган таваккалчи учун фойдали бўлиши мумкин. Кичик зарарни суғурта қилдирувчи ўз ҳисобидан қоплаши мумкин. Фавқулодда зарар, қоида тариқасида, жуда паст эҳтимоллик билан амалга оширилади, шунинг учун тегишли хатарлар кўпинча суғурталовчилар томонидан ўзаро тақсимланади.

Суғурталовчининг суғурта қопламасига чекловлар киритилиши куйидагилар билан изоҳланади:

- суғурталовчини суғурта ҳодисасини ҳал қилиш жараёнида суғурта қилдирувчини кўшиш орқали суғурта қилдирувчининг фурсатчи хатти-ҳаракатлари таъсирини камайтириш истаги;

- суғурталовчининг маълум таваккалчиликларни суғурталаш бўйича чекланган имкониятларини ҳисобга олиш.

Суғурта қопламасининг мумкин бўлган чекловлари зарар миқдори (горизонталь ўқ) ва суғурта тўловлари миқдори (вертикал ўқ) ўртасидаги боғлиқлик графиги ёрдамида тавсифланиши мумкин.

Агар тўловлар линияси тўлиқ суғурта қопламаси чегарасидан юқори бўлса, ортиқча суғурта ҳолати юзага келади, бу суғурталанган шахснинг фурсатпараст хатти-ҳаракатлари эҳтимоли кескин ошиши билан хавфли. Қопламанинг чекланиши шуни англатадики, ҳақиқий қамров линияси тўлиқ қамров чизигидан юқори бўлмаслиги керак.

Суғурта қопламаси миқдорини чеклашнинг энг самарали усулларида бири бу суғурта жавобгарлиги лимити - суғурта шартномаси шартларига мувофиқ суғурта тўловлари ошиб бўлмайдиган қийматни жорий этишдир. Бу қамраб олишдан катастрофик ва баъзан ҳатто катта хавфларни чиқариб ташлашга имкон беради.

Жавобгарликни чеклаш жорий этилиши билан ҳақиқий суғурта тўловлари жадвали тўлиқ қоплаш чизиғидан қисман пастроқда жойлашган. Бундан ташқари, агар зарар жавобгарлик чегарасидан ошмаса, у тўлиқ қопланади. Агар зарар ундан каттароқ бўлса, суғурта тўловлари фақат жавобгарлик лимити миқдорида амалга оширилади.

Жавобгарликнинг чегаралари бутун шартнома бўйича, битта суғурта объекти ёки суғурталанган шахс учун, шунингдек ҳар бир суғурта хавфи учун алоҳида-алоҳида белгиланиши мумкин.

Суғурта қопламаси миқдорини чеклашнинг мумкин бўлган шарти чегирмали - шартли ва шартсиз.

Чегирма - суғурта шартномасининг суғурта қилдирувчининг зарарни қоплашдаги иштироки тўғрисидаги шарти.

Шартли чегирма суғурта тўловлари фақат реал зарар миқдори чегирма миқдоридан ошиб кетганда амалга оширилишини назарда тутди. Агар зарар миқдори чегирма миқдоридан кам бўлса, у ҳолда суғурталовчидан тўловлар миқдори нолга тенг бўлади ва зарарни қоплаш бўйича барча жавобгарлик суғурталанувчида қолади.

Шартли чегириб ташлашнинг камчилиги шундан иборатки, агар чегириб ташланадиган сумма биров ошиб кеца, полисчи тўлиқ тўловни олади ва агар у" қисқа " тушса, ҳеч нарса олмайди. Шунинг учун чегириб ташланишга яқин бўлган зарарлар учун оппортунистик хатти-ҳаракатларнинг таъсири жуда кучли бўлади, чунки полисчи қасддан ёки бехосдан зарар миқдорини ёки унинг сметасини ортиқча баҳолашга ҳаракат қилади.

Шартсиз чегириб ташланувчи ҳар доим ҳақиқий зарар миқдоридан чегириб ташланиши билан характерланади. Бошқача айтганда,  $polis$  ҳар доим зарарни чегириб ташланган суммага тенг миқдорда қоплашда иштирок этади.

Айрим мамлакатларда мутаносиб суғурта суғурта қопламасини чеклашнинг алоҳида тури ҳисобланади, лекин бошқа мамлакатларда уни чегириб ташлашнинг махсус тури деб юритилади.

Мисол тариқасида, зарар миқдори рискни тавсифловчи айрим параметрга пропорционал бўлиши мумкин бўлса, суғуртанинг айрим

турлари учун хос бўлган вазиятни кўриб чиқинг. Шундай қилиб, тиббий суғуртанинг айрим турлари учун тўловлар миқдори суғурта ҳодисасини ҳал қилиш муддатининг узунлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Даволаш учун тўлов унинг муддати бир вазифаси сифатида қабул қилинади, агар бу, айниқса, шундайдир. Бу ҳолда суғурта қопламасининг чекланиши суғурта компаниясининг тўлов муддатларига нисбатан жавобгарлигининг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу чеклов кўп шаклларни олиши мумкин. Мисол учун, суғурта шартлари касалликнинг биринчи бир неча кун ёки ҳафта камраб бир истисно учун тақдим етиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳолда суғурта ажратмалари фақат муомала муддати шартномада кўрсатилган кутиш муддатидан ошгандан сўнг (шартли чегириб ташлаш турини чеклаш) бошланади. Суғурта шартлари даволаниш учун тўлов муддати (жавобгарлик лимити каби шарт) бўйича лимитни белгилашни ҳам назарда тутиши мумкин.

Суғурта қопламаси бўйича ҳар қандай чеклашларнинг жорий етилиши ҳужжатларни бошқариш тартибини, хусусан, зарарларни ҳал қилишда янада мураккаблаштиради. Тўлов тўғрисида қарор қабул қилишда ва унинг миқдорини аниқлашда суғурталовчи суғурта қопламасининг мумкин бўлган чекланганлиги ҳақидаги маълумотларга таяниши лозим.

Бош пудратчи юридик маъсулияти - профессионал хизматларни аниқ сифат стандартига мувофиқлигини таъминлай олмагани ҳолда юзага келади.

## **МУЛКНИ СУГУРТАЛАШ БЎЙИЧА ХАТАРЛАР**

### **Ҳамраева Ф.Ш. ТМИ катта ўқитувчиси**

Давлат ва нодавлат корхоналари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа бирлашмалар ҳар хил турдаги суғурта шартномаларини тузишлари мумкин. Асосий шартномага биноан компанияга тегишли барча мол-мулк суғурталаниши керак:

- бинолар, иншоотлар, узатиш мосламалари, электр энергияси ишчилари ва бошқа машиналар;

- ускуналар, транспорт воситалари, балиқ овлаш ва бошқа кемалар;

- балиқ овлаш воситалари;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари ва капитал қурилиш, инвентаризация;

- тайёр маҳсулотлар, товарлар, хом ашё, материаллар ва бошқа мол-мулк. Жамият ўз мулкининг исталган қисмини (гуруҳини) суғурта қилишга ҳақлидир. Қўшимча шартномалар бўйича қуйидагилар суғурта қилиниши мумкин:

мулкни ижарага бериш шартномаси бўйича корхона томонидан олинган мол-мулк (агар у ижарага берувчи томонидан суғурта қилинмаган бўлса) ёки бошқа корхоналардан (ташкилотлардан) ва аҳолидан қайта ишлаш, таъмирлаш, ташиш, сақлаш учун комиссия асосида олиб қўйилган;

Бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага берилган мол-мулк ўзининг бошқа мол-мулкидан алоҳида суғурта қилиниши мумкин. Айниқса, объектив қиймат баҳосига эга бўлмаган қимматбаҳо мол-мулк ва мол-мулк, одатда, ихтиёрий суғурта қилинмайди: ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар ва тошлар, қўлёзмалар, чизмалар, режалар ва бошқалар. Суғурта қопламаси муайян шароитларга (транспорт воситалари, кўчма қурилиш ва бошқа машиналар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, кесилган жойларда ва рафтинг пайтида саноат ёғочлари ва ўтин ва бошқалар) мувофиқ амалга ошириладиган ушбу мулк, шунингдек қўшимча шароитларда суғурта қилиниши мумкин. асосий шартномага.

Кўчкилар, кўчкилар, тошқинлар ва бошқа табиий офатлар хавфи остида бўлган ҳудудда жойлашган бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулк бундай таҳдид белгиланган тартибда эълон қилинган пайтдан ёки ваколатли органлар (гидрометеорология хизматлари ва бошқалар) тегишли ҳужжатни расмийлаштирган пайтдан бошлаб ихтиёрий суғурта остида суғурта қилиниши мумкин эмас. таҳдид фактини тасдиқловчи (акт, хулоса ва бошқалар). Суғурта шартномаси аввалги шартноманинг амал қилиш муддати тугагунига

қадар янги муддатга (янгиланган) ва аввалги суғурта шартномасида кўрсатилган мулк қийматининг улуши доирасида тузилган ҳолатлар бундан мустасно.

Корхоналарнинг мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилиш учун асосан бир хил суғурта хатарлари рўйхати тақдим этилади. Ёнғин, чакмоқ, портлаш, тошқин, зилзила, чўкиш, бўрон, бўрон, ёмғир, дўл, кўчки, кўчки, эр ости сувлари ҳаракати, тошқинлар, кучли совуқлар ва кучли қор ёғиши натижасида мол-мулк йўқолиши ёки зарар кўриши натижасида зарарлар қопланади. , табиий офатлар, транспорт воситалари, иситиш, санитария-тесисат, канализация ва бошқа тизимларнинг авариялари, кўшни хонадан сув кириб бориши натижасида электр энергиясининг узилиши.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулк, ёнғин ёки тўсатдан табиий офат хавфи туфайли уларни демонтаж қилиш ёки янги жойга кўчириш зарур бўлган тақдирда ҳам суғурталанган ҳисобланади. Компенсация қилинган зарар миқдорида биноларни демонтаж қилиш, жиҳозларни демонтаж қилиш, мол-мулкни ташиш ва бинолар ва иншоотларни тиклаш харажатлари киради.

Бўрон, бўрон, бўрон, тсунами, туман, тошқин, ёнғин, чакмоқ уриши, портлаш, кема ҳалокати, авария, муз ёки бошқа нарсалар натижасида ҳалок бўлган ёки зарар кўрган балиқ овлаш ва бошқа кемалар, балиқ овлаш воситалари суғурта қилинган деб ҳисобланади. , шунингдек, кемалар йўқолган ёки қуруқликка тушган тақдирда.

Бундан ташқари, мулкни ўғирлаш (талончилик), транспорт воситаларини ўғирлашдан суғурта қилиш мумкин.

Корхоналар билан тузилган шартномаларга мувофиқ суғурта мажбурияти ҳам ўз мол-мулки учун, ҳам бошқа корхона (ташкilot) дан олинган мол-мулк учун ягона ҳисобланади. Фақатгина фарқ қуйидагилар. Суғурталанган ўз мол-мулки (асосий шартнома) учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада юкнинг йўқолиши ёки бузилиши учун ташувчининг жавобгарлиги белгиланмаган бўлса, зарарни йўқотиш ёки зарар этказиш пайтида мол-мулк жойлашган жойидан қатъи назар, товон тўланади.

Суғурталовчи томонидан мулкни ижарага бериш шартномаси бўйича олган ёки бошқа ташкилотлар ва аҳолидан қабул қилинган мол-мулк учун суғурта аризасида кўрсатилган жойларда вафот этган ёки зарар кўрган тақдирда суғурта товонлари тўланади.

Экспериментал ва тадқиқот ишлари даврида мулкни суғурталашда, шунингдек кўргазмада намойиш этишда суғурта барча молларни корхонада доимий жойлашган жойдан (музейда, кўргазмада) қадоқлаш учун синовдан ўтказиш ёки намойиш қилиш жойига олиб бориш учун олиб қўйилган пайтдан бошлаб бошланади. Шартнома мол-мулк суғурта гувоҳномасида (полисида) кўрсатилган доимий жойга ўрнатилгунга қадар вақтинча сақлаш, синовдан ўтказиш ёки намойиш қилиш ва қайтариб бериш даврига нисбатан қўлланилади.

Корхоналарнинг мол-мулкни суғурта қилиш қоидалари суғурта жавобгарлигидан чиқариб ташланади:

иш жараёнида муқаррар бўлган ёки ундан табиий равишда келиб чиқадиган ҳодисалар (коррозия, емирилиш, нормал эскириш ёки бошқа табиий хусусиятлар) натижасида этказилган зарарлар;—

суғурталанган мол-мулкни уни олов, иссиқлик билан қайта ишлаш натижасида ёки унга ишлов бериш ёки бошқа мақсадларда (масалан, қуритиш, пишириш, дазмоллаш, чекиш, қовуриш, металлларни иссиқ ишлов бериш ёки эритиш ва бошқалар учун) бошқа иссиқлик таъсирлари натижасида этказилган зарарлар. ва бошқалар).



**ЖАҲОНДАГИ КУЗАТИЛАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ВА  
ТАБИАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ОҚИБАТИДА КЕЛИБ  
ЧИҚАЁТГАН ТУРЛИ ХАТАРЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА  
СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН  
ВАЗИФАЛАР (“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ мисолида)**

**Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ Корпоратив  
мижозлар билан ишлаш ва ҳудудий  
ривожлантириш департаменти  
Бош менежери Сайфулло Мирзоев**

**Аннотация.** Глобаллашув, иқлим ўзгаришлари, кузатилаётган турли табиий офатлар, жумладан кучли шамол, цунами, тўфон, ер қимирлаши, тошқинлар, кучли довул, дўл, бўрон ва каби ҳодисаларнинг содир бўлиши инсонлар ҳаётига, мол-мулкларига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига катта хавф солмоқда. Ушбу кузатилаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва зарарларни камайтириш учун барча мамлакатларда Давлат даражасидаги аҳамиятга эга бўлмоқда, қолаверса барча соҳалар ушбу масалада бирдек масъул ҳисобланади. Хусусан, суғурта хизматларининг алоҳида ўрни мавжуд.

Жумладан, суғурта зарарларни қоплаб беришда ҳимоя воситасини бажариши лозим. Бунинг учун суғурта хизматлари кўламини янада кенгайтириш ва ривожлантириш, суғурта андеррайтингини йўлга қўйиш, ҳавфларни бошқариш, зарар миқдорини камайтириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида бугунги кунда долзарб бўлган масалани ёритишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** иқлим ўзгаришлари, иқлим, об-ҳаво шароити, глобал рисклар, иқтисодиёт тармоқлари, суғурта фаолияти, андеррайтинг, суғурта рисклари, андеррайтер, рискларни баҳолаш, техноген ҳолат.

**Кириш.** Бугунги кундаги шиддатли глобаллашув, табиатда содир бўлаётган турли табиий офатлар, техноген ҳодисалар, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ва баъзи соҳаларда мурраккаб

технологияларнинг қўлланилиши оқибатида инсонлар ҳаёти/соғлиғи, уларнинг мол-мулки ҳамда корхоналар фаолиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар ортиб бормоқда.

Ушбу хатарларни олдини олиш юзасидан жаҳон ҳамжамияти ва тегишли ташкилотлар доимий равишда вазиятни ўрганиб бормоқда ҳамда зарарлар камайтириш юзасидан чораларни кўриб, турли тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар.

Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилотида (БМТ) томонидан Табиий офатлар хавфини камайтириш Ҳалқаро стратегияси, Ҳалқаро Фуқаро муҳофазаси ташкилоти ва Осиё табиий офатлар хатарини камайтириш маркази ташкил этилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 17 январдаги резолюциясига асосан 13 октябрь санаси “Ҳалқаро ҳалокатлар хавфини камайтириш куни” деб эълон қилинган ҳамда ташкилотга аъзо давлатларга ушбу кунни муносиб нишонлаш, турли дастурий режаларни ишлаб чиқиш ва тегишли чораларни кўриш тавсия қилинган.

БМТнинг охириги ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, ҳисоботларда бугунги кунда долзарб бўлиб турган иқлим ўзгаришлари, хусусан ҳавонинг исиб бораётгани, бу борада 2025-2030 йилларда умумий температуранинг кўтарилишини 1,5<sup>0</sup> оралиғида ушлаб туриш долзарб вазифа эканлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

**Асосий қисм.** Дунёда охириги вақтларда кузатилаётган турли табиий офатлар, жумладан кучли шамол, цунами, тўфон, ер қимирлаши, тошқинлар, кучли довул, дўл, бўрон ва каби ҳодисаларнинг содир бўлиши инсонлар ҳаётига, мол-мулкларига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига катта хавф солмоқда. Жумладан, табиий офатлар натижасида охириги 10 йилда 410 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлган. БМТнинг Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига таяниб маълум қилишича, охириги 50 йил ичида иқлим, об-ҳаво шароити билан боғлиқ 11 мингга яқин табиий офат юз берган, улардан кўрилган умумий зарар 3,6 трлн. долларни ташкил қилган<sup>2</sup>.

Иқлимий ўзгаришларга мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг етарли даражада эмаслиги табиий офатлар

рискнинг долзарблигини янада ошироқда. Ҳар бир рискка қарши кураш ёки унинг олдини олиш ўзига хос хатти-ҳаракатларни талаб қилишига қарамай, муайян тамойилларга амал қилиш барча турдаги рискларга тайёрлик даражасини ошириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, глобал рискларнинг потенциал оқибатларига тайёр туришда қуйидаги тўрт тамойилга амал қилиш тавсия этилмоқда<sup>3</sup>:

- рискларни аниқлаш ва олдиндан кўра билиш қобилиятини кучайтириш;
- «келажақдаги» рискларнинг бугунги қийматини қайта калибрлаш;
- кўп томонлама рискларга тайёргарлик кўришга инвестиция киритиш;
- тайёргарлик ва жавоб чоралари бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

2023 йил январь ойида Жаҳон иқтисодий форуми (WEF)нинг глобал хавф-хатарларга бағишланган 2023 йилги ҳисоботи, инсоният бугун ва яқин келажақда юзлашиши кутилаётган хавф-хатарлар ҳамда глобал рискларга бағишланган. Глобал рисклар учта даврда: ҳозирги кунда намоён бўлаётган рисклар, яқин икки йилда ва яқин ўн йилда энг оғир оқибатларга олиб келиши кутилаётган рисклар сифатида баҳоланган. Намоён бўлиш соҳасига кўра улар иқтисодий, атроф-муҳит, геосиёсий, ижтимоий ҳамда технологик риск тоифалари бўйича ажратилган.

Ушбу кузатилаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва зарарларни камайтириш учун барча мамлакатларда Давлат даражасидаги аҳамиятга эга бўлмоқда, қолаверса барча соҳалар ушбу масалада бирдек масъул ҳисобланади. Жумладан, суғурта зарарларни қоплаб беришда ҳимоя воситасини бажариши лозим. Бунинг учун суғурта хизматлари кўламини янада кенгайтириш ва ривожлантириш, суғурта андеррайтингини йўлга қўйиш, илғор ва замонавий хизматларни амалиётга жалб қилиш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда миждозларга суғурта авфзалликларини етказиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев Президентлик лавозимида иш бошлаган кунларидан ва ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз миқёсида кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса иқтисодиёт тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун илғор хорижий молия институтлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, хусусан тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш соҳаларини молиявий қўллаб-қуватлаш мақсадида кўплаб имтиёзли кредит маблағлари жалб этилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар халқаро ва замон андозаларига мослаштирилмоқда. Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизда ижобий ўзгаришлар таъминлашга ва аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилашга хизмат қилиши учун йўналтирилмоқда.

Иқтисодиёт тармоғининг ажралмас қисми ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун хизмат қиладиган соҳа ҳисобланган суғуртада ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда, электрон суғурта тизими ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилинмоқда ҳамда суғурта хизматларини янада ривожлантириш, соҳанинг инвесторлар учун жозибадор бўлишини таъминлаш юзасидан тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 23.11.2021 йилдаги янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги<sup>4</sup> Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>5</sup> ва 23.10.2021 йилдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>6</sup> Қарорларининг қабул қилиниши бунинг яққол мисолидир.

Ушбу ҳужжатларида суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун фаолиятларини янада жадаллаштириш, уларнинг ролини ошириш орқали суғурта бозорида хизматлар

ҳажмини кўпайтириш, истеъмолчилар ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, суғурта саводхонлигини ошириш, суғурта хизматлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш каби меъёр ва талаблар қўйилган.

Бундан ташқари, суғуртанинг республика иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, аҳолини суғурталаш қамровини кенгайтириш, замонавий, сифатли ва тезкор хизматларни таъминлаш вазифалари белгиланган.

2019 йил 10 июлда Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович суғурта соҳаси вакиллари билан ўтказилган йиғилишда жуда катта вазифаларни белгилаб бердилар. Жумладан, «Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан бири, бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас, бунинг асосий сабабларидан бири - суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмас» ҳамда «Суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилади» дедилар.<sup>7</sup>

### 1-жадвал

Давлатлар номи	Суғуртанинг ЯИМдаги улуши, (%)	Аҳоли жон бошига суғурта мукофоти, (АҚШ доллари)
Ўзбекистон	0,5%	7
Россия	1,2%	166
Хитой	8,3%	340
Жан. Корея	11,0%	3453
Германия	6,0%	1700
Белорусия	0,9%	75
Швейцария	10,0%	5356

2022 йил якунига кўра мамлакатимиз ЯИМда суғуртанинг улуши **0,5%** ни ташкил этган. Бу кўрсаткич суғуртаси ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларда (Германия, Швейцария, Хитой, Ж.Корея, Россия ва бошқа давлатларда) анча юқоридир (1-жадвалга қаранг) <sup>8</sup>.

Айни дамда ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳаётий зарурият бўлмоқда ва шу билан бирга суғурта хизматларининг асосий воситаларидан бири бўлган андеррайтинг тизимини ривожлантириш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда соҳада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп, сабаби аҳолининг суғурта билан қамрови паст, ташкилот ва корхоналардаги суғурта объектларида рисклар етарлича ўрганилмапти. Шунингдек, суғурта компанияларида андеррайтинг тизими етарли даражада шаклланмаган, соҳада рискларни бошқарувчи экспертлар ёки андеррайтер мутахассислар етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга рискларни тўғри баҳолаб бориш ва мижозларга эҳтимолий кўриладиган зарарларни олиш имконияларини кўрсатиб бериш учун суғуртада андеррайтингни тизимли ташкил этиш талаб этилмоқда.

Суғуртада андеррайтинг бу, компаниялар суғурта портфелини шакллантириш, суғурта рискларини аниқлаш ва тўғри баҳолаш, рискларнинг келиб чиқиши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар юзасидан статистик суғурта таҳлилларини олиб боришдан иборатдир. Андеррайтинг жараёнлари аввало суғурталанувчининг молиявий имкониятини ўрганилиши, статистик маълумотларни йиғилиши ва суғурта объекти экспертизадан ўтказилиши, шундан сўнг қарор чиқариб суғурта шартномаси имзолаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу хизматларни мужассам қилганда суғурта ташкилоти мижозларга замонавий, сифатли ва шаффоф хизматларни кўрсатиш орқали фойда кўришини таъминлайди. Албатта бу ишларни қилиш учун суғурта компанияларида суғурта мутахассисларни, жумладан суғурта андеррайтерларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш талаб этилади.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб ва суғурта компанияларида суғурта портфелини ишлаб чиқиш жараёни мураккаблигини инобатга олиб, андерратинг тизимини қуйидагича йўлга қўйиш таклиф этилмоқда :

*- рискларга баҳолашда, рискларни катта кичиклигига ва суғурта компаниясига келтирадиган зарарини прогноз қилиш.*

*- суғурта тарифларини адолатли белгилаш.*

*- суғурталашда шартнома шартлари ҳисобга олиш ва франшизани қўллаш.*

*- суғурта портфелини фойдали ва асосли бўлишини таъминлашда андеррайтерлар жавобгарлигини уларнинг асосий вазифаси этиб белгилаш.*

“Ўзбекинвест” суғурта компаниясида андеррайтинг тизимини юритиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан суғурта портфелини юритувчи махсус тузилма ташкил этилган, малакали мутахассислар ва андеррайтерларни тайёрлаш учун ўқув ва малакасини ошириш курслари ташкил этилмоқда. Жумладан, ходимларга ҳар ҳафталик вебинар ва ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда ҳамда ҳар ой якунида ходимлар саводхонлиги юзасидан электрон шаклда тест синовлар ўтказилмоқда. Компания бўйича 2019 йилдан бошлаб филиаллар ва қуйи тузилма ходимлари хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларига малака ошириб келмоқда. Шу кунга қадар хорижда 145 нафар ходим малака ошириб келган. Амалга оширилаётган ишлар албатта ўз натижасини бермоқда, хусусан компания бўйича 2019 йилда 285,0 млрд.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 930,0 млрд.сўмни ёки 3 йилда умумий ўсиш 325%ни ташкил этди. <sup>9)</sup>

“Ўзбекинвест” суғурта компаниясида 2021 йилдан бошлаб аҳоли билан ишлаш учун алоҳида дастурлар белгилаб олинган ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорлик қилиш ва аҳолини суғурталаш учун маҳаллабай иш тизими йўлга қўйилган. Ушбу ишларни давом эттириш мақсадида 2023 йилда компания ва Ўзбекистон

Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги билан 2023-2026 йилларга мўжалланган чора тадбирлар режаси тузилган.

<b>Суғурта мукофоти тушуми (млн. сўм)</b>						
<b>2019й.</b>	<b>2020й.</b>	<b>Ўсиш, %</b>	<b>2021й.</b>	<b>Ўсиш, %</b>	<b>2022й.</b>	<b>Ўсиш, %</b>
285 609	262 869	92%	385 385	147%	930 534,0	241%

Чора-тадбирлар ижроси доирасида кенг миқёсдаги ташвиқот ва амалий ишлар олиб борилмоқда, жумладан компания ва вазирликнинг ҳудудий вакиллари билан 2023 йилнинг 2-яримидан бошлаб жойлардаги аҳоли гавжум савдо мажмуаларида ва бозорлардаги аҳоли ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларга инсон ҳаёти, мол-мулклари ҳамда савдо дўконларига хавф солаётган турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишда суғуртанинг ўрни ва суғурта ҳимояси тўғрисида маълумотлар етказиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, дунёда бўлаётган турли табиий офатлар, афсуски охириги йилларда республикамизда ҳам кузатилмоқда, бунинг оқибатида инсонлар ва ишлаб чиқаришга кўплаб зарар етмоқда. Мисол учун, 2020 йилнинг апрель ойида Бухоро вилоятларининг айрим ҳудудларида кузатилган кучли шамол ва кўп ёмғир ёғиши, шунингдек май ойида Сирдарё вилояти Сардоба сув омборида содир бўлган техноген воқеа содир бўлиши натижасида аҳолига ва тадбиркорларга кўплаб зарар етган.

Бухоро вилоятида кузатилган кучли шамол оқибатида 41 085,0 та хонадон эгалари ва 842,0 та ижтимоий объектлар зарар етиб, жами зарарлар 140,0 млрд.сўмни ташкил этди. Фақат иссиқхоналарга етган зарар учун тадбиркорларга 12,0 млрд.сўм (1,2 млн. АҚШ доллар) суғурта тўловлари тўлаб берилган.

Сирдарё вилояти Сардоба сув омборида бўлган техноген ҳолат натижасида вилоятнинг 3 та туманидаги 70,0 мингдан ортиқ аҳоли зарар кўрган, 4351 та хонадон (уйлар), 24 та кўприк ва 276 км. йўллар сув остига қолган ҳамда қўшни Қозоғистон республикасида 845 уй-жойлар сув остига қолган, 31,0 мингдан ортиқ аҳоли бошқа жойларга



кўчирилган. Даслабки ҳисоб-китобга кўра зарар 1,5 трлн.сўмни (150,0 млн. АҚШ доллари) ташкил этган.<sup>10)</sup>

Биргина, “Ўзбекинвест” суғурта компанияси ушбу икки ҳодиса бўйича аҳоли ва тадбиркорлардан 262 та даъво ариза келиб тушган ва улар бўйича 5,77 млрд. сўмдан ортиқ суғурта тўловлари тўланган. Бироқ, ушбу ҳудудлардаги зарар кўрган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми суғурталанмагани маълум бўлди, шундай бўлсада суғурталанмаган ва жабр кўрганларга давлат томонидан компенсация маблағлари берилган, бу тўловлар давлат бюджети кўзда тутилмаган харажатларидан амалга оширилган.

### **Хулоса**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда аҳолида суғуртага бўлган талаб ва эҳтиёжи ортмоқда, суғурта компаниялари эса бу борада жуда қаттиқ ишлашлари талаб этилади. Ушбу эҳтимоли ошиб бораётган турли табиий офатлар ва техноген ҳодисалар бўлишининг олдини олишда ва ҳимояни тақдим этишда суғуртанинг ўрни муҳим бўлиши ҳамда суғурта давлатнинг бюджет харажатлари юқини камайтириш учун хизмат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кундаги вазият суғурта компанияларига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Дунёдаги ривожланган давлатлардаги каби республикамизда ҳам суғурта хизматларини янада ривожлантириш, жумладан суғурта ташкилотларида замонавий хизмат турларини жорий этиш, андеррайтингни фаолиятини такомиллаштириш ва тизимли ташкил этиш, малакали суғурта мутахассисларини, айниқса суғурта андеррайтерларни тайёрлаш зарур. Мамлакатимизда суғурта мутахассисларига бўлган талабдан келиб чиқиб, молия йўналишидаги олий ўқув юртларидаги мутахассисларни тайёрлаш квотасини қайта кўриб чиқиш, суғурта мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув талабларини кучайтириш ҳамда суғурта мутахассислиги учун ўқув юртларида махсус андеррайтинг курсларини ташкил этиш тавсия этилади.

# **HUDUDLARGA XORIJIY INVESTITSIYA JALB QILISH — IJTIMOIY-IQTISODIY TARAQQIYOTNING MUHIM OMILI**

**TMI, Baholash ishi va investitsiyalar  
kafedrasi mustaqil izlanuvchisi  
PhD Hoshimov Jahongir Ravshanbek o‘g‘li**

Jahonda hududlarning investitsion jozibadorligini oshirish, xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni rag‘batlantirish, hudud iqtisodiyotini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalardan samarali foydalanish imkoniyatlarini baholash kabi yo‘nalishlarda keng ko‘lamli ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Bu borada hudud iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha istiqbolli yo‘nalishlarni aniqlash va rejalarni ishlab chiqish asosida iqtisodiyotni modernizatsiyalash, hudud iqtisodiyotining mavjud imkoniyatlari va salohiyatini e‘tiborga olgan holda izchil iqtisodiy o‘sish sur‘atlarini ta‘minlashga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Hududlarda iqtisodiy jarayonlarning tez rivojlanib borishi, infratuzilmani o‘zgarishi va xorijiy kapital qo‘yilmalarini kirib kelishi joylarda turlicha o‘zgarishlarni yuzaga keltira boshlaydi. Ushbu holat hududlarning biznes yuritish uchun qulayligiga, ulardagi tabiiy boyliklariga, imidjiga, siyosiy barqarorligiga, turizm va mehmonxonalarning holatiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatibgina qolmasdan, o‘zaro qo‘shni bo‘lgan hududlar o‘rtasida raqobatning yuzaga kelishiga olib keladi. Yuqoridagi holatlarning yuzaga kelishi hududda marketing faoliyatini shakllanishiga imkon yaratadi.


O‘zbekistonda 2021 yilda jami 10 milliard dollardan ortiq, jumladan, 8,1 milliard dollar to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiya o‘zlashtirilgan. Buning natijasida 318 ta yirik va 15 mingdan ziyod hududiy loyiha amalga oshirilib, 273 mingdan ortiq ish o‘rni tashkil etilgan. Yangi korxonalar jami 1 milliard dollardan ziyod eksport va 530 million dollarlik import o‘rnini to‘ldirish imkoniyatiga ega.

Ta‘kidlanishicha, koronavirus pandemiyasi iqtisodiy jarayonlarga hamon jiddiy ta‘sir o‘tkazayotganiga qaramay, eksportda izchil o‘sishga erishilmoqda. Xususan, 2020 yilda mamlakatda eksport miqdori 9

milliard dollardan oshgan bo'lsa, 2021 yilda 12 milliard dollarni tashkil etgan. E'tiborlisi, bunda tayyor va yarim tayyor mahsulotlar ulushi sezilarli ko'paygan. Yurtimizdagi tizimli islohotlar tufayli investitsiyalar hajmi YaIMning 30 foizidan ortiq darajaga yetdi. 2022 yilning o'zida O'zbekiston iqtisodiyotiga 8 milliard dollar to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar jalb qilindi.

Hududlarda investitsiyalar hajmini keskin oshirish, shu jumladan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, yangi sanoat quvvatlarini joylashtirish maqsadida tumanlarga 28 ta konsalting kompaniyalar jalb qilindi. Ushbu kompaniyalar tomonidan qiymati qariyb 7,3 mlrd dollarlik 2 216 ta istiqbolli loyihalarning manzilli ro'yxati shakllantirilib, mazkur loyihalarning tizerlari, biznes reja, tumanlarning salohiyatini ko'rsatib beruvchi taqdimotlar ishlab chiqildi va xorijiy investorlar jalb yetish joiz bo'lgan sanoat, xizmat ko'rsatish, qishloq xo'jaligi sohalari rivojlantirishga erishildi<sup>103</sup>.

Quyidagi 1-rasm asosida 2004-2022 yillarda O'zbekistonga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmini tahlil qilib chiqamiz.



<sup>103</sup> <https://invest.gov.uz/uz/bez-rubriki/increasing-investment-in-the-regions/>

## **1-rasm. 2004-2022 yillarda O'zbekistonga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar<sup>104</sup>**

2022-yilda O'zbekistonga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar 2,53 milliard dollarni tashkil etdi, bu 2021-yilga nisbatan 11,24 foizga ko'pdir. 2021-yilda O'zbekistonga jalb qilingan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar 2,28 milliard dollarni tashkil etdi, bu 2020-yilga nisbatan 31,67 foizga ko'pdir. 2020-yilda O'zbekistonga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar oqimi 1,73 milliard dollarni tashkil etdi, bu 2019-yilga nisbatan 25,39 foizga kamaygan. 2019-yilda O'zbekistonda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar 2,32 milliard dollarni tashkil etdi, bu 2018 yilga nisbatan 270,82 foizga ko'pdir.

Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmining hududlar kesimidagi tahlilini quyidagi 1-jadval ma'lumotlari orqali ko'rish maqsadga muvofiqdir. Hududlar kesimida asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmi haqidagi ma'lumotlar aks ettirilgan. Unga asosan, 2017 yilda Qoraqalpog'iston Respublikasida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiya hajmi 2822,0 milliard so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilda ushbu ko'rsatkich 187,4 foizga o'sib, 8110,7 mlrd. so'mni tashkil etgan. Respublika bo'yicha mazkur hududda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmida 2021 yilda 3,5 foiz ulushga egalik qilgan. Andijon viloyatida 2017 yilda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 2986,0 milliard so'mdan iborat bo'lgan. Ushbu kiritilgan investitsiyalar respublika miqyosida hududlar kesimida 2021 yilda 4,8 foiz ulushga egalik qilganligini ko'rsatmoqda.

Shuningdek, viloyatda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 2017 yilga nisbatan 2021 yilda 274,3 foizga o'sgan. Buxoro viloyatida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 2021 yilda 2017 yilga nisbatan 76,8 foizga o'sgan. Ya'ni, 2021 yilda viloyatda 20528,3 milliard so'm miqdoridagi investitsiyalar asosiy kapitalga jalb etilgan.

Hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishdagi asosiy muammolar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

— investitsiya infratuzilmasining yetarli darajada rivojlanmaganligi;

---

<sup>104</sup> <https://www.macrotrends.net/countries/UZB/uzbekistan/foreign-direct-investment>

— tijorat banklari, investitsiya fondlari, sugʻurta va lizing kompaniyalarining investitsiya loyihalarini amalga oshirishda ularning ishtirokini samarali yoʻlga qoʻyilmaganligi;

— sifatli va talab darajasidagi malakali ishchi kuchining yetishmasligi;

### 1-jadval

#### Hududlar kesimida asosiy kapitalga oʻzlashtirilgan investitsiyalar, mlrd. soʻmda<sup>105</sup>

Hududlar	2017	2018	2019	2020	2021	2021 yilda jamida ulushi, %	2017 yilga nisbatan oʻsish surʼati
Qoraqalpogʻiston Respublikasi	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	8110,7	3,5	187,4
Andijon	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	11176,6	4,8	274,3
Buxoro	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	20528,3	8,6	76,8
Jizzax	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	9233,6	3,9	416,4
Qashqadaryo	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	17359,1	7,3	55,3
Navoiy	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	15020,1	6,4	277,6
Namangan	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	12982,0	5,4	261,9
Samarqand	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	15641,6	6,6	256,8
Surxondaryo	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	12037,8	5,1	239,0
Sirdaryo	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8051,8	3,5	394,6
Toshkent	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	28113,6	11,7	373,4

<sup>105</sup> Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi maʼlumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi.

Farg'ona	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12625,2	5,4	327,3
Xorazm	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8292,0	3,6	281,1
Toshkent shahri	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	58172,7	24,3	328,6

— tadbirkorlarning biznes-ko'nikmalari, shu jumladan investitsiya loyihalari bilan ishlash tajribasi va huquqiy bilimlarining yetarli darajada emasligi-hududlarda konsalting, marketing va yuridik xizmat ko'rsatuvchi markazlar tashkil etish va faoliyatini takomillashtirilmaganligi;

— investitsiya takliflari va loyiha texnik-iqtisodiy asoslarining belgilangan talablarga javob bermasligi-tashabbuskorlarga investitsiya loyihalarini ishlab chiqishda tijorat banklari, hududlardagi savdo-sanoat palatasi va boshqa mutasaddi idoralar tomonidan amaliy yordam ko'rsatilishini yetarli emasligi;

— mahalliy hokimliklarning xorijiy investorlarni hudud to'g'risidagi batafsil ma'lumotlar bilan ta'minlashda faol ishtirok etmayotganligi xorijiy investorlarni to'laqonli ravishda axborot (investitsiya loyihalari va biznes takliflar bazasi, hududiy matbuot nashrlari, iqtisodiy tahlil, xomashyo va mehnat salohiyati to'g'risida ma'lumotlar) bilan ta'minlash uchun har bir hudud bo'yicha «Viloyat investitsiya salohiyati» veb-portalini tashkil etilmaganligi bilan izohlash mumkin.

Yuqorida keltirilgan sabablarni yechimini topishda viloyatlarda xorijiy investitsiyalarni jalb etishning samarali tizimini yaratish va shu asosida muhim strategiyalarni, “yo'l xaritalari” va o'zoq yillarga mo'ljallangan konsepsiya ishlab chiqish zarurligini belgilab beradi. Investitsiyalar kiritish qarorini qabul qilishga ta'sir ko'rsatuvchi omillar to'plami investorning qaysi tarmoqqa mansubligiga qarab farqlanadi, lekin barcha turdagi va guruhdagi investorlarni jalb qilishda xududning investitsion muhitini tavsiflovchi va unga xizmat qiluvchi indikatorlar mavjud bo'lishi zarur.

Hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish qilish bo'yicha quyidagi taklif va tavsiyalar shakllantirildi:

— mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik manfaatlarini hisobga olgan holda respublika iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishga, xorijiy investorlar uchun qulay shart-sharoitlar yaratishga qaratilgan yagona davlat investitsiya siyosatini amalga oshirishda ishtirok etish kerak;

— xorijiy investorlarni axborot bilan, huquqiy va boshqa tomondan qo‘llab-quvvatlash, shuningdek davlat organlari va tashkilotlari, mahalliy tadbirkorlar bilan investitsiya faoliyati sohasida o‘zaro hamkorlikni tashkil etishda ularga ko‘maklashish;

— xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi istiqbolli va amalga oshirilayotgan investitsiya loyihalari ma‘lumotlarining axborot bazasini shakllantirish va yuritish, ularning amalga oshirilish holati ustidan doimiy monitoring olib boorish kerak;

— respublikaning iqtisodiy, resurs va investitsion salohiyatini keng targ‘ib qilish va ilgari surishni, yaratilgan qulay shart-sharoitlar, xorijiy investorlarga beriladigan imtiyozlar, afzalliklar haqida chet el ishbiarmon doiralari orasida, shu jumladan, ommaviy axborot vositalari orqali tushuntirish ishlari olib borishni tashkil etish lozim;

— O‘zbekiston Respublikasining xalqaro ijobiy imijini shakllantirish va yuqori darajada ushlab turishga har tomonlama ko‘maklashish zarur.

## **СТРАТЕГИК БОШҚАРУВДА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

**Абдуразақов Акбар Абдурахмон ўғли**  
**мустақил изланувчи, ТМИ**

Рақобат муҳити кескинлашиб бораётган глобаллашув шароитида юритувчи субъектнинг рақобатбордошлигини таъминлашнинг энг муҳим омили – харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тазда ташкил қилишдир. Бу вазифани унинг замонавий ва инновацион усуллари қўллагандан бажариб бўлмаслиги ҳам, бизнинг фикримизча, аксиомодир. Шу борада

алоҳида таъкидлаш жоизки, айна ҳозирги пайтда, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат кучайиб бораётганлиги сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдорида аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларида бири сифатида XX аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий харажатлар миқдорини олдиндан белгиланган меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва харажатларни оғишлар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимидир. Бу усулнинг амалиётга жорий этилиши кераксиз харажатларнинг олдини олиш имконини берди.

Айнан мана шу даврда харажатларни ҳисобга олишнинг норматив усули билан бир қаторда, унинг замон талабларини ўзида мужассам этган яна бир қатор усуллари ҳам амалиётга жорий этилди. Хусусан, 1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар (Шартли ўзгарувча харажатлар) кесимида ҳисоблаш концепциясини илгари сурди (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулнинг ишлаш механизмини кўрсатиб берди. Бу эса устама (билвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, Ж.Харрисоннинг “ўзгарувчан харажатлар ҳисоби” концепцияси кейинчалик янада самарали бўлган бир қатор харажатларни ҳисобга олиш усулларида вужудга келишига ҳам асос бўлди. Яъни Ж.Харрисон мушоҳадаси натижасида харажатларни бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимлари яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усулидир.



Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омбордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни назарда тутати. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (билвосита, устама ва ш.к ) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Билвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида билвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охириги, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Ҳозирги глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни ҳисобга олишнинг яна бир усули - Функционал калькуляция тизими (ABC - Activity Based Costing – Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга

келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу тизим билвосита харажатларнинг улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қилади. Бундай ҳолда, кўпинча икки босқичли жараён қўлланилади: биринчи босқичда билвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC - Activity Based Costing усулларини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиққа тортиш учун базавий кўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р. Д. Мс-Илхаттан, Р. А. Хауэлл ва С. Р. Соуслар таклифи ва илмий хулосалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда “Sistem in time (SIT)” усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик давлатларда шаклланган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган тажрибаларини ўрганиш ва самаралиларини миллий амалиётимизда қўллаш имкониятларини баҳолаш, муҳим деб ҳисоблаймиз.

Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида - шу борада муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуллари деган илмий хулосага келинди. Харажатларни ҳисобга олиш усуллари моҳиятан замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятини қўйиб келокда. Хусусан, харажатларнинг стратегик

бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда, қуйидаги 3 та муҳим омилни ўзаро бағлиқликда ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижалари асосида харажатларни ҳисобга олишнинг усулларини танлашни, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

Таҳлил ва хулосалар асосида шаклланган стратегик мақсадларга ҳамоҳанг тарзда харажатларни ҳисобга олиш усулларини танлаш, стратегик истиқболда албатта ўзининг иқтисодий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Друри К. Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. -665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). стр. 567-569.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.

3. А.Х. Pardayev, Z.A. Pardayeva, Sh.A. Pardayeva. Operativ va strategik boshqaruv hisobi /Darslik. - Т.: “DIADEMA NUR SERVIS” МЧЖ, 2023. - 420 bet;

## **BANK TIZIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISH VA FAOLIYATINI AVTOMATLASHTIRISH**

**Ilmiy rahbar: dotsent A.Ibodullayev**

**ТМІ “Budjet hisobi va g‘aznachilik” fakulteti talabasi**

**О‘rolboyeva Zebiniso Turg‘un qizi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada hozirgi kunda tijorat banklarida olib borilayotgan aktiv va passiv operatsiyalar hamda bu tizimni samaradorligini oshirishga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar, samaradorligini oshirish usullari va shu bilan bir qatorda bank faoliyatida qo‘llaniladigan avtomatlashtirilgan tizim va dasturlar haqida ma’lumotga ega bo‘lamiz.

**Kalit soʻzlar:** Samaradorlik, avtomatlashtirilgan tizim, dastur, tijorat banklari.

## **INCREASING THE EFFICIENCY AND AUTOMATION OF THE BANKING SYSTEM**

**Annotation:** In this article, we will learn about the active and passive operations currently carried out in commercial banks, the factors affecting the efficiency of this system, the methods of increasing its efficiency, as well as the automated systems and programs used in banking activities.

**Key words:** Efficiency, automated system, program, commercial banks.

## **ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ И АВТОМАТИЗАЦИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ**

**Аннотация:** В этой статье мы узнаем об активных и пассивных операциях, осуществляемых в настоящее время в коммерческих банках, факторах, влияющих на эффективность этой системы, методах повышения ее эффективности, а также автоматизированных системах и программах, используемых в банковской деятельности.

**Ключевые слова:** Эффективность, автоматизированная система, программа, коммерческие банки.

### **KIRISH**

Globalashgan, har tomonlama taraqqiy etayotgan bir davrda bank tizimi va uning joriy holatini oʻrganish, uning rivojlanishida tijorat banklarida, asosan, amalga oshiriladigan depozit, omonat, kredit operatsiyalarining va boshqa bank amaliyotlarining oʻrni muhimligi hamda xorijiy tahribalardan foydalangan holatda bank tizimi faoliyatini yanada takomillashitirish, samaradorligini oshirish hozirgi kunda muhim masalaga aylanmoqda.<sup>106</sup> Bank tizimi samaradorligini oshirish tadbirkorlik subyektlari va aholining arzon va sifatli moliyaviy xizmatlarga oʻsib borayotgan ehtiyojlarini taʼminlash uchun iqtisodiy rivojlanishning eng muhim omili hisoblanadi. Tadbirkorlik faoliyati bilan shugʻullanayotgan shaxs hamda oʻz ehtiyojlarini arzon hamda tez usulda taʼminlash niyatida boʻlgan aholi uchun eng yaxshi usul bu bank

---

<sup>106</sup> 2020-yil 12-mayda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5992-sonli “2020-2025 yillarga moʻljallangan Oʻzbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi toʻgʻrisida”gi Farmoni, 1-ilova

xizmatlaridan, ya'ni tijorat banklari tomonidan beriladigan imtiyozli, ipoteka, investitsion faoliyat uchun beriladigan kreditlardan foydalanishdir, bu xizmatlardan foydalanish qanchalik ko'paysa, bu aholining bankka bo'lgan ishonchini hamda bank tizimining samaradorligini oshishiga olib keladi. Shu bilan bir qatorda, bank faoliyatida avtomatlashtirilgan tizimlarni joriy etish jahon ilg'or tajribalarida qo'llanayotgan modern bank faoliyatining asosiy qismlaridan biridir. Avtomatlashtirilgan tizimlar banklarga va mijozlarga xizmat ko'rsatishda va iqtisodiy, moliyaviy hamda texnik muammolarni hal etishda vaqt va resurslarni tejagan holatda ulardan unumli foydalanadi. Bu tizimlar pullarni joriy etish, to'lovlar, kreditlar, valyuta almashtirish kabi operatsiyalarni amalga oshirishda, shuningdek, bank va ularning aloqalarini rivojlantirib, mijozlar oqimini oshirishda qo'llaniladi.

### **ASOSIY QISM**

Bank tizimini rivojlanishini yanada jadallashtirish, samaradorligini oshirish uchun bozorning asosiy segmentlarida bank amaliyotlari miqdorini, ya'ni bank aktivlari, kredit portfeli, omonat va depozit bazasi, investitsiya hajmi bo'yicha bozor ulushini oshirish lozim.<sup>107</sup> Ma'lumki, bank resurslarini joylashtirish bilan bog'liq bo'lgan operatsiyalar, aktiv operatsiyalar deyiladi, boshqacha qilib aytganda bankning aktiv operatsiyalari bu bank tomonidan foyda olish maqsadida o'z mablag'lari va jalb qilingan mablag'larni samarali yo'naltirishdir. Masalan, foyda olish maqsadida resurlarni yo'naltirish, ya'ni qimmatbaho qog'ozlar sotib olish uchun qilingan investitsiyalar, kreditlar, lizing va faktoring operatsiyalari kabi. Xorijiy banklar faoliyati va samaradorligidan kelib chiqadigan bo'lsak, samaradorlikni oshirish uchun, avvalo, aholini bankka bo'lgan ishonchini oshirish lozim, agar aholi bank xizmatlaridan mamnun bo'lmasa va foydalanmasa bu iqtisodiyotimizga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi, ya'ni bo'sh turgan pul mablag'larini bankka omonatga qo'ymasa, aksincha uyda saqlasa, bu pul aylanmasi va inflyatsiyaning oshishiga olib keladi. Bundan tashqari, bank tizimida davlatning ishtirokini kamaytirish kerak, sababi yuqori ishtirok natijasida

---

<sup>107</sup> "Bank faoliyati tahlili" o'quv qo'llanmasi – T.M. Karaliyev, O.B. Sattorov, I.F.Sayfiddinov, 2016, 15-bet

inson resurslaridan samarali foydalanilmaydi, ya'ni korporativ boshqaruv va tavakkalchilikni boshqarish tizimi to'g'ri yo'lga qo'yilmagan. Shuningdek, yuqori darajadagi dollarlashuv ham samaradorlikka ta'sir qiladigan omillardan biri, ya'ni kredit va depozitlarning yirik korxonalar va iqtisodiyotning alohida sohalarida jamlanganligi natijasida bank tizimining valyuta, kredit va likvidlilik xatarlariga bardoshliligining zaifligi, zaxiralarning yetishmasligi. Samaradorlikni oshirishning yana bir muhim usullaridan biri banklarni xususiylashtirish. Bu usul O'zbekiston hududida ham qo'llanilmoqda va birinchi bo'lib "Ipoteka-bank" faoliyatida qo'llanildi va hali-hamon davom etmoqda, ya'ni 2023-yil iyun oyi statistik ma'lumotlariga asoslangan holatda "Ipoteka-bank" ning 73.71 foiz O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligiga tegishli aksiyalari Vengriya davlatining OTP banki tomonidan sotib olingan, qolgan 25 foizi 3 yillik muddatda sotib olinadi. Buning natijasida, bank ilg'or, yangi texnologiyalar, tezkor dasturlar, asosiysi, xorij tajribalariga ega bo'ldi va tajriba almashinuvi asosida yuqori malakali xodimlarga ham ega bo'ldi. Bu esa mijozlar uchun yangi xizmatlar paydo bo'lishiga va bank xizmatlaridan foydalanish barqarorligiga olib keladi.

Texnika-texnologiyalar rivojlangan davrda, bank faoliyatini barqarorligini hamda xizmatlar sifatini oshirishda avtomatlashtirilgan tizimlardan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Avtomatlashtirilgan bank tizimlari, internet banking yoki mobil bank tizimlari, ATM va self-servis bank xizmatlari kabi shakllarda bo'lishi mumkin. Bu tizimlar, mijozlarga to'lovlarni amalga oshirish, hisobvarag'larda ma'lumotlarni ko'rish, hisob-kitoblarni boshqarish va boshqa moliyaviy operatsiyalarni bajarish imkoniyatini beradi. Demak, avtomatlashtirilgan bank tizimlardan foydalanishdan maqsad xavfsizlik va maxfiylikni ta'minlash, ma'lumotlarni saqlash va axborotlarni to'g'ridan-to'g'ri tarqatish va boshqa kabi katta muammolar bilan ham shug'ullanadi. Bu tizimlar, 24/7 xizmat ko'rsatish va bank xizmatlarini mijozlar uchun ko'proq muvozanatli va qulay qilishga yordam beradi. Bu tizimlarning xususiyatlari, xavfsizlik, tezlik va ishlab chiqarish kuchini oshirish, mijozlarga taqdim etilayotgan qulaylik va boshqalar kabi muhim sabablar

tufayli bank sohasidagi ishlarni osonlashtirish va sifatini oshirish imkonini beradi.

## **XULOSA**

Bank tizimining samaradorligini oshirish banklarni iqtisodiy rivojlanishga ijobiy ta'sirini kuchaytiradi. Samaradorlikni oshirish usullarini qo'llash va yuqori samaradorlikka erishish natijasida bank tizimida zamonaviy yechimlar joriy qilinadi, moliyaviy va inson resurslari samaradorligini oshirishga ijobiy ta'sir ko'rsata oladigan moliyaviy barqaror va nufuzli investorlarni jalb qilinadi, kredit resurslaridan erkin foydalanish imkoniyatlarini oshirish natijasida banklarning davlat mablag'lariga bo'lgan qaramligini pasaytiriladi.

Har bir rivojlangan bank barqarorligini ta'minlash va samaradorlik ko'rsatkichini oshirish uchun o'z strategiyasini ishlab chiqishi kerak va shu strategiya asosida o'z faoliyatini unumli tashkil qilishi, shuningdek, banklarning biznes modellarini o'zgartirish orqali faoliyatlarini tijoratlash va mijozga yo'naltirilganligini oshirish, ularning korporativ boshqaruv va risk-menejment tizimlarini takomillashtirish, xizmatlar sifatini va ko'lamini oshirish mumkin. Avtomatlashtirilgan bank tizimlari, texnologiyalarni qo'llash orqali mijozlarga xizmat ko'rsatish tizimini yaratish, operatsiyalarni amalga oshirish uchun kerak bo'ladigan plastik kartalar, avtomatlashtirish vositalari (hozirgi kunda har bir bankda avtomat navbat yo'lga qo'yilgan), zamonaviy to'lov tizimlari bilan ishlash, xavfsizlik vositalari va bular ichida hammaga ma'lum va butun dunyoda qo'llanib kelayotgan Automated Teller Machine (Bankomat) alohida o'ringa ega hamda Video Teller Machine (Video kassa mashinasi) mijoz barcha operatsiyalar uchun bu qurilma orqali bank vakiliga masofadan turib ulanish imkoniyatini taqdim etadi.

Bank tizimini isloh qilish orqali barcha aholi qatlamlarining moliyaviy xizmatlarga bo'lgan talabini ta'minlash, bank xizmatlarining hududiy qamrovini ta'minlash va davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini amalga oshirish mumkin.

## МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ БАНКЛАРАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИ РИВОЖЛАНИШИ

Эрназаров Н. С. - ТМИ. доцент  
“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий секторнинг улушини 60 фоизга чиқариш вазифаси қўйилган<sup>108</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги

ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими мамлакатимизнинг мустақилликдан кейинги дастлабки тўлов тизими сифатида шакллантирилган бўлиб, барча тўлов тизимлари ишлаши учун пойдевор сифатида бугунги кунда хизмат қилиб келмоқда.

Хозирги кунда Марказий банкнинг банклараро тўлов тизимида тўловларни амалга ошириш мақсадида республикамиз банк тизимини 32 та тижорат банклари учун тўлов тизимидан фойдаланувчилар сифатида сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

---

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.



Мазкур тўлов тизимида тўловлар реал вақт режимида ялпи ҳисоб-китоб тамойили асосида, яъни тўлов ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир неча сониялар ичида тўлов амалга оширилади ҳамда натижасига оид маълумотлар ташаббускор ва бенефициарга хабар қилинади. Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга асосан белгилаган.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими қўйидаги меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни (11.11.2019 й., ЎРҚ-582);

- Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (05.11.2019 й., ЎРҚ-580);

- Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни (01.11.2019 й., № ЎРҚ-578);

- “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (14.02.2006 й., № 1545);

- “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (13.04.2020 й., № 3229).


Ушбу меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар ҳозирги кунга қадар иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришларни инобатга олиб ўзгартирилиб ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ХҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса -АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими қўйидаги схема асосида амалга оширилади. Унинг йиллар давомида такомиллашиб ва ривожланиб бориши, ўз навбатида банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммасини ошишини

таъминламоқда. Бу унинг банк тизимида зарурлиги ва қулайлигидан далолат беради.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, хулоса сифатида шуни айтиш жоизки Марказий банкнинг банклараро тўлов тизimini такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда жаҳон банк амалиётидаги тўлов тизимидаги янгиликларни Республикамиз банк тизимига жорий этилиши банк тизimini ривожлантиришга беқиёс хизмат қилади.



**1-расм. Электрон тўлов ҳужжатларини ўтиш схемаси<sup>109</sup>.**

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банк сайти маълумотлари. 20223 йил.

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими  
орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси**



**2-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими  
орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси<sup>110</sup>**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФОНД РИСКЛАРИ ВА  
УЛАРНИ ТАҲЛИЛИ**

**Кенжаев М.Ғ.– ТМИ, PhD., доцент  
“Умум иқтисодий фанлар” кафедраси**

Жаҳон мамлакатларининг банк амалиёти тажрибаси кўрсатадики, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бевосита улар активларининг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш масаласини илмий ёндашув асосда тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банк сайти маълумотлари. 20223 йил.

активларида хусусий секторнинг улушини 60 фоизга чиқариш вазифаси қўйилган<sup>111</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги

ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни минималлаштириш масаласини илмий ёндашув асосда тадқиқ қилиш ушбу вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилади. Тижорат банкларининг актив операциялар билан боғлиқ бўлган асосий риск турларидан яна бири – бу фонд рискидир.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадик, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг миқдори ва мазкур инвестицияларнинг банкларнинг брутто активларига нисбатан даражаси 2019-2021 йилларда ўсиш динамикасига эга бўлган. Аммо, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг тижорат банкларининг брутто активларига нисбатан даражаси таҳлил қилинган давр мобайнида паст бўлган. Бу эса, республикамиз банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланиш даражасини паст эканлигидан далолат беради.

---

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

## 1-жадвал


### Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга оширган операцияларининг миқдорлари ва даражалари<sup>112</sup>

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, млрд. сўм	3 157	9 448	19 634
Қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг тижорат банкларининг брутто активлари ҳажмидаги салмоғи, %	1,2	2,6	4,4
Банклар томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг миқдори, млрд. сўм	2 873	9 523	10 613
Тижорат банклари қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг улар мажбуриятларининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	1,3	3,1	2,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, республикамиз тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар миқдори 2019-2021 йилларда ўсиш натижасига эга бўлган. Аммо, ушбу инвестицияларнинг тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажми-даги салмоғи 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

2-расм маълумотларидан кўринадикки, республикамиз тижорат банклари мажбуриятларининг қарийб ярмини хорижий банклардан жалб қилинган кредитлар эгаллайди. Бундай ҳолат банкларнинг ресурс базасини барқарор эмаслигини кўрсатади.

<sup>112</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) тузилган.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида хорижий банклардан жалб қилинган ресурсларнинг салмоғи, фоизда<sup>113</sup>**

Юқоридаги таҳлил маълумотларига асосланиб, хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлашимиз жоиз:

- Республикада инфляция даражасининг ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини нисбатан юқори эканлиги қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражаси паст.

- Тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолардан яна бири – бу банкларда ресурсларнинг барқарор эмаслигидир. Хусусан, банкларнинг пасивлари таркибида хорижий банклардан жалб қилинган ресурслар юқори салмоқни эгаллайди.

- Тижорат банкларининг фаолиятидаги фоиз рискинни бошқаришда Марказий банкнинг фоиз сиёсати муҳим ўрин тутди.

- Тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялар юқори даражада ривожланган.

<sup>113</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)) тузилган.

Трансмиллий банкларнинг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, унинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожланганлигини кўрсатади.

Трансмиллий банкларнинг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, унинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожланганлигини кўрсатади.

## **БАНК ТИЗИМИДА БАНК КАРТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Эрназаров Н. С. - ТМИ. доцент  
“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги

ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқариш, уларнинг инфратузилмаси кенгайтириб бориш муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли

қарорига асосан Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилиб, “Uzcard” тўлов тизими фаолият юрита бошлади.

2020 йил 11 апрелда Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга “Uzcard” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3945-сонли қарорига асосан Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилиб, 2019 йилнинг I-чорагидан бошлаб “Нумо” тўлов тизими ишга туширилди.

Миллий банклараро процессинг маркази МЧЖга 2020 йил 11 апрелда “Нумо” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан берилди.

Мамлакатимизда банк карталари инфратузилмаси 2020 йил 1 январь ҳолатига 20 547 минг дона банк карталари, 392 361 та тўлов терминаллари ҳамда 9 203 та банкомат ва инфокиосклардан ташкил топган<sup>114</sup>.


2020 йил 1 январдан 2022 йил 1 январ ҳолатига ушбу кўрсаткичлар нисбатан ошганлигини гувоҳи бўламиз ва ушбу фикримизни расмдаги маълумотлар тасдиқлайди.

---

<sup>114</sup> Ўзбекисто Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари. 2023 йил.




**Муомаладаги банк карталари сони**  
1 январь ҳолатига



**1-расм. Муомаладаги банк карталари сони.**

2020 йил 1 январдан 2022 йил 1 январ ҳолатига келиб, муомаладаги банк карталари сони 20 547 минг донадан 27106 минг донага етганлини, яъни 6 559 тагаошганлигини кўрамыз.

**Ўрнатилган тўлов терминаллари сони**  
1 январь ҳолатига




**2-расм. Ўрнатилган тўлов терминаллари сони<sup>115</sup>.**

<sup>115</sup> Ўзбекисто Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари. 2023 йил..

Ўрнатилган тўлов терминаллари сони 392 361 тадан 2022 йил 1 январ ҳолатига келиб 433384 тани ташкил этди.

**Ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar сони**  
1 январь ҳолатига



**3-расм. Ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar сони<sup>116</sup>.**

3 -расм маълумотларидан кўринадикки, 2020 йил 1 январда 9 203 та банкомат ва инфокиосklar ўрнатилган бўлса, 2022 йил 1 январ ҳолатига келиб 12 940 та банкомат ва инфокиосklar ўрнатилганлигини гувоҳи бўламиз.

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб, хулоса ўрни шуни айтишимиз мақсадга мувофиқдир.

Банк тизимида мамлакатимизда банк карталари инфратузилмасини самарали тизими йўлга қўйилганлиги ва улардан фойдаланиш учун қулайликлар яратилганлигидан далолат беради.

Шунингдек, 2019 йил давомида иккита миллий чакана (“Humo” ҳамда “Uzcard”) тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union Pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилганлиги ижобий натижа берди.

<sup>116</sup> Ўзбекисто Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари. 2023 йил..

## **IMPROVING THE EFFICIENCY OF SOVEREIGN FUNDS IN THE POST-PANDEMIC PERIOD**

**I. T. Jumaniyazov –  
PhD in Economical Sciences, Associate  
professor Department of Finance, TFI**

The emergence of sovereign wealth funds (SWFs) as global investors is one of the most significant financial developments of the past several decades. Two decades ago, SWFs held barely \$1 trillion in assets, but that has grown more than 11-fold to \$11.36 trillion at year-end 2022 (<https://globalswf.com>). The term ‘sovereign wealth fund’ was coined by Rozanov (2005) and SWFs entered mainstream Western news when they attempted to recapitalize much of the Western banking system immediately prior to the Global Financial Crisis of 2008–2010. Over the next dozen years, these funds expanded dramatically in number and aggregate size and emerged as true players in global institutional investing.<sup>1</sup>

An expansive definition of SWFs is provided by the Sovereign Investment Laboratory (Bortolotti, Fotak, & Megginson, 2015) as: “(1) an investment fund rather than an operating company; (2) that is wholly owned by a sovereign government, but organized separately from the central bank or finance ministry to protect it from excessive political influence; (3) that makes international and domestic investments in a variety of risky assets; (4) that is charged with seeking a commercial return; and (5) which is a wealth fund rather than a pension fund – meaning that the fund is not financed with contributions from pensioners and does not have a stream of liabilities committed to individual citizens.” SWFs, however, are far from homogeneous and ambiguities still remain. Some funds are organized and managed at the regional rather than the national level (Megginson & Malik, 2022). For example, the Alaska Permanent Fund was created in 1976 and is managed by a board of trustees appointed by the Alaska State Legislature. The Emirates Investment Authority is the only SWF at the federal level for the United Arab Emirates (UAE).

The precursor to modern SWFs is the commodity stabilization fund. Early growth in SWFs owes much to the reallocation of assets from stabilization funds and this trend continues today (Megginson & Malik, [2022](#)). For instance, the Pula SWF (Botswana) is the oldest SWF in Africa. It was created in 1994 from excess revenue from diamond exports. Subsequent SWFs were established in Nigeria, Libya, Algeria, Angola, and Ghana using excess revenue from hydrocarbon exports (Adonu, [2020](#)). From 2000 to the mid-2010s, 56 SWFs were created (Aguilera, Capapé, & Santiso, [2016](#)). SWF growth slowed during the economic downturn of the Global Financial Crisis, and the drop in oil prices in late 2014 further hurt growth, but the rebound in oil prices after 2016 reignited growth in SWF assets under management (AUM), and this continued until the COVID-19 pandemic froze global economic activity in 2020–2021. Oil-based SWFs are benefiting today from rising oil prices due to an especially sharp post-pandemic rebound in economic activity and the havoc wreaked on energy markets by Russia’s invasion of Ukraine.

The roles that SWFs take on are diverse. Besides investing abroad to earn commercial returns, some SWFs are created as macro-stabilization “rainy day funds”. In response to the financial crisis caused by the COVID-19 pandemic, several such funds were required to act as first-responders by their governments. López ([2022](#)) notes that a total of \$211.3 billion had been withdrawn from 33 funds across 27 countries during the first 2 years of the pandemic. Five out of the 33 funds had over 50% of their funds withdrawn and three funds were exhausted completely – Mexico’s FEIP, Colombia’s FAEP, and Peru’s FEF. SWFs also contributed \$57 billion to bailouts of domestic industries, of which \$19 billion was injected into airlines alone. Emergency damage mitigation behavior, however, is far from new. In 2009, the Mauritania government called upon its SWF to stimulate its domestic economy. Algeria has also drawn from its SWF to repay public debt (Adonu, [2020](#)). The economic downturn due to the COVID-19 pandemic is still playing out today and SWFs have also suffered investment losses. Bortolotti and Fotak ([2020](#)) estimate that during the height of the pandemic, SWFs lost approximately

16% of asset values and suffered paper losses of US \$800 billion. Like López ([2022](#)), these authors document the different roles that funds played during the pandemic – some entered the crisis with large liquid reserves and bought stakes in firms selling at a discount, whereas other funds were used by their governments to fill domestic budget gaps.

As of October 2023, 176 SWFs have US \$11.8 trillion in AUM, according to Global SWF. Boubaker, Boubakri, Grira, and Guizani ([2018](#)) estimate that SWFs grew at an average annual rate of 11% from 1999 to 2018. SWFs have continued to grow and seem certain to remain globally powerful and important investors for decades to come.<sup>2</sup> Global SWF estimates that the SWF industry grew by 6% in 2021. In this section, we first categorize SWFs by investment objectives and then discuss recent changes and trends in SWF asset allocation.

A concise method of categorizing SWFs is by their investment objective. We follow the Global SWF method of classification (Megginson et al., [2021](#)).

1. *Stabilization funds* also called rainy-day funds. Their purpose is to provide capital in the event of market shocks. Liquidity is important for these funds; therefore, 90% of their portfolios are allocated into public stocks and bonds.

2. *Savings funds* also called future generations funds. These funds are to ‘save’ for future generations. They can invest for the long term and 22% of their portfolios are allocated in private markets.

*Development* also called strategic funds. These funds invest to contribute to the development of their domestic economies. These SWFs share characteristics with development banks, but rely primarily on equity investments while development banks make loans to projects or firms.

Table [Table22](#) shows the distribution of investments in different asset classes for developed, developing, transition, and G7 nation funds. Developing nations are key players in the SWF ecosystem. For the years 2020–2022, a striking 71% of all public equity investments were made in developing countries. We define developing countries as in the World Economic Situation and Prospects (WESP) 2020. Developed countries take most of the investments in real estate, at 60% of the number of deals

made and 70% of the value of deals in 2020–2022. Private equity, a risky asset class, is more evenly distributed between developed and developing countries, though developed countries hold the majority of deals in both number and value, excluding domestic investments. For cross-border deals, capital flows more into developed nations but developing countries are also focusing on their own domestic private equity markets.

Adonu (2020) argues that SWFs can play a key role in propelling the African continent's digital transformation and thus its digital economy. Africa has financing gaps in two key areas: digital infrastructure and venture innovation. Although small compared to the SWFs of other regions, with 30 wealth funds and \$55 billion AUM (Global SWF, 2022), the author argues that African SWFs are still in a strong position to help develop the continent's digital economy. Africa's digital ecosystem is one of the fastest-growing markets in the world, and a 10% increase in broadband penetration will lead to a 2.5% increase in GDP per capita in sub-Saharan Africa (Gallegos, Park, Morales Elorriaga, Fukui, Kelly, Ryu, & Gelvanovska-Garcia, 2020). Adonu argues that direct financing, underwriting, or guaranteeing debts are all tasks that African SWFs are in positions to undertake. African SWFs can also establish joint ventures and partner with foreign investors to conduct venture investing and to attract foreign capital. SWFs can enhance the domicile country's reputation as well as offer support for developmental organizations such as the World Bank.

Overall, this paper offers a perspective about the developmental role that SWFs can play in a specific geographic context.

Gianfrate and Merlin (2016) study the selection of co-investment partners for SWFs. Their dataset of 55 funds includes public pension funds, and their paper uses the framework of social network analysis (SNA) to study the relationship and patterns among SWFs. In their sample, 69% of SWFs co-invested with at least one other SWF. The NBIM (Norwegian Government Pension Fund) is the most active co-investor, with co-investments in 32 firms. The authors create a network

Investment patterns of sovereign wealth funds

**All SWF investments - including domestic deals**

Asset class	Developed		Developing		Transition		Total		G7	
	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)
Public equities	26	8	71	92	3	0	100	100	21	7
Fixed income and treasuries	100	100	0	0	0	0	100	100	29	62
Hedge funds	100	100	0	0	0	0	100	100	100	100
Infrastructure	28	23	63	67	8	10	100	100	16	10
Private equity	55	57	44	42	1	1	100	100	48	48
Real estate	60	70	37	30	3	0	100	100	35	45

[Open in a separate window](#)

**Excluding domestic deals**

Asset class	Developed		Developing		Transition		Total		G7	
	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)	Number of deals (%)	Value (%)
Public equities	32	56	67	43	1	0	100	100	26	
Fixed income and treasuries	100	100	0	0	0	0	100	100	67	
Hedge funds	0	0	0	0	0	0	0	0	0	
Infrastructure	38	39	56	51	6	11	100	100	23	
Private equity	60	71	39	28	0	0	100	100	54	
Real estate	65	79	33	20	2	0	100	100	41	

graph linking the co-investments of their sample for the period 1980–2014 and find that, on average, each SWF has 3.22 co-investments. The authors find a positive likelihood of co-investing in industries such as transport, communication, finance, insurance, and real estate and a lower likelihood of co-investing in manufacturing industries. Co-investments exhibit a positive home bias, where SWFs come from the same country, and a

negative country affinity bias, proxied by the host and target nations' agreement on U.N. votes.

Carney (2021) empirically studies different types of SWFs. Using Sovereign Wealth Fund Institute (SWFI) data, the author constructs a large sample comprised of 10,488 investments made by 18 funds and SWF-majority owned subsidiaries from 16 countries into publicly traded target firms for the sample period 2013–2016. He compares the foreign exchange reserve funds to savings funds, and finds the latter own larger stakes than do foreign exchange reserve funds and the stakes are larger when both types of funds are headquartered in authoritarian countries. Additionally, he finds that short-term market reactions to savings funds are positive for the 1-, 3-, and 11-day event window whereas for foreign exchange reserve funds, reactions are positive for the 1-day, insignificant for 3-day, and negative for the 11-day windows. For long-term reactions, the author finds that if a savings fund from an authoritarian regime invests in a target firm, sales growth declines by 20% over the next 3 years compared to investments made by other SWF categories. Saving funds from authoritarian states also tend to be more activist.

### Conclusion

This review presents an overview of the many types of SWFs in existence today and describes their different investment behavior. Geopolitical and financial developments of a tectonic scale are changing the investing world, and SWFs have emerged as important global investors. Studying SWFs should increase our direct understanding of these investment vehicles but may also offer a unique perspective into how different economies around the world view their development in relation to global financial markets.

With that being said, the literature on SWFs can be extended in two main directions. First, more research can investigate the effect of SWF ownership on stakeholders beyond shareholders. Direct causal evidence, however, may be difficult to arrive at since SWFs tend to be passive investors and prefer screening rather instigating CG change. It may also be interesting to quantify empirically when SWF funded projects are likely to be allowed to go ahead by the target nation. Current literature on



this topic seems limited to case studies. To answer such a question, engagement with the legal literature may be necessary, as many target nations have enacted committees to screen foreign investment due to national security fears.

The COVID-19 pandemic has demonstrated that SWFs have been called to help the domestic economy in times of financial crisis. Beyond explicit bailouts by SWFs, what other benefits do funds hold for the domicile country? A second research direction is thus to analyze the impact of SWFs on their domestic economy as well as investments into emerging economies. SWFs have formed South–South partnerships and it will be interesting to see the role government organized investments can play in the economic development of other emerging economies. SWFs investments can perhaps be contrasted with developmental aid, since SWFs can play a major role in infrastructure. Supply chain and manufacturing issues during and after the pandemic have raised new concerns to diversify and increase resilience. In a 2021 survey by McKinsey, 93% of respondents said that they intended to make their supply chains far more flexible, agile, and resilient. SWFs have recently started investing more in infrastructure; extending our analysis 42% of total infrastructure deals before 2020 were done in developed countries and the rest in developing and transition economies. However, during and after 2020, only 28% of infrastructure deals were done in developed countries. While it is difficult to ascertain if these investments were made to diversify supply chains, without looking at each infrastructure investment in detail, the results provide some indication that SWFs may be using infrastructure investments to diversify their national supply chain from disruptions.

## **БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**

**Ортиқов Уйғун Давлатович**  
**ТМИ “Банк ҳисоби ва аудит кафедраси”**  
**доценти, и.ф.н.**

Республикаимиз тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқариш бўйича айрим муаммолар мавжуд уларни бартараф этишда хориж мамлакатларининг амалий тажриба ва кўникмаларини ўрганиб, уларнинг ижобий тажрибаларини амалиётда қўллаш ўзининг самарасини беради. Ҳозирга шиддат билан ривожланиб бораётган замонда, иқтисодий рақобат йўлида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири – ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олишидир. Бу вазифаларни бажариш юзасидан мамлакатимизда ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

МДХ мамлакатлари тижорат банклари молиявий ресурсларни шакллантириш бўйича ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, депозитларнинг асосий улуши талаб қилиб олингунча сафланадиган депозитлар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида, мазкур мамлакатлар тижорат банкларида трансформация билан боғлиқ рисклар доимий равишда долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, тижорат банклари мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳисобидан рискка тортилган активларни шакллантиради, яъни кредитлар беради ва инвестицияларга йўналтиради.

Россия банк тизимида, яъни тижорат банклари молиявий ресурслари таркибини кўриб чиқамиз ва таҳлил қиламиз.

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари аби, Россия банк тизими, яъни тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли ва жамғарма депозитларининг улуши ривожланган мамлакатларникига нисбатан пастроқ. Лекин, таъкидлаш лозимки, таҳлил объекти сифатида ўрганилаётган даврда Россия банкларининг ресурслари

таркибида муддатли ва жамғарма депозитларининг салмоғи ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2019–2023 йилларнинг 1 январь ҳолатига муддатли ва жамғарма депозитларнинг миқдори мос равишда Россияда 30,2–35,5 фоиз атрофида тебраниб турган.

**1-жадвал**

**Россия банк тизими жалб қилинган маблағларининг таркиби ва динамикаси<sup>117</sup>.**

(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

<b>Манбалар</b>	<b>2019й</b>	<b>2020й</b>	<b>2021й</b>	<b>2022й</b>	<b>2023й</b>
Муддатсиз депозитлар	24,5	26,3	23,5	19,5	23,5
Муддатли ва жамғарма депозитлар	30,2	32,4	34,6	32,9	35,4
Бозор инструментлари	6,9	6,8	5,6	6,0	5,4
Музлатилган депозитлар	0,4	0,7	0,9	0,0	0,1
Ҳалқаро мажбуриятлар	18,6	12,4	15,9	19,2	18,6
Ҳукуматнинг депозитлари	1,5	2,9	3,2	5,3	1,4
Нобанк муассасалардан кредитлар.	2,8	2,1	2,2	1,5	2,6
Банкларнинг капитали	11,2	12,3	12,6	11,6	12,3
Бошка пассивлар	3,9	4,1	1,5	4,0	0,7
<b>Жами:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Эътиборли жиҳати шундаки, Россия тижорат банклари капитали ривожланган банклар капитали миқдорига нисбатан анча юқори. Бизнинг назаримизда, бунинг сабаби, шу жумладан, республикада банкларнинг капитали даражасини юқори салмоққа эга эканлиги уларнинг капитали таркибига хорижий валютада киритилган маблағларнинг девальвацияси билан изоҳлаш мумкин.

Қуйида Қозоғистон банк тизимида молиявий ресурсларнинг манбалари ва динамикаси хусусидаги маълумотлар келтирилган.

<sup>117</sup> <https://data.imf.org/> - International Financial Statistics IMF. July 2022.

**Қозоғистон банк тизими жалб қилинган маблағларининг таркиби ва динамикаси<sup>118</sup>**

(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

<b>Манбалар</b>	<b>2019й.</b>	<b>2020й.</b>	<b>2021й.</b>	<b>2022й.</b>	<b>2023й.</b>
Муддатсиз депозитлар	22,3	21,3	18,6	16,3	15,1
Муддатли ва жамғарма депозитлар	29,3	31,43	34,6	33,6	35,6
Халқаро мажбуриятлар	27,3	23,9	24,9	29,6	26
Ҳукуматнинг депозитлари	1,3	0,67	0,5	0,8	1
Банклардан олинган кредитлар	2,3	5,6	3,9	3,6	5,6
Нобанк муассасалардан кредитлар.	2,3	3,2	2	2,9	2,8
Банкларнинг капитали	12,6	11,8	12,3	12,3	13,1
Бошқа пассивлар	2,6	2,1	3,2	0,9	0,8
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларига таяниб хулоса қиладиган бўлсак, Қозоғистон банк тизими умумлашган балансида пассив моддалар таркиби, маънбалари ва динамикаси келтирилган. Қозоғистон тижорат банклари ресурсларнинг асосий улуши муддатли ва жамғарма депозитлар, яъни узок муддатга сақланадиган депозитлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу манба таҳлил қилинган 2019-2023 йиллар 1 январь ҳолатига, мос равишда 29,3 ва 35,6 фоизни ташкил этган.

Эътиборли жиҳати, Қозоғистон банк тизими пассивлари таркибида хориждан жалб қилинган маблағлар ҳам сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллаб турибди. Албатта, бу бир

<sup>118</sup> <https://data.imf.org/> - International Financial Statistics IMF. July 2022.

жиҳатдан ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин, иккинчи жиҳатдан Қозоғистон тижорат банкларининг халқаро даражада юз бераётган гиёсий ва гиёктисодий жиҳатдан тебранишларга мойиллиги юқори бўлишига сабаб бўлади.

Қозоғистоннинг АЖ “Қозоғистон Халқ Банки” (Halyk Bank)нинг активлар ва пасивлар таркибини таҳлил қилишга қаратамиз. Мазкур банк Қозоғистон Республикасининг энг йирик универсал тижорат банки бўлиб, 99 йилдан ортиқ вақт давомида банк фаолиятини юриб келмоқда. Қуйидаги жадвалда ушбу банкнинг мажбуриятлари ва ўз маблағлари хусусида маълумотлар келтирилган.

Қуйидаги жадвал маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, АЖ “Қозоғистон Халқ Банки” (Halyk Bank)нинг молиявий маблағлари асосан унинг мижозлари ҳисобидан шаклланмоқда. Масалан, таҳлил этилаётган 2019-2023 йиллар 1 январь ҳолатига банкнинг мижозлардан жалб қилинган молиявий маблағлари ўртача 82,4 фоизни ташкил этган. Банкнинг яна бир эътиборга молик бўлган молиявий манбаси эмиссия қилинган қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Таҳлил этилаётган 2019-2020 йиллар 1 январь ҳолатига 10 фоиздан юқори бўлган бўлсада, кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Натижада, 2022-2023 йиллар 1 январь ҳолатига 5 фоиздан кам бўлган улушни ташкил этган.

АЖ “Қозоғистон Халқ Банки” (Halyk Bank)ининг балансини таҳлил қилиш натижасида яна бир эътиборимизни тортган жиҳати банкнинг ўз маблағлари, яъни устав капитали, эмиссия даромади ва тақсимланмаган фойдаси жами банк ресурслари таркибида 2019-2023 йиллар 1 январь ҳолатига 11 фоиздан юқори даражада бўлган. Ушбу маблағларнинг улуши 2023 йил 1 январга келганда 13,4 фоизни ташкил этган. Бизнинг назаримизда, ушбу даража сезиларли даражада юқори бўлиб, банкнинг кутилмаганда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий бўҳронлар ва муаммоли вазиятларда мамлакат молия-банк хизматлари бозорида ўзининг ўрнини сақлаб қолиш имокнини беради.

**Қозоғистоннинг АЖ “Қозоғистон Халқ Банки” (Halyk Bank)нинг 2019-2023 йиллар активлар ва пасивлар таркиби<sup>119</sup>.**  
(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

<b>Баланс моддалари</b>	<b>2019й.</b>	<b>2020й.</b>	<b>2021й.</b>	<b>2022й.</b>	<b>2023й.</b>
<b><i>Мажбуриятлар</i></b>					
Мижозларнинг маблағлари	82,7	80,8	83,8	80,6	84,6
Банкларнинг маблағлари	2,1	3,9	3,4	10,2	7,1
Молиявий мажбуриятларнинг фойда ёки зарар нуқтаи назардан ҳақиқий қиймати	0,1	0,3	0,0	0,0	0,1
Эмиссия қилинган қарз мажбуриятлари	11,4	10,5	8,7	4,8	3,7
Жорий солиқ мажбуриятлари	0,0	0,1	0,0	0,1	0,1
Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	0,8	0,6	0,6	0,5	0,4
Захиралар	0,0	0,0	0,1	0,1	0,1
Суғурта мажбуриятлари	2,3	2,8	2,2	2,3	2,4
Бошқа мажбуриятлар	0,5	1,0	1,2	1,5	1,5
<b><i>Жами мажбурият</i></b>	<b><i>88,1</i></b>	<b><i>85,8</i></b>	<b><i>85,6</i></b>	<b><i>87,0</i></b>	<b><i>86,6</i></b>
Устав капитали	2,3	2,3	2,0	1,7	1,5
Эмиссион даромад	0,2	0,3	0,4	0,6	0,4
Сотиб олинган акциялар	-1,2	-1,2	-1,1	-2,1	-1,8
Тақсимланмаган фойда	10,8	13,1	13,4	13,4	13,7
<b><i>Жами ўз маблағлари</i></b>	<b><i>11,9</i></b>	<b><i>14,2</i></b>	<b><i>14,4</i></b>	<b><i>13,0</i></b>	<b><i>13,4</i></b>
<b>Жами пасивлар</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

<sup>119</sup> <https://halykbank.kz/> веб саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хулоса қилиб айтганда, банк активлари ликвидлилиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакат банк тизимининг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончлилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Биринчидан, тижорат банклари кредит портфелининг ҳажми асосан хорижий валюталар ҳисобига ортиб бормоқда, халқаро банклардан ресурсларни жалб қилиш амалиёти ижобий ҳолатда, шунингдек банк кредитларининг ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан пастлигича қолмоқда.

Иккинчидан, муомаладаги нақд пулларнинг ҳажмига нисбатан банк депозитларининг ҳажми пасайиш тенденциясига эга.

Учинчидан, қаттиқ пул–кредит сиёсати асосида инфляция даражасининг пасайишига эришлганлигига қарамасдан, унинг реал даражаси юқориликча қолмоқда, бу ўз навбатида миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти пасайишига олиб келмоқда.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳолатларнинг ижобий ечимини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ:

тижорат банкларининг халқаро рейтинг даражасини кўтариб, халқаро банк кредитларини жалб этиш ва маҳаллий банкларда хорижий банкларнинг Востро вакиллик ҳисобварақаларини очиш орқали кўшимча молиявий ресурсларининг миқдорини ошириш лозим;

монетизация коэффициентини ҳисоблашда ЯИМнинг реал кўрсаткичларига таяниш ва банкдан ташқари айланмаларнинг тўлиқ ҳисобини олишга эришиш лозим;

аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш орқали, банкдан ташқари айланмаларни муддатли депозитларга жалб этиб, миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш ва ЯИМга нисбатан кредитлар ҳажмининг ортишига эришиш лозим.

Россиядаги тижорат банклари ўз мажбуриятларини, масалан, мижозларни ечиб олиш ва тўлов мажбуриятларини бажариш учун этарли маблағга эга бўлишини таъминлаш учун ўзларининг

ликвидлигини эҳтиёткорлик билан бошқаришлари керак. Россия Марказий банки (МБ) ликвидликка маълум талабларни қўяди ва керак бўлганда банкларга ликвидликни қўллаб-қувватлайди. Банклар, шунингдек, пруденциал меъёрларга риоя қилиш ва барқарор молиялаштириш базасини сақлаб қолиш учун ўз ликвидлигини бошқариши керак.

Россия банклари ўзларининг хавф-хатарли активларини қўллаб-қувватлаш учун капитал етарлилигининг минимал даражасини сақлаб қолишлари шарт. Россия Марказий банк тижорат банкларининг йўқотишларни олдини олиш учун етарли капиталга эга бўлишини талаб этади, бунда асосий эътибор Базел III бўйича капиталнинг етарлилик кўрсаткичларини талаб қилади. Банклар ушбу талабларни қондириш ва ўсиш режаларини қўллаб-қувватлаш учун ўзларининг капитал тузилмаларини самарали бошқаришлари керак.

Россиядаги банклар ўзларининг активлари ва мажбуриятларини мувозанатлаш ва фоиз ставкалари рискларини бошқариш учун актив-пассив бошқаруви билан шуғулланадилар. Улар ўз активлари ўз мажбуриятларини қоплаш ва рентабелликни сақлаб қолиш учун етарли даромад келтиришини таъминлаши керак. Бундан ташқари, улар ликвидлик хатарларини минималлаштириш учун ўз активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги муддатлардаги номувофиқликни бошқаришлари керак.

Россия тижорат банклари учун кредит рискинни бошқариш жуда муҳимдир. Бу қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, тегишли рискларни бошқариш сиёсати ва тартибларини ўрнатиш, кредит портфеллари сифатини мониторинг қилишни ўз ичига олади. Россия тижорат банклари Россия Марказий банки томонидан кредитларни таснифлаш, захираларни яратиш ва рискларни бошқариш амалиёти бўйича ўрнатилган қоидаларга риоя қилишлари керак.



## ИНСТИТУЦИОНАЛ ЭМУЛЯЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

**Р.А.Каландаров ТМИ доценти**

Дунё мамлакатларининг институционал ўзгариши асосан мамлакат иқтисодий ўсиши ва реал секторни фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш билан кечади. Ривожланиш даражасидан қатъий назар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этиш ҳозирги беқарор иқтисодий шароитда аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида институционал ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири бўйича тадқиқотлар турли мамлакатларда олиб борилмоқда, уларга биноан мазкур ўзгаришлар асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчи йўналиш сиёсий муҳитдаги институционал ўзгаришларни баҳолаш. Бунда мамлакатдаги сиёсий муҳит барқарорлиги ҳамда бизнес билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш, давлатнинг функцияларининг ўзгариши ва давлат хизматлари сифатини ошириш тадқиқ этилади. Иккинчи йўналиш норматив муҳитнинг ўзгаришини баҳолашга оид тадқиқотларни ўз ичига олади. Ушбу тадқиқотларнинг тадқиқот объекти бўлиб реал сектор корхоналари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий қонунчилик базасининг такомиллашуви хизмат қилади. Учинчи йўналиш тадқиқотчилари ишбилармонлик муҳитидаги ўзгаришларни таҳлил қилади. Ушбу йўналишда бизнесни ташкил этишни соддалаштириш йўллари, кредит бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш каби муаммолар тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади. Аммо реал сектор ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини оширишга бағишланган тадқиқотлар кенг миқёсда ўтказилмаган бўлиб, миллий иқтисодиётни янги сифат босқичига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида

ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда реал секторни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегиясида “иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш”<sup>120</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш ҳамда институционал ислохотларни амалга ошириш зарурияти иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарблигини белгилаб беради.

Хорижий мамлакатлар бу борада етарли тажрибага эга, бизнингча ушбу тажрибани миллий жиҳатларини ҳисобга олган Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторида амалга оширилаётган ўзгаришларда фойдаланиш ўринлидир. Мамлакатимизни бу борадаги вазифаси – қисқа муддатда иқтисодий ривожланишнинг ижобий натижаларини барқарорлаштириш, узоқ муддатда динамик мувозанатли ривожланишни таъминлайдиган механизмларни аниқлаш ва фойдаланишдир. Тадқиқотимиз натижасида “институционал эмуляция” категорияси ишлаб чиқилди. Ривожланган мамлакатларда амалга оширилган институционал ўзгаришлар атрофлича ўрганилиш натижасида миллий манфаатлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда институционал ўзгаришлардан нусха олинади ҳамда миллий иқтисодиётга қўлланилади. Амалга оширилган институционал ўзгаришлар

---

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>

ўзлаштирилган моделлар билан бирдай ёки ундан юқори натижа берса институционал эмуляция амалга ошади.

Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларидаги институционал ўзгаришлар реал сектор корхоналари учун қўлай ишбилармонлик муҳит яратилишига қаратилмоқда. Ўзбекистонда давлат мулкани инвестиция киритиш ва бандликни таъминлаш шартлари билан 0 қийматда тадбиркорлик субъектларига бериш амалиёти қўлланилмоқда. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятини назорат қилиш ва тартибларни белгилашнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Бу тизимни ишлаб чиқишда институционал эмуляцияни амалга оширишига эришилди. Унинг ёрдами билан бозор иқтисодиёти тамойилларига зид бўлмаган чора-тадбирлар, масалан, нархлар даражаси, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва банк секторида назоратнинг қисқартирилиш, тадбиркорлик, савдо муносабатларини ривожлантиришни ҳаддан ташқари тартибга солишлардан ҳоли бўлиш амалга оширилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш жараёнида тўсиқ бўлган бюрократик омилларни олиб ташлаш ва янги институтларни жорий этилиши билан кечмоқда. Жумладан, мамлакатимизда “Маъмурий ислохотлар Концепцияси”<sup>121</sup> тасдиқланди, янги “Солиқ Кодекси”<sup>122</sup> қабул қилинди, “Инновацион ривожланиш Вазирлиги”<sup>123</sup> ва “Давлат хизматлари Агентлиги”<sup>124</sup> ташкил этилди, “Таълим ва илм-фан

---

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/3331174>

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/4674902>

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигин ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/3431985>

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ-3430-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори <https://lex.uz/docs/3454989>

соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари”<sup>125</sup> тасдиқланди.

Давлат хизматлари Агентлиги институтининг жорий этилиши ва унинг ҳар бир туман марказларида ташкил этилган марказлари томонидан 200 дан ортиқ хизмат турларининг кўрсатилиши шубҳасиз ўз ижобий натижаларини бермоқда. Ушбу институтнинг жорий этилиши хорижий тажрибаларга асосланганлиги ва унинг юқори самарали фаолияти, шубҳасиз, институционал эмуляция сифатида баҳоланади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига таяниб айтиш мумкинки, реал секторда юқори суръатли ва барқарор иқтисодий ўсишни асосини ташкил қилувчи институционал ўзгаришлар моделлари замонавий бошқарув ва иқтисодий сиёсат йўналишини мужассамлаштирган моделлардир. Бу моделларни қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

- либерал модел. Бу моделни АҚШ мисолида таҳлил этамиз;
- ижтимоий-либерал (неолиберал) модел. Ушбу моделнинг моҳиятини Германия мисолида ўрганамиз;
- социалистик бозор иқтисодиёти модели. Бу моделнинг моҳияти Хитой мисолида очиб берилди;
- ижтимоий-демократик модел. Ушбу модел ўзида швед ва бошқа давлатлар иқтисодиётида хусусиятларни жамлаган<sup>126</sup>.

Кўпгина ривожланган давлатлар реал секторининг ўзгаришидаги умумий жиҳатлари шундаки, уларда саноатлаштириш табиий равишда содир бўлган ва бу уларнинг эволюцион

---

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/4545884>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/5073447>

<sup>126</sup> Турли мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати ва трансформация жараёнлари таҳлил қилишда қуйидаги материаллардан фойдаланилди: Карпунина Е.К. Зарубежный опыт модернизации экономической политики в условиях постиндустриальной трансформации. Всемирная история модернизации. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-modernizatsii-ekonomicheskoy-politiki-v-usloviyah-postindustrialnoy-transformatsii/viewer>; Иноземцев В.Л. Пределы «догоняющего» развития. - М.: ЗАО «Издательство «Экономика»», 2000; Иноземцев В. и др. Социально-экономические модели в современном мире и путь России. - М.: Экономика, 2005; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы. Смоленск: Ойкумена, 2005, ва бошқалар.

ривожланиш жараёнига узвий равишда кириб кетган. Бу давлатлар бошқа давлатлар тажрибасидан нусха олиш эмас, балки ўз имкониятларига, ўз ички бозорларини ривожлантиришга таянган. М.Портернинг сўзларига кўра, “янги товарлар мамлакат ичида ўз харидорини топган бир пайтда йирик ишлаб чиқарувчиларнинг бирлашиши бошланади, бу жараён автоматик равишда янада кучаяди, чунки мамлакатда бирлаштиришнинг ядроси бўлган йирик, замонавий ва кучли компаниялар вужудга келади”<sup>127</sup>.

Либерал АҚШ, социалистик бозор иқтисодиётига асосланган Хитой ва ижтимоий йўналтирилган Европа моделларини таққослаш куйидаги хулосага олиб келди:

- ижтимоий йўналтирилган Европа модели маълум бир қарама-қаршилиқлар эга бўлиб, қарамлик, ортиқча истеъмол қилиш, иқтисодий тизимнинг беқарорлиги билан намоён бўлмоқда;

- социалистик бозор иқтисодиётига асосланган Хитой ғарб ва шарқ институтларининг самарали бирлашуви билан асосланади;

- либерал АҚШ модели инновацион асосда ривожлантириш моделидир. Юқорида ўрганилган барча моделлар инсон ривожланиши учун шароит яратиб, ҳаёт даражаси ва сифатини оширди.

## **ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ЮҚОРИ САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Божхона институти курсанти**

**Каландаров Рустам Равшан ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармонида асосан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинган. Унда Республикада кейинги 5 йилда барча соҳаларда олиб борилиши лозим бўлган ислохотларни 100 та мақсадни ўзида

---

<sup>127</sup> Porter M. E. Towards a Dynamic Theory of Strategy // Strategic Management Journal. 1991. № 12.

жамлаган “йўл харитаси” келтирилган. 70-мақсадда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга доир қуйидаги баъзи вазифалар кўрсатиб ўтилган:

- Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

- Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

- Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш; [1]

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнидан ҳеч оғишмаган ҳолда бугунги кунда Божхона органлари учун юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасида соҳада тизимли ислохотлар, янгиланишлар амалга оширилиб, кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Дунё иқтисодиётининг глобаллашуви ва давлатлараро интеграциянинг тезлашиши юз бераётган бугунги шиддатли замон миллий божхона органлари ходимлари олдига нафақат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, балки ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш мақсадида унинг иштирокчиларига қулай шароитларни яратиш ва жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан самарали тартибга солиш каби муҳим вазифаларни юклайди. [2]

Божхона институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 229-сон қарори асосида Божхона коллежи ҳамда Солиқ ва божхона органлари академиясининг “Божхона иши” факультети негизида ташкил этилган.

Дастлаб, мазкур институт Олий ҳарбий божхона институти номи билан фаолият юритиб, “Божхона иши” ва “Божхона ҳуқуқи”

йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, божхона органларида хизмат қилаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3995-сон қарорига мувофиқ, Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти этиб қайта ташкил этилган ва божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса сифатида белгиланган.

Божхона институтининг асосий миссияси халқаро-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш мақсадида божхона органлари учун замонавий билим ва кўникмаларга эга ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда соҳани ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот изланишларини олиб боришдан иборатдир. [3]

Мутахассислик соҳасидан билим ва малака билан биргаликда хорижий тиллардан бирини мукаммал билиш, касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасига ҳамда метин ва букилмас иродага эга бўлиш замонавий божхоначи учун зарур бўлган муҳим компетенциялар сирасига киради.

Шу боис, курсант ва тингловчиларнинг психологик бардошлилигини ошириш ва хорижий тилларни ўрганишни замонавий тизимини жорий этиш мақсадида Психологик тайёргарликни ривожлантириш маркази фаолият юритади.

Институт ўқув жараёнида ахборот коммуникация-технологияларидан фойдаланиш ҳамда самарали бошқарув тизимини жорий этиш бўйича ишлаб чиқиладиган Комплекс чора-

тадбирлар дастурида тренажер-имитацион комплекслар ва мослашувчан автоматлаштирилган тренажерларни жорий этиш ҳисобига курсантларни назарий ва амалий тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш, ўқув видеофильмлари ва электрон ўқув модуллари ҳисобига таълим ресурслари базасини шакллантириш, профессор-ўқитувчилар ва курсантларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, институтда Ахборот ресурс марказини “Электрон таълим” миллий тармоғига беғараз асосда уланиши, шунингдек Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларидан узлуксиз фойдаланиш учун имкониятлар яратилади.

Шиддат билан ўзгариб бораётган иқтисодий-ҳуқуқий воқелик замонавий педагогдан доимий равишда ўз устида ишлашини, амалиёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлишини талаб этади. Зеро, малакали ўқитувчигина юқори таълим сифатини таъминлай олади. Айнан шу туфайли профессор-ўқитувчилар таркиби юқори даражадаги касбий ва педагогик маҳоратга, шу жумладан божхона органларида амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан мустаҳкамланади, мутахассислик фанлари ўқитувчиларини бевосита божхона органларида муддати бир йилгача бўлган мақсадли ротация қилиш амалга оширилади.

Институт божхона органлари тизимида хизматни олиб бораётган ходимларни юксак касбий маҳоратини ошириш, божхона фаолиятининг тегишли соҳаларида бошқарув кўникмасини ривожлантириш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради. Қарор билан божхона органлари раҳбар кадрларини тайёрлаш учун ўқиш муддати 3 ойдан иборат бўлган “Божхона менежменти” олий курслари жорий этилганлиги бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Соҳа бўйича курсантларда чуқур билимларни шакллантириш тизимини ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усуллари,



педагогик технологияларга асосланган ўқув-услугий таъминотсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда институтда ўқитиладиган фанлар ва предметлар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, республикада соҳа бўйича ягона таълим ва илмий-методик муассасса сифатида институтда божхона назоратини такомиллаштиришга доир мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар амалга оширилади ҳамда илмий ишланмаларнинг натижалари ўқув жараёнига ва божхона амалиётига жорий этилиши таъминланади.

Божхона ишининг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, натижаларини чоп этиш учун Институт ҳузурида “Ўзбекистон божхона ахборотномаси” даврий илмий журнали фаолият юритади.

Бугунги кунда курсантлар учун тасдиқланган режалар асосида ўқув жараёнлари, практикum ва касбий машғулотлар, ўқув семестрлари яқунланганидан сўнг эса доимий яшаш ҳудудларидаги Божхона бошқармалари томонидан қабул улинган буйруқ асосида амалиёт машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Курсантлар бу каби машғулотлар давомида ўзларининг илмий салоҳиятларини оширган ҳолда амалий кўникмаларини ривожлантириб келмоқда. Дарслар давомида ўрганган билимларини бевосита амалиёт орқали янада мустаҳкамлаган ҳолда назариядан амалиётга татбиқ қилишмоқда.

Ушбу мақола орқали амалиёт машғулотларини ўқув жараёнлари билан бевосита боғланган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги юзасидан бир нечта таклифлар берилиши назарда тутилган. Жумладан:

➤ ўқув жараёнларини 6 кунлик ўқув ҳафтасидан 5 кунлик ўқув ҳафтасига ўтказиш. Бунда ҳар ҳафтанинг шанба куни курсантлар учун амалиёт машғулотларининг ташкил этилиши. Амалиёт

машғулотлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги тегишли равишда белгиланган постларда ўтказилиши;

➤ институт ҳудудида мавжуд бўлган, курсантлар учун амалий машғулотлар ўтказишга мўлжалланган темир йўл вағони ва унга ёндош ҳудудда ўзида бир вақтнинг ўзида чегара-божхона постлари ва ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда ТИФ) божхона постларининг хусусиятларини жамлаган пост прототипини яратиш;

➤ курсантлар амалий машғулотлар давомида берилган вазифаларини олдинги бандда ташкил этилиши таклиф этилган пост прототипида бажаришларини назорат қилиш ва бу жараёнларга чегара ва ТИФ постларидан ходимларни таклиф этиш;

➤ бажарилган вазифалар, уларнинг баҳоланиши, асосий самарадорлик кўрсаткичлари юзасидан курсантлар рейтингини ташкил этилиши. Рейтингни доимий юритилишини таъминланиши. Рейтинги юқори бўлган курсантларни Божхона органларининг тегишли норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда эътироф этилиши ва тақдирланиши.

Давлатнинг иқтисодий манфаатларини ўз ваколатларида ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш божхона хизмати органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш – контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш, ноқонуний валюта операцияларининг олдини олиш, божхона тўловларини ўз вақтида ва тўғри ундириш орқали давлат бюджетни тўлдириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Божхона органларига юқори интеллектуал салоҳият ва амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш вазифасини бир неча йиллардан буён самарали амалга ошириб келаётган Божхона институтида ҳам давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатдан оғишмаган ҳолда ислохотларни амалга ошириш орқали замонавий талабларга жавоб берадиган, хар томонлама етук кадрлар – божхона ходимларининг шаклланишида юқори аҳамият касб этади.

## **АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА МУҲИМЛИКНИ ҲИСОБЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**ТМИ А-1/23 гуруҳ магистри  
Дўсмуронова Хумора Эркин қизи**

**Илмий раҳбар: Абдураимова Мафтунахон Ахматовна**

Ҳозирги даврда аудиторларга иш натижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттириладиган турли иқтисодий субъектларни фаолиятини баҳолаш усуллари янгича, замонавий ёндашувлар жуда зарур. Демак, ушбу илмий-амалий муаммолар юзасидан аудиторлик фаолиятининг сифатини яхшилаш, уни ташкил этиш ва ҳар томонлама таъминлаш борасида қатъий бурилиш ясаш лозим.

Аудиторлик фаолияти далолат вазифасини бажаришда, яъни молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлигини баҳолашда, уларнинг тўғрилигини текшириб чиқишда жиддий муаммолар юз бермоқда. Ҳар бир иқтисодий субъектда тегишли мутахассислар томонидан барпо этиладиган бухгалтерия ҳисоби тизими нисбатан арзон бўлиши ҳамда молия-хўжалик операциялари ва иқтисодий воқеалар ҳисобда ўз вақтида, тўғри акс этиши кафолатланиши лозим. Бу тамойиллар ва қоидалар бухгалтерия ахбороти тўғри шаклланишига баҳо беришга мезон бўлгани учун ҳар қандай аудитор уларни баҳолай олишлари даркор.

Аудитда муҳимлик қоидаси кўп масалаларни ҳал қилиш учун пойдевор, ўзига хос кафолатдир. Бу қоида аудит босқичлари ўртасида, аудиторлик амаллари ҳажми ва мазмуни ўртасида, тўпланган аудиторлик далилларини баҳолаш қоидалари ва аудиторлик хулосасининг шакли ўртасида мантиқий изчиликни шакллантиради. Муҳимлик йўл қўйиш мумкин бўлган хато ҳажмини ва оқибатда аудиторлик хулосасини тузиш шаклини белгилайди.

Бизнингча, аудитда муҳимликнинг долзарблиги ва аҳамияти бир неча сабаб билан изоҳланади:

1. Муҳимлик қоидаси арзимайдиган нарсаларни эътиборга олмасликка йўл қўяди, бироқ барча муҳим ахборотларни тўла очиб

берилиши лозимлигини белгилайди;

2. Муҳимлик қондаси бухгалтерия ҳисоби қийматининг баланс таркиби миқдориغا, молиявий натижаларга таъсирини аниқлаш имконини беради, демак аудиторлик амаллари ёрдамида активлар ва пассивлар миқдориغا ҳамда молиявий натижаларга катта таъсир қиладиган бухгалтерия операциялари тадқиқ этилади;

3. Бу энг муҳими, муҳимлик қондаси фойдаланувчилар учун барча муҳим ахборотни кўрсатишни талаб қилади. Бу талаб барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботни тақдим этиш тўғрисидаги аудиторлик хулосасини шакллантиришга ҳам тегишлидир. Бунда, молиявий ҳисобот каби аудиторлик хулосаси ҳам кўп сонли фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар ҳисоботдаги ахборотлар асосида мутлақо аниқ иқтисодий қарорлар қабул қиладилар. Акциядорлик жамияти раҳбарияти, акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ташкилотлари ахборотдан фойдаланувчилар қаторига киради. Фойдаланувчиларнинг ҳар бирининг ўз манфаатлари бор, улар бухгалтерия ҳисобида нима муҳимлигини ўз манфаатларига асосланиб белгилайдилар. Аудитда муҳимликни баҳолаш масаласи аввало молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта кўрсаткичини ўз ичига олган аниқ бир базани ва муҳимликнинг миқдорий мезонини - хатонинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдорий ҳисоблаш усулини танлаб олишдан иборат. Баъзи аудиторларнинг фикрича, муҳимликнинг аниқ миқдорий баҳоси зарур, бошқалар эса, аксинча, қатъий баҳолашдан қочишади. Баъзи аудиторлар муҳимликни баҳолаш чоғида ахборотнинг фақат миқдорий томонигина эмас, балки мижоз, фаолиятининг тури (ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ хўжалиги воситачилик фаолияти ва бошқалар) бозордаги мавқеининг барқарорлиги, молиявий аҳволи каби сифат томонини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблашади. Масалан, бирор миқдордаги пул ялпи фойда ҳажмига нисбатан муҳим бўлмаслиги, лекин, ривожланиш тамойилларини аниқлаш чоғида аҳамиятли бўлиши мумкин. Муҳимликни қўлланиш учун ҳар бир алоҳида синтетик ва аналитик счётлар бўйича йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори

миқдори тушунчасидан фойдаланилади. Аудитор йўл қўйиш мумкин бўлган хатони режалаштирилаётган муҳимликдан пастрок белгилаб, алоҳида счётлар бўйича тафовутлар (аниқланган ва аниқланмаган) миқдори муҳимлик даражасидан ошиб кетиши эҳтимолини камайтиради. Ҳар бир аниқ счётни текшириш дастурини ишлаб чиқишда ва энг аввало танлов ҳажми белгилашда йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг ҳажми ҳисобга олинади. Одатда йўл қўйиш мумкин бўлган хато режалаштирилаётган муҳимликнинг 50-70 % даражасида белгиланади. Бироқ йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори даражаси жуда кам бўлмаслиги лозим, чунки бу аудиторлик амаллари ҳажмини асоссиз кўпайтиришга олиб келиши мумкин. Аудитда муҳимлик даражасини аниқлашга бухгалтерия ахборотининг миқдорий ва сифат омиллари таъсир қилади. Бунда бир ҳолатда хатонинг сифат жиҳатидан арзимаган миқдори ҳам миқдор жиҳатидан (муҳимликнинг белгиланган даражаси доирасида) муҳим бўлмаслиги, лекин корxonанинг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир қилиши ҳамда банкнинг молиявий барқарорлигига, обрўсига салбий оқибат келтириши мумкин. Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади. Аудит натижаларини умумлаштириш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
2. аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
3. аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
4. фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
5. бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
6. ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;

7. текширув натижалари бўйича аудиторнинг миждоз-корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;

8. аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш<sup>128</sup>.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, текшириладиган объектни белгилашда акциядорлик жамиятлари даромади ва харажатини таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, даромад учун белгиланган муҳимлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Режалаштириш босқичида таҳлилий жараёнларни қўллаш акциядорлик жамиятлари фаолияти ва унинг ҳисоботида ўзига хос бўлмаган ҳолатни аниқлаш имконини беради. Масалан, ҳисобот даврида миждоз томонидан тайёрланган ҳисобот маълумотлари билан аудиторлик далиллар асосида тўпланган маълумотлар ўртасидаги жиддий тафовут бухгалтерия ҳисоби ва акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботидаги хато ҳамда камчиликлар тўғрисида далолат бериши мумкин. Аудитор уларни юзага келтирган сабабларни ва бу нормал иқтисодий ҳолатлар таъсири натижасими ёки бошқа ҳолатлар таъсири бўлганми ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилади. Таҳлил натижалари эса миждоз фаолияти хусусиятлари, даромадини шакллантириш манбалари, асосий даромад манбалари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижалари ҳажми ҳамда

---

<sup>128</sup> Аудит. Ўқув қўлланма /Тўлаҳўжаева М.М., Жўраев Т.И., Гулямова Ф.Г. ларнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2009. 1-том 178 б. Б.102-104

ўзгариш суръатига таъсир қилган омилларни аниқлаш имконини беради.

## **DAVLAT ISHTIRKIDAGI AKSIYADORLIK JAMIYATLARI MOLIYAVIY MUNOSABATLARINING AYRIM JIHATLARI**

**X.R.Ahmedov**  
**TFI, PhD., dotsent**

Mamlakatimizda soʻnggi yillarda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarda aksiyadorlik jamiyatlarining ustav kapitalidagi davlat ulushi va aktivlarini xususiy investorlarga sotish hisobidan respublika iqtisodiyotida xususiy mulkning darajasi va rolini tubdan oshirish, ular faoliyatiga xorijiy investitsiyalarni jalb etishni kengaytirish, xususiylashtirish jarayonlarini chuqurlashtirishga katta eʼtibor qaratilmoqda. Bu oʻz navbatida aksiyadorlik jamiyatlarida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash hamda ularning ichki va tashqi bozorlarda raqobatdoshligini oshirishga zamin yaratadi.

Bugungi kunda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarda davlat va korporativ tuzilmalar oʻrtasidagi oʻzaro munosabatlar alohida eʼtibor qaratilgan holda, investitsion munosabatlar muhim oʻrin egallaydi. Bugungi kunda davlat tomonidan mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan korporativ tuzilmalarning mahalliy va xalqaro bozorlarda samarali faoliyat yurita oladigan darajaga chiqishlari uchun investitsion faoliyat muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham hukumatimiz tomonidan davlat va korporativ tuzilmalar hamkorligidagi investitsion faoliyatning huquqiy asoslarini yaratish va mustahkamlashga katta eʼtibor qaratilmoqda.

Mamlakatimiz iqtisodiyotiga toʻgʻridan-toʻgʻri xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini tubdan oshirish, boʻljak investorlar uchun ularning ochiqqligi va jozibadorligini taʼminlash, zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy qilish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlar rolini kuchaytirish uchun qulay sharoitlar yaratish maqsadida qabul qilinib, hozirgi kunda aksiyadorlik jamiyatlari va davlat oʻrtasidagi oʻzaro

munosabatlarda tub burilishlarni yuzaga kelishiga hamda ular orasidagi investitsion munosabatlarni samarali tashkil etilishi bo'yicha huquqiy asoslarning mustahkamlanishiga sabab bo'lmoqda.

Bugungi kunda davlat tomonidan aksiyadorlik jamiyatlarida xorijiy tajribalarni chuqur tahlil qilgan holda resurslardan samarali foydalanish, chet el kapitali ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarini tashkil etish va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, aksiyadorlik jamiyatlariga mahalliy va xalqaro bozorlarda samarali faoliyatni tashkil qila oladigan yuqori malakali menejerlarni jalb qilish, korporativ boshqaruv strukturasi tubdan isloh qilish kabilarga katta e'tibor berilayotganligini ko'rishimiz mumkin.

Aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy investor va menejerlarni keng jalb etish, korporativ boshqaruvda, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlashda, sifatli, raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishni tashkil etish hamda uni tashqi bozorlarga olib chiqishda ularning faol ishtirok etishlari uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, shuningdek aksiyadorlik jamiyatlarining ustav kapitallarida davlat aktivlari va ulushlarini qisqartirish hisobidan iqtisodiyotda davlatning ishtirokini tubdan kamaytirish maqsadida islohotlar olib borilmoqda.

Shuni ta'kidlash lozimki, bugungi kunda mamlakatimizda aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini samarali tashkil etish hamda ularning mahalliy va xalqaro bozorlarda samarali faoliyat yurita oladigan aksiyadorlik jamiyatlarini tashkil etishga davlat tomonidan katta e'tibor qaratilmoqda. Buning natijasida bugungi kunda mamlakatimizda aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruvni tashkil etishga erishilmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda quyidagilarni xulosa sifatida keltirishimiz mumkin:

– aksiyadorlik jamiyatlari ustav kapitalida xorijiy investorlarning ulushini oshirish aksiyadorlik jamiyatlarining mahalliy va xalqaro moliya bozorlarida amalga oshiradigan operatsiyalarining samaradorligi ta'minlanishiga zamin yaratadi;

– xorijiy investitsiyalar ishtirokida tashkil etiladigan aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruvni tashkil etish uchun



sharoit yaratiladi va korporativ boshqaruv qarorlarining samaradorligi ta'minlanadi;

- davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlaridagi o'rtacha ustav kapitali miqdori davlat ishtiroki mavjud bo'lmagan aksiyadorlik jamiyatlaridagi o'rtacha ustav kapitali miqdoriga qaraganda ortiqqligini ko'rishimiz mumkin. Shuning uchun davlat ishtiroki mavjud bo'lmagan aksiyadorlik jamiyatlari ustav kapitali oshishini davlat tomonidan rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlash maqsadga muvofiqdir;

- ustav kapitalida xo'jalik boshqaruv organlarining ishtiroki mavjud bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlarida davlatning ulushi bo'lmasa ham ulardagi korporativ boshqaruv faoliyatiga davlat ta'sir ko'rsatishi mumkin. Chunki, bunday aksiyadorlik jamiyatlari ustav kapitaliga davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlari ulush kiritgan. Xo'jalik boshqaruv organlari faoliyatini rivojlantirish va ular boshqaruvida aksiyadorlik jamiyatlarini oshirish iqtisodiyotga davlat bevosita ishtiragini nisbatan kamaytiradi. Shuning uchun bugungi kunda davlat ulushining xo'jalik boshqaruv organlariga taqdim etilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

## **КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Авазов Илхом Равшанович**

**ТМИ “Аудит” кафедраси доценти**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларини халқаро стандарт талабларига мослаштириш кўп муаммоларга дуч келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини халқаро стандартларга мувофиқ мослаштиришнинг назарий ва услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектларда миллий ва халқаро стандартга мувофиқ параллел ҳисобни юритиши ёки халқаро стандартларга мос равишда ҳисоботларни ўзгартириши керак.

Компаниянинг консолидациялашган ҳисоб-китобларини шакллантириш учун консолидация қилинган молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тузилган бўлиб, уларнинг тузилиши ўрганилиб, уларнинг таркибида турли консолидация усулларидан фойдаланишга боғлиқ ҳолда консолидациялашган ҳисоб-китоблар шакллантирилди.

Иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хорижий инвесторларнинг стратегик қарор қабул қилиши кўп жиҳатдан молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва уларга берилган ҳолисона баҳога боғлиқ бўлади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида бир-бири балан боғлиқ бўлган гуруҳларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини тузиш учун консолидациялашган бухгалтерия тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Консолидациялашган бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида консолидация қилинган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳининг молиявий аҳволини ва молиявий натижаларини акс эттирадиган консолидациялашган ҳисоб-китоблар маълумотлари тизими сифатида тавсифланади, бухгалтерия ҳисоби бухгалтериясидан ажратиб олиш имконини берувчи консолидациялашган бухгалтерия ҳисоби хусусиятларини белгилаб берди.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботда маълумотларни тақдим этиш бўйича муайян талабларни белгилайдиган консолидациялашган бухгалтерия тамойиллари: ягона валютанинг тамойиллари, ҳисоботнинг ягона ҳисобот даври тамойиллари, шунингдек, ҳақиқатга мувофиқ қийматдаги ташкилотларнинг активлари ва мажбуриятларини ўлчаш усулини тўғри танлашимконини беради. Бирлаштирилган ҳисоб-китобларни юритиш мақсадида бир-бирига боғлиқ бўлган ташкилотлар учун бирлаштирилган бухгалтерия сиёсати ишлаб чиқиш, бу алоҳида ташкилотларнинг маълумотларини таққослаш ва тақсимлашни

таъминлайди, бирлаштирилган ташкилотлар ўртасидаги амалга оширилган “ички” операцияларни ажратишга имкон берадиган ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ равишда бир гуруҳ ташкилотларнинг шахсий активлари, капиталлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот тўплашга имкон берилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ бир-бири билан боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминловчи консолидациялашган ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган вазифаларни аниқ белгилаб олиш керак.

Консолидациялашган бухгалтерия функциялари ахборот ва таҳлилий бухгалтерия вазифаларини ажратиб туриши мумкин. Ҳисоботнинг ахборот функцияси ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи активларининг, мажбуриятларининг ва капиталининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни жамлаш, тўплаш ва бирхиллаштиришда амалга оширилади. Аналитик функцияни бир-бирига боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини таҳлил қилишдан иборат.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга ҳисоб-китоб маълумотларни ишлаб чиқиш. Ушбу ҳисоб сиёсати ўзаро боғлиқ ташкилотлар ўртасида амалга оширилган “ички” операцияларни тақиқлаш имконини беради, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкилотларнинг гуруҳлари шахсий активлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот беради. Консолидациялашган ҳисоб-китоблар жадвалининг структураси халқаро стандартларга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайди.

Янги таҳлилий ва синтетик ҳисобларни жорий этиш асосида шўъба корхоналар ва шўъба корхоналарга инвестицияларни ҳисоблаш усули аниқланди. Инвестицияларни консолидациялаш усулларини ҳисобга олган ҳолда филиаллар ва шўъба компаниялар янги синтетик ва аналитик ҳисобларни жорий этиш мақсадга

мувофиқ бўлади. Хусусан, капитал қўйилмаларнинг назоратдаги улушини ҳисоблаш зарур.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича амалларни белгилаш ва бирлашма ташкилотлари гуруҳлари фаолиятининг консолидация қилинадиган маълумотларини айирбошлаш баланслари асосида ташкил этишни таъминлаш учун консолидация тузатишлари киритилди.

Ягона ҳисоб сиёсати гуруҳ аъзоларидан бирортаси бир хил операциялар ёки ўхшаш вазиятлардаги ҳодисалар ҳисобини юритиш учун консолидациялашган молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун ҳисоб сиёсатидан фарқ қиладиган ҳисоб юритиш сиёсати қўллаган бўлса, консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда гуруҳнинг ҳисоб сиёсатига мосликни кафолатлаш учун гуруҳ аъзоларининг молиявий ҳисоботларига тегишли тузатишлар киритилиши лозим.

Шундай экан, консолидациялашган молиявий ҳисоботни баҳолаш бош компания шўъба ташкилотларнинг даромадлари ва харажатларини консолидациялашган молиявий ҳисоботларга бош компания шўъба ташкилотлари устидан назоратни олган вақтдан уни чиқиб кетган вақтгача киритади. Шўъба ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари консолидациялашган молиявий ҳисоботларда акс эттирилган санада тан олинган активлар ва мажбуриялар қийматлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Бош компания ва унинг шўъба ташкилотларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиладиган молиявий ҳисоботларини бир ҳисобот санасида тайёрланиши лозим. Агар бош компания ҳисобот даврининг охири шўъба ташкилотлари эса ҳисобот даврининг охиридан фарқ қилса, шўъба ташкилотлари консолидациялашган молиявий ҳисобот мақсадлари молиявий маълумотларини консолидациялаш имкониятига эга бўлиши учун қўшимча молиявий маълумотларни бош компаниянинг молиявий ҳисоботлари билан бир санада тайёрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, консолидациялашган молиявий ҳисобот

тузишда чет эл капитали иштирокида ташкил қилинган корхоналарда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш халқаро стандарт талабларини асосида бажаришни талаб қилади, аммо миллий ҳисоб тизимимизда чет эл капитали киритилган корхоналар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш амалиёти ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт талабларини, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш усулларини белгилашдан иборат. Шунга кўра консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида корхонанинг молиявий ҳолатини билишга имкон беради.

## **КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШДА АУДИТНИНГ РОЛИ**

**Авазов Илхом Равшанович**  
**ТМИ “Аудит” кафедраси доценти**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари, ҳуқуқий муносабатларини ва бу ўз навбатида молиявий ҳисобот аудити асосларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, аудит ўтказишда аудитнинг халқаро стандартларини қўллашнинг амалий жиҳатларини кенг ёритиб бериш зарурати пайдо бўлади. Шундай экан ушбу молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш мақсади бу аудиторларга молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган асосий тамойилларига мос равишда ҳар қандай молиявий нуқтаи назардан тайёрланганлиги тўғрисида фикр билдириш имконини бериш керак. Шунинг учун, МҲХС асосида тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити МҲХСга мувофиқ барча молиявий жиҳатлар бўйича консолидация қилинган молиявий ҳисоботларнинг тайёрланганлиги тўғрисида аудиторларнинг фикрини шакиллантириш ва билдиришдир.

Фикрни ифода этиш объекти бу молиявий ҳисобот, яъни унинг

барча таркибий қисмларини йиғиндисидир.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда барча шўъба корхоналар томонидан тузилган молиявий ҳисоботлар ва бош компания тузган молиявий ҳисоботлар ўртасида тафовутларни аниқлаш, ундан кейин молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот ўртасидаги тафовутларни аниқлаш керак. Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бошқарув тушунчасига ва капитал тушунчаси бўйича ягона молиявий ҳисоботга асосланган бўлиши шартдир. Бу ягона молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот ўртасидаги асосий фарқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг аудитидаги асосий фарқ шундаки, консолидациялашган молиявий ҳисоботда бир неча мустақил ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларида келтирилган барча кўрсаткичлар тўлиқ келтириб ўтилмайди. Бунда бош компания таркибидаги корхоналар бир-биридан бўлган қарз маблағлари акс эттирилмайди, лекин шўъба корхоналар ўзларининг молиявий ҳисоботларида келтирилади.

Шундай қилиб, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг бузилиши қуйидагиларга боғлиқ:

- компаниялар гуруҳининг таркибини нотўғри аниқлаш;
- бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларидаги бузилишлар;
- консолидация учун бухгалтерия сиёсатидан фойдаланиш, бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини барча талабларини ўз ичига олмайди;

- бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш жараёнидаги хатоликлар;

- консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашдаги хатолар.

Ушбу хусусиятлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш

масалаларини такомиллаштириш ўта муҳим ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити услубларини тўлдиришга қаратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудитнинг халқаро стандартлари орқали ифода этиш учун асос бўладиган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бошланғич ҳисоб маълумотлари ва умумлаштирувчи ахборотлар, молиявий ҳисоботни тузиш учун асос бўлган маълумотлар ва счётларнинг қолдиқлари, бизнес режа ахборотлари, ташқи ахборот манбаларидан олинган маълумотлар ҳамда бухгалтерия ҳисобига таллуқли бўлмаган ахборотлар, текширувдан кейинги бўладиган ҳодисаларга таъсир қиладиган босқичлардан биридир. Ушбу маълумотлар аудиторлик хулосасини ифода қилиш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Чунки, шу далиллар асосида аудиторлик хулосасини бериш, бермаслиги ёки хулосанинг қайси турини (ижобий, салбий ёки модефикациялашган) танлаш шу маълумотлар асосида берилади. Албатта ушбу далилларни тўплаш билан бирга уларга аналитик ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш зарурияти вужудга келади.

## **PRIVATE PROPERTY AND JOINT STOCK COMPANY IN OUR COUNTRY**

**E. Begjigitov**

**BCT-90 group student of TFI**

“Private property” is the most used term in our country in recent years as a novelty for our people and, in fact, historically unfamiliar to us. What is private property and how it is created Private property - property at the disposal of individuals or households; the leading form of ownership among the various properties in a market economy. The object of private property is material and financial resources, labor, intellectual labor, land, water, mineral resources, enterprises, farms, stocks and bonds, cash,

vehicles, housing, consumer goods, working capacity, business skills, science, inventions, technical inventions, works of art and literature, and so on. The subject of private property is its owners, individuals and households.

Private property is the oldest form of property in our country. Thousands of years ago, tribal and tribal property was separated from communal property and became private property. In the early 20th century, the Bolsheviks destroyed the country (A political movement led by Lenin in the Russian Social Democratic Workers' Party; Cholpon described it as a disaster for our country.) As a result of the transition to a planned economy and the transformation of all forms of property into state property, our people have been oppressed for almost 70 years. After gaining independence, private property in Uzbekistan came into being as a result of privatization and permission to create it, and private enterprises, farms and dehqan farms, private banks, land, household property and money funds, securities became the object of private property.

Private property is divided into 2 types in terms of the method of its economic realization:

1. Individual private property owned by certain persons is property that is owned by the owner through his activities, that is, the property is managed by the owner individually, and the income generated by him belongs to the owner in full, without being divided into shares.

2. Corporate, group private property is non-equity, partnership-based property and is specific to a joint-stock company.

There are two types of private property: The first is business property, which acts as capital and benefits the owner. The second is consumer property, which is used in households. Private property increases through the privatization of state property and the accumulation of income earned by owners and the expansion of property.

As a result of the privatization of state property in our country, a new layer of entrepreneurs and business people has emerged, and on their basis a joint-stock company is being formed. Joint-stock companies are the most common form of limited liability company and are usually associations that combine material, labor, and monetary resources to make



more profit. Joint-stock companies are open and closed. In an open joint stock company, shares can be bought and sold freely, while in a closed joint stock company, shares are owned by several people and cannot be bought freely in the market. Its founders are called founders. The founders can be companies, banks, the state and individual citizens. The advantage of a joint-stock company is that it can collect petty money and turn it into big money, that is, money that can be capital, and put the money of petty money into business. Joint-stock companies first appeared in the 17th century and are now widespread. In our country, this society was formed in the process of denationalization and privatization of property.

The transformation of state-owned enterprises into joint-stock companies will be one of the directions of property change. In the first stage of the reform, a closed joint-stock company was established. In the second stage, an open joint-stock company was formed. There were 2,255 joint-stock companies in Uzbekistan in 1995 and 5,500 in 1996. Joint-stock companies in Uzbekistan belong to the non-governmental sector. Joint-stock companies are independent, but they operate in accordance with state regulations. Their activities are carried out in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholder Rights".

It is no exaggeration to say that with the beginning of the privatization of state property in our country, there is another opportunity for those who lost their property under the dictatorship. Wide opportunities have been created not only for them, but for all citizens of our country. It is no secret that the more private entrepreneurs in our country, the higher the welfare of the population.

In the current process of globalization, entrepreneurship is just as important as water and air for a person to live well. And for entrepreneurship, as mentioned above, the denationalization of property and the establishment of joint-stock companies is so productive.

The more businesses and financial empires that emerge in our country, the more it will lead not only to the growth of society, but also to the growth of the state, which means that the reforms being carried out in our country are being confirmed in practice

# XORIJIY INVESTITSIYALARNI MAMLAKAT IQTISODIYOTIGA JALB ETISHDA RIVOJLANGAN MAMLAKATLAR TAJRIBASI

**Abduqaxorov Bekzod O‘tkir o‘g‘li**  
**TMI magistranti**

**Annotatsiya.** Mazku ilmiy ishda bugungi kunda mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan xorijiy investitsiyalarini mamlakat iqtisodiyotiga jalb etishning ustuvor yo‘nalishlari, xususan bu borada rivojlangan mamlakatlarning tajribasi ko‘rib chiqilgan.

**Kalit so‘zlar:** chet el investitsiyalari, investitsiya loyihasi, infratuzilma, investitsiya muhiti

Mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarni keng ko‘lamda jalb etishni taqazo etmoqda. Bu borada rivojlangan mamlakatlarning tajribasini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida ta’kidlaganlaridek “Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, qaysi davlat faol investisiya siyosatini yuritgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘shishiga erishgan. Shu sababli ham investisiya – bu iqtisodiyotning drayveri, yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Biz faqat investisiyalarni faol jalb qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini ishga tushirish hisobidan iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishga erishamiz. Iqtisodiyotdagi ijobiy natijalar esa ijtimoiy sohada to‘planib qolgan muammolarni tizimli hal etish imkonini yaratadi. Xorijiy investisiyalarni keng jalb qilish uchun mamlakatimizning investisiya salohiyatini to‘la namoyon etish choralarini ko‘rishimiz kundalik hayotimizdan joy olgan eng dolzarb masalalardan biri bo‘lmog‘i lozim”<sup>129</sup>, deb ta’kidlab, xorijiy investisiyalarning iqtisodiyotni rivojlantirishdagi g‘oyat muhim ahamiyatini va uni jalb qilishning dolzarbligini e’tirof etadi.

---

<sup>129</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. «Xalq so‘zi» gazetasi, 2018 yil 29 dekabr № 271-272 (7229-7230) soni.

Jahonda xorijiy kapitalni jalb etish bo'yicha mamlakatlararo keskin kurash ketmoqda. Xorijiy investisiyalar hajmi, uning sifati va qulay shartlardan foydalanish borasida rivojlangan mamlakatlarda yildan-yilga investision muhit jozibadorligini ta'minlashga xizmat qiladigan innovasion instrumentlarning turli ko'rinishlari yaratib kelinmoqda. Shular qatorida, iqtisodiy rivojlanishi boshqa davlatlarga qaraganda tez sur'atlarda o'sib borayotgan, tovar va xizmatlari dunyoning barcha o'lkalarida tarqalgan, bugungi kunda uchta eng ko'p tarqalgan so'z – "Made in China", deya e'tirof etilayotgan, qanchadan qancha iqtisodchi olimlar tomonidan o'rganilgan lekin hali bu tajribalardan to'liq foydalanish masalasiga kelganda namoyon bo'lmayotgan Xitoyning investisiyalarni jalb qilish borasidagi yutuqlari va buning omillarini ko'rib chiqamiz.

Xitoyning tez sur'atlarda rivojlanishiga ta'sir ko'rsatgan muhim omillardan biri – investorlar uchun zarur bo'ladigan, hududlarning imkoniyatlari va salohiyatlarini namoyon etadigan ma'lumotlar bazasini (pasportni) ishlab chiqqanligi va arzon ishchi kuchiga egaligi bilan belgilanadi. Ushbu baza internet-resurs sifatida ochib qo'yilganligi, Xitoy korxonalarini uchun xorijiy investisiyalarning oqib kelishini va biznes hamkorlikning kuchayishini ta'minladi. Bugungi kunda Xitoyning jahon iqtisodiyotidagi mavqeini hamda iqtisodiyotning yuqori sur'atlarda oshishini ta'minlashga xizmat qilgan omil ham, aynan uning ochiqligi, sog'lom imiji va investision jozibadorligidir. Ammo, bugungi kun ekspertlarining fikrlariga ko'ra, Xitoyning ochiqligi, jahon hamjamiyatiga yuqori sur'atlarda integrasiya bo'lib, borayotganini mamlakat fuqarolari va chet el jamoatchiligi salbiy holat sifatida har xil qabul qilishmoqda. Bularning hammasi zamonaviy Xitoy to'g'risida, u yerda amalga oshirilayotgan jarayonlarni anglamasdan turib chiqarilayotgan xulosalardir desak, to'g'ri bo'ladi. Zero, Xitoy rahbariyati tomonidan quyidagi jihatlarga ongli tarzda alohida e'tibor qaratilmoqda:

- tashqi dunyo bilan Xitoyning mustahkam aloqasini o'rnatish;
- tadbirkorlar bilan davlatning birdamligi va ishonchli sherikchiligini ta'minlash;
- jahon hamjamiyati tasavvurida Xitoyning ishonchli hamkor imijini

hosil qilish;

-ishlab chiqarishning yuqori mahsuldorligi bilan rivojlanish emas, balki taraqqiyotning innovasion asosda qurilishini ta'minlash va boshqalar<sup>130</sup>.

Aynan shu jihatlarni inobatga olgan holda, 2004 yildan Xitoy davlati mamlakatning investision jozibadorligini yanada oshirish muammosini hal etish bilan faol shug'ulana boshladi. Oldingi o'n yilda Xitoy jahon hamjamiyati oldida o'zining nufuzini va obro'sini ko'tarish bo'yicha ko'plab tizimli tadbirlarni amalga oshirdi. U bir qancha xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar: OTHT-Osiyo-Tinch okeani Hamkorlik Tashkiloti, SHHT-Shanxay Hamkorlik Tashkiloti bilan iqtisodiy hamkorlik bo'yicha, shuningdek, erkin iqtisodiy zonalarni tashkil etish bo'yicha xitoy-arab, xitoy-afrika hamkorlik aloqalarini rivojlantirib kelmoqda<sup>131</sup>.

Yuqorida qayd etilgan tajribalarni o'rganish asnosida aniq bo'ldiki, Xitoy davlatining xorijiy investisiyalarni jalb qilishda investision muhit jozibadorligini oshirish borasidagi tajribalarini O'zbekiston sharoitida tatbiq etish, ulardan foydalanish kelajakda mamlakatning bundan-da yuqori sur'atlarda rivojlanishini, aholining daromad manbai ko'payishini ta'minlashga xizmat qiladi. Jumladan, ushbu davlatlar kabi O'zbekistonni ham xalqaro tashkilotlar tomonidan o'tkaziladigan so'rovnomalarda faol ishtirok etishi, jahon mamlakatlarning investision jozibadorligini ko'rsatadigan reytinglarning barchasida xususan, "Global raqobatbardoshlik indeksi", "Global innovatsion indeks" va "Biznes muhiti hafi indeksi"larida ishtirokini ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish kelajakda investorlarning investisiyalarni kiritish bo'yicha qarorlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Sababi, xorijiy investor biror bir davlatga investisiya kiritishdan oldin, o'sha mamlakatning investision muhiti haqida ishonchli ma'lumotga ehtiyoj sezadi. Albatta, eng ishonchli manbalardan biri bu xalqaro iqtisodiy tashkilotlar tomonidan yuritiladigan indekslar hisoblanadi. Bu

---

<sup>130</sup> Mustafakulov Sh.I. Investision muhit jozibadorligi. Ilmiy-amaliy qo'llanma. Toshkent:Baktria press, 2017.-320b.

<sup>131</sup> Vahabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. -T.: Baktria press, 2015. -584 b.

indekslardan investorlar o'zlariga kerakli va ishonchli ma'lumotlarni qo'lga kiritishlari mumkin. Shunday ekan, yuqorida nomi keltirilgan indekslarda O'zbekistonni ishtirokini ta'minlash, O'zbekistonning investision muhitini xorijiy investorlarga namoyon qilishda ijobiy ahamiyatga ega. Shuningdek, Xitoy va Singapur davlatlari investision muhiti jozibadorligini oshirishga imkon bergan navbatdagi omil bu mamlakat hududlari to'g'risidagi investorlarga kerakli ma'lumotlarni investisiya qabul qiladigan davlanning ma'sul tashkilotlari tomonidan rasmiy saytda O'zbekiston hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini inobatga olgan holda, Davlat statistika qo'mitasi tomonidan har bir hududning (viloyatlar, Toshkent shahri va Qoraqalpog'iston Respublikasi) investision muhit jozibadorligi bo'yicha "Yillik statistik xarita" e'lon qilib borilishini yo'lga qo'yish maqsadga muvofiqdir.

Ushbu xaritadan quyidagi ko'rsatkichlar joy olishi maqbul hisoblanadi:

- hududning rivojlanish salohiyati;
- soliq siyosatining asosiy tarkibiy qismlari;
- hududning tabiiy-geografik va infrastruktura salohiyati;
- investisiyalarning iqtisodiy samaradorligi;
- fuqarolik indeksi. Bunda aholining ijtimoiy faolligi, boshqaruv samaradorligi, ta'lim olish va sog'liqni saqlash xizmatlaridan foydalanish imkoniyati, turli xildagi ijtimoiy-iqtisodiy ma'lumotlarga ega bo'lishlik, ularning

ochiqligi, mahalliy hokimiyatning aholi bilan yaqinligi va hamkorligi bilan bog'liq bo'lgan tarkibiy ko'rsatkichlar qamrab olinadi. Bundan tashqari, ushbu mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan holda quyida ikki taklif etilayotgan tadbirni ham O'zbekiston investision muhiti jozibadorligini oshirishga ko'mak bo'ladigan omil sifatida amaliyotga tatbiq qilinishi o'z ijobiy samarasini ko'rsatadi:

Davlat byudjeti xarajatlari va kiritilayotgan investisiyalarni onlayn tarzda kuzatish imkonini beradigan platforma yaratish lozim;

## ОСОБЕННОСТИ БАНКОВСКОЙ КОНКУРЕНЦИИ

ТИМЭ доцент., М.Р.Кулметов

Изменение мирового финансового рынка под воздействием глобализации, внедрение развитых информационных и коммуникационных технологий оказывают существенное влияние на ограничение свободы перемещения капитала и усиливают конкурентную борьбу на финансовом сегменте, повышают значимость конкурентоспособности коммерческих банков и других финансовых субъектов на развивающемся рынке банковских услуг и продуктов.

Необходимым условием совершенствования конкурентной борьбы между коммерческими банками является создание эффективного рыночного механизма развития банковского сектора российской экономики, так как конкуренция в банковском секторе гораздо более сложный процесс, чем в любом другом сегменте экономики.

Конкурентная борьба между банками напрямую зависит от эффективности их деятельности и существенно образом влияет на стабильность национального хозяйства.

Конкуренция заставляет коммерческие банки проводить активную политику по продвижению и закреплению на рынке и работу с клиентами постоянно расширять и дополнять ассортимент банковских продуктов, совершенствовать качество оказываемых услуг, что повышает эффективность производства и перераспределяет экономические ресурсы. Таким образом, конкурентную борьбу можно считать движущей силой качественного улучшения банковского сектора, нацеленного на максимальную доступность банковских услуг и операций, повышение устойчивости банковских структур и наиболее полное удовлетворение интересов клиентов.

Под конкуренцией в банковской сфере следует понимать экономический процесс взаимодействия, взаимосвязи и соперничества кредитных организаций, стремящихся создать

лучшую возможность реализации своих банковских продуктов и услуг, получения максимальной прибыли и наиболее полного удовлетворения потребностей клиентов.

Состояние экономических отношений на финансовом секторе, особенности законодательного регулирования банковской деятельности и некоторые другие факторы разных стран способствуют разработке индивидуальных механизмов конкурентной борьбы на различных сегментах рынка банковских услуг. Государству принадлежит главная роль в формировании и обеспечении эффективной конкуренции, оно через правовое регулирование создает необходимые условия. Такое утверждение, на первый взгляд, кажется неверным, так как государственное регулирование и развитие конкуренции часто рассматривают как взаимоисключаемые явления. Углубленный анализ возникаемого парадокса между задачами государственного регулирования экономики и целями конкурентной борьбы разрешается в том случае, если государство в приоритет ставит не борьбу с позитивными аспектами конкуренции, а противодействие ее недобросовестным формам.

Выделение банковской конкуренции в самостоятельный предмет экономической науки происходит по двум основным причинам. Во-первых, специфика банковского дела находит отражение в особенностях банковской конкуренции, что отличает ее от классической конкуренции между товаропроизводителями.

Индикативном как комплексную многоуровневую экономическую и рыночную характеристику деятельности банка, которая отражает уровень его превосходства по отношению к конкурентам по двум составляющим: экономической (на уровне производства) и рыночной (на уровне банковского продукта) показывает динамичность и адекватность внутренней среды банка развитию конкурентной среды банковского рынка, а также определяет будущую конкурентную позицию, которую банк может занять в отрасли и за ее пределами благодаря конкурентному потенциалу.

Анализ различных подходов к определению сущности конкурентоспособности коммерческого банка привел к выводу, что необходимо различать «конкурентоспособность коммерческого банка» и «конкурентоспособность предоставляемых им услуг». Конкурентоспособность коммерческого банка определяется как характеристика эффективности работы и прибыльности деятельности кредитной организации в условиях конкурентной борьбы, реализация которой происходит за счет имеющихся у банка средств. Конкурентоспособность банковской услуги характеризует уровень устойчивости банка и умение продуктивно использовать финансовый, производственный и трудовой потенциалы.

Характеристика банковской конкурентоспособности через способность коммерческого банка предлагать услуги ошибочна, так как конкурентоспособность представляет собой комплексный показатель сравнительного уровня развития критериев деятельности кредитных организаций, в том числе конкурентоспособности предоставляемых им услуг.

Конкурентоспособность коммерческого банка тождественна его конкурентному потенциалу как совокупности конкурентных преимуществ, использование которых автоматически означает достижение превосходства. При этом, конкурентная позиция коммерческого банка определяется не только количеством и качеством его конкурентных преимуществ, но и в первую очередь масштабами сегментов финансового рынка, охваченными межбанковской конкуренцией. Игнорирование этого существенного для разработки и реализации конкурентной стратегии коммерческого банка факта значительно снижает содержательную ценность приведенного определения.

Таким образом, конкурентоспособность коммерческого банка является результатом его деятельности на конкурентных сегментах рынков финансовых услуг и продуктов и определяется в конечном итоге прибылью (и рентабельностью), получаемой кредитной организацией при предоставлении услуг клиентам в сравнении с аналогичными показателями банков-конкурентов. Следует



подчеркнуть, что конкурентоспособность коммерческого банка относительная величина, которая может варьироваться на отдельных рынках без изменения конкурентной стратегии одного и того же коммерческого банка. При этом объективной целью коммерческого банка (что следует уже из его определения) является получение прибыли, а конкурентоспособность кредитной организации в этом случае связывается с конечными результатами ее деятельности, которые объективно снижаются в условиях конкуренции, наличия значительного числа банков-конкурентов со схожими целями и задачами текущей деятельности

## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK TIZIMINING MUAMMOLARI VA ULARNI ISLOH QILISH YO‘NALISHLARI**

**Ilmiy rahbar: dotsent A.Ibodullayev**

**TMI “Budjet hisobi va g`aznachilik” fakulteti**

**3-kurs talabasi To‘laganova Ruhshona Farrux qizi**

**Annotatsiya:** Mazkur maqola O‘zbekiston Respublikasida bank tizimi va uni takomillashtirish masalalari, bu borada amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar, bank tizimini yanada avtomatlashtirish, bank faoliyatida innovatsion axborot texnologiya vositalarining ulushini oshirish masalalarini tahlil qiladi.

**Kalit so‘zlar:** bank tizimini isloh qilish, modernizatsiya, transformatsiya, banklarda avtomatlashtirilgan axborot tizimlari, masofaviy bank xizmatlari.

## **PROBLEMS OF THE BANKING SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND DIRECTIONS FOR THEIR REFORM**

**Abstract:** This article analyzes the banking system in the Republic of Uzbekistan and issues of its improvement, measures implemented in this regard, further automation of the banking system and an increase in the share of innovative information technology tools in banking activities.

**Keywords:** reforming the banking system, modernization, transformation, automated information systems in banks, remote banking services.

## **ПРОБЛЕМЫ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ РЕФОРМИРОВАНИЯ**

**Аннотация:** В данной статье анализируются вопросы банковской системы и ее совершенствования в Республике Узбекистан, реализуемые в этом направлении меры, дальнейшая автоматизация банковской системы, увеличение доли инновационных инструментов информационных технологий в банковской деятельности.

**Ключевые слова:** реформа банковской системы, модернизация, трансформация, автоматизированные информационные системы в банках, дистанционное банковское обслуживание.

### **KIRISH**

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, yurtimizda ikki pog'onali bank tizimi tashkil etildi va yillar davomida bu tizimni takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar ko'rildi. Ayniqsa, so'nggi yillarda bank tizimi iqtisodiyotning ajralmas bo'g'ini ekanligi anglashilgan holda bank tizimini isloh etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ma'lumki, bank tizimi mamlakatda olib boriladigan monetar-pul siyosatining ajralmas qismi sanalibgina qolmay, u aholining moliyaviy xizmatlarga bo'lgan talabini qondiradi va bevosita pul oqimiga o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Banklarni tubdan transformatsiya qilish, tizimga zamonaviy axborot texnologiyalari va moliyaviy texnologiyalarni joriy etish, bankning va mijozlarning shaxsiy axborotlari xavfsizligini ta'minlash, bank xizmati ko'rsatishni modernizatsiya qilish, banklarning samarali infratuzilmasini yaratish va faoliyatini avtomatlashtirish kabi muhim masalalar bank tizimiga doir eng asosiy masalalardan hisoblanadi. Bu kabi masalalar dolzarbligini mamlakatimiz Prezidentining bank tizimini isloh qilish va takomillashtirishga doir alohida farmonlarida, mamlakatimiz taraqqiyot yo'lini belgilovchi asosiy hujjat — 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida, Harakatlar strategiyasining uzviy davomchisi

hisoblangan 2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida ham qayta-qayta namoyon bo'lishida yaqqol ko'rinadi.

### **ASOSIY QISM**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 2-martdagi PF-5953-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida “bank tizimini isloh qilishni chuqurlashtirish va barqarorligini ta'minlash, banklarning kapitallashuv darajasi va depozit bazasini oshirish, ularning moliyaviy barqarorligi va ishonchliligini mustahkamlash, istiqbolli investitsiya loyihalari hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini kreditlashni yanada kengaytirish” haqida ta'kidlanishi mavzuning dolzarbligidan dalolat beradi.<sup>132</sup>

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni bilan tasdiqlangan “2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi Farmonida banklarda amalga oshirilayotgan transformatsiya jarayoni, davlat ulushiga ega tijorat banklarida xususiy sektor ulushini 60 foizgacha chiqarish, bank sohasida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 2026-yil yakuniga qadar 70 foizgacha oshirish kabi vazifalar belgilangan.<sup>133</sup>

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yilning 12-mayida PF-5992-son bilan tasdiqlangan “2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni, avvalambor, yurtimizdagi bank tizimining hozirgi holatini, undagi muammolar va rivojlantirishdagi qiyinchiliklarni tahlil etadi.<sup>134</sup> Farmon Yangi O'zbekistonning bank tizimini isloh etishning asosiy yo'nalishlari, bank tizimining samaradorligini oshirish, uning

---

<sup>132</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 2-martdagi PF-5953-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi

<sup>133</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni bilan tasdiqlangan “2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni, 25-maqсад

<sup>134</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yilning 12-mayida PF-5992-son bilan tasdiqlangan “2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni

moliyaviy barqarorligini ta'minlash, yurtimizda ko'rsatiladigan moliyaviy xizmatlarning sifatini oshirish va diversifikatsiyalash, O'zbekiston bank tizimini jahon standartlariga moslashtirish va uning xalqaro obro'sini oshirish kabi muhim masalalarda amalga oshirilishi kerak bo'lgan vazifalarni o'zida aks ettiradi.

Hozirgi kunda transformatsiyaning dolzarbligi sababi Respublikamizda faoliyat yuritadigan 31 ta bankning 13 tasining kapitalida davlat ulushi mavjudligi va ularning kapitali jami O'zbekiston bank tizimining 87 foizdan ko'prog'ini tashkil etishi bilan izohlanadi. Tijorat banklari kapitalida davlat ulushining yuqori bo'lishi bu banklarning ustuvor dasturlar, sektorlar va davlat ulushiga ega korxonalariga bozor stavkalaridan past stavkalarda kreditlar beruvchi an'anaviy "rivojlantirish banklari" vazifasini qisman bajaruvchi banklarga aylanib qolishi amaliyotda o'z tasdig'ini topgan. Bu holat yana bank faoliyatida axborot texnologiyalari mahsulotlari, aktivlar va passivlarni boshqarish, mijozlar bilan aloqa qilish bo'yicha zamonaviy usullarni amaliyotga joriy qilishda kechikishga ham qisman sababchi bo'lgani kuzatilgan. Bank tizimidagi bu muammoni hal etish uchun kapitalida davlat ulushi mavjud banklarda transformatsiya jarayonini amalga oshirish, tijorat banklarini xususiyashtirish jarayonida ham banklardagi davlat aksiyalarini bank sohasidagi kerakli bilim va ko'nikmaga ega investorlarga sotish, banklarga ularga xos bo'lmagan vazifa va funksiyalarni bajarish, ortiqcha yuklamalardan ozod qilish kabi amaliy chora-tadbirlar foyda keltirishi alohida ta'kidlangan.

O'zbekiston bank tizimidagi tijorat banklarining tarmoqdagi zamonaviy talablarga javob bermasligi va innovatsion yangiliklarni faoliyatida joriy etmaganligi, aktivlar va passivlarni boshqarish, xodimlar ko'rsatayotgan xizmat sifatini nazorat qilish, mijozlar bilan aloqa o'rnatish va bu jarayonning oson, davomiyligini ta'minlashda zamonaviy usullarning juda kech joriy qilinishi yoki qilinmasligi kabi muammolar hozirgi kundagi bank tizimining har bir bo'g'iniga ta'sir etuvchi eng muhim omillaridan hisoblanishi ma'lum. Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish va ulardan samarali foydalanish, tijorat banklarining biznes jarayonlarini avtomatlashtirish va

masofaviy bank xizmatlari (banklarning mobil ilovalari orqali) turlarini kengaytirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish bankning operativ, sifatli va oson xizmat ko'rsatishini ta'minlash bilan bir qatorda aholining bankka bo'lgan qiziqishi ortishi, bankning nafaqat masofaviy xizmatlari, balki bank ofislaridagi xizmatlariga bo'lgan talabni ham oshiradi.

## **XULOSA**

Bank tizimini muntazam isloh qilish, unda yangi avtomatlashtirilgan axborot tizimini joriy etish, tijorat banklari kapitalida davlat ulushi va bank faoliyati, qarorlariga davlatning ta'siri va aralashuvini kamaytirish tizimning barqaror rivojlanishiga asos bo'ladi. Ilg'or xalqaro tajriba va texnologiyalarni jalb qilish hisobiga bank xizmatlari ko'lamini kengaytirish va sifatini oshirish, mijozlarga qulay va foydalanish oson bo'lgan masofaviy bank xizmatlarini mobil ilovalar va bankning rasmiy sahifalari orqali taqdim etish bank tizimi faoliyati va xizmat ko'rsatishning samaradorligini oshirishga katta hissa qo'shadi. Yana shuni ta'kidlash joizki, hozirgi kunda tijorat banklari kapitalining katta qismi davlatga tegishliligi banklar va bank tizimi rivoji, modernizatsiya jarayoniga to'sqinlik qilmoqda.

Yurtimiz bank tizimida amalga oshirilayotgan transformatsiya natijasida bu muammo ijobiy hal etilmoqda va transformatsiya natijasida bank kapitalidagi davlat ulushi tajribali, bank faoliyati va boshqaruvi bo'yicha tajribaga ega investorlarga sotilishi ham banklarda ijobiy o'zgarishlar, yangi strategiyalar paydo bo'lishiga sababchi bo'lmoqda. Bu kabi omillar nafaqat tijorat banklarining rivoji va daromadi oshishi, balki aholi o'rtasida bank va bank tizimiga bo'lgan ishonch oshishi, bank xizmatlaridan foydalanuvchilar soni o'sishiga sababchi bo'ladi. Bu esa o'z navbatida mamlakatdagi moliya va pul tizimi, iqtisodiyotning rivojlanishiga turtki bo'ladi. Tijorat banklarini xususiylashtirish bank tizimini isloh qilishning muhim omili hisoblanar ekan, Respublikamizda olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar bilan bir qatorda bank tizimi isloh etilishi va takomillashtirilishiga qaratilayotgan e'tibor va ko'rilayotgan chora-tadbirlar o'z samarasini beradi.

# **INVESTITSIYALARNI MOLIYALASHTIRISHDA QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINING AHAMIYATI: OB'YEKTIV ZARURLIGI VA FUNKSIYALARI**

**A.A. Shomirov**

**TFI “Baholash ishi va investitsiyalar”**

**kafedrası dotsenti,**

Ayni vaqtlarda rivojlangan va rivojlanayotgan dunyo mamlakatlarining ko'pchiligida qimmatli qog'ozlar bozori turli psixologik omillarga bog'liq bo'lib, mamlakatda iqtisodiy va siyosiy holatni indikatorlaridan hisoblanadi. XXI asrda fond bozori mamlakat moliya-kredit tizimining atributi hisoblanadi. O'zbekiston amaliyotida uning eng asosiy jihatlaridan biri bu juda yosh bozor bo'lib, rivojlangan mamlakatlar bilan taqqoslaganda ancha tajribasiz bozordir. Rivojlangan va rivojlanayotgan dunyo mamlakatlarida qimmatli qog'ozlar bozorining ahamiyati har yili oshib bormoqda. Shuning uchun fond bozorining samarali faoliyati iqtisodiyotda investitsiyalarni moliyalashtirish sohasini rivojlantirishda asosiy omil bo'lib xizmat qiladi.

Jahon tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, kompaniyalar o'z faoliyatlarini moliyalashtirishda turli xil manbalardan keng foydalanadilar. Ular orasida aksiyalarni ochiq tartibda ommaviy joylashtirish (IPO va SPO) amaliyotlari keng qo'llanilib kelinayotganligi va buning natijasida kompaniyalar tomonidan qisqa muddatda yirik miqdorda kapital jalb qilinayotganligini ta'kidlash maqsadga muvofiq. Xususan, 2020-yilda fond bozoridagi eng yirik IPO amaliyotini «Saudi Aramco» kompaniyasi muvaffaqiyatli o'tkazdi va 25,6 milliard AQSh dollari miqdorida mablag' jalb qilishga hamda 2014-yil «Alibaba group» kompaniyasi IPO amaliyotini muvaffaqiyatli o'tkazish natijasida 25,0 milliard AQSh dollari miqdorida mablag' jalb qilishga erishgan<sup>135</sup>.

Fond bozorida kompaniyaning bozor qiymati shakllanadi. Qimmatli qog'ozlar emissiya qiladigan (chiqaradigan) emitentlar (Davlat tashkilotlari, aksiyadorlik jamiyatlari) investitsiyalarni jalb qilish

---

<sup>135</sup> Lizzy Gurdus. Saudi Aramco and Alibaba made for a great 2019 in IPO market despite Uber, Lyft busts//December 29, 2020.

imkoniyatiga ega bo'lsa, fond birjasining a'zolari va investitsion vositachilar o'zi hamda mijozlari uchun qimmatli qog'ozlar kursi o'sishidan daromad olishga harakat qiladi.

Iqtisodiyotda qimmatli qog'ozlar bozori umumbozor va maxsus funksiyalarni amalga oshiradi. (1-rasm)

Umumbozor funksiyasi yuqoridagi 1-rasmda keltirilganidek, quyidagi 4 ta guruhga bo'linadi.

1. Rag'batlantiruvchi yoki tijorat funksiyasi. QQB turli usullar yoki yondashuvlar bilan turli aksiyadorlik jamiyatlarini mulkdori bo'lishga qiziqayotgan yuridik va jismoniy shaxslarni rag'batlantiradi.


2. Narx funksiyasi. Fond bozori qimmatli qog'ozlarning bozor narxini shakllantirish va ularning doimiy harakatini ta'minlab turadi. Ya'ni ushbu bozorda bozor narxlari vaqt o'tishi bilan oshadi, nobozor narxlari esa pasayadi.

3. Axborot funksiyasi. Ushbu bozorning barcha ishtirokchilari har qanday axborotga teng miqdorda va tekinga ega bo'lishga haqli, ya'ni kapitalni joylashtirishga aniq bir manzil bo'lishi kerak.

4. Tartibga soluvchi funksiyasi. Bozor o'zida tartibni saqlash hamda nazorat uchun savdo qoidalarini shakllantiradi. Qimmatli qog'ozlar bozori doimiy rivojlanish jarayonida bo'lganligi uchun hamda takomillashib boradi va bu jarayonni to'htatib bo'lmaydi. Ushbu jarayonni nazorat qilish kerak, bo'lmasa xaos yuzaga keladi hamda kelishmovchiliklar paydo bo'la boshlaydi.

Qimmatli qog'ozlar bozorining maxsus funksiyalariga esa ikkiga bo'linadi:

1. Qayta taqsimlash funksiyasi. Ushbu funktsiya passiv kapital egalari kapitalini aktiv kapital egalariга yetkazishni amalga oshiradi. Ushbu jarayonda xalq xo'jaligining turli tarmoqlari o'rtasida pul mablag'lari taqsimlanadi, aholining jamg'armalari ishlab chiqarish shakliga o'tkazib beradi hamda davlat byudjeti defitsitini qo'shimcha naqd pul emissiyasiz moliyalashtiradi.



### **1-rasm. Qimmatli qog'ozlar bozorining funksiyalari<sup>136</sup>**

2. Risklarni sug'urtalash yoki hedjerlash funktsiyasi. Ushbu funktsiya xosilaviy qimmatli qog'ozlar yoki derevativlar opsiyon va fyucherslar bilan yuzaga keladi, ya'ni ularning egalariga narx o'zgarishi, aktivlar qiymati va daromadlilikini yo'qotishlarni kamaytiradi.

Demak, xulosa qilish mumkinki, qimmatli qog'ozlar bozori bugungi kunda moliya-kredit tizimining asosiy tayanchi bo'lib xizmat qilishi kerak. Mamlakatimizda sohani rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar ko'lami yanada oshishiga umid qilamiz.

#### **Adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasining «Investisiyalar va investisiya faoliyati to'g'risida»gi Qonuni 2019 yil 25 dekabr, O'RQ-598-son.

2. O'zbekiston Respublikasining «Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida» gi Qonuni (yangi tahriri) 2015 yil 3 iyun, O'RQ-387-son.

3. Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане, Автореферат дисс...доктора. экон. наук.-Ташкент, БФА, 2009.

4. Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. -М.: Альпина Паблицер, 2002.-578 с.

<sup>136</sup> Xalqaro tajribalar asosida muallif ishlanmasi



## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВЛАР СИФАТИНИ ТАСНИФЛАШ ҲАМДА ШАКЛЛАНТИРИЛГАН ЗАХИРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ АҲАМИЯТИ**

**ТМИ “Банк ҳисоби ва аудит”  
кафедраси доценти,  
PhD Қурбонов Руфат Бахтиёрович**

Бизга маълумки, давлатимиз иқтисодиётининг ривожланишини ва ялпи ички маҳсулотининг ўсишини таъминлаш бўйича асосий инструментлардан бири бу – тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредит маблағларининг кўламидир. Ушбу кредитлар турли соҳалар ва мақсадлар учун ажратилиб, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қатламини ўзини ўзи банд қилишига, янги тадбиркорлик фаолиятларини бошлашига, бу билан кўпгина харидоргир ва рақобат бардош маҳсулот ва хизматларни бозорга кириб келишига ва оқибатда фуқароларимизнинг турмуш даражасини ўсишига ҳамда жонажон ватанимизнинг янада гуллаб яшнашига ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Албатта, ушуб молиявий кўмак сифатида ажратилаётган кредит маблағлари ўз номи билан кредит яъний қарз эканлигини биз унутмаслигимиз керак ва қарз олувчи қарзни олгандан кейин уни шартнома шартлари асосида, ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаши бу, давлатимиз иқтисодиётидаги энг асосий ўйинчилар бўлган кредит ташкилотларининг молиявий фаолиятини барқарорлигининг гаровидир.

Мазкур барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир нечта меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳужжатларининг бири бу, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш

ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”дир<sup>137</sup>. Низомга асосан, активлар сифатига кўра бешга бўлинади, “стандарт”, “субстандарт”, “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз”. Ушбу ҳар бир таснифлашнинг ўзига хос асослари ҳам кўрсатилган.

Бундан ташқари, ҳозирги рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида, кўпроқ банкларнинг мавжуд дастурларини янада автоматлаштириш, **BI, Big data, phyton** каби сунъий интеллект дастурларини кенг тадбиқ этган ҳолда банк ишини ушбу автоматлаштирилган тизимлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман, **Microsoft excel** дастури бугунги кунда ахборот кўламининг кескин ортиб бораётганлиги сабабли талабга жавоб бермай қолаяпти, шуни эътиборга олган ҳолда банк ходимларини юқорида номлари айтиб ўтилган дастурий таъминотларга ўхшаган **fintech** дастурларида ишлашга ўргатиш зарурати мавжуд.

Активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича кўп қиррали мониторингларни ўтказиш, келгусида муаммоли кредитга айланиб қолиши мумкин бўлган активларни олдиндан аниқлашнинг энг самарали йўллари банкларда янги IT технологияларидан кенг фойдаланиш эвазига топилади ва амалга оширилади.

Бундан ташқари банк активлари 2021 йил 1 январь ҳолатига 366,12 трлн. сўмни (*шундан, ажратилган кредитлар 276,97 трлн. сўм*) ташкил этган бўлиб, бу ўз навбатида, 2020 йилга нисбатан 93,39 трлн. сўмга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2023 йил 1 январь ҳолатига келиб 556 746 миллиард сўмга (*шундан, ажратилган кредитлар 390,04 трлн. сўм*) етди. Банк активларнинг ЯИМдаги салмоғи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда<sup>138</sup>. Бу албатта, банк тизими хизматларининг ривожланиб келаётганлигига боғлиқ. Бироқ, тижорат банкларининг активлари ўсиши билан бир қаторда уларнинг муаммоли активлари ҳажми ҳам бунга мос равишда ўсиб келмоқда. Бу муаммоли активларни 90-95 фоизи тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг сабаби шундаки, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра

---

<sup>137</sup> <https://lex.uz/docs/5768182>

<sup>138</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)- Ўзбекистан Республикаси Марказий банки маълумотлари


тижорат банклари активларининг 68,1 фоизни берилган кредитлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам муаммоли активлар улушининг асосий қисми муаммоли кредитлар улушига тўғри келади ва бу муаммоли кредитларнинг асосий қисми давлат улуши мавжуд бўлган банкларга тегишли. Бунинг сабаби сифатида давлат улуши мавжуд банклар кредит портфелининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини имтиёзли кредитлар ташкил этишида ва имтиёзли кредитларни молиялаштиришда иштирок этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қуйида келтирилган 1-расмдаги маълумотлардан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг кредит портфелидаги кредитлар ва муаммоли кредитлар ҳамда улар бўйича шакллантирилган захираларнинг охириги уч йил ичидаги ўзгаришларини кўриш мумкин.

Маълумотлар шуни айтмоқдаки, 2020 йилда пандемия бўлганлиги боис давлатимиздаги тижорат банкларнинг актив операциялари тухтатилган эди, шу сабабли банкнинг кредит портфелидаги кредитлар қолдиқларини пролонгация қилиш жадал суръатлар билан амалга оширилди, бунинг оқибатида кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғи унча ўсиш кўрсатмади.

2021 йил давомида эса банкнинг кредит портфелидаги кредитлар қолдиқлари 3 249,8 млрд сўмга ошиши билан бирга муаммоли (NPL) кредитлар улуши ҳам 1 633 млрд сўмга етди. Бунинг асосий сабабларидан бири яқиндагина тугаган пандемиядан сўнг кўпгина жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳолатлари ёмонлашгани ва уларга тақдим этилган кредит каникулига қарамай банкдан олган кредитларни ўз вақтида тўлашда қийинчиликларга дуч келганларидир. Албатта бошқа субъектив ва объектив сабаблар ҳам мавжуд. Булар – пандемия таъсирини дахли бўлмаган бўлса ҳам аввалдан потенциал муаммога айланиши мумкин бўлган кредитлар бўлиши мумкин..

## 2020-2022 йиллар якунлари бўйича кредит портфели ва NPL



### 1-расм. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг кредит портфелидаги кредитлар ва муаммоли кредитлар ҳамда улар бўйича шакллантирилган захиралар динамикаси<sup>139</sup>

Хулоса қилиб айтганда, кредит ажратишда яна бир таҳлилларни амалга ошириш зарурки, ушбу таҳлиллар статистик маълумотларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур деб ўйлайман масалан, тижорат банкларининг кредит қарздорликлари билан ишлаш департаментлари банк томонидан охирги беш йил давомида ажратилган кредитларни соҳалар ва мижоз турлари ҳамда муддатларга бўлган ҳолда доимий ўрганиб боришлари лозим, бунда, муаммоли кредитларнинг асосий хажми қайси соҳага, қайси бизнес вакиллари, қайси мижоз турлари ва қайси муддатларга тўғри келиши аниқланади ҳамда шу билан келгусида ажратиладиган кредитларнинг муаммога айланиб қолмаслиги учун зарурий чора тадбирлар кўришнинг иложи мавжуд бўлади.

<sup>139</sup> www.uzpsb.uz- “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБи маълумотлари

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Қурбонов Р.Б.-ТМИ доценти**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, тижорат банклари тизимида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юзага келди. Республикамизда тижорат банк тизимининг узлуксиз ривожланиши бозор муносабатлари шароитидаги объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар баъзасини вужудга келтирувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) тўлиқ мувофиқлаштиришни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда автоматлаштирилган банк тизимини замонавийлаштиришда банк ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) талабларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши<sup>140</sup> белгиланган. Албатта бу жараёнлар узлуксиз давом эттирилиб бориляпти.

Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши туфайли тижорат банклари маблағлари ва маблағлар манбаларини, шунингдек, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услубида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлган ва тегишли назорат ўрнатилишини талаб этувчи ўжалик маблағларининг янги турлари пайдо бўлди. Булардан бири номоддий активлардир.

Бугунги кунда тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олиш масаласи долзарб масалага айланган. Чунки ушбу объектлар бухгалтерия ҳисобида янги объектлардан бири

---

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия- банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори.

бўлганлиги учун уларни ҳисобини юритиш бўйича илмий ишланмаларни етарли деб бўлмади. Хусусан тижорат банкларидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда бу муҳим роль ўйнайди.

Ахборотнинг глобал таъсири ва технологик ўзгаришлар ва алоқа ўзгаришлари жамиятимизни иқтисодиёт ва глобаллашувни глобал рақобатга олиб келадиган муҳим омил сифатида ўзгартирди. Сўнгги пайтларда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муҳит анъанавий бухгалтерлик ҳисобидан замонавий ниятларга ўтиш ва ундан кўп маълумот талаб қиладиган глобаллашув ва юқори рақобатни янада юқори даражага олиб чиқди<sup>141</sup>.

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва ёндошувлар таҳлилига эътиборни қаратамиз. Масалан, В.Ф. Палий номоддий активларни амортизация қилиниши, кадрсизланиши, захиралар яратилиши, 38-, 37- ва 36-МҲХС лари бўйича номоддий активларни номоддий активларнинг эскириш ҳисоби, эскириш ҳисоблаш усуллари, фойдалилик муддатлари аниқлаш талаблари, номоддий активларни баҳолаш, қайта баҳолаш, номоддий активлар<sup>142</sup> ҳақида маълумотлар берган.

Н.Н Куницына и В.В Хисамудиновлар номоддий активлар аудитига, яъни номоддий активларни банкка қабул қилишда қабул қилиш топшириш далолатномалари борлигига, интеллектуал мулк объектларни балансга кирим қилишда ушбу ҳуқуқни вужудга келишини экспертизадан ўтказиш, юридик мақомини текширишга қисқача тўхталган<sup>143</sup>.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақлари режасига кўра номоддий активлар ҳисоби қуйидаги кўринишда амалга оширилади.

---

<sup>141</sup><http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S22125671140038314>George Ciprian, Radu Valentin From visible to hidden intangible assets // Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 ( 2012 ) 682 – 688.

<sup>142</sup> В.Ф. Палий «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». (Учебник). Москва ИНФРА-М 2007. (123-125, 130-131 бетлар, 176-199 бетлар).

<sup>143</sup> Н.Н Куницына и В.В Хисамудинов. «Банковский аудит». 2005 г. С.103-104.

**Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олувчи  
ҳисобварақлар**

<b>Ҳисобварақ номери</b>	<b>Ҳисобварақ номи</b>
16601	Номоддий активлар
16605	Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контрактив)
16609	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16617	Гудвилл
16699	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлари қоплаш захираси(контракт)
56618	Номоддий активларнинг эскириш суммаси
56832	Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Ҳисобварақлар режасида номоддий активлар тўғрисидаги амалиётларни бухгалтерия проводкаларда акс эттиришга хизмат қилиб, ундаги ҳар бир ҳисобварақ ўзида номоддий активларнинг ўзини, амортизациясини, харажатларини аналитик ва синтетик ҳисобини олиб боради.

Банкларда номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришда халқаро тажрибада қўлланилиб келаётган Номоддий активларнинг 38-сонли МҲХС дан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. Номоддий активларнинг 38-сонли МҲХС 1998 йил июль ойида Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари Комитети томонидан тасдиқланган бўлиб, 1999 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилган. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби халқаро миқёсда “Номоддий активлар” номи ушбу, 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ тартибга солинади. Ушбу стандартнинг мақсади бошқа стандарт қамраб олмаган номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилашдан иборатдир. Ушбу стандартда номоддий активни у фақатгина

белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади. Шу билан бирга номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

“Номоддий активлар” номли 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стардартига мувофиқ, номоддий активлар идентификацияланадиган бўлиши лозим. Номоддий активнинг идентификацияланиши деганда гудвилдан ажратган ҳолда алоҳида ҳисобга олиш объекти сифатида тан олинишини тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда тўла Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига риоя этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида уларнинг хизмат муддатларини белгилаш давлат амортизация сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини айтиб ўтиш лозим. Лекин бизнинг мамлакатимизда давлатнинг алоҳида амортизация сиёсати ва унинг маъсул органи ташкил этилмаган. Давлат амортизация сиёсати унинг солиқ сиёсати таркибида юритилиши белгиланган. Солиқ кодекси ва бошқа молиявий қонунчиликда асосий воситаларнинг тури ва таркиби бўйича эскириш амортизация ҳисоблашнинг тартибларини ва уларнинг амал этилиши назорат қилинади. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг давлат солиқ сиёсати бўйича 5 та таркибли тизими белгиланган, яъни 20; 15; 10; 5; 8 фоизли таркиби. Амортизация ҳисоблашнинг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари бўйича 4 та усули: тенг улушли (бир текисда), кумулятив, ишлаб чиқариш усули, қолдиқли камайиш усуллари белгиланган. Муайян услубни танлаш ва уни амалиётда қўллаш банк ҳисоб сиёсати асосида белгиланади.



# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МЕХАНИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш”  
кафедраси PhD., доценти  
Мирза Қиличбаевич Сабилов

**Аннотация:** Ушбу мақолада қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий аҳамияти ва солиқ механизмининг Ўзбекистон Республикасида ривожланиши жорий босқичлари ҳамда камчиликлари таҳлил қилинган, шулар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** қўшилган қиймат солиғи, замонавий ҚҚС, механизм, иқтисодий ривожланиш, солиқ ставкаси

**Аннотация:** В данной статье автор анализирует экономическое значение налога на добавленную стоимость, его современные этапы и недостатки в Узбекистане и делает соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** налог на добавленную стоимость, современный НДС, механизм, экономический рост, ставка.

**Abstract:** In this article author analyzes the economic significance of the value added tax and its current stages and shortcomings in Uzbekistan, and draws relevant conclusions.

**Key words:** Value added tax, modern VAT, mechanism, economic growth, rate.

## Кириш

Солиқ тушумларини ошириш, айниқса, давлат салоҳияти паст бўлган мамлакатларда иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу истиқболда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат даромадларининг катта ва ўсиб бораётган манбаи ҳисобланади<sup>144</sup>.

Бинобарин, ҚҚС механизминини тушуниш бюджет даромадларини ошириш қилиш ва иқтисодий ривожланиш учун

---

<sup>144</sup> Liam Ebrill et al., The Modern VAT 1-14 (2001); Michael Keen and Ben Lockwood, “The Value-Added Tax: Its Causes and Consequences” 3 (IMF, Working Paper 183, 2007).

муҳимдир. ҚҚСнинг иқтисодий ўсишдаги роли баҳсли масала бўлиб, айрим олимлар унинг жорий этилиши бизнеснинг норасмийлигини рағбатлантиргани, давлат даромадларини камайтиргани ва иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилишини таъкидлайди<sup>145</sup>. Шу сабабдан ҚҚС солиғи механизми нотўғри лойиҳалаш давлатлар, асосан кам даромадли мамлакатлар ривожланиши учун узок муддатда потенциал тўсиқ бўлиши мумкин.

ҚҚС солиғининг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши асносида 2018 йилда ҚҚС тизимининг замонавий моделга мослаштириш даври бошланди. Бу ислохотлар нафақат ҚҚС балки бутун солиқ тизимида туб ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепция асосида 2019 йилдан бошлаб, амалда бўлган ҚҚС механизмида бир қатор улкан ўзгаришлар киритилди. Хусусан, 20 йилдан ортиқ давр мобайнида шаклланиб келган солиқ солишнинг умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларидаги солиқ юки номутаносиблигини бартараф этиш, “кичик бизнес субъекти” мақомининг суиистеъмол қилинишини олдини олиш ва бир солиқ тизимида қўшилган қийматни икки солиқ механизм (ҚҚС ва Ягона солиқ тўлови) орқали солиққа тортиш оқибатида пайдо бўлган каскад эффектини юмшатиш мақсадида тадбиркорлик субъектининг соддалаштирилган солиқ режимида қолиши ёки умумбелгиланган солиқ режимига мажбуран ўтишини ҳал қилувчи мезон сифатида 2019 йилдан бошлаб йиллик оборот (ялпи тушум) белгиланди.

Унга кўра ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти 1 млрд сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқ режимига ўтади ва ҚҚС тўловчисига айланади<sup>146</sup>. Шу орқали ҚҚС қамровини кенгайтириш кўзда тутилди. Бироқ, бу чорани амалга оширишга ҚҚСнинг 20

---

<sup>145</sup> OECD. (2020) Consumption Tax Trends 2020: VAT/GST and Excise Rates, Trends and Policy Issues. <https://www.oecd.org/ctp/consumption-tax-trends-19990979.htm>

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори, 2018 йил 26 декабрь.

фоизли ставкасини пасайтирмасдан туриб киришилди. 2019 йил арафасида ҚҚСнинг бундай юқори ставкаси билан уни барча тадбиркорлик субъектларига жорий қилиб бўлмаслиги, шу пайтга қадар ягона солиқ тўлаб келаётган кичик бизнес субъектларининг аксарияти қийин аҳволга тушиб қолиши, товарлар нархининг кескин кўтарилиши ва бошқа муаммолар юзага келиши аниқ бўлиб қолди.

Натижада, чора сифатида ҚҚСни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби ўйлаб топилди<sup>147</sup>. Унга кўра тушуми 3 млрд сўмдан ошмайдиган тадбиркорлик субъектлари мол етказиб берувчиларга тўланган (кирувчи) ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқисиз пасайтирилган (базавий 7 фоиз) ставкаларда ҚҚС тўлашлари мумкин бўлди. Бунда ҚҚС ставкаси айрим фаолият турлари учун табақалаштирилди.

Соддалаштирилган ҚҚСини жорий қилишдан кўзланган мақсад унинг қўшилган қийматни солиққа тортишдаги иккита вазифани бажариши билан асосланади, хусусан:

- йиллик ялпи тушуми 3 млрд. сўмдан ошмаган субъектлар уни ҳисоблаб чиқариши ва тўлашини осонлаштириш;
- бузилишлар билан бўлса-да, мамлакат иқтисодиётида қўшилган қийматни яратувчи занжирлар фаолият юритишига имкон бериш.

ҚҚСнинг соддалаштирилган режимига ўтган тадбиркорлик субъектлари бир нечта фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, ҚҚСни ҳисоблаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари зарур эди.

Юқоридаги тартиб, ҚҚС тизимининг янада мураккаблашувига олиб келди ва шу сабабли 2020 йил 1 январдан янги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан бекор қилинди. Янги солиқ кодексини қабул қилиниши том маънода нафақат ҚҚС балки бутун солиқ сиёсатида улкан бурилишга олиб келди. Хусусан, ҚҚС механизмининг фискал салоҳиятини яхшилаш мақсадида солиқ бир қатор умумий ва

---

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон қонуни, 2018 йил 24 декабрь.

индивидуал солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Бироқ, шундоқ ҳам кучайиб келаётган ҚҚС юки билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлган даврда бу ислохотларни (амалдаги юқори 20 фоизли стандарт ставка билан амалга ошириш иқтисодиётнинг реал сектори учун аянчли тугашини ҳисобга олган ҳолда 2019 йил 1 октябрдан Ўзбекистонда ҚҚС ставкаси 20 фоиздан бирданига 15 фоизгача туширилди<sup>148</sup>. 2023 йилдан бошлаб ҚҚС ставкаси 12 фоизга пасайтирилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши яширин иқтисодиёт кучайган шароитда кутилган самарани бермайди. Товар ва хизматларни ҚҚСсиз нақд пулга харид қилиш имкониятлари мавжуд иқтисодий тизимда нафақат якуний истеъмолчилар, балки тадбиркорлик субъектларининг ҳам аксарият кўпчилиги ушбу солиқни четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Шу сабабдан гарчи юқорида келтирилган кўрсаткичлар солиқ тизими ва ундаги ислохотларнинг ҚҚС тушуми билан умумий тенденцияга эгалигини кўрсатсада, ҚҚС тизимининг самарадорлик даражаси, унга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг самарадорлик даражасини белгилашдаги ўрни (салмоғи) ҳақида батафсил маълумот бермайди. Бу ўз навбатида ҚҚС механизми самарадорлигини аниқлашда чуқурроқ таҳлилар амалга оширишни талаб этади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Liam Ebrill et al., The Modern VAT 1-14 (2001); Michael Keen and Ben Lockwood, “The Value-Added Tax: Its Causes and Consequences” 3 (IMF, Working Paper 183, 2007).

2. OECD. (2020) Consumption Tax Trends 2020: VAT/GST and Excise Rates, Trends and Policy Issues. <https://www.oecd.org/ctp/consumption-tax-trends-19990979.htm>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда

---

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон фармони, 2019 йил 26 сентябр.

2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори, 2018 йил 26 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон қонуни, 2018 йил 24 декабрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон фармони, 2019 йил 26 сентябр.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш”**

**кафедраси PhD., доценти**

**Мирза Қиличбаевич Сабилов**

**мустақил тадқиқотчиси**

**Рахимов Афзалбек Қудрат ўғли**

Ўзбекистонда қўлланиладиган ифлосланиш учун тўлов тизимининг асосий хусусиятлари 2009 йилдан бери ўзгаришсиз қолмоқда. Ифлосланганлик учун тўловлар қуйидагиларга нисбатан қўлланилади: (1) стационар ва кўчма манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқиндилари; (2) сувни ифлослантирувчи моддаларни табиий сув ҳавзаларига ва коммунал канализация тармоқларига ва қуруқликка оқизиш; ва (3) чиқиндиларни ҳосил қилиш. Солиқ солинадиган база - бу чиқиндилар, оқава сувлар ва ҳосил бўлган чиқиндилар ҳажми ҳисобланади ва улар тонналарда ўлчанади. Кўчма манбалардан (транспорт воситаларидан) атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши учун солиқ солинадиган база тоннада ўлчанадиган ёқилғи сарфи ҳисобланади. Тизим қамраб олган ифлослантирувчи моддалар сони жуда кўп, яъни стационар манбалардан чиқадиган

чиқиндилар учун 171 та ҳаво ифлослантирувчи моддалар ва оқава сувларни оқизиш учун 84 та сув ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Кўчма манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик учун тўлов ставкалари фақат корхоналарга тегишли ва тўққиз хил турдаги ёқилғи истеъмоли билан боғлиқ транспорт воситаларига нисбатан қўлланилади. Чиқиндиларни ишлаб чиқариш учун тўловлар заҳарли ва токсик бўлмаган чиқиндиларнинг турли тоифаларини ажратади. Қайта ишланган чиқиндилар ифлосланганлик учун тўловга тортилмайди. Чиқиндиларни ишлаб чиқариш солиқлари чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва йўқ қилиш учун тўланадиган тўловлардан фарқ қилади. Тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган юридик шахслар атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни тўлашдан озод этилади.

Базавий солиқ ставкалари ҳар бир корхона учун белгиланган йиллик максимал эмиссия лимитларигача (нормалар) бўлган ифлослантирувчи моддалар чиқиндиларига нисбатан қўлланилади; бу эмиссия чегаралари, одатда, ҳар уч йилда бир марта кўриб чиқилиши керак. Белгиланган меъёрлардан юқори ифлосланиш учун юқори тўловлар олинади, бу ортиқча ифлосланиш ҳажмига қараб базавий ставкаларнинг 10 баробаригача етиши мумкин. Аксинча, йиллик чегаралардан паст бўлган эмиссиялар "бонус коэффициенти" дан фойда келтиради, бу эса тўловларнинг пасайишига олиб келади.

2006 йилдан 2016 йилгача ифлосланиш учун тўлов ставкалари юқори жами инфляция (187 фоиз ўртача йиллик истеъмомол нархлари индекси (СПИ) бўйича ўлчанади) фонида ўзгаришсиз қолди, бу ифлосланиш солиғидан ифлосланиш даражасини пасайтириш чоратадбирлари учун ҳар қандай молиявий рағбатни йўқотади. Шу фонда Ҳукумат 2017-йилда барча солиқ ставкаларини 2016-йилга нисбатан 100 фоизга оширди. 2019-йил бошидан атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун солиқ ставкалари расмий энг кам ойлик иш ҳақиға индексация қилинмоқда. Эндиликда солиқ ставкалари ифлослантирувчи моддаларга хос коэффициентни энг кам иш ҳақи даражасига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади, бу 2019-йил бошидан буён 202 730 сўмни (24 АҚШ доллари) ташкил этади. Бу

эса ифлосланиш учун барча солиқ ставкаларини янада 135 фоизга оширишни назарда тутди. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, яъни реал кўринишда солиқ ставкалари 2019 йилнинг биринчи чорагида 2006 йилдаги даражасидан бор-йўғи 10 фоизга юқори бўлди. Сўнгги ўн йил ичида энг кам иш ҳақи мунтазам равишда юқорига қараб ўзгартирилганлигини ҳисобга олсак, ушбу индексация схемаси янада яхшироқ бўлиши керак.

Углерод солиғи ҳозирги кунда энг кенг тарқалган ЭСИлардан бири ҳисобланади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда углерод солиғини жорий қилиш бўйича ҳатти ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилган. Ривожланаётган мамлакатларда углерод солиғини жорий этиш муҳим сиёсий қарор бўлиб, бу борада пухта ўйлаш ва режалаштириш мазкур солиқдан кўзланган мақсадларга муваффақиятли эришишни таъминлашга ёрдам беради. Баъзи мамлакатлар углерод солиғини тезликда жорий қилган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ мамлакатлар тўғри дизайнни ишлаб чиқиш учун бир неча йиллар сарфлашди. Солиқни жорий қилиш учун қанча вақт зарурлиги қисман углерод солиғи турига ҳам боғлиқ. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнига солинадиган (*upstream tax*) ёқилғи қазиб олиш бўйича солиқ механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун анча кам вақт талаб этилса, ўлчаш, ҳисобот бериш ва текширишни талаб этадиган қайта ишлаш жараёнига солинадиган солиқ (*downstream tax*) механизмини ишлаб чиқишга кўпроқ вақт талаб этилади.

2-расмда тасвирланган дизайн жараёни одатда сиёсат вариантларини солиштириш ва углерод солиғи давлатнинг сиёсий мақсадига эришиш учун тўғри восита бўлишини аниқлашдан бошланади. Бу босқичда ҳукуматлар углерод солиғи мамлакатнинг умумий иқлимига, энергетика ва фискал тизимига қандай мос келишини кўриб чиқиши мумкин. Солиқ солиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, мамлакатлар кўпинча тайёргарлик ишларини олиб бордилар, аниқ сиёсий мақсадларни белгилайдилар



**2-расм. Углерод солиғини ишлаб чиқиш босқичлари ва дизайн вариантлари ўртасидаги боғлиқлик**

ва солиқ тузилишига таъсир кўрсатадиган иқтисодий ва институционал омиллар таҳлил қилинади.

Дунё бўйлаб мамлакатлар ва субмиллий юрисдиксиялар кўпинча иссиқхона газлари чиқарадиган маҳсулотлар ва жараёнларга солиқ соладилар. Бу солиқларнинг баъзилари қўшилган қиймат солиғи ёки фойда солиғи каби барча товарлар ёки фаолият турларига татбиқ этиладиган умумий солиқлардир, бошқалари, хусусан, ёқилғи истеъмолига акциз солиғи каби углеродни кўп талаб қиладиган маҳсулотларга қўлланилади. Бундай солиқлар, хусусан,



углеродни кўп талаб қиладиган маҳсулотлар ёки жараёнларга йўналтирилган солиқлар эмиссияни камайтиришни рағбатлантириши мумкин. Баъзи ҳолларда бу солиқлар экологик мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин бўлса-да, углерод солиғи бундан ҳам самаралироқ бўлиб, тўғридан-тўғри иссиқхона газлари чиқиндиларининг нархини белгилай олади.

Ҳар хил усуллардан фойдаланилса-да, одатдаги углерод солиғи маҳсулот ёки жараённинг иссиқхона газлари чиқиндилари (метрик тонна карбонат ангидрид эквиваленти ёки тСО<sub>2</sub>е билан ўлчанади) ва улар учун тўланиши керак бўлган солиқ ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик яратади. Бу солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини ва бу орқали эмиссияларини ҳам камайтириш учун молиявий рағбатни яратади.

Хусусан, углерод солиғини жорий қилиш уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак фискал инструментларидан фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар йўл харитаси тузиб олиниши лозим. Бу босқичда фискал сиёсатнинг экологик йўналтирилганлигига кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Углерод солиғи билан бир қаторда унга муқобил бўлган вариантларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Давлат ўз стратегик мақсадларини аниқлаб олгач, уларга ҳамоҳанг равишда иқтисодий шу жумладан солиқ ва бюджет сиёсатини ҳам олиб боради. Углерод солиғини жорий қилиш юзасидан қарор қабул қилиш эса мана шу мақсадларга эришиш йўлидаги биргина элемент ҳисобланади. Аммо ҳозирги глобаллашув ва саноатлашув жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аллақачон деярли барча мамлакатларнинг энг муҳим мақсадларидан бирига айланиб улгурди. Турли мамлакатлар атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашишнинг иқтисодий инструменти сифатида ҳар хил усуллардан фойдаланиб келишмоқда. Жаҳон амалиётида энг кўп оммалашган усуллардан эмиссиялар савдо тизими ҳамда углерод солиғини мисол келтиришимиз мумкин бўлади. Углерод солиғини жорий қилишни ўйлаган ҳукумат албатта бошқа муқобил усулларни ҳам таҳлил

қилиши ва қайси усул миллий шароитларга кўпроқ мос келишини ўрганиши керак. Биринчи босқич натижасида углерод солиғи бошқа усулларга нисбатан устунликка эга бўлса, иккинчи босқичда углерод солиғи дизайнини ишлаб чиқиш керак бўлади. Хусусан, солиқ дизайни деганда солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилигига мансуб бўладиган давлат органлари, солиқ тушумларидан самарали фойдаланишнинг усуллари ва солиқни жорий қилиш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган ташқи таъсирларни олдини олиш чора-тадбирлари режаси тушунилади. Сўнгги учинчи босқичда эса тайёр бўлган солиқ дизайнини амалиётга татбиқ этиш ҳаракатлари бошланади ва такрорий равишда солиқ сиёсати баҳоланиб ҳамда такомиллаштириб борилади.

Углерод солиғини жорий қилиш жараёнининг энг муҳим босқичи 2-босқич бўлиб, унинг таркибий элементлари юзасидан қабул қилинган қарорлар ўзаро таъсир кучига эга. Масалан, углерод солиғи қайси соҳаларни қамраб олиши тоғридан-тўғри углерод солиғи ставкасига таъсир ўтказади. Бундан ташқари, солиқ базаси ва ставкаси солиқ тушумларини беглилаб берганлиги сабабли, улардан қайси йўналишда фойдаланишга ҳам қисман таъсир ўтказмай қолмайди. 2-босқич таркибий қисмларининг ўзаро таъсирларини юқоридаги графикнинг пастки қисмида тўлиқ кўриш мумкин.

Технологик инқилоб натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши қисман бартараф этилган бўлсада, XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги саноат инқилоби давридан бошланган глобал экологик бузилиш тенденцияси ҳали-ҳануз юқори суръатларда давом этиб келмоқда. Шунинг учун охириги ўн йилликларда кўпгина ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам атроф-муҳит ўзгаришларига қарши курашишнинг фискал воситаларидан фойдаланишни амалда синаб кўрмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб бу борада дунёда энг кўп тарқалган усуллардан бири углерод солиғини қўллаш бўлиб, дунёнинг қарийб 64 та мамлакатада мазкур солиқни жорий қилиш ҳаракатлари аллақачон бошлаб юборилган.

Мамлакатлар ўз мақсадларини аниқлаш ва устуворликларини белгилаш, шунингдек янги солиқ учун миллий контекстни белгиловчи асосий элементларни аниқлаш орқали углерод солиғини ишлаб чиқиш жараёнига тайёргарлик кўришлари мумкин. Бундан ташқари, ҳукуматлар углеродга солиқ солишнинг муқобил механизмларини баҳолаш учун ўз сиёсий мақсадларига мос келадиган бир қатор мезонларга эга бўлиши фойдалидир.

Ҳукуматларга муқобил механизмларнинг аҳамиятини баҳолашга ёрдам бериш учун, ИХТТ ва Жаҳон банки (2015) углерод нархини белгилашга ёрдам берадиган ФАСТЕР тамойиллари тўпламини ишлаб чиқди: адолат, сиёсат ва мақсадларни уйғунлаштириш, барқарорлик ва прогноз қилишга қулайлик, шаффофлик, фойдалилик ва иқтисодий самарадорлик, ишончлилик ва экологик яхлитлик.

Умуман, иқтисодий самарадорлик ва мақсадга мувофиқлик концепциялари асосида тузилган бу тамойиллардан солиқ механизмини шакллантириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

ФАСТЕР тамойилларининг баъзи мезонлари экологик ва ижтимоий шароитларга боғлиқ. "Адолат" ва "Шаффофлик" сиёсий мақсадга мувофиқлиги ёки мақбуллиги, шунингдек ижтимоий оқибатлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, "сиёсат ва мақсадларнинг уйғунлиги" ва "ишончлилик ва экологик яхлитлик" атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилади.

Бошқа мезонлар сиёсий воситани танлаш ва ишлаб чиқишнинг иқтисодий харажатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. "Иқтисодий самарадорлик" одатда маълум бир мақсадга энг кам харажат билан эришиш қобилиятини, "фойдалилик" эса чиқиндиларни назорат қилишда экологик фойда ва харажатларни мувозанатлаштирадиган мақсадни танлаш қобилиятини англатади. Иқтисодий самарадорлик одатда статик ва динамик таснифланиши мумкин: қисқа вақт ичида арзон технологияларни жорий этишни рағбатлантириш ва узоқ муддатли харажатларни камайтириш учун инновацияларни рағбатлантириш қобилияти. Рентабеллик

солиқларни тежашнинг умумий харажатларини ва маъмурий харажатларини ўз ичига олади.

"Барқарорлик ва прогноз қилишга қулайлилик" тамойили углерод солиғининг иқтисодийнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган ислохотларга силлиқ ўтишига ёрдам бериш қобилиятини англатади. Сиёсий ўзгаришларга жуда сезгир бўлган ўзгарувчан солиқлар (ёки бошқа сиёсий воситалар), бундай даврларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки энергия сарфи самарадорлигига қаратилган инвестицияларни рағбатлантирмайди.

Бу элементларнинг ҳар бири ҳукуматлар углерод солиғининг ўзига хос таркибини аниқлашда фойдаланиши мумкин бўлган аниқ тамойилларга ишора қилади. 12-жадвалда умумий тамойилларни чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган саволларга баъзи мисоллар келтирилган. Шу билан бирга, сиёсатчилар ўз тамойилларини ўз мамлакатларининг ўзига хос контекстларига, жумладан, ижтимоий қадриятлари, устуворликлари ва шароитларига мослаштиришлари керак бўлади. Тамойиллар, шунингдек, бир-бирига қарама-қарши таъсирга эга бўлганда, муайян тамойилларни мувозанатлаши керак бўлади. Масалан, адолатлилик тамойилини таҳлил қилишда, "ифлослантирувчи тўлаш тамойили"ни ўз қонунчилигида ёки сиёсатида қабул қилган мамлакат, масалан, солиқни энг катта ифлослантирувчи моддаларга қаратилишини таъминлаш ва имтиёзларни чеклаш орқали таъминлаши мумкин. Бироқ, юқори эмиссия қилинадиган айрим соҳаларга техник ёки маъмурий муаммолар туғилса, бу иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин.

ФАСТЕР тамойиллари тўлиқ самарадорликни таъминлай олмасада, солиқ тузилмаси вариантларини ўрганиш учун мустаҳкам асос яратиши мумкин. Баъзи мамлакатлар бошқа мезонларни қўшишга қарор қилишлари мумкин. Масалан, тегишли миллий қонунлар ва маъмурий тузилмалар томонидан солиқ механизмининг маълум бир вариантга рухсат берилишини аниқлашда қонуний мақсадга мувофиқлиги муҳим ҳисобланади. Миллий, минтақавий ва маҳаллий солиқ органлари ўртасида назоратни тақсимлайдиган

## ФАСТЕР тамойиллари

ФАСТЕР тамойиллари	Саволлар
Адолатлилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Солиқ тузилиши “ифлослантирувчи тўлаш тамойили”га мос келадими ёки шунга ўхшашми?</li> <li>• Мувофиқлик харажатлари истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида, даромад гуруҳлари ўртасида, хусусий партиялар ва ҳукумат ўртасида қандай тақсимланади?</li> <li>• Солиқ юки адолациз равишда кам таъминланган оилаларга юкланадими?</li> <li>• Халқаро бозорда рақобатлашаётгани учун энергия талаб қиладиган тармоқлар қийин аҳволга тушиб қолмайдими?</li> </ul>
Сиёсат ва мақсадларни уйғунлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Солиқ тузилмаси мамлакатнинг асосий мақсадларига эришишга ёрдам берадими? Бу самарали бўладими?</li> <li>• Солиққа тортиш схемаси бошқа сиёсий мақсадларга (масалан, энергия хавфсизлигини яхшилаш, ичимлик сувидан техник фойдаланишни қисқартириш, яшаш жойларни табиатини сақлаш)га боғлиқ бўлган тескари таъсир кўрсатмайдими?</li> </ul>
Барқарорлик ва прогноз қилишга қулайлилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мамлакатнинг ҳуқуқий ва сиёсий контекстини ҳисобга олган ҳолда, кўрилган чоралар келажакда ўзгарадими?</li> <li>• Жисмоний шахслар мамлакат сиёсатига мувофиқ сармоя киритишга тайёрми?</li> <li>• Вақт ўтиши билан солиқ ставкаси қандай ўзгаришига аниқ кўрсатма борми?</li> <li>• Агар аниқ сиёсий мантиқ бўлса, солиқни ўзгартириш мумкинми? Бу мослашувчанлик рағбатлантирувчи механизм сифатида солиқ даромадларинга путур етказмайдими?</li> </ul>
Шаффофлилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Сиёсат воситаси қандай ишлашини жамоатчилик тушунадими?</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жамият солиқ билан боғлиқ харажатлар ва фойда тақсимотини тушуна оладими?</li> <li>• Солиқ, аҳоли ривожланишни илғай оладиган даражада шаффоф бўладими?</li> </ul>
Фойдалилик ва иқтисодий самарадорлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Солиқ чиқиндиларни камайтиришнинг самарали усуллари жорий этишни рағбатлантирадими?</li> <li>• Солиқ механизми техник янгиликка олиб келадими?</li> <li>• Ҳукумат маълумотларига бўлган талаблар ва уларни амалга ошириш харажатлари оқилона амалга ошириладими?</li> <li>• Хусусий компаниялар чиқиндилар бўйича ҳисобот бериш учун катта транзакцион харажатларга дуч келадими?</li> <li>• Солиқлар (ва тегишли ташаббуслар) барча чиқинди турларини камайтириш имкониятларини қамраб оладиган даражада кенгми?</li> </ul>
Ишончлилик ва экологик яхлитлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қопланган сектор солиққа жавобан ўз чиқиндиларини камайтиришга ҳаракат қиладими? Қандай даражада?</li> <li>• Солиқлар (ва тегишли рағбатлантиришлар) мамлакатни иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш мақсадларини бажаришга олиб келадими?</li> <li>• Солиқ тузилмаси солиқ тўлашдан бўйин товлаш эҳтимолини камайтирадими?</li> <li>• Тизимнинг яхлитлигини таъминлаш учун ўлчаш, ҳисобот бериш ва текшириш (MPV) талаблари етарли бўладими?</li> </ul>

даражада солиқ тизимига эга бўлган мамлакатлар, шунингдек, углеродга солиқ солишнинг муқобил схемаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ҳам ушбу омилларни ҳисобга олишлари мумкин.

## **Хулоса**

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳарларга эга бўлган мамлакат сифатида автотранспорт воситалари кўпайиб борган давлат ҳисобланади. Атмосферага ис гази чиқариш орқали ҳаво сифатига энг салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу автотранспорт воситаларидир. Йўл-транспорт инфратузилмаси лозим даражада шаклланмаган ва бунинг оқибатида муаммоли тирбандликлар сурункали рўй бераётган ҳозирги шароитда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида автотранспорт солиғини жорий қилиш экологик нуқтаи назардан самарали ҳисобланади.

## **ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ**

**Геология фанлар уиверситети PhD**

**Номозова Қумри Исоевна**

Мамлакат ички бозорида соғлом ва кучли рақобат муҳитини яратиш ва шу асосда унинг рақобатдошлигини ошириш, сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда шунинг асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш билан мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорлик соҳасининг ўрни бекиёсдир. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг қай даражада эканлигига боғлиқ. Бозор сегментига тез мослашувчанлиги, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида унча катта бўлмаган молиявий маблағлар ҳисобига кўзланган натижага эришиш кичик бизнесга хос хусусиятдир.

Шу сабабли мамлакатимизда сўнгги йилларда, ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий соҳа тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш

бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ-162-сон «Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги, 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда алоҳида ислоҳотлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда бугунги кунда мазкур соҳани ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлар олиб борилмоқда, тадбиркорлар учун турли кўринишдаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон эндиликда мумкин қадар тез фурсатда дунё мамлакатлари босиб ўтган йўл, яъни тадбиркорликни барча соҳада ривожлантириш ва бунда ҳозирги замон назарияси ва амалиёти эришган ютуқларга таяниши зарур. Албатта бунинг учун дунё мамлакатлари билан иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиши муҳим ҳисобланади. Бу йўл охир оқибатда мамлакат иқтисодиётининг равнақи ва инсонлар ҳаёт фаровонлигининг ортишига олиб келади.



Ҳеч бир мамлакат барча соҳада илғор бўла олмайди. Шунинг учун мамлакат ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тараққиёт йўллари билан белгилаб олиши ва шу асосда стратегик мақсадларни амалга ошириши зарур.

Тадбиркорликни амалга оширишдан асосий мақсад фойда олишдир. Тадбиркорлик фаолияти давомида иқтисодиётнинг микродаражасида ишлаб чиқариш факторларининг бирлашуви юз беради ва шу асосда тадбиркорлик фойдаси ҳосил бўлади. Тадбиркор ушбу жараённинг тезлик билан такрорланишини истайди ва аванс сифатида йўналтирилган капиталнинг қайтиши ва энг муҳими фойда билан қайтиши уни яна қайта-қайта янги товарлар ишлаб чиқариш учун йўналтиришга ва янада кўпроқ фойда олишга ундайди.

Тадбиркорлик фойдасининг юзага келиши ва унинг ҳажми умумий тушумдан ташқи харажатлар ва ички харажатларни айириб ташлаганда кўринади ва ушбу фойданинг ҳосил бўлиши ҳамда унинг ҳажми бир қанча факторларга боғлиқ. Бундай факторлар сифатида тадбиркор томонидан ишни тўғри ташкил қилиниши, ҳамкорларнинг тўғри танланиши, бозорнинг ҳолати, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда товарга бўлган баҳонинг шаклланиши, рақобатнинг ҳолати ва бошқа шу каби бир қанча факторларни санаб ўтиш мумкин.

Тадбиркор томонидан доимий равишда фойда олишга эришиш учун ушбу фаолиятни доимий равишда ўрганиш, таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш зарур.

Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири тадбиркор томонидан ўз фаолиятини ўзининг мулки ва ўз таваккалчилигига асосан амалга оширишидир. Яъни тадбиркор ўзи режалаштирган фаолиятни амалга оширар экан, ўз мулки ва маблағига нисбатан катта таваккалчиликка йўл қўяди. Бу таваккалчилик остида тадбиркор мулкининг йўқотилиши ва бошқа молиявий зарарларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ётади. Бу хавф-хатарларнинг юз бериши тадбиркорни катта

ҳажмдаги молиявий йўқотишларга ва охир-оқибатда банкротлик ҳолатига олиб келиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳар қандай тадбиркорлик йўналишида, яъни у ишлаб чиқариш бўладими, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, савдо, молиявий хизматлар, ижтимоий-иқтисодий ёки илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш бўладими хавф-хатар мавжуд ва у кутилмаган ҳолатда юз бериши натижасида тадбиркорнинг ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етиши ёки кутилган фойдани ололмаслиги мумкин.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, улар юз берганда эса кўрилган зарарни қоплашнинг бирдан-бир йўли суғурта хизматларидан самарали фойдаланишдир.

Тадбиркорлик ва бизнесда таваккалчилик бирор иш билан шуғулланганда омадсизликка учраш эҳтимолидир. Бундай омадсизликка турли хил хавф-хатарлар сабаб бўлиши мумкин. Тадбиркорлар мавжуд ва янги пайдо бўладиган хавф-хатарларни яхши билишлари ва уларнинг олдини олиш ёки салбий оқибатларини пасайтириш чораларини кўриб қўйишлари лозим. Бундай чоралардан энг мақбули, юз бериши мумкин бўлган хатарларни суғурталашдир. Суғуртаталаниши мумкин бўлган бундай хатарлар сифатида куйидагиларни санаб ўтиш мумкин: табиий ҳодисаларнинг юз бериши натижасида юзага келадиган хатарлар, яъни зилзила, цунами, қаттиқ шамол, қурғоқчилик, гармсел, қаттиқ совуқ, дўл, сел келиши, ер чўкиши ва ҳоказолар. Стихияли ҳодисалар натижасида юз берадиган хатарлар, яъни ёнғин, транспорт ҳалокатлари, юкларни ташишда йўқотишлар ва бузилишлар, корхона ходимларининг эътиборсизлиги натижасида юзага келадиган хатарлар, ўғрилиқ, талончилик, лойиҳадаги хатоликлар, сиёсий хатарлар, корхонадаги муҳим шахснинг касалланиши ёки вафот этиши, бахтсиз ҳодисалар, тижорат хатарлари, бозор конъюнктурасининг ўзгариши, ишчилар норозилиги, ҳамкорлар томонидан шартнома шартларининг бажарилмаслиги, кўзланган фойдани ололмаслик, менежерлар

хатолари, нарх-навонинг ошиб кетиши ёки пасайиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ҳоказолар.

Тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бормоқда, иқтисодиётда тобора муҳим ўрин тутиб, унинг етакчи кучига айланиб бормоқда. Аммо шундай бўлсада, тадбиркорликнинг имкониятлари янада юқори. Бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун тадбиркорлик иқтисодий асосланган, ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига тўлиқ кирган бўлиши, моддий ва молиявий маблағлардан юқори даражада самарали фойдаланадиган, бунинг учун ишлаб чиқаришнинг энг илғор технологияларидан ва инновациялардан кенг фойдаланадиган бўлиши зарур.

Тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши ижтимоий соҳа билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши инсонлар турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келиши ва ушбу соҳада топилган даромадлар алоҳида гуруҳларнинг даромадига айланиб қолмаслиги керак. Бу борада ушбу соҳани тартибга солишда давлатнинг роли муҳим ҳисобланади.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун тадбиркорларга бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳамда чет эл кредит линиялари ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари ажратилмоқда. Албатта ажратилаётган бу маблағларнинг қайтмаслик rischi ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклар турли-туман бўлиб, уларнинг юз бериш эҳтимоллиги ва келтириши мумкин бўлган зарар ҳажми ҳам турлича, шу туфайли уларнинг хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таснифлаш ва шу асосда қарор қабул қилиш зарур.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

*Геология фанлар уиверситети PhD  
Номозова Қумри Исоевна*

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, суғурта инфратузилмасининг тўлақонли ривожланиши миллий иқтисодиётнинг ривожига сезиларли туртки беради.

Суғурта саноатни таркибий жиҳатдан қайта қуришни фаоллаштиришда, илмий-техника тараққиётида ва инвестицион сиёсатнинг самарадорлигини оширишда муҳим восита ҳисобланади, ҳамда аҳоли манфаатлари нуқтаи-назаридан ижтимоий соҳанинг, тармоқлар инфратузилмасининг ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётда кризис юз берган даврда ҳаёт суғуртасидан бошқа анъанавий суғурта турларига – мулкӣ, ёнғин, автомобил, автофуқаролик жавобгарлиги каби суғурта турларига эҳтиёж ортади, чунки кризис шароитида тадбиркор ўз мулкига ёки ўзи томонидан бошқанинг мулкига етказилган зарарни суғурта востасида қоплаши мумкин. Ўз ўрнида бошқа суғурта турларига талаб камаяди. Иқтисодиётнинг кўтарилиши босқичида тадбиркорлик таваккалчиликлари ва инвестицион рисклар билан боғлиқ суғурта турларига бўлган талаб ортади. Суғурталовчилар иқтисодиётда мўътадилликни таъминловчи восита бўлиб, иқтисодиётга аҳолидаги ортиқча пул массаларини жалб қилиш билан унинг бир текис ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунга қадар миллий суғурта бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар сифатида жаҳон миқёсида бўлиб ўтган иқтисодий кризис, давлат томонидан тартибга солиш усулларининг кескинлиги, инвестицион ресурсларни жалб қилишнинг реал воситалари ва муҳитининг йўқлиги, инфляция даражасининг юқорилиги, иқтисодиётда пул ресурслари ҳаракатининг чегараланганлиги бўлган бўлса, бугунги кунга келиб

бунга кўшимча равишда дунё миқёсида коронавирус пандемиясининг тобора кескин тус олаётганлиги ва унинг давомлилиги инсонлар турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юбораётганлиги ва иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларини издан чиқараётганлиги ҳолатлари суғуртанинг ривожига яна янги тўсиқ бўлди. Аммо бу вақтинчалик ҳолатлар бўлиб, яқин келажакда, мазкур тўсиқлар олиб ташланади ва суғурта хизматлари кенг ривожланиш палласига киради.

Суғурта хизмаларининг ривожига тўсиқ бўлаётган ички сабаблар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ресурслар диверсификациясининг етарли эмаслиги билан белгиланувчи, суғурта компаниясининг хато суғурта сиёсати; бозорнинг молиявий ҳолати таҳлилининг паст даражаси; профессионал менежментнинг етарли эмаслиги; стратегик режалаштиришнинг йўқлиги; маъмурий харажатларнинг юқорилиги; персонал малакасининг пастлиги; рақобат даражасининг пастлиги; суғурта инфратузилмасининг ривожланмаганлиги; суғурталанувчилар ишончининг қозонилмаганлиги; хизматлар таклифи хилма-хиллигининг камлиги; хизматлар баҳосининг юқорилиги ва ҳоказолар.

Кўпгина суғурта ташкилотлари корхоналар солиқ тизимини оптималлаштирувчи квазисуғурта схемалари билан шуғулланишга мажбур. Суғурта шартномалари эса фақат бир томон, яъни суғурталовчи манфаатларини кўзлаган ҳолда тузилмоқда.

Тадбиркорлик таваккалчиликлари билан боғлиқ суғурта турларининг зарарлилик даражаси юқорилигидан келиб чиққан ҳолда, суғурта компаниялари мазкур суғурта турларини мижозларга кам таклиф этадилар. Ушбу суғурта турларининг оптимал схемаларини ишлаб чиқиш борасида харажатлар амалга оширилмайди. Бозор тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги сабабли, зарарлилик даражаси паст бўлган суғурта турлари бўйича ўзлаштирилмаган сегментлар ҳали етарлича мавжудлигидан фойдаланиб, суғурта компаниялари ҳозиргача мазкур сегментларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмоқда.

Кўпгина суғурта компаниялари қабул қилган рискларни ўзида сақлаб қолиш учун етарли маблағга эга эмас. Миллий қайта суғурта бозорининг сифими эса кичик. Махсус қайта суғуртага ихтисослашган суғурта компанияси мавжуд эмас. Шу туфайли қайта суғуртага берилаётган жавобгарликларнинг асосий қисми чет мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан фуқаролар ва юридик шахслар учун оммавий равишда истеъмол кредитлари тақдим этилмоқда. Бунда суғурталанувчи ва наф олувчи сифатида кредит тақдим этаётган банк иштирок этади. Кредитнинг ушбу тури таклиф этилаётганига жуда кўп вақт ўтгани йўқ. Шунинг учун, бу борада банклар ўртасидаги рақобат чет мамлакатлардаги каби кучли эмас. Ушбу ҳолатдан фойдаланган банклар мазкур кредитларни юқори фоизларда тақдим этган ҳолда риск учун жавобгарликни ўзларида сақлаб қолмоқда. Аммо кредитлаш ҳажмининг кўпайиши ва рақобатнинг кучайиши эвазига фоиз ставкаларининг пасайиши суғуртага бўлган эҳтиёжни оширади.

Тадбиркорлик рисклари суғуртасида истиқболли йўналишлардан бири лизинг берувчининг rischi суғуртаси, аниқроғи лизинг олувчининг лизинг тўловларини тўлай олмаслиги rischi суғуртаси ҳисобланади. Ушбу суғурта тури анъанавий ҳисобланган лизинг мулки суғуртасидан фарқ қилиб, бунда суғурта воситасида лизинг берувчининг кредит rischi тўлиқ ҳимояга олинади. Ушбу суғуртани мамлакатимизда кенг йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки мамлакатимизда лизинг фаолияти анчагина кенг ривожланмоқда.

Бугунги кунда миллий суғурталовчиларимиз учун суғурта маҳсулотларини сотишнинг универсал технологиялари, хўжалик субъектларининг янги талабларини қондиришга мўлжалланган янги суғурта маҳсулотлари зарур. Бунинг учун суғурталовчилар бозорда изчил маркетинг тадқиқотларини амалга оширишлари, ҳамда илғор чет мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда миллий бозорга мос суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишлари зарур.

Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси ривожланишнинг қуйи поғонасида турибди. Ваҳоланки, тадбиркорлик фаолияти мамлакатимизда кундан-кунга кенгайиб, иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиб бормоқда ва бунга параллел равишда суғурталанмаган тадбиркорлик рискларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бунинг сабаблари сифатида, биринчи ўринда суғурталовчилар томонидан мазкур суғурта турларини замон талаблари даражасида кенг ассортиментда ва қулай шартларда тадбиркорларга таклиф этиш борасида етарли даражада изланишлар олиб борилмаётганлиги, ҳамда шу билан бирга, тадбиркорларнинг бу борадаги тушунчаларининг етарли эмаслиги ҳисобланади.

Мазкур суғурта тармоғининг талаб даражасида ривожланмаётганлигига суғурталовчилар учун тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталаш бўйича намунавий қоидаларнинг талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 28 январда 1891-сон билан рўйхатга олинган ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида низом”<sup>149</sup> қабул қилинган бўлиб, ушбу низом мукамал ишлаб чиқилган ҳужжат эмас. Мазкур низом умумийлик хусусиятига эга бўлиб, унда тадбиркорлик таваккалчиликлари билан боғлиқ кўпгина жиҳатларга аниқлик киритилмаган. Низомда асосан суғурта қонунчилигида ва умумқонунчиликда белгиланган талабларни такрорлаш билан чекланилган. Низомда кўплаб тушунарсиз жумлалар мавжуд. Стандар тушунчаларда “айланма маблағлар” атамаси “айланма” деб номланган, албатта бу нотўғри. Ушбу тушунчага изоҳ бериш ҳам маъносиз бўлган. Энг муҳим нарса, яъни суғурта шартномасига суғурта ҳодисаси сифатида киритилиши мумкин бўлган таваккалчиликлар келтирилмаган ва уларга тушунча берилмаган.

---

<sup>149</sup> “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида низом”. 2009 йил 28 январь. Lex.UZ

Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси кенг қўлланилаётган ривожланган мамлакатларда ушбу суғуртанинг кўпгина турлари учун алоҳида намунавий қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, суғурталовчилар ушбу қоидаларга асосланган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўядилар.

Реал секторга йўналтириладиган инвестицияларни ҳимоя қилиш инструментлари республикада амалда йўқ. Иқтисодиётнинг ривожини таъминлашда реал секторга қилинадиган инвестицияларнинг роли муҳим ҳисобланади. Шундай экан, мазкур инвестицияларнинг ҳимоясини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёнғиндан суғурталаш бўйича чет мамлакатлар тажрибалари ўрганилди ва шу асосда ёнғиндан суғурталашни замон талбалари даражасида ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари бўйича классификациялаш амалга оширилди. Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёнғиндан суғурталашнинг мажбурий шаклини жорий этиш ёнғинга қарши суғуртани ёппасига амалга ошириш ва шу билан бирга ёнғиннинг олдини олиш тадбирларини доимий йўлга қўйиш имконини беради.

Ўзбекистонда тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасини ривожлантириш истиқболларига бағишланган иккинчи бўлимда суғуртанинг иқтисодиёт учун ва аҳоли учун қай даражада муҳим хизмат тури эканлиги ва унинг самарали ва оммавий тарзда йўлга қўйилиши аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб берилган. Ушбу бўлимда мамлакатимизда суғурта соҳасининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган бугунги кундаги глобал ва ташқи муаммолар ҳамда суғурта бозори ва суғурта компаниялари томонидан йўл қўйилаётган ички муаммолар кўрсатиб берилди.

Мамлакатимиз суғурта бозорида суғуртага тортилмаган объектлар сони суғурталанган объектларга нисбатан катта ҳажми ташкил этаётганлиги бозорда рақобат даражасининг паст даражада



сақланишига сабаб бўлмоқда ва бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин. Рақобат бўлмаган жойда хизматлар сифатининг паст даражаси ва баҳолар юқорилиги сақланиб қолади. Ушбу бўлимда кучли рақобатни юзага келтиришнинг йўли миллий бозорни чет эл суғурта компаниялари учун маълум даражада очиб беришдир.

## **ISLOM MOLIYASI VA UNING MOLIYA – BANK TIZIMIDAGI AHAMIYATI**

### **TMI xuzuridagi moliya-bank xodimlarining malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tarmoqlararo instituti Phd Jiyanov Bahriddin Ibragimovich**

Islom ta`limoti ko`p jihatdan dunyoviy ilmdan farq qiladi. Bunda qarashlar, tushunchalar, hatto aynan o`xshash yo`nalishlarda ham mazmun-mohiyat o`zgacha bo`ladi. Bunga misol qilib, bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotida muhim burilish yasagan Islom moliyasini olishimiz mumkin. Islom moliyasi jahon moliya tizimining bir qismidek tasavvur uyg`otsada, aslida ularning har ikkisi tamoyillarga ko`ra, bir-biridan ajralib turadi.

Mamlakatimizda bu boradagi tadqiqotlar, ilmiy izlanishlar u qadar ko`p bo`lmaganligi bois, ushbu atama aksariyatimiz uchun yangi tushuncha hisoblanadi. Ammo so`nggi yillarda yoshlarimiz orasida dunyoning 150 dan ziyod mamlakatlarda allaqachon rivojlangan Islom moliyasiga qiziquvchilar soni ortib bormoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2020 – yil 29 – dekabr kuni Oliy majlisga yo`llagan murojaatnomasida “ Mamlakatimizda Islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo`yicha huquqiy bazani yaratish vaqti – soati keldi. Bunga Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi”, degan so`zlari bu borada uzoq kutilgan o`zgarishlarga debocha bo`ldi.

Sodda qilib aytganda, Islom moliyasi Islom dini talablari doirasida faoliyat yuritiladigan moliya tizimidir. Shariat bizga nafaqat Allohga ibodat qilish, balki inson hayotining barcha jabhalari, xususan, iqtisodiy hayotni tartibga solish va muammolarni yechish ilmini ham o`rgatadi.

Ammo Islomiy moliyaning o'z qat'iy tartib va talablari bor. Uning asosiy tamoyillaridan biri ribo (foiz) hamda g'arar (tavakkalchilik) ning ta'qiqlanishidir.

Islom moliya tizimi foyda va zararni bo'lishish va real aktivlarga asoslangan moliyalashtirishni nazarda tutadi. Zamonaviy bank tizimidan farqli ravishda, unda foyda sherikchilikka asoslanadi. Ya'ni, bank mijoz talabi va moliya mahsulotlari turiga qarab asbob-uskuna, tovar, xom-ashyolar olib berishi yoki ularni ijaraga berishi mumkin. Islom moliyasiga Payg'ambarimiz tomonidan VII asrda asos solingan bo'lsada, u bugunga iqtisodiy qarashlarni ham to'lig'icha ifodalaydi, ya'ni u bozor iqtisodiyoti va bozor ta'sirini rad etmaydi. Hatto manfaat olishga bo'lgan rag'bat mantiq doirasida maqbuldir. Xususiy mulkchilik esa to'laligicha Islom moliyasida aks etadi. Puldan foiz undirish man qilinganligi sababli, foizli qarz majburiyatlari tizimdan chiqarib tashlanadi. Shundan bo'lsa kerak, hozirgi vaqtda aholining Islom banklariga bo'lgan qiziqishlari tobora ortib borayotganini guvohi bo'lmoqdamiz.

Islomiy banking – bu shariat tamoyillariga asoslangan va islomiy iqtisodiyotni rivojlantirish orqali amaliy qo'llanma bo'lgan bank faoliyati. Bu turdagi banklar faoliyatida shariat qayd qilingan yoki to'langanligidan qat'iy nazar kredit berish uchun belgilangan foizlar yoki qo'shimchalar olishni ta'qiqlaydi. Islom prinsplariga zid bo'lgan tovarlar yoki xizmatlar (alkogol, qimor va hokazo) bilan ta'minlaydigan korxonalariga sarmoya kiritish qat'iy man etilgan. Ushbu ta'qiqlar tarixan XX asr oxirlarida ma'lum bir darajada qo'llanilganiga qaramay, ushbu tamoyillarni musulmon jamiyatidagi xususiy tijorat muassasalarida qo'llash uchun bir nechta banklar tashkil etilgan.

O'zbekistonda Islomiy moliyalashtirish Islom banking xususiy sektorni rivojlantirish bo'yicha loyihalari ko'rinishida taqdim etilgan bo'lib, u uzoq vaqt davomida “ Ipak yo'li ” banki bilan ham muvaffaqiyatli hamkorlik qilib kelmoqda. Moliyalashtirish Murohaba prinsplariga muvofiq kafolatlarni ta'minlash uchun banklarga moliyalashtirish liniyalarini taqdim etish shaklida amalga oshiriladi. Bu musulmon mamlakatlaridagi banklar tomonidan ishlatiladigan foizsiz operatsiyalarni amalga oshirish uchun eng keng tarqalgan ish usullaridan

biridir. Murobaha – mijozlarni moliyalashtirish bo`yicha faol operatsiyala bo`lib, u keng doiradagi haridlar uchun mos keladi: uskunalardan biznes binolarigacha.

Uning ishlash usuli soda: mijoz kerakli tovarlarni sotib olish shartlari bo`yicha kelishib oladi va bankka murojaat qiladi, u esa o`z navbatida tovarlarni sotib oladi va mijozga qo`shimcha haq evaziga uni qismlarga bo`lib sotadi. Aniqroq aytadigan bo`lsak, unda ustamalar o`z-o`zidan oshmaydi va penya tushunchasi umuman yo`q. Jarimalar bor, lekin ular bir marotaba qo`yiladi, uning sababi esa mijozni tarbiyalash va kelajakda shunga o`xshash e`tiborsizliklarga yo`l qo`yilmasligini ta`minlash. Islom moliyasida kreditlar eng uzog`i 5 yil muddatga beriladi. Agarda mijoz biror bir falokatga uchrab, to`lash qobiliyatini yo`qotsa, bank muddatni 6-10 yilga cho`zib berishi mumkin. Bunda summada hech qanday o`zgarish bo`lmaydi. Lekin mijoz asbob-uskunani olib qo`yib, ularni yaxshi ishlatmay, beparvo yurgani kuzatilsa, bank sovuqqonlik uchun jarima solidi. Undirilgan bu mablag`ni to`g`ridan-to`g`ri xayriya maqsadlariga sarflaydi. Vaholanki, islomiy moliyalashda jarimaga foyda sifatida qaralmaydi va u harom hisoblanadi.

Islomiy banklarda omonatga pul qo`yishning asosan 3 turi mavjud :

1. Mudoraba bitimi – bunda omonat qo`yuvchi investor sifatida ishtirok etadi va bank omonat qo`yuvchining mablag`larini foyda keltiradigan aktivlarga yo`naltiradi. Bank omonatchi mablag`larining boshqaruvchisi sifatida qatnashganligi uchun foydadan o`z ulushini oladi, mijoz ham foydadan kelishilgan miqdordagi ulushni oladi. Agar qilingan investitsiya natijasida zarar ko`rilsa, u omonat egasi ( mijoz ) tomonidan qoplanadi, bank esa foydadagi ulushga ega bo`lmaydi.

2. Vakolat bitimi – mudorabaga o`xshash usulda faoliyat amalga oshiriladi, faqat bank mijoz o`z mablag`larini tasarruf etish vakolatini bergan tomon ( agent ) sifatida belgilangan miqdorda xizmat xaqi ( komissiya ) oladi. Qilingan investitsiyadan olingan barcha foyda omonatchi mijozga tegishli bo`ladi. Zarar ham omonatchi mijoz xisobiga yoziladi. Agarda bank mijoz mablag`larini tasarruf etishda loqaydlik, layoqatsizlik, g`ayriqonuniy harakatlar, bitim shartnomalarini buzish holatlari uchrasa zarar bank tomonidan qoplanadi.

3. Tavarruq bitimi – ushbu bitim mijozga omonatning miqdori qaytarishni va qatʼiy belgilangan daromad miqdorini bank tarafidan toʻlanishini koʻzda tutadi ( hozirgi kunda Islom banklari tomonidan ushbu butum keng qoʻllanilishiga qaramay, Islom moliyasining asl nazariyasiga mos emas va baʼzi yirik olimlar bu bitimni tanqid qiladilar.

Bu bitimlardan tashqari “ vadi`a ” turidagi omonat turi ham mavjud.

Bunda:

- Mablag` egasi bank foydasidan ulush olmaydi va bank zarari ham unga taqsimlanmaydi;

- Bank mijozning talabi bilan mablag`ni to`liq qaytarishni kafolatlaydi;

- Bank mablag`ni mijozning roziligi bilan sarmoya sifatida ishlatishi mumkin;

- Bank o`z ixtiyoriga ko`ra, olingan foydadan mijozga ulush ajratishi mumkin;

Mamlakatimizda Islomiy banklar rivojlanishiga qaraydigan bo`lsak, 2021-2022- yillarda respublikamiz hududida 14 ta bank faoliyatiga Islom moliyasining ayrim jihatlarini jalb qilish ustida ish olib borilmoqda. Shubhasiz, bunday banklar yildan yilga ko`payib borishiga katta ahamiyat qaratish zarur. Aholi uchun foiz aralashmagan kredit va omonatlarning yetkazib berilishi, nafaqat ularning tadbirkorlik faoliyatiga, balki mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun ham juda muhim hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasiga nazar soladigan bo`lsak, ularning ko`pchiligida Islom moliyasi ancha taraqqiy topgan. Bu esa rivojlangan davlatlar safiga qo`shilishga jadallik bilan intilayotgan O`zbekiston uchun zarur omildir.

## **ЗАМОНАВИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.**

**ТМИ хузуридаги молия-банк ходимларининг малакасини  
ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро институти**

**Phd Жиянов Баҳриддин Ибрагимович**

Рақобатбардошлик иқтисодий тизимнинг барча элементлари каби, банк тизими учун ҳам хосдир. Банк хизматлари рақобатбардошлиги, уни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг асосийлари ҳисобланган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-амалий ҳужжатлар, банк хизматларини силжитиш технологияси, банк хизмат кўрсатиш жараёни ва натижалари, банк мутахассислари, банк инфраструктураси, банк объект сифатида қамраб олинган.

Шунингдек, рақобатбардошликнинг иқтисодий категория сифатида ягона тарифи мавжуд эмас:

хар бир муаллиф ушбу тушунча- ни иқтисодиётнинг турли соҳасида қўллаш мумкин бўлган ҳолда ифодалашга ҳаракат қилади.

Замонавий тижорат банклари бозорнинг барча сегментларида фаолият олиб боришади ва уларнинг хар бирида банк рақобати ўзига хос хусусиятга эга.

Таърифига кўра банк рақобати ўзаро томонларнинг маълум бир мақсадга эришиш учун беллашуви ҳисобланади. Шу сабабдан банкларда рақобатни бозор субъектлари бўйича қуйидагича гуруҳлаш мумкин. Банк хизматлари сотувчилари рақобати ва банк хизматлари истеъмолчилари рақобати.

Банк хизматлари таклиф қилувчилар рақобати-бу банк хизматлари таклиф қилувчи субъектларнинг нарх белгилаш орқали юқори фойда олиш ёки бозорда қулай сегментга эга бўлиш мақсадида беллашувидир.

Банк хизматларини сотиб олувчилар рақобати-бозорда нархни ва сотиш ҳажмини белгилаш орқали зарур хизматларни максимал даражада сотиб олиш мақсадидда мижозларнинг беллашувидир.

Ушбу рақобат турлари бозорда бир вақтда юзага келади ва айнан бир бозор миқёсида олиб қарайдиган бўлсак бозорда мижозларнинг харид қобилияти билан ифодаланади.

Тижорат банклари молия-банк бозорида кредит маблағлари сотувчилари сифатида қатнашадилар ва улар ўртасида рақобат деярли мавжуд бўлмайди. Бунда асосий рақобат кураши кредит хизматларига талабнинг юқорилиги боис кредит хизматларини сотиб олувчилар ўртасида бўлади. Бошқа томондан банклар фақатгина сотувчи сифатида эмас, балки банк хизматларини сотиб олувчи сифатида ҳам иштирок этишади.(банклараро кредит). Бунда банклар омонат жалб қилиш мақсадида нафақат бир-бири билан, балки бошқа молия муассасалари билан ҳам рақобатлашишади.

Жаҳон банк соҳаси амалиётида олиб борилган кўплаб тадқиқотлар рақобатнинг банк соҳасига таъсири ва унинг даражасини аниқлашга қаратилган. Адабиётларда рақобатнинг даражасини аниқлашни икки турга бўлишган: тизимли ва тизимсиз ёндошувларга. Тизимли ёндошувда рақобат даражаси тартибли бозорда аниқланган бўлса, тизимсиз ёндошувда янги эмпирик турли ташкилотларнинг бозордаги ҳолатини кузатиш орқали аниқланган. Жаҳон банк амалиётида рақобат даражасини аниқлашнинг турли моделларини кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш орқали, республикамиз банк амалиётида улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг замонавий босқичларида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда молия бозорининг аҳамиятини ошириш тобора муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги барқарор ўсиш бевосита боғлиқ бўлган тижорат банклари ҳануз молия бозорининг марказий институти бўлиб қолмоқда.

Шундай бўлсада, янги институтлар тижорат банкларига маълум даражада рақобат қила бошлади. Жадал суръатларда ўсиб бораётган кредит институтлари секторларини бунга мисол қилиш мумкин. Банклараро рақобат деб, одатда, тижорат банклари ўртасида ресурслар жалб қилиш ва миждозларга молиявий хизматлар кўрсатиш борасида юзага келадиган рақобат тушунилади. Банклараро рақобатнинг иқтисодий мазмуни хусусида иқтисодий адабиётларда

мунозарали фикрлар мавжуд эмас. Фақат банклараро рақобатни таъминлаш, банкларнинг монополистик фаолиятига чек қўйиш борасида қўлланиладиган чора-тадбирлар мамлакатларда бири-бирдан сезиларли даражада фарқланади. Банклараро рақобат фойдаланиладиган усулларга кўра иккига бўлинади:

1. Баҳоли рақобат. 2. Нобаҳоли рақобат.

Баҳоли рақобатда тижорат банклари кўрсатадиган молиявий хизматлар баҳосини пасайтириш йўли билан амалга ошириладиган рақобатга айтилади. Аммо банклар ўртасида баҳоли рақобатни кенг қўламда қўллаш имконияти қуйидаги омиллар билан чекланади:

а) Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини юқори даражасига давлат томонидан чекловлар ўрнатилиши мумкин.

Бундай чекловларнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- Марказий банк томонидан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини юқори ва қуйи чегараларини белгиланиши;

- тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларига бериладиган имтиёзли кредитлар фоиз ставкасининг юқори чегарасини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан тартибга солиниши;

- тижорат банкларига берилган марказлашган ресурсларга нисбатан спрэд миқдорини белгиланиши.

б) Банк фоизларининг шундай қуйи чегараси мавжудки, банк бу фоизларда даромад ололмайди. Аммо ҳар қандай банк рақобат таъсирида ана шундай қуйи фоизлар даражасига тушиб фаолият кўрсатиш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳам бу тоифадаги банклар нобаҳоли рақобатни афзал билишади.

Нобаҳоли рақобат банклар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг сифатини ўзгаришига асосланади. Молиявий хизматларнинг сифатини белгиловчи асосий мезонлар қуйидагилардан иборат:

Мижозга хизмат кўрсатиш тезлиги; операцияни амалга ошириш муддати; ноаниқлик ва хатоликларнинг сони; банк

томонидан бериладиган маслаҳатнинг сифати; хатоликларни тузатиш харажатлари; иш жараёнининг самарадорлиги; ходимни моддий рағбатлантириш даражаси; банк хизматини миждозга тақдим этиш харажати.

Банклар ўртасидаги рақобатни баҳолаш бўйича турли моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар таянчи сифатида тизимли ва тизимсиз ёндошувларга асосланган. Жумладан, тизимсиз ёндошув асосида рақобатни ташкил этишнинг янги НЕЮ (янги эмпирик саноат ташкилоти) фирмаларнинг рақобатбардошлигини бозордаги ҳолати орқали баҳолаш модели ҳисобланади. Бундан ташқари Лернер индекси, Панзара-Росса моделларини ушбу концепцияга киритиш мумкин. Бун индикатори эса статистик таҳлилларга боғланмасдан бозорни барча динамикаси ўзида қамраб олади.

Ривожланаётган давлатларда банк бозоридаги рақобат асосан кредит бериш жараёни асосида баҳоланади. Ушбу олиб борилган тадқиқотда олимлар иккита мақсадни амалга оширишни кўзлаганлар: биринчиси, банклар ўртасидаги рақобатни ривожланиш эволюциясини кўрсатиб берса, иккинчиси, рақобат ва самарадорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жараёнини очиб бериш. Банклар ўртасидаги рақобатнинг самарадорлик билан боғланиши ҳар доим ижобий ҳолатни бермаган. Рақобатнинг сусайиши банклар томонидан ўзи учун қулай миждозлар билан ишлашни йўлга қўяди.

Хулоса қиладиган бўлсак банклар бозоридаги рақобатга турли кўрсаткичлар таъсири асосида рақобат ижобий ёки салбий таъсири чуқур таҳлил қилинганини кузатиш мумкин.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИ ЕТАРЛИЛИГИ**

**ТМИ, “Банк иши” кафедраси  
муздри, проф. Д.А.Саидов**

Банклараро рақбоат шароитида тижорат банклари ресурслари ва уларнинг манбалари муҳим ахамият касб этади. Тижорат банклари ресурс базаси, макроиктисодий омил сифатида уларнинг



ликвидлигини таъминлашга ва тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга ва ўз навбатида уларни актив операцияларга жойлаштириш орқали банк даромадларини ошишига олиб келади.

Мамалкатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларида ресурсларни бошқаришнинг имкониятлари кўп қиррали бўлиб, уларни амалиётга жорий этилиши мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Бизга маълумки, тижорат банклари ресурслари таркибида асосий ўринни депозит операциялари эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасида айрим муаммолар мавжуд бўлиб, улар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслиги, яъни талаб қилиб олингунча депозитларнинг улушини юқорилиги; республикамиз тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги ва унинг банкларнинг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги; аҳоли даромадларини банк омонатларига жалб қилиш даржасининг пастлиги ва бошқалар.

Депозит базасининг барқарорлиги тижорат банклари актив операцияларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили, банк пассивлари барқарорлигини оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит базасини етарлилиги деганда депозитларнинг таркибида муддатли (+жамғарма) депозитлари қанча улушга эга эканлигини билдиради.

Халқаро банк амалиётида, ҳозирги даврда, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда. Биринчи усул Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги (ДБЕ) қуйидаги формула орқали аниқланади:

1-усул бўйича:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{ТД}}{\text{ТД} + \text{ЖД} + \text{МД}} \times 100\%$$

Бу ерда:

ТД – трансакцион депозитлар;

ЖД – жамғарма депозитлари;

МД – муддатли депозитлар.

ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган усулда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда ҳисобга олинмаган. Лекин айрим иқтисодчи олимлар, жумладан, проф. О.И.Лаврушин тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолашда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тижорат банклари фаолиятини инспекцион текширишда “СAMEL” рейтинг тизимининг методикасидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ушбу тизимда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги қуйидаги кўрсаткич орқали аниқланади:

2-усул бўйича:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Депозитлар - жами}} \times 100\%$$

Мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 75 фоиздан паст бўлмаган тақдирдагина тижорат банкининг депозит базаси етарли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банклари

депозитларининг умумий ҳажмида асосий депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини етарлилиги**

Кўрсаткичлар	01.01.2022й.	01.01.2023й.
Талаб қилиб олингунча депозитлар	69207,7	100683,3
Муддатли депозитлар	73235,7	92764,5
Жамғарма депозитлар	13746,4	23289,8
<b>Депозитлар жами</b>	<b>156189,8</b>	<b>216737,5</b>
Депозит базасининг етарлилиги:		
<b>1-усул</b>	<b>44,3</b>	<b>46,4</b>
<b>2-усул</b>	<b>55,6</b>	<b>53,5</b>

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлил этилганда, Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини етарлилиги юқорида келтирилган 2та усул бўйича ўрганилганда бизнинг тижорат банкларимизда уларни талаб даражасида эмаслигини гувоҳи бўламиз. Тижорат банклари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткичлар айрим олинган банкларда жуда пастдир. Бу эса, ушбу тижорат банкларини ресурс базасини барқарор бўлмаган манбалар ҳисобидан шаклланганлигини кўрсатади.

Тижорат банклари депозит базаси барқарорлигига таъсир этувчи омиллардан бири депозитлар таркибида аҳоли депозитларининг улуши ҳисобланади. Чунки, аҳоли нинг бўш пул маблағлари асосан муддатли ва жамғарма депозитларига қўйилади. Америка банклари депозит базасини олиб қарайдиган бўлсак, депозитларнинг 70 фоиздан ортиғи жамғарма депозитларига тўғри келади. Бизнинг тижорат банкларимизда жами депозитлар таркибида аҳолини депозитлари салмоғи жуда пастдир.

Ўзбекистон банк тизими бўйича олиб қарайдиган бўлсак, жами депозитларнинг 31,7 фоизи аҳоли депозитларига тўғри келади. Аҳоли даромадларини банк депозитларига қалб қилинишини кўрадиган бўлсак, Россияда аҳоли даромадларини 49,5 фоизи

омонатларга тўғри келади. Ўзбекистонда эса, 5,1 фоизни ташкил қилади. Бу эса, тижорат банкларини депозит базасини барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

“СAMELS” рейтинг тизимида асосий депозитлар деганда депозитларнинг банкни тарк этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар ҳар уч турдаги депозитлар – трансакцион депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғини ўз ичига олади.

Фикримизча, “СAMELS” рейтинг тизимидаги депозит базасининг етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукамалроқ ҳисобланади. Яъни, биринчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмоқда. Бу эса, жуда муҳим, чунки трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан фойдаланилганда тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан жиддий хавф юзага келмайди; иккинчидан, жамғарма депозитларининг барқарор қолдиғигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларининг маълум қисми нобарқарор пассив ҳисобланади. Улар трансакцион депозитлардан банкни маълум муддат олдиндан огоҳлантириш йўли билан олиниши жиҳатидан фарқ қилади.

Проф. Г.С.Панованинг фикрига кўра, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда лимитлар жорий қилиш лозим. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади<sup>150</sup>.

Тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлардан бири, фикримизча, ўзида ҳам трансакцион депозит ҳисобрақамини, ҳам муддатли депозит ҳисобрақамини намоён этаётган янги ҳисобрақамларининг

---

<sup>150</sup> Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

пайдо бўлаётганлиги ҳисобланади. Масалан, АҚШдаги “НАУ” ҳисобрақамлари ана шундай янги турдаги ҳисобрақами ҳисобланади. Унга бозор ставкаларида фоиз тўланади. Шу билан бирга, мазкур ҳисобрақамлар ўзида трансакцион депозит ҳисобрақамларига хос бўлган хусусиятни ҳам ифода этади: уларнинг қолдиғига тўлов ҳужжатларини ёзишга рухсат этилади.

“НАУ” ҳисобрақамларининг қолдиғи барқарорлиги жиҳатидан трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан қолишмайди. Шу сабабли, уларнинг қолдиғини тижорат банки депозит базасининг барқарорлигини аниқлашда ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз тижорат банкларида ҳам ана шундай амалиёт жорий қилина бошланди. Яъни, айрим тижорат банкларида талаб қилиб олингунча депозитларга ҳам муддатли депозитлар сингари фоиз тўланиши, ушбу депозитларни барқарор ресурс сифатида ҳисобга олишимиз мумкин.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИСЛОМ МОЛИЯСИ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

**Аминова Нилуфар Умарбоқ қизи  
ТМИ мустақил тадқиқотчиси**

Ислом банклари ёки тижорат банкларининг “ислом молияси модели”га асосланган хизматлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан биргаликда бошқа хизмат турлари, жумладан ипотека лойиҳаларини молиялаштириш дастурлари, лизинг (ижара шартномаси) ажратиш, пластик карточкаларни муомалага чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек нақд кўришдаги ва валюта операцияларини амалга ошириш, қимматбаҳо тошлар ва металлар савдосини амалга ошириш борасида молиявий операцияларни ва бошқаларни ўз молиявий хизматлари қаторида таклиф қилади. Ислом молияси асосида фаолият олиб борувчи

банклар шариатдаги мавжуд ахлоқий тамойиллари ушбу банкларга спекулятив ва кредит операцияларини амалга оширишга, юқори хавфли операциялар орқали молиявий хизматлар кўрсатишга, қолаверса, товар ва хизматлар ҳаракати келиб чиқмайдиган операцияларни амалга оширишга йўл қўймайди. Бу шуни англатадики, бундай молиявий ўзига хос институтлар иқтисодий ноаниқлик ва танглик шароитида “барқарор” ҳисобланади. Сабаби улар юқори хавфлар, инқирозлар ва нотўғри ҳисоб-китоблардан кўпроқ ҳимояланганлиги билан аҳамиятлидир. Шу сабабли, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган ислом молияси тамойиллари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва молиявий хизматларни йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини беради. Бу борада, мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш истиқболларини аниқлашда мавжуд муаммоларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан ислом молияси тамойиллари асосида молиявий хизматлар кўрсатиш ва инвестиция лойиҳалари молиялаштириш истиқболларини аниқлаш доирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Марказий Осиёдаги аҳоли сони бўйича энг катта ривожланаётган давлат – Ўзбекистондир. Таҳилларнинг кўрсатишича, республикамизда кичик ҳамда ўрта бизнеснинг иқтисодиётидаги улуши 70 фоизни, шунингдек, ушбу секторга бандларнинг улуши эса 78 фоизни ташкил этади. Шунга қарамасдан мазкур соҳа бизнес вакиллари фаолияти давомида дуч келадиган асосий муммолардан бири – молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолардир, яъни инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг диверсификацион муаммосининг мавжудлигидир. Анъанавий тижорат банкларида йирик миқдорда кредитларни ажратиш борасида мураккаб “талаблар” ва ортиқча расимиятчиликнинг кўплиги, кредит нархи, яъни унинг фоиз даражаси юқори эканлиги, кафиллик ёки гаров билан боғлиқ муаммолар ва бошқаларни санаш мумкин. Шунингдек, потенциал

инвесторлар – бўш пул маблағларига эга ҳисобланган жисмоний шахсларда ҳам анъанавий тижорат банклари билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги. Жумладан, тижорат банклари таклиф этадиган омонатлар борасида маржа, яъни омонатчи оладиган фоизларнинг мавжуд инфляцияон рискнинг юқорилиги сабабли қониқтирмаслиги ҳамда деярли барча анъанавий тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга таклиф қилинадиган омонатлар бўйича мотивцион шарт-шароит, таклифларнинг бир-бирига ўхшаш – бир хиллиги, инновацион ечимларнинг етишмаслиги, қулай бўлган инвестиция жамғармаларининг ташкил этилмаганлиги кабилардир. Бундан ташқари, бўш пул маблағларини йўналтириш учун қимматли қоғозлар бозорининг яхши ривожланмаганлиги. Статистик маълумотларга кўра, “2019-2022 йилларда республика қимматли қоғозлар бозори капитиллашув даражасининг мамлакат ЯИИМдаги улуши ўртача 9,2 фоиз, яъни 10 фоизга ҳам етмаган<sup>151</sup>”. Юқоридагиларнинг барчаси, ўз навбатида, анъанавий тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда молиявий ресурслар етишмовчилигини келтириб чиқаради. Мазкур шароитда, республика аҳолисининг аксарият қисми мусулмон ҳисобланган ва инвестиция молиялаштиришни диверсификациясига кучли эҳтиёжи бўлган мамлакатимизда анъанавий банк-молия тизимига муқобил бўлган ислом молияси модели асосида молиявий ресурсларнинг жалб этиш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ўзининг ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Республикаимизда ислом молияси бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни амалиётга тадбиқ этишдаги бизнинг тадқиқотларимиз асосида айтиш мумкинки, бу борадаги асосий муаммолар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- ислом молияси тамойиллари асосида инвестиция

---

<sup>151</sup> Статистика агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

лойиҳаларини молиялаштиришдаги институционал инфратузилманинг шаклланмаганлиги;

- ислом молияси асосида молиялаштиришни амалга ошириш бўғинининг самарали эмаслиги;

- анъанавий усулда фаолият олиб борувчи тижорат банклари томонидан ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштириш хизматларини таклиф этишда мавжуд мижозлар сонининг кескин камайиш riskига устуворлик берилиши;

- бўш турган пул маблағларини мустақил тасарруф этувчи ислом динига эътиқоди бўлган аҳолининг ислом молияси асосида фаолият олиб борувчи тижорат банклари капитализациясини етарли даражада баҳолаш имкониятига эга эмаслиги;

- ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга оид иқтисодий-молиявий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асослар борасидаги инфратузилманинг шакллантирилмаганлиги ва бу борадаги ишларнинг суст эканлиги;

- ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга оид методологик асосларнинг мавжуд эмаслиги;

- ислом молияси асосида фаолият олиб бориш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тажрибали халқаро молия институтлари тажрибаларининг етарлича ўрганилмаган;

- инвестиция лойиҳаларини ислом молияси тартиб-тамомойиллари асосида молиялаштиришнинг муқобил молиялаштириш манбаси сифатида шакллантиришнинг етарлича қўллаб-қувватланмаганлиги.

## **YURTIMIZDA BANKLARNING KAPITALLASHUV DARAJASINI OSHIRISH YO‘LLARI**

**Bank ishi kafedrasi katta o‘qituvchisi**

**Raxmatov A.J.**

Bank tizimizdan ma’lumki banklarning to‘lovga layoqatliligi va barqarorligini ta’minlash hamda doimiy oshirib borish banklarning kapitallashuv darajasiga uzviy bog‘liq hisoblanadi. Bu holatda



banklarimiz tomonidan kapital bazasini mustahkamlash, ularni samarali boshqarishda zamonaviy yo‘llarini joriy etish, kapital hajmini doimiy ravishda oshirib boorish zarur hisoblanadi.

Bugungi kunda banklarning kapitallashuv darajasini oshirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Ya’ni bank tizimida islohotlarni jadallashtirish, bank xizmatlari bozori hajmini oshirish va sohada raqobatni rivojlantirish maqsadida banklarni xususiylashtirish va davlat ixtiyorida 3-4 ta bankni saqlab qolish, bank bozoriga kamida 4 ta yirik nufuzli chet el banklarini jalb qilish<sup>152</sup> orqali bank tizimimizning kapitallashuv darajasiga sezilarli ta’sir ko‘rsata olamiz. Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi nizomga ko‘ra bank kapitali I darajali va II darajali kapitaldan iborat bo‘lsa I darajali kapitalning o‘zi esa I asosiy va qo‘shimcha kapitaldan iborat. Bu kapitallarga qo‘yilgan minimal ta’lab mavjud bo‘lib, bular tijorat banklarining regulyativ kapitali, I darajali kapitali va I asosiy kapitali monandliga qo‘yilgan minimal talablar (foizda) 2019 yil 1 yanvardan, mos ravishda 13, 10 va 8 foiz qilib belgilangan.

Jadval ma’lumotlari shuni ko‘rsatmoqdaki oxirgi to‘rt yillikda bank tizimimizda I darajali kapital monandlilik darajasi ulushi kamayish tendensiyasida bo‘lishiga qaramasdan minimal 10 foizlik talabdan yuqori bo‘lgan ko‘rsatkich saqlab qolingana, huddi shu holat kapital monandligi darajasida ham saqlanib qolinmoqda, ya’ni, minimal 13 foizlik darajadan yoqoriligi saqlab qolingana. Umumiy hajmda jami regulyativ kapital miqdori ortgan, ya’ni 1.6 barobarga organ ortgan. Regulyativ kapital tarkibida I darajali kapital sezilarli ravishda oshgan, ya’ni, 1,55 barobarga ortgan.

Tijorat banklarining kapitallashuv darajasiga ta’sir qiluvchi omillarga, bular:

- Daromad: Bankning olingan daromadi kapitallashuvni qo'llay oluvchi muhim omillardan biridir. Bankning omonatlari va kreditlar orqali kiritilgan daromadlar, depozitlar, qo'shimcha xizmatlar va boshqa

---

<sup>152</sup> O‘zbekiston Respublikasi prezidentining “O‘zbekiston-2030” strategiyasi to‘g‘risidagi 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-sonli Farmoni

bank faoliyatlaridan olingan daromadlar bankning kapitallashuvini oshirishi mumkin.

**1-jadval.**

**Bank tizim jami kapitali monandlilik darajasi<sup>153</sup>, (mlrd. so‘m).**

<b>Ko‘rsatkichlar nomi</b>	<b>1/1/2020</b>	<b>1/1/2021</b>	<b>1/1/2022</b>	<b>1/1/2023</b>
<b>I darajali kapital</b>	<b>43 659</b>	<b>48 140</b>	<b>58 624</b>	<b>67 793</b>
Asosiy kapital	43 622	48 028	58 429	67 598
Qo‘shimcha kapital	38	113	195	195
<b>II darajali kapital</b>	<b>8 808</b>	<b>10 022</b>	<b>11 567</b>	<b>15 620</b>
<b>Jami regulyativ kapital</b>	<b>52 467</b>	<b>58 162</b>	<b>70 191</b>	<b>83 413</b>
Kapital monandlilik darajasi	23,5%	18,4%	17,5%	17,8%
I darajali kapital monandlilik darajasi	19,6%	15,2%	14,6%	14,5%

- Risklar: Banklar uchun kreditlar berish va investitsiya qilish riskli faoliyatlar hisoblanadi. Agar bank tomonidan berilgan kreditlar yoki investitsiyalar daromadi oshirishga imkon bermasa

- Xizmat narxlari: Tijorat banklari xizmatlarini sotish orqali ham daromad olishadi. Bankning ko‘p xizmatlarini foydalanuvchilaridan olingan ma'lumotlarni olish orqali, valyuta almashinuvi, depozit yoki kreditlarni boshqarish xizmatlari va boshqa turdagi operatsiyalar orqali daromadni shakllantiradilar. Shu jumladan, xizmatlar narxi bankning kapitallashuvi uchun muhimdir, kapitallashuv daromadni pasaytirishi yoki qisman yoki hammasini yo‘qotishga sabab bo‘lishi mumkin.

- Kredit portfeli: Banklar kredit berish orqali daromad olishadi. Kredit portfeli, berilgan kreditlarning miqdori, shartlari va risk darajasiga bog‘liq bo‘lib, kapitallashuv daromadni ta’sir qiladi. Kredit portfelinin samaradorligi va riski bankning kapitallashuvi uchun muhim faktorlardan biridir.

<sup>153</sup> Markaziy bank sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirish uchun bir nechta yo'llar mavjud:

1. Yangi depozitlar jalb qilish: Banklar, yangi mijozlarni jalb qilish va ularning depozitlarini oshirish orqali kapitallarini oshirishadi. Bu, reklama, xususiy takliflarga va qo'llab-quvvatlash dasturlariga e'tibor qaratadigan marketing strategiyalarini o'z ichiga oladi.

2. Rivojlanish fondlari bilan hamkorlik: Tijorat banklari rivojlanish fondlari bilan hamkorlik qilib, kapitallarini oshirishlari mumkin. Rivojlanish fondlaridan olingan mablag'lar hisobidan kreditlar berishdan ko'rilgan daromad bank kapitallashuvi uchun ishlatiladi.

3. Kapitalni qayta tiklash: Banklar, kapitalni qayta tiklay oladigan xorijiy investorlarni jalb qilish orqali kapitalni oshirishadi. Bu investorlar tomonidan bankga mablag'lar kiritiladi va shu mablag'lar kapitalni oshirishni mazmuni bo'lib, bankning kapitallashuv darajasini oshiradi.

4. Takomillashtirish va xizmatlarni kengaytirish: Banklar, takomillashtirish va xizmatlarni kengaytirish orqali o'z mijozlaridan ko'proq daromad olishga harakat qilishadi. Bundan kelib chiqqan daromad bankning kapitalini oshirishiga xizmat qiladi.

## **KIBERXAVFSIZLIK SOHASI RISKLARNI SUG'URTALASH**

**Ilmiy raxbar A.Xolbayev**

**Sug`urta va pensiya ishi kafedrası v.b. dosent**

**Keldiyorov Bobomurod**

**TMI talabasi**

Jaxonda kiber xavfsizligini sug'urtalash 90-yillarning o'rtalarida boshlanganini bilib hayron bo'lishingiz mumkin. O'sha paytda, kompaniyaning "xatolar va kamchiliklarni sug'urtalash" ni sotib olishlari odatiy hol emas edi, bu vaqt o'tishi bilan boshqa tarmoqni tushiradigan dasturiy ta'minot, ma'lumotlarni yo'q qilish yoki hatto mijozga ta'sir qiladigan viruslar kabi narsalarni qamrab oldi. Ko'pincha, ushbu sug'urta tarkibida "tarmoq xavfsizligi" yoki "Internet javobgarligi" uchun qo'shimcha mavjud edi.

Oxir-oqibat, ushbu sug'urta polislari shaxsiy hayotning buzilishini qoplash uchun kengaytirildi, bu esa mijozlarga Internet orqali o'g'irlangan holatlarda kompaniyalarga yordam berdi. Bu, albatta, iste'molchilar ma'lumotlariga ega bo'lgan, ammo to'liq xatolar va kamchiliklarni sug'urtalashni sotib olishga kafolat beradigan texnologiyaga asoslangan xizmatlarga ega bo'lmagan kompaniyalar uchun yoqimli qo'shimcha edi. Ushbu kompaniyalarga faqat ma'lumotlarning buzilishini qoplaydigan mustaqil sug'urta polisi kerak edi va shu bilan kiber xavfsizlikni sug'urtalash polisi paydo bo'ldi.

Milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rildi<sup>154</sup>.

“Kiberxavfsizlik markazi” DUK tomonidan joriy yilning 1-yarim yilligi mobaynida<sup>155</sup> O'zbekiston Respublikasi davlat idoralarining 81 ta rasmiy veb- resurslari amaldagi axborot va kiberxavfsizlik talablariga javob berishi darajasini aniqlash bo'yicha ekspertizadan o'tkazildi. Ekspertiza natijalariga ko'ra, jami bo'lib mazkur resurslarda 316 ta turli xavf toifalariga oid kiberxavfsizlik zaifliklari aniqlandi.


Aniqlangan zaifliklarning 81% (255 ta) yuqori darajali xavf toifasiga tegishli ekanligi kuzatildi. Ushbu toifadagi zaifliklar veb-resurslarga yohud ma'lumotlar bazasiga ma'murlik huquqini qo'lga kiritgan holda, ularga ruxsatsiz kirish va/yoki maxfiy (konfidensial) ma'lumotlarni olish hamda veb-resursning manba kodini qo'lga kiritish imkoniyatini vujudga keltirishi bois, veb-resurslarga kiberxavfsizlik tamoyillarini izchil tadbir etilishi talabini dolzarblashtiradi.

Serverlarga taqdidlar uchrab turadi. Kiber risklar hozirgi vaqtda juda yuqori hisoblanadi, shu boisdan ko'pgina moliyaviy tashkilotlar, korxonalar zarar ko'rmoqda. Ochiq serverlar soni ko'pligini haflarning yuqori ekanligiga yaqqol misol bo'ladi.

---

<sup>154</sup> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

<sup>155</sup> <https://csec.uz/uz/>



### 1-rasm. 2023-yil I-choragiga kiber taqdidlar soni<sup>156</sup>

Kiberxafsizlik sug'urtasi bo'yicha xorijiy davlatlar tajribasidan kelib chiqib shuni aytishimiz mumkinki kiber sug'urta deganda kiber javobgarlik sug'urtasi sifatida ham tanilgan, tashkilotga kiber bilan bog'liq xavfsizlik buzilishi yoki shunga o'xshash hodisalardan tiklanish bilan bog'liq xarajatlarni kamaytirishga yordam berish uchun mo'ljallangan. Ushbu sug'urta turi birinchi tomonning zararlari yoki uchinchi shaxslarning da'volari bilan bog'liq xarajatlarni qoplaydi. Biroq, siyosatlar sezilarli darajada farq qiladi va yuqori profilli kiberhujumlar landshaftni o'zgartirishda davom etmoqda.

Kiber sug'urta talablari sug'urta provayderlari va siyosat turlari bo'yicha farq qiladi. Korxonalar qamrab olish huquqiga ega bo'lishlari kerak bo'lgan ba'zi umumiy talablar mavjud. Talablar quyidagilardan iborat:

1. Xatarlarni baholash: Sug'urta kompaniyalari ko'pincha tashkilotning xavf profilini tushunish uchun keng qamrovli xavfni baholashni talab qiladi. Ushbu baholash biznesni kiberhujumlarga duchor qilishi mumkin bo'lgan zaifliklarni aniqlashga yordam beradi.

<sup>156</sup> <https://csec.uz/uz/news/maqolalar/2023-yil-i-chorak-yakunlari/>

2. Xavfsizlik nazorati: Kompaniyalar mustahkam xavfsizlik nazoratiga ega bo'lishi kerak. Bunga xavfsiz kirishni boshqarish, xavfsizlik devorlari , so'nggi nuqtani aniqlash va javob berish (EDR) va ko'p faktorli autentifikatsiya (MFA) kiradi.

3. Hodisalarga javob berish rejasi: Korxonalarda kiber hodisani samarali boshqarish uchun hodisalarga batafsil javob rejasi bo'lishi kerak. Ushbu reja buzilishni aniqlash, bartaraf etish, yo'q qilish va bartaraf etish bo'yicha qadamlarni, shuningdek, jamoatchilik bilan aloqalar strategiyasini o'z ichiga olishi kerak.

4. Muntazam yangilanishlar va yamoqlar: Tizimlar, ilovalar va qurilmalarni (jumladan, noutbuklarni) muntazam yangilash va tuzatish ma'lum zaifliklardan himoyalani uchun juda muhimdir.

5.Xodimlarni o'qitish: Fishing hujumlari, to'lov dasturlari va kiberjinoyatlarning boshqa shakllari haqida xodimlarni muntazam ravishda o'qitish juda muhimdir. Xodimlar xavfsiz internet amaliyotlari va potensial kiber tahdidlarni qanday aniqlash haqida xabardor bo'lishi kerak.

6. Qoidalarga muvofiqlik: Kompaniyalar tegishli kiberxavfsizlik qoidalariga rioya qilishlari kerak. Bunga Tarmoq infratuzilmasi ( NERC ) Kritik infratuzilmani himoya qilish (CIP) qoidalari kabi standartlar kiradi.

Ushbu talablarga javob berish nafaqat kiber sug'urta qoplamasini olishga yordam beradi, balki tashkilotning umumiy kiberxavfsizlik pozitsiyasini mustahkamlaydi.

# **СТРАТЕГИИ ПО УВЕЛИЧЕНИЮ ЭКСПОРТА В УЗБЕКИСТАНЕ И ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ПОИСКА НОВЫХ КЛИЕНТОВ ДЛЯ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПО ВСЕМУ МИРУ**

**Муминова А.У. –ассис.кафедры  
«Мировая экономика» ТГЭУ**

**Муминова А.У. Старший преподаватель кафедры  
«Страховое и пенсионное дело» ТФИ**

В этой статье я поделюсь с вами стратегиями по увеличению экспорта в нашей стране и эффективными методами поиска новых клиентов. Поделюсь, как анализировать текущую ситуацию экспорта, определять потенциальные рынки, продвигать экспортные товары и создавать конкурентные преимущества.

С развитием проектного метода ведения бизнеса во всем мире возникла необходимость внедрения принципиально нового механизма привлечения средств, позволяющего проводить работы для развития рынка. Экспорт играет важную роль в развитии экономики страны, способствуя росту ВВП, созданию новых рабочих мест и притоку иностранной валюты. Чрезвычайно важно развивать экспортные отрасли и находить новые возможности для расширения торговли с другими странами.

Наш президент дал ценные указания о дальнейшего повышение экспортного потенциала республики и доведение объемов экспорта республики в 2026 году до 30 миллиардов долларов США.

Повышение экспортного потенциала республики посредством активной поддержки деятельности предприятий-экспортеров.

Дальнейшее развитие экспортного потенциала отраслей местной промышленности на основе максимального задействования имеющихся возможностей.

Внедрение современных стандартов при производстве продукции, отвечающей требованиям зарубежных и международным рынков, привлечение известных брендов.

Доведение доли частного сектора в экспорте до 60 процентов.

Увеличение экспорта автотранспортных средств в три раза и доведение до 1 миллиарда долларов США.

Увеличение экспорта туристических, транспортных, информационных и иных услуг, в том числе услуг программирования, в 1,7 раза, с доведением объемов их экспорта до 4,3 миллиарда долларов США.

Совершенствование системы оказания организационной и финансовой помощи предприятиям-экспортерам.

Увеличение доли готовой продукции и полуфабрикатов в структуре экспорта в 3,3 раза, расширение экспорта готовой продукции в европейские страны в рамках системы GSP+.

Увеличение количества предприятий-экспортеров с 6 500 до 15 000 и географии экспорта — с 115 до 150 стран за счет совершенствования системы содействия экспорта в зарубежные государства продукции отечественных производителей.

Реализация идеи «Новый Узбекистан — страна конкурентоспособной продукции», в том числе путем открытого конкурсного отбора 200 компаний для оказания всесторонней поддержки в трансформации их в ведущие экспортеры страны.

Создание свободных торговых зон на приграничных территориях с соседними государствами<sup>157</sup>

Анализ текущей ситуации экспорта в стране выявила такие данные как:

- Исследуйте данные

Анализируйте объемы экспорта по отраслям и регионам, выявляйте тренды и прогнозируйте развитие. Оцените конкуренцию и определите, в каких отраслях ваша страна имеет преимущества.

- Изучите рынки

Определите основные экспортные рынки вашей страны и изучите потребности и предпочтения потенциальных клиентов. Разберитесь, какие товары и услуги востребованы и какие конкуренты уже присутствуют на рынке.

---

<sup>157</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии и развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»



- **Определите препятствия**

Идентифицируйте факторы, которые могут затруднить развитие экспорта, такие как торговые барьеры, логистические сложности и недостаточное финансирование. Разработайте стратегию для их преодоления.

- **Идентификация потенциальных рынков и клиентов**

Определите потенциальные рынки и клиенты для вашей экспортной продукции. Исследуйте демографические, социально-экономические и политические факторы, которые могут влиять на спрос на ваши товары. Взаимодействуйте с местными торговыми палатами и посольствами для получения ценной информации.

Я поделюсь с вами с методами поиска новых клиентов для экспорта:

1. **Расширение существующих связей что это значит?** А это значит ,что укрепления отношений клиентами и партнерами, Воспользуйтесь рекомендациями и референсами для привлечения новых клиентов.

2. **Участие в выставках и ярмарках.** Именно этот метод считаю наиболее эффективным и испытанно на практике личной мной. Примите участие в международных выставках и ярмарках, чтобы познакомиться с потенциальными клиентами и продвигать свои товары и услуги.

- **3. Использование интернет-платформ**

Именно эти методы мне позволили на практике осуществить свой первый экспортный товар и экспортировать в другую страну.

Осуществление внешнеэкономической деятельности предприятия начинается в тот момент, когда руководством принимается решение о продвижении товара на зарубежный рынок. При этом компания должна провести комплексный анализ своих возможностей, принять во внимание вероятные риски на зарубежных рынках. Весь цикл процедур выхода на зарубежные рынки включает определенные стадии, порядок прохождения которых может варьироваться в зависимости от специфики деятельности того или иного предприятия и характеристики

продукта. Определение привлекательности внешнего рынка, анализ его сильных и слабых сторон лежит в основе выбора любой стратегии выхода компании на зарубежное пространство.

В ходе анализа рынка важно уделить особое внимание 4 основным составляющим, а именно:

- Потенциал внешнего рынка (динамика изменения его емкости в перспективе);
- Доступность внешнего рынка (наличие и определение возможных барьеров входа);
- Восприимчивость внешнего рынка (степень готовности восприятия товара);
- Стабильность внешнего рынка.

Оценка потенциала рынка в зависимости от товара определяется по-разному. Для уже известных товаров емкость рынка можно оценить величиной установленного и/или прогнозируемого спроса на аналогичные товары в годовом периоде. Для товаров-новинок потенциал рассчитывается, исходя из спроса на товары-эквиваленты; в случае их отсутствия анализируется динамика потребностей, для удовлетворения которых производятся данные товары. Доступность рынка является относительным показателем. Для каждой компании она будет определяться затратами, необходимыми на проникновение на тот или иной рынок, установленными тарифными и нетарифными барьерами, а также непредвиденными изменениями экономико-политической ситуации потенциального государства. Анализ восприимчивости рынка обычно осуществляется в ходе пробных продаж потенциальных товаров или услуг. По результатам, полученным в ходе такого тестирования, на рынке складывается мнение о производителе, о товаре, об его определенных свойствах и качествах, имидже. Созданный комплексный образ, полученный в результате «пилотного тестирования», ложится в основу качественной корректировки всего дальнейшего маркетингового комплекса компании. Стабильность потенциального внешнего рынка определяется сложившейся на нем ситуацией (как экономической,

так и политической). Обычно стабильность выражается в высоком уровне платежеспособности населения, а также в коммерческом постоянстве потенциальных клиентов .

Также необходимо проанализировать степень возможной конкуренции. На этапе конкурентного анализа исследователь рассматривает следующие стадии:

- Определение конкурентного преимущества;
- Составление перечня конкурентов;
- Разработка конкурентной структуры;
- Анализ и изучение основных конкурентов;

● Совершенствование механизмов конкуренции на зарубежных рынках. Говоря о конкурентных преимуществах, стоит отметить, что они являются, скорее, относительными, чем абсолютными. Это связано с периодическим изменением характера самой конкуренции, а следовательно и ее преимуществ. С течением времени, конкурентные преимущества имеют особенность разрушаться из-за устаревания их источников, имитации другими компаниями, изменений в экономической ситуации и пр. Определение перечня конкурентов, разработка конкурентной структуры, а также анализ и изучение их деятельности является немаловажной стадией потому, что в результате этого складывается представление о количестве конкурентов и долях рынка, которые они занимают. Итоговая картина помогает понять, как компания должна выстраивать свои стратегии маркетинга, и на какие результаты она может рассчитывать. На финальном этапе, при непосредственном выборе рынка и комплекса маркетинга, для компании ставится задача максимально использовать выявленные конкурентные преимущества с учетом специфики зарубежного рынка. После того, как компания выбрала один или несколько зарубежных рынков, происходит разработка стратегии непосредственного выхода и закрепления на них. Она включает в себя выбор наилучшего позиционирования и продвижения товаров по сравнению с конкурентами. Стратегиям выхода на международные рынки посвятили свои работы некоторые зарубежные исследователи.

Например, Майкл Портер, американский экономист и профессор, определил три общие стратегии, которые могут быть приняты компанией для получения конкурентного преимущества на зарубежном рынке:

- Стратегия лидерства стоимости;
- Стратегия дифференциации;
- Фокус - стратегия.<sup>158</sup>

Стратегия лидерства стоимости направлена на повышение эффективности и минимизацию издержек производства. Она может осуществляться благодаря жесткому контролю расходов, тщательному выбору клиентов, стандартизации и автоматизации производства. Основная идея данной стратегии заключается в том, чтобы в общей массе конкурентов определенная компания имела наименьшие затраты. Такая стратегия помогает пережить ценовое противостояние, обеспечить максимальную маржинальность, а также привлечь большое количество потребителей за счет снижения окончательной цены продукции. При выборе стратегии дифференциации делается акцент на предложение товара, превосходящего товары конкурентов по одному или нескольким аспектам, таким как характеристики товара, его качество, обслуживание клиентов, гарантия, дистрибуция, доставка и пр. Успешное применение стратегии дифференциации подразумевает предоставление уникальных характеристик, которые ценятся потребителями. Ключевым фактором успеха в стратегии дифференциации является четкое понимание потребностей потребителя. Фокус-стратегия предполагает концентрацию на небольшом сегменте, выбор которого происходит на основе определенной группы потребителей или по географическому признаку. Тщательно выбирая сегмент и удовлетворяя потребности этого сегмента лучше, чем конкуренты, нацеленные на более широкие сегменты, компании могут получить значительное конкурентное преимущество. Это может произойти в том случае,

---

<sup>158</sup> 1 По материалам портала MBA Knowledge Base

если маркетологи изначально смогут найти нишу, которая еще не заполнена крупными конкурентами, а затем разработать специализированный продукт для удовлетворения имеющейся потребительской потребности. Таким образом, можно сделать вывод о том, что разработка стратегии выхода компании на рынки зарубежных стран является комплексным и многогранным процессом. Из-за наличия высокой степени неопределенности и изменчивости внешней экономической среды, компании разрабатывают все новые стратегии выхода на внешние рынки, включая в них многовариантные подходы к управлению процессами, анализу состояния рынков, оценке и увеличению конкурентного преимущества.

## **KICHIK BIZNES SUB'EKTLARINING INNOVATSION FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISHDA XORIJIY TAJRIBA**

**TURON ZARMED UNIVERSITETI**

**O'quv ishlari bo'yicha direktor**

**o'rinbosari-prorektor**

**M.Z.Yuzbaeva**

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bosqichida, kichik biznes jahonning rivojlangan mamlakatlari iqtisodiyotida, ayniqsa uning innovatsion taraqqiyotida alohida o'rin tutib kelmoqda. Kichik biznesning milliy iqtisodiyotda raqobat muhiti shakllantirishdagi o'ziga xos o'rnini yana bir ta'kidlab o'tgan holda, uning innovatsiyalarni amaliyotga joriy etishga moyilligini alohida ko'rsatish mumkin. Kichik biznesda innovatsiyalarning nisbatan oson joriy etilishini, jumladan quyidagilar bilan izohlash mumkin.

**Birinchidan**, kichik biznesda boshqaruv bo'g'inining soddaligi, ya'ni yangiliklarni joriy etish uchun turli byurokratik to'siqlarning mavjud emasligi, tashkiliy va boshqaruv tuzilmasining soddaligi innovatsiyalarni joriy etish bilan bog'liq qarorlarni qabul qilish jarayonlarining nisbatan qisqaligini ta'minlaydi.

**Ikkinchidan**, iqtisodiy faoliyat ko‘lamining ixchamligi unda innovatsion yondoshuvlarni amalga oshirishning nisbatan qulayligi va kam xarajat talab etishiga imkon yaratadi.

**Uchinchidan**, mazkur sohada mulkchilik yakka shakllarining ustuvorligi innovatsiyalarni joriy etishdan manfaatdorlikning kuchli bo‘lishiga olib keladi.

Bu borada rivojlangan mamlakatlar tajribasini o‘rganish ahamiyatga molik. Masalan, ishlovchilar soni 1000 kishidan kam bo‘lgan AQSh kompaniyalarida 10 ming kishi band bo‘lgan firmalarga qaraganda yirik texnik yangiliklarni 17 marta ko‘proq ishlab chiqiladi. AQSh kichik innovatsion firmalarida ilmiy-tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlariga xarajatlarning samaradorligi yirik korporatsiyalarga nisbatan 4 baravar yuqori. Bundan tashqari, kichik innovatsion biznes 1 nafar ishchiga to‘g‘ri keluvchi innovatsiyani yirik biznesga nisbatan 2,5 baravar ko‘proq yaratib, bir yil muddatga tezroq amalga oshiradi. Ayni paytda buning uchun mablag‘larni 75% ga kamroq sarflaydi.

AQSh kichik biznesida innovatsiyalarning 55 foizi KBB homiylari tomonidan moliyalashtiriladi. Kongress bu borada maxsus dastur ishlab chiqqan bo‘lib, unga yiliga 1 milliard dollar ajratadi. Natijada kichik biznesda olimlar, muhandislar, tahlilchilar va kompg‘yuterda dasturlovchilarining ish bilan ta‘minlanishiga erishiladi. 80-yillarda kichik innovatsion ishlab chiqarishga olimlar, muhandislar, kashfiyotchilarning jalb etilishi oqibatida raqamlarda keskin o‘shish kuzatildi. 1980- yillar oxiri – 1990-yillar boshida AQSh sanoatining yuqori texnologiyalar sektorida 100 nafardan kam odam ishlaydigan 40 mingga yaqin kompaniya faoliyat yuritgan.

AQSh tajribasi shuni ko‘rsatadiki, kichik innovatsion biznes sub’ektlarini rivojlantirishning eng muhim omili bu – qo‘llab-quvvatlash tizimining tashkil etilishidir. Kichik tadbirkorlik sub’ektlariga nisbatan davlat innovatsion siyosati kichik firmalarning moliyaviy manbalardan foydalanishini osonlashtirishdan iborat. Ya’ni:

1) byudjetdan maqsadli subsidiyalar (federal agentliklar va idoralar orqali);

2) kichik firmalarning innovatsion faoliyatini moliyalashtirishga xususiy kapitalni jalb qilish.

AQShda kichik firmalarning tadqiqot olib borishi va rivojlanishi uchun ketadigan xarajatlarining uchdan bir qismi davlat ulushiga to‘g‘ri keladi. Qaytarilmaydigan subsidiyalar dasturlari asosan ikkita federal agentlik – KBB va Milliy fan fondi (NSF) tomonidan dastaklanadi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri qarzlari KBB tomonidan o‘z kredit manbalari orqali qanoatlantiriladi. Kredit summasi 150 ming dollarni tashkil etib, maksimal stavkasi esa 7 foizdan oshmaydi. Kreditlar quyidagi shartlar asosida beriladi: olti yilgacha – maishiy ehtiyojlar uchun; 20 yilgacha – asbob-uskuna sotib olish, yerga egalik qilish va qurilish uchun; 30 yilgacha tabiiy ofatlardan zarar ko‘rgan korxonalarni tiklash maqsadida. Amerika tajribasiga ko‘ra, hukumat idoralari orqali bevosita subsidiya shakllari yetarli moslashuvchanlik va tezlikka ega emas. Xususiy sarmoyani jalb qilish, asosan, venchur firmalari orqali amalga oshiriladi. Venchur moliyalashtirish AQShda urushdan keyingi davrda sezilarli darajada oshdi va 1970-yillarning oxirlarida keng tarqaldi. 1980-yillarning boshidan e‘tiboran kichik biznes, ayniqsa, innovatsion faoliyat bilan bog‘liq sub‘ektlar uchun yanada qulay soliqqa tortish shartlari ishlab chiqildi.

Iqtisodiyot rivojlanishining yangi bosqichida qat‘iy tarkibga ega yirik korxonalar qaranganda bozor muhitiga tez moslashuvchan kichik korxonalar iste‘molchilar talablariga mos tovarlarni ko‘proq ishlab chiqaradilar. Fan-texnika taraqqiyotining yangi bosqichi ham ishlab chiqarishning ixtisoslashuvini kengaytirish, ko‘plab tarmoqlarda korxonalar hajmini oqilona kichraytirish, turli xil tovar va xizmatlarni taklif etib, taklifning individuallashtirishini ta‘minlash imkonini yaratmoqda. Natijada esa doimo yirik ishlab chiqarish tarmog‘i hisoblangan metallurgiya sohasida ham katta korxonalar bilan bimalol raqobatlasha oladigan kichik biznes sub‘ektlarining samarali faoliyat yuritishi odatiy tusga kirmoqda. Ta‘kidlab o‘tish joizki, innovatsion faoliyat bilan shug‘ullanuvchi kichik biznes sub‘ektlarini faoliyatini moliyaviy qo‘llab-quvvatlash mamlakatimiz moliya tizimi, xususan

tijorat banklari va sug'urta tashkilotlarining eng muhim vazifalaridan biriga aylanishi lozim.

Innovatsion faoliyatning doimiy tarzda xatar darajasi bilan bog'liqligi bu yo'nalishda faoliyat yurituvchi korxonalariga bir qator imtiyozlar va preferensiyalar taqdim etish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ.**

**ТУРОН ЗАРМЕД УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўқув ишлари бўйича директор**

**ўринбосари-проректор**

**М.З.Юзбаева**

Хаммамизга маълумки 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштиришни амалга ошириш бир қанча мақсадларда келтириб ўтилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун hozirgi кунда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ташаббусларини молиялаштириш ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича яхлит тизим жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунга келиб аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш учун бир қанча устувор йўналишлари амалга ошириш зарур. Яъни

1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва **“оилавий тадбиркор – микробизнес – кичик бизнес – ўрта бизнес”** занжири асосида уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;



2. Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун ҳамкор молиявий институтлардан иборат яхлит молиявий тизим яратиш;

3. Тадбиркорликка ўқитиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг барча босқичларида доимий ҳамроҳлик қилиш;

4. Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан ресурслар жалб қилиш;

5. Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини 1,5-2 бараварга ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан 40-45 фоизга етказиш;

6. кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажмини 1,5-2 баробарга ошириш шулар жумласидандир.

Умуман олганда, инноватсион лойиҳаларни молиялаштириш тизими молиялаштириш манбалари ва молиялаштиришнинг ташкилий шакллари ўз ичига олади.

Қуйидагилар инноватсион фаолиятнинг асосий шакллари бўлиб ҳисобланади:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (НИОКР);

- технологик ишлар, ишлаб чиқаришни ва саноат синовларини ўтказишни тайёрлаш;

- Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар олиш;

- Инноватсион фаолиятни амалга ошириш борасидаги инвестицион фаолият.

Инноватсион лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштириш шакли асосан давлат бюджетини ташкил этувчи Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари эвазига амалга оширилади. Бу жараёнда асосий эътибор миллий иқтисодиёт тармоқларининг стратегик аҳамиятига қаратилади. Устувор аҳамиятга молик тармоқлардаги инноватсион лойиҳаларни молиятириш орқали халқаро майдондаги рақобатбардошлик таъминланиши кўзда

тутилади. Бюджет маблағларининг инновations лойиҳаларга ажратилиши қуйидаги шаклларда амалга оширилади:



*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.*

- давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш доирасида;
  - истиқболли инновations лойиҳаларни танлов орқали танлаб олиш асосида.

Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига инновations фаолиятни молиялаштириш бирмунча мураккаб масала ҳисобланади. Одатда кичик бизнес таркибига киритилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг инновations фаолият билан шуғулланиш учун етарли даражада маблағлари бўлмайди. Аксарият ҳолларда инновations фаолиятни олиб бориш йирик корхоналар, яъни акциядорлик жамияти шаклидаги корхоналарда учрайди. Акциядорлик жамияти шаклидаги корхонада йирик ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлай олиш ва уни айнан инновations фаолиятга йўналтириш имконияти ошади. Шу билан бирга, бу шаклдаги корхоналарда истиқболли инновations лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшимча акциялар эмиссиясини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бу йўл билан кредит ресурсларидан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий харажатлар бирмунча тежаб қолинади. Қимматли қоғозларнинг қўшимча

эмиссияси миқдорини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

- инноватсион лойиҳани амалга ошириш учун молиявий ресурслар ҳажми;
- капитал ва дивиденд миқдорининг кутилаётган ўсиш ҳажми;
- акцияларнинг жойлаштирилиши натижасида эмитент томонидан олинishi кутилаётган пул тушумлари ҳажми.

Инноватсион фаолиятни молиялаштириш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банклари томонидан инноватсион фаолиятни молиялаштиришда асосий эътибор лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатларига қаратилади. Аксарият ҳолларда тижорат банклари инноватсион лойиҳанинг ўзини ўзи қоплай олиш муддатлари, унинг тўлиқ амалга оширилиши муддатларидан озроқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришдан манфаатдор бўладилар. Банк кредитлари учун фоиз ставкалари кредит муддати, ҳажми, лойиҳанинг таваккалчилик даражаси, қарз олувчининг молиявий ҳолати ва бошқа жиҳатларни эътиборга олган ҳолда белгиланади. Хорижий давлатларда инвестицион банклар томонидан фоиз ставкасини белгилашда мавжуд базис ставкаларидан фойдаланилади (LIBOR, LIBID ва FIBOR).

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Одилов Бобуржон Фурқат ўғли,  
ТМИ мустақил тадқиқотчиси**

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг молия бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи шакллантирилган бўлиб, мажмуадаги бир қатор кўрсаткичлар пруденциал банк назоратининг объекти ҳисобланади.

Бу эса, банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, Германиянинг Deutsche Bankида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошгани ҳолда, АҚШнинг, Bank of America банкида барқарор пасивлар билан боғлиқ бўлган фоизли харажатларнинг миқдори мазкур даврда 11,1 фоизга ошди<sup>159</sup>.

Жаҳонда тижорат банкларининг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш, регулятив капиталнинг банк пасивларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигига эришиш, тижорат банкларининг фоизли даромадлари билан фоизли харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, банклар пасивларини диверсификация қилишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, жаҳон молия бозорларидаги глобал трендларнинг тижорат банклари пасивларининг барқарорлигига таъсири, пасивлар билан боғлиқ бўлган рискларни баҳолаш ва бошқариш масалаларини комплекс ва тизимли тарзда ўрганилмаганлиги мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаш, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операцияларини ривожлантириш, тижорат банклари ресурс базасининг мустаҳкамлигига эришиш, давлат банкларини комплекс трансформация қилиш, тижорат банклари пасивларини бошқариш амалиётини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. «Молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш,

---

<sup>159</sup> Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. Concolidated Statement of income. [www.db.com](http://www.db.com) (Deutsche Bank); Concolidated Statement of income. Bank of America. Annual report 2022//(<https://investor.bankofamerica.com/annual-reports-and-proxy-statements>).

корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди.

Халқаро банк амалиётида Базель қўмитасининг банк назорати бўйича стандартлари тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим методологик асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Базель-1 стандартида тижорат банкларининг регулятив капитали икки қисмга ажратилди ва банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбалари биринчи даражали капитал таркибига киритилди.

Базель-1 стандартига кўра, биринчи даражали капиталнинг етарлилиги ҳам баҳоланади ва бунда биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти қўлланилади.

Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти биринчи даражали капитални банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг энг паст меъёрий даражаси 0,04 ёки 4% қилиб белгиланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Базель-1 стандартида кўзда тутилган капиталнинг етарлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг меъёрий даражалари<sup>160</sup>

№	Кўрсаткичлар	Меъёрий даражаси
1	Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти	0,08
2	Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти	0,04

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Базель-1 стандартида тижорат банкларининг биринчи даражали капитали

<sup>160</sup> Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org.publications>.

миқдорининг регулятив капиталнинг ярмидан кам бўлмаслиги белгиланган.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали бўлиб, Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Ўз навбатида, капиталнинг ўсиш суръатини барқарорлигини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- устав капитали миқдорининг камайишига йўл қўймаслик;
- тижорат банки акцияларининг бозор баҳосини пасайишини олдини олиш;
- банк томонидан нокумулятив имтиёзли акцияларни муомалага чиқариш имкониятини кенгайтириш;
- биринчи даражали капиталнинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик;
- соф фойда миқдори ўсишининг барқарорлигини таъминлаш.

## **BYUDJET TASHKILOTLARINING SMETALARINI TASDIQLASH JARAYONI**

**ТМИ “Byudjet hisobi va g’aznachilik ishi”  
kafedrasi katta o’qituvchisi  
A.Z.Norqo’chqorov**

Kelgusi moliya yilining birinchi choragi uchun byudjet tashkilotlarining vaqtinchalik xarajatlar smetalari joriy moliya yilining 25 dekabrigacha tasdiqlanadi va ro’yxatdan o’tkaziladi.

Doimiy xarajatlar smetasi esa byudjet tashkilotlarining bosh buxgalteri (uning o’rinbosari) va moliya-iqtisod bo’linmasi boshlig’i (shtat jadvaliga muvofiq moliyaviy-iqtisodiy masalalar bo’yicha mutaxassis) tomonidan imzolanadi hamda tashkilot rahbari yoki u vakolat bergan shaxs tomonidan joriy moliya yilining 10 martidan kechiktirmay tasdiqlanadi, tasdiqlangan kuni ko’rsatilgan holda ularning imzolari hamda mazkur smetaning barcha nusxalari tashkilot muhri izini aks ettirish bilan rasmiylashtiriladi. Bunda xodimlar ish haqi

jamg'armasining summasini ajratgan holda smetada xarajatlarning umumiy summasi ko'rsatiladi.

O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining diplomatik muassasalari bo'yicha xarajatlar smetalari O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri tomonidan O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan holda joriy yilning 1 fevraliga qadar tasdiqlanadi, tasdiqlangan kuni ko'rsatilgan holda ularning imzolari hamda mazkur smetaning barcha nusxalari tashkilot muhri izini aks ettirish bilan rasmiylashtiriladi. Bunda xodimlar ish haqi jamg'armasining summasini ajratgan holda smetada xarajatlarning umumiy summasi ko'rsatiladi.

O'zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari va konsullik muassasalarining xarajatlar smetalari O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vaziri tomonidan joriy yilning 15 fevraliga qadar tasdiqlanadi.

Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari bo'yicha daromadlar va xarajatlar smetalarini tuzish hamda tasdiqlash byudjet tashkilotlarining xarajatlar smetalari uchun belgilangan tartibga o'xshash tartibda amalga oshiriladi.

Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari bo'yicha daromadlar va xarajatlar smetasida tushumlar manbaini ko'rsatgan holda byudjetdan tashqari mablag'lar tushumlarining hajmi va mazkur mablag'lardan foydalanish yo'nalishlari qonun hujjatlari talablaridan kelib chiqqan holda aniqlanadi. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari bo'yicha daromadlar va xarajatlar smetasining daromad qismi moliya yili boshidagi mablag'lar qoldig'i hamda daromadlarning manbalar kesimidagi prognozidan tashkil topadi.

Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalar bo'yicha daromadlar va xarajatlar smetalari tegishli byudjet mablag'larini taqsimlovchilar tomonidan yoki moliya organlarida xarajatlar smetasi uchun belgilangan muddatlarda va tartibda ro'yxatdan o'tkazilishi kerak.

Ro'yxatga olingan  
20\_\_ yil «\_\_» \_\_\_\_\_

(byudjet mablag'larini  
taqsimlovchilar nomi)

1. \_\_\_\_\_

(byudjet mablag'larini  
taqsimlovchi rahbari imzosi)

2. \_\_\_\_\_

M.O'.

\_\_\_\_\_ -son

ro'yxatdan

o'tkazish

### KARTOCHKASI

1. \_\_\_\_\_

Tashkilotning \_\_\_\_\_

to'liq nomi:

2. Tashkilotning \_\_\_\_\_

tashkiliy-huquqiy shakli: \_\_\_\_\_

(byudjet, nobyudjet)

3. Tashkilot manzili va telefon raqami: \_\_\_\_\_

4. Bevosita qaysi tashkilotga qarashli: \_\_\_\_\_  
qarashli: \_\_\_\_\_

5. Qaysi vazirlik, davlat qo'mitasi, idora tizimiga kiradi: \_\_\_\_\_



6. Bank \_\_\_\_\_  
nomi: \_\_\_\_\_

7. G'aznachilik \_\_\_\_\_  
bo'linmasidagi shaxsiy \_\_\_\_\_  
g'azna hisobvarag'i raqami: \_\_\_\_\_

8. \_\_\_\_\_  
Tashkilot \_\_\_\_\_  
STIRi: \_\_\_\_\_

9. Tashkilotni saqlab \_\_\_\_\_  
turish xarajatlar smetasi: \_\_\_\_\_ so'm  
(summa yozuv va raqam bilan)

Jumladan, mehnatga haq \_\_\_\_\_  
to'lash jamg'armasi: \_\_\_\_\_  
(summa yozuv va raqam bilan)

Tashkilot rahbari \_\_\_\_\_  
(imzo)

Moliya-iqtisod bo'limi  
boshlig'i  
(moliyaviy-iqtisodiy  
masalalar bo'yicha  
mutaxassis) \_\_\_\_\_  
(imzo)

Bosh buxgalter \_\_\_\_\_  
(buxgalter) —  
M.O'. (imzo)

### **1-rasm. Byudjet tashkilotlarining smetalarini ro'yxatga olish kartochkasi<sup>161</sup>**

Agar, byudjet tashkilotlarining ro'yxatdan o'tkazish uchun taqdim etilgan xarajatlar smetasi bo'yicha xarajatlar summasi belgilangan tartibda ularga etkazilganiga nisbatan ortiq bo'lsa, byudjet mablag'larini taqsimlovchi tegishli summaga bo'ysunuvidagi mazkur byudjet

<sup>161</sup> Муаллиф томонидан тузилган

tashkilotining xarajatlar smetasi bo'yicha xarajatlarni qisqartirishga majbur. Ro'yxatdan o'tkazish uchun taqdim etilgan xarajatlar smetasida xarajatlar summasining oshirilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Yangidan tashkil etilayotgan (jumladan, qayta tashkil etish natijasida tashkil qilingan) byudjet tashkilotlarining xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini ro'yxatdan o'tkazish mazkur tashkilotlarni belgilangan tartibda tashkil qilinishi to'g'risidagi tegishli qaror ko'rsatilganidan so'ng amalga oshiriladi.

Byudjet tashkilotlarining xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini ro'yxatga olish "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi" Nizomga muvofiq ro'yxatdan o'tkazish kartochkasini berish yo'li bilan rasmiylashtiriladi.

Byudjet tashkilotlarining xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi va shtat jadvallari ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risidagi ma'lumotlar "Byudjet tashkilotlari va byudjetdan mablag' oluvchilarning ro'yxatga olingan (jamlanma) xarajatlar smetasi, daromadlar va xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini hisobga olish jurnali"ga kiritiladi. Ushbu ro'yxatga olish jurnalida qayd qilingan daromadlar va xarajatlar smetalari hamda shtatlar jadvali byudjet tashkilotlari tomonidan faoliyatni amalga oshirishda ijroga qabul qilinadi.

## **АҲОЛИГА ИННОВАЦИОН ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти  
Ниёзов Зухур Давронович  
Фискал институти доценти  
Абдибаева Тамара**

**Аннотация:** Банк инфратузилмасининг ривожланишида асосий эътибор хизматларни ва технологияни ривожлантиришга қаратилган. Банк инфратузилмасининг ривожланишига

йўналтирилган инвестициялар банкларга янги технологияларни жалб этиш орқали янги хизмат турлари кенгайиши ва миждозлар базаси ошишига олиб келган. Банк инфратузилмасининг ривожланишида асосий эътибор хизматларни ва технологияни ривожлантиришга қаратилган. Банк инфратузилмасининг ривожланишига йўналтирилган инвестициялар банкларга янги технологияларни жалб этиш орқали янги хизмат турлари кенгайиши ва миждозлар базаси ошишига олиб келгади.

**Калитли сўзлар:** инновацион, чакана хизматлар, тижорат банклар, кредитлар, пластик карталар, мобил илова, банк хизматлари, ратациялаш.

**Аннотация:** В развитии банковской инфраструктуры основное внимание уделяется развитию услуг и технологий. Инвестиции в развитие банковской инфраструктуры привели к расширению новых видов услуг и увеличению клиентской базы за счет привлечения в банки новых технологий. В развитии инфраструктуры банка основное внимание уделяется развитию услуг и технологий. Инвестиции в развитие банковской инфраструктуры приведут к расширению новых видов услуг и увеличению клиентской базы за счет привлечения в банки новых технологий.

**Ключевые слова:** инновационные, розничные услуги, коммерческие банки, кредиты, пластиковые карты, мобильное приложение, банковские услуги, карточное обслуживание.

**Abstract:** In the development of banking infrastructure, the main attention is paid to the development of services and technologies. Investments in the development of banking infrastructure have led to the expansion of new types of services and an increase in the client base by attracting new technologies to banks. In the development of the bank's infrastructure, the focus is on the development of services and technologies. Investments in the development of banking infrastructure will lead to the expansion of new types of services and an increase in the client base by attracting new technologies to banks.

**Key words:** innovative, retail services, commercial banks, loans, plastic cards, mobile application, banking services, card services.

## **Кириш**

Илм-фан ютуқларидан амалда кенг фойдаланиш ва инновацион фаолиятни изчиллик билан жорий этиш, барча соҳаларда барқарор ривожланишнинг муҳим омилдир. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва унинг кенг қамровли шиддати ҳар бир давлат учун тараққиётнинг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишни тақазо қилмоқда. Ушбу ҳолатда тармоқ ва соҳалар ривожланишида инновацион фаолият ассосида ёндашув зарурият сифатида юзага чиқмоқда.

Ривожланган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар тажрибаси кўрсатдики, банк инфратузилмасининг ривожланишида асосий эътибор хизматларни ва технологияни ривожлантиришга қаратилган. Банк инфратузилмасининг ривожланишига йўналтирилган инвестициялар банкларга янги технологияларни жалб этиш орқали янги хизмат турлари кенгайиши ва мижозлар базаси ошишига олиб келган. Европа ва АҚШ банклари инвесторлари ўз маблағларининг 91 фоизини банк фаолияти самарадорлигини оширишда инфратузилмага инвестиция киритишга сарфламоқда [162].

## **Адабиётлар шархи**

Мамлакатимиз ва хориж олимларининг илмий ишларида хусусан чакана хизматларга алоқадор масалалар ўз аксини топган. Жумладан, Ф.Суяровнинг «Чакана банк хизматлари бозори» мақоласида тижорат банклари чакана хизматларига ритейл банкинг сифатида ёндашилиб, “Ритейл банкинг - жисмоний шахслар учун кўплаб банк хизматларини етказиб беришдир” деган хулоса қилинган. [2] Россиялик олимлар Г.Н. Белоглазова, А.М. Тавасиевларнинг фикрларича, банк хизмати негизида операция ётади, яъни банк операцияси натижасида банк хизмати яратилади ва ушбу операция банк мижози талабини қаноатлантиради. [3], А.Н. Иванов банк маҳсулотига, алоҳида банк фаолияти бўйича мижоз талабини қондириш учун ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари

тўплами ва операцияларини амалга оширилишини киритади. [4], С.Райимназаров ва Б.Избосаров Тижорат банкларининг чакана хизматларини ривожлантириш, шу орқали корпоратив миждозлар ва жисмоний шахсларга таклиф этилаётган хизмат ва махсулотларнинг ҳажми ва кўлами ўртасидаги диспропорцияларни бартараф этиш масаласи замонавий банк ишининг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланишини этироф этадилар.[5].

### **Асосий қисм.**

Бу борада ўзбекистонда ҳам бирқатор тижорат банклар қатори хорижий капитал иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБ қисқа вақт ичида бирқатор ютуғларга эришиб бораётганлигига қуйидаги 1-жадвал малумотлар асос бўла олади.

### **1-жадвал**

### **АТБ “Ҳамкорбанк”нинг 2020 йил охиридаги молиявий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2020 йил охири	Банк рейтинг бўйича (Ўзбекистон)
Активлар ҳажми	10462,6	8
Ўз капиталининг миқдори	1477,7	10
Кредит портфели	7002,1	9
Депозитлар ҳажми	3572,2	12

“Ҳамкорбанк” АТБ Ўзбекистон Марказий банки томонидан 1991-йил 31-августда берилган 64-сонли лицензияга эга. 2019-йил 1-декабр ҳолатига кўра, активлари ва капитали бўйича Ўзбекистоннинг ТОП-10 банки қаторидан жой олди. 2021-йил ҳолатига кўра Ҳамкор банкнинг 47 та филиали ва 105 та банк хизматлари кўрсатиш шохобчалари мавжуд. 2021-йил -"Йил бренди"[6] мукофоти натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг энг яхши банки деб топилди.

**2023 йилда аҳолининг кенг қатламига рақамли махсулотлар тўпламини таклиф этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар:**

Пул ўтказмаларини савдо нуқталаримиз орқали олаётган мижозларимизга ўтказмаларини масофавий тарзда олишни ўргатиш ҳамда ойма – ой 5%дан ўсиб бориш тартибида мижозларга хизмат кўрсатиш шаклини карта орқали бўлишини таъминлаш;

Жами омонат портфелида онлайн омонатлар улуши 01.01.2022 ҳолатига 7%ни, 01.01.2023 ҳолатига эса 18%ни ташкил этмоқда. 01.01.2024 ҳолатига ушбу кўрсаткични 30%га етказиш.

Онлайн микроқарз ажратишни мавжуд офисларимиз ва ходимларимиздан фойдаланиб мижозлар орасида кенг тарғиб қилиш. Бу орқали ходим вақт сарфи камайишига ва уларнинг асосий вақти операцион харажати кам бўлган автокредит, ипотека кредитлари беришга йўналтириш. Бу билан юқори маржали микроқарз кредитлари бозорида ҳам самарали рақобат қилишга эришиш;

Барча турдаги пластик карталарни Мобил илова орқали онлайн буюртма беришни йўлга қўйиш ва йирик шаҳарларда етказиб беришни жорий этиш орқали, актив хорижий карталар сонини 2 баробарга ёки 60,0 минг донага ва актив миллий карталар сонини 1,3 баробарга ёки 210,0 минг донага ошириш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармонида**

“Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.”[7]лиги такидланганлигига кўра тижорат банклар мамлакатимиз узоқ туман ва қишлоқ аҳолиси учун ҳам банк хизматларини кўрсатишни янада яхшилаш борасида қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз.

### **Хулосалар.**

-хусусий тижорат банклар ҳам банк хизматлари кўрсатиш шохобчаларини узоқ туман ва қишлоқ аҳолисига яқинлаштириш,

-узоқ туман банк хизмат кўрсатувчи шахобчалар ходимларини малакасини мунтазам банк марказда ошириб боришни ташкил этиш,

- узоқ туман банк хизмат кўрсатувчи шахобчалар ходимларини марказ ходимлари билан ратациялаш орқали тажрибаларини ошириб бориш,

- банкнинг тажрибали ходимлари билан мунтазам узоқ туман банк хизмат кўрсатувчи шахобчалар ходимлари хамкорлигида маҳалаларда биркитилган хоқим ёрдамчиларини молиявий саводхонлигини ошириб бориш.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони

2. Суяров Ф. «Рынок розничных банковских услуг». Бозор, пул ва кредит журнали. 2002 й 8 август 15-б

3. Тавасиева А.М. «Дополнительные операции для клиентов» Москва «Ф и С» 2005г 13 с

4. Иванов А.Н «Банковские услуги: зарубежный и российский опыт» Москва «Ф и С»2002г 176 с

5. Райимназаров С.,Избосаров Б.Тижорат банкларда чакана банк хизматлари бўйича тариф сиёсатини шақиллантириш хусусиятлари. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 5, October 2022. ISSN: 2181-101

6. O‘zbekiston Respublikasi CHEKI ATB «HAMKORBANK»08:38. 2023 © "Hamkorbank" ATB. O' ...<https://hamkorbank.uz/uz/about-bank/>

## **ASOSIY VOSITALAR HISOBINI XALQARO STANDARTLARGA MOSLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI**

**“Buxgalteriya hisobi” kafedrasi dotsenti,**

**i.f.d. K.Misirov**

Bugungi kundagi dolzarb vazifalardan biri milliy standartlarni

xalqaro standartlarga muvofiq uyg'unlashtirish masalasidir. O'zbekiston Respublikasida buxgalteriya hisobini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatda "Asosiy vositalar korxonalar tomonidan uzoq muddat davomida xo'jalik faoliyatini yuritishda mahsulot ishlab chiqarish, ishlarni bajarish yoki xizmatlar ko'rsatish jarayonida yoxud ma'muriy va ijtimoiy-madaniy vazifalarni amalga oshirish maqsadida foydalanish uchun tutib turiladigan moddiy aktivlar"<sup>163</sup>, deb qayd etilgan. O'zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan xo'jalik yurituvchi sub'yektlarda 2004-yildan boshlab, aynan shu standart asosida asosiy vositalar hisobini yuritib kelinmoqda. Mamlakatimiz BHXSga o'tayotgan davrda xo'jalik yurituvchi sub'yektlar hisob siyosati va hisobi beqarorlik holatida ekanligi hech kimga sir emas. Bunday noaniqlik holati birinchi o'rinda normativ-huquqiy bazaning BHXSga tayyor emasligidan dalolat beradi.

Ikkinchi muammo BHXSga asoslangan hisobni yurituvchi sertifikatlangan mutaxassislar yetishmasligi bo'lib, xorijiy mamlakatlardan jalb qilingan ekspertlarga iqtisodiy jihatdan katta sarf-xarajatlar talab etiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojatnomasida: "Tan olish kerak, mutaxassislarning bilim va malakasi, yirik korxonalarining texnik imkoniyatlari, ularni mustaqil transformatsiya qilish uchun yetarli emas"<sup>164</sup>—deb ta'kidlagan.

Xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning buxgalterlarini o'qitishda mablag' talab qilinishidan tashqari, ularning ingliz tilini bilishlari muhim. Bunday muammolar korxonalardan katta moliyaviy mablag'lar sarflashni talab etadi.

Shuningdek respublikamiz iqtisodiyotida ham yuz berayotgan global texnik va texnologik o'zgarishlar munosabati bilan xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning balansiga kiruvchi ko'plab yangi uskunalar, ishlab chiqarish inventarlari paydo bo'lmoqda. Bu holat buxgalteriya hisobida ko'plab ziddiyatli vazifalar yechimini topishni talab etadi. Bunday vazifalardan biri BHXS transformatsiyasi va bu jarayonda buxgalteriya,

---

<sup>163</sup> 5-son "Asosiy vositalar" nomli BHMS, 3-band.

<sup>164</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 2020 yil 29-dekabr



tahlil va auditni uygʻunlashtirishda sinergetik masalalar muhim oʻrin tutadi.

Asosiy vositalar hisobi va auditi usul, uslub va uslubiyotlari masalalari koʻplab olimlar tomonidan oʻrganilgan. Biz aynan IAS16-“Asosiy vositalar” nomli moliyaviy hisobot xalqaro standartining amaliyotga joriy etilishi, hisob, tahlil va auditning uslubiy asoslarini nazariy va amaliy jihatdan oʻrganishni muhim deb bildik.

Mazkur IAS 16-“Asosiy vositalar” nomli moliyaviy hisobot xalqaro standarti va analogik nomlanishga ega 5-son “Asosiy vositalar” nomli BHMS oʻrtasidagi farqli jihatlarni quyidagicha izohlash mumkin:

- IAS 16-“Asosiy vositalar” nomli BHXSni Oʻzbekiston hisob siyosatiga joriy etish mamlakatimiz iqtisodiyotiga qanday taʼsir koʻrsatadi?

- aksiyadorlik jamiyatlari tarkibidagi korxonalar misolida BHXS 16-“Asosiy vositalar” nomli BHXSning amalda korxonalar moliyaviy holatiga taʼsirini oʻrganish;

- IAS 16 talqin qilinishidagi ehtiyoj;

- IAS 16 Xalqaro standartni amaliyotga joriy etish natijasida normativ-huquqiy hujjatlarda ziddiyatli holatlarning yuzaga kelishi va ularni bartaraf etish yoʻllarini aniqlash;

- 16-BHXMS va 5-BHMS oʻrtasidagi farqli va oʻxshash jihatlarni oʻrganish maqsadida analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish, usullarini qoʻllash;

- 16- BHXMS va BHMS sintetik hamda tahliliy hisobini taqqoslash, tahlil usuli orqali avfzalliklar va muammoli yechimlarni topish.

BHXSga oʻtish sezilarli moliyaviy sarf-xarajat talab etuvchi jarayondir. Shu bilan birga, xalqaro bozorga chiqishni rejalashtirmagan mahalliy kichik va oʻrta biznes sub`yektlariga BHXSga oʻtishda katta moliyaviy xarajatlarni amalga oshirishga ehtiyoj yoʻq. Bu holatda, kichik va oʻrta biznes uchun BHMSni BHXSga moslashtirish lozim. Ammo bu holatda ham mutanosibliklar juda koʻp. Sababi, statistika organi moliyaviy hisobotlar asosidagi maʼlumotlarni bir xil turdagi tashkilotlarning bir xil turdagi maʼlumotlarini umumlashtiradi va tahlil qiladi.

BHXSga o'tish jarayonida, albatta rasmiy taqqoslash usulidan foydalanishni talab etadi. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun axborot manbai bo'lishiga qaramay, "asosiy vosita" tushunchasi buxgalteriya hisobi va iqtisodiyotda har doim ham bir-biriga to'g'ri kelavyermaydi.

Ilmiy tadqiqotimiz jarayonida mamlakatimiz olimlarining ilmiy ishlari bilan bir qatorda BHXSga o'tgan mamlakatlar iqtisodchi olimlarining tadqiqot natijalarini, ilmiy yondashuvlarini o'rgandik va qiyosladik, ammo hozirgacha asosiy vositalarning iqtisodiy mohiyatini aniqlash masalasida buxgalter va iqtisodchilar o'rtasida yagona yondashuv mavjud emas.

Iqtisodiy amaliyotda "asosiy vosita" atamasi ko'pincha "asosiy fondlar" va "asosiy kapital" kabi tushunchalar bilan aralashib, turli ifodalovchi fikrlarni yuzaga keltiradi. "Asosiy vosita" ga berilgan olimlarning turli fikrlari 1-jadvalda ko'rsatilgan.

### 1-jadval

#### "Asosiy vositalar" ta'rifi bo'yicha olimlarning turli fikrlari<sup>165</sup>

Muallif	"Asosiy vositalar" atamasiga ta'rif
V.K.Sklyarenko, V.M.Prudnikova	Asosiy vositalar – uzoq vaqt davomida ishlab chiqarish jarayonida faoliyat ko'rsatadigan, butun davr mobaynida o'z tabiiy va moddiy shaklini saqlab qoladigan va amortizatsiya to'lovlari shaklida eskiradigan mahsulotlarga o'z qiymatini qismlarga bo'lib o'tkazadigan ishlab chiqarish, moddiy va moddiy qiymatliklar majmui
V.F. Garbuzov	Asosiy vositalar – mavjud asosiy fondlarga qo'yilgan (kiritilgan)pul mablag'lari
L. Kurakov	Asosiy vositalar – ishlab chiqarish va noishlab chiqarish maqsadlaridagi mehnat vositalari (binolar, inshootlar, mashina va mexanizmlar, inventarlar, transport vositalari)
L.A. Ayupova	Asosiy vositalar ishlab chiqarish va moddiy qiymatliklar ishlab chiqarish jarayonida faoliyat

<sup>165</sup> Г.Рахимова. "Асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш" номли 08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси 2021 й.

	yuritib, o'z moddiy shaklini saqlab, qiymatini amortizatsiya shaklida ishlab chiqarish mahsulotlariga o'tkazadi
<b>M.Z. Pizengolts</b>	Asosiy vositalar inson o'z ehtiyojlarini qondirish maqsadida mehnat ob'yektlariga inson ta'sirini o'tkazuvshi sifatida foydalanuvshi mehnat vositasidir
<b>I.N.Ismanov</b>	Asosiy vositalar – korxonada tomonidan uzoq muddat davomida xo'jalik faoliyatini yuritishda mahsulot ishlab chiqarish, ishlarni bajarish yoki xizmatlar ko'rsatish jarayonida yoxud ma'muriy va ijtimoiy-madaniy vazifalarni amalga oshirish maqsadida foydalanuvchi moddiy aktivlar
<b>A.Shakarov</b>	Asosiy vositalar – sanoat binolari, inshootlar, kush va qishloq xo'jaligi mashinasozligi, ishlab chiqarish uskunalari, transport vositalari va boshqa turdagi asosiy vositalar

Iqtisodiy taraqqiyoti davomida “asosiy kapital” (asosiy vositalar) atamasi terminologiyadan chiqarildi va “asosiy fondlar” tushunchasi paydo bo'ldi. “Asosiy fondlar” ta'rifini asosan moliyaviy tahlil maqsadlari uchun, “Asosiy vositalar” esa - buxgalteriya hisobida qo'llash qabul qilingan. Ammo iqtisodchi olimlarning ba'zilar bu ikki tushunshani sinonim deb hisoblaydilar va “Asosiy vositalar” atamasini aks ettirishda qavslar ichida, “asosiy fondlar” deb yozadilar.

“Asosiy fondlar” tarkibiga ham moddiy (shu jumladan asosiy vositalar) hamda nomoddiy aktivlar kiradi. “Asosiy kapital” iborasi juda keng ma'noga ega. Asosiy kapital tarkibiga moddiy aktivlar, nomoddiy aktivlar, uzoq muddatli qo'yilmalar va tugallanmagan qurilishlar kiradi.

Bugungi kunda BHXS (IAS) 16 “Asosiy vositalar”<sup>166</sup> mulk, mashina va asbob-uskunalar hisobini nazorat qiluvchi yagona xalqaro standartdir. Unga ko'ra, asosiy vositalar foydalanish muddati bir yildan ortiq bo'lgan ishlab chiqarish, tovar moddiy boyliklarni yetkazib berish, xizmat ko'rsatish, ijaraga berish yoki ma'muriy maqsadlarda ishtirok etuvchi moddiy aktivlardir.

Xalqaro hisob maydonida IAS 16 standartning to'liq nomi

<sup>166</sup> (IAS) 16 Property, Plant and Equipment

“Property, plants, and equipment”. IAS International Accounting Standards va IFRS International Financial Reporting Standards o‘zbek tiliga – IAS Xalqaro buxgalteriya standartlari IFRS Xalqaro moliyaviy hisob deb tarjima qilinadi. Binobarin, adabiy tilda BHXS deb yuritiladi. IAS 16- Property, Plant and Equipment, ya’ni BHXS 16 Asosiy vositalar. Binobarin, IFRS 16 “Ijara” deb nomlanadi.

IAS 16 standartining asosiy maqsadi hisobot davrida Asosiy vositalarni hisobga olish tartibini aniqlash hamda Asosiy vositalar, investitsiyalar harakati haqida moliyaviy hisobot foydalanuvchilarini axborot bilan ta’minlashdir. Qayd etish muhimki, mamlakatimizda raqamli transformatsiya davriga qadar moliyaviy hisobot ma’lumotlaridan foydalanuvchilari faqatgina davlat organlari, ya’ni soliq, statistika qo‘mitalari bo‘lgan. BHXSning asosiy printsiplari aniqlik, shaffoflik, oshkoralikni talab etadi. Shu sababli, BHXS foydalanuvchilari investorlar, kreditorlar, aksionerlar va eng muhimi tashqi foydalanuvchilar.

Xulosa qilib aytganda Mamlakatimiz BHXSga o‘tayotgan davrda xo‘jalik yurituvshi sub`yektlar hisob siyosati va hisobi beqarorlik holatida yekanligi hesh kimga sir yemas. Ushbu noaniqlik holati birinchi o‘rinda me’yoriy-huquqiy bazaning BHXSga samaradorligini oshirish bilan belgilanadi.

Ikkinshi muammolardan biri BHXSga asoslangan hisobni yurituvshi sertifikatlangan mutaxassislar yetishmasligi, xorijiy mamlakatlardan jalb qilingan yeksretrlarga iqtisodiy jihatdan katta sarf-harajatlarni qisqartirish.

Tadqiqot natijasida xo‘jalik yurituvshi subektlarning buxgalteriya hisobi va ishki auditni tashkil yetishning xususiyatlari, shuningdek, ularni Xalqaro hisob va audit standartlarida belgilangan talablar darajasida takomillashtirish yo‘llari ilmiy jihatdan asoslandi va ular moliyaviy hisobotlar axborot imkoniyatlarini kengaytirish hamda foydalanuvshilar ushuni ahamiyatligini oshirishga xizmat qiladi. Jahon amaliyotida ishki audit xizmatining ahamiyati davlat xarajatlarining moliyaviy nazoratini ta’minlash va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish bilan belgilanadi.

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ**

**У.А. Бердиева, Ph.D., доцент  
кафедры «Налоги и налогообложения»**

В настоящее время налоговая реформа идет по направлению совершенствования налогового администрирования. В условиях современного социально-экономического развития страны и состояния налоговой системы уже не стоит остро вопрос о снижении налоговой нагрузки на экономику. Тем не менее, реформа налоговой системы продолжается, но уже в направлении повышения качества налогового администрирования. Речь идет о создании такой модели налогового администрирования, которая смогла бы обеспечить баланс интересов государства и налогоплательщиков. При этом, под налоговым администрированием следует понимать целенаправленные действия государственных уполномоченных органов по управлению налоговым процессом в рамках существующей государственной финансово-экономической политики между участниками налоговых правоотношений, включающими функции по сбору налогов, налоговому контролю и привлечению к ответственности за налоговые правонарушения виновных лиц.

Субъектами налогового администрирования являются налоговые органы и налогоплательщики. Понятно, что при осуществлении функций налогового администрирования, таких как: учет и регистрация налогоплательщиков, налоговый контроль, урегулирование споров и пр. налоговые органы исходят из фискальных интересов государства и главной задачей налогового администрирования является максимизация собираемости налогов и сборов в бюджет. В рамках данной масштабной задачи в основных направлениях налоговой политики последних лет можно отследить задачу, которая поставлена перед налоговыми органами: выявление и противодействие использованию налоговых схем. Нужно

отметить, что это является задачей не только национального налогового администрирования, но и международного.

Существуют определенные факторы, которые являются детерминантами налоговой преступности. Детерминанты налоговой преступности определяются не только объективными экономическими факторами, но и психологическими (ментальными) особенностями индивидуумов. Для нашей страны такими детерминантами являются: несовершенство налогового законодательства, недостаточно высокая квалификация работников налоговых органов, которые заняты в сфере налогового контроля, высокая налоговая нагрузка и др.

В условиях финансовой нестабильности серьезной научной проблемой, связанной с повышением качества налогового контроля, представляется дифференциация подходов к выбору объектов проверок. При этом наиболее значимыми являются две задачи:

- 1) снижение административных издержек для добросовестных налогоплательщиков;

- 2) создание эффективной системы пресечения нарушений налогового законодательства и превентивного предотвращения деятельности недобросовестных налогоплательщиков, влекущей возникновение ущерба для бюджетной системы.

В Республике Узбекистан также следует применить данный опыт при реформировании налогового администрирования.

Для дифференциации налогоплательщиков по степени добросовестности ввести в практику налоговых органов такой инструмент как налоговая история по аналогии с практикой коммерческих банков, которые формируют кредитную историю заемщиков.

Сегодня кредитная история является одним из важнейших критериев при принятии решения коммерческим банком о возможности кредитования данного субъекта. Кроме того, наличие положительной кредитной истории в некоторых банка является основанием для удешевления кредитного продукта для данного субъекта. Данный механизм целесообразно апробировать и в

системе налогового администрирования. В данном случае будет происходить формирование налоговой истории налогоплательщика.

Поскольку налоговые отношения также постепенно приобретают черты партнерских, то целесообразно ввести инструмент, который позволял бы оценить риски государства при взаимодействии с тем или иным налогоплательщиком.

Налоговая история – это накопленные сведения о налогоплательщике в течение определенного периода о соблюдении им налоговой дисциплины, а именно: о своевременной подаче налоговых отчетов, о полной сумме уплаты налогов и отсутствии штрафных санкций за нарушение налогового законодательства, о выявленных нарушениях в ходе осуществления налогового контроля. Период времени, в течение которого предлагается оценивать налоговую историю налогоплательщика должен составлять три года и более.

Предлагается следующая градация налоговой истории:

1. Положительная налоговая история. Налогоплательщик в течение 3-х последних лет своевременно сдавал налоговые отчеты по всем налогам и сборам, уплачиваемым в соответствии с видом деятельности, уплачивал в полной сумме все налоговые платежи, не имел штрафных санкций со стороны налоговых органов и не был замечен в применении налоговых схем при осуществлении проверок.

2. Отрицательная налоговая история формируется у налогоплательщика, который не соблюдает временные рамки налогового кодекса при выполнении налоговых обязательств. Также отрицательная налоговая история будет складываться у субъектов, которые привлекались к ответственности за налоговые правонарушения, в т.ч. за занижение налоговой базы в результате применения схем минимизации налогов, выявленных в ходе мероприятий налогов контроля.

Налоговая история – это инструмент, который позволит дифференцированно взаимодействовать с налогоплательщиками по всем аспектам налоговых отношений. Кроме того, наличие

положительной налоговой истории будет предоставлять налогоплательщику определенные преференции при исполнении его обязанностей в отношении исчисления и уплаты налогов, получения налоговых льгот. Полагается, что для формирования и учета налоговых историй, дальнейшей их обработки необходимо создать специализированный отдел в рамках Управлений ОГНС по регионам – «отдел налоговых историй». При осуществлении контрольных мероприятий данный отдел должен предоставлять сведения о налоговой истории налогоплательщика в течение короткого промежутка времени заявителю.

Дифференцированный подход в налоговом администрировании требует внесения дополнений в существующее налоговое законодательство.

В рамках внедрения такого инструмента как налоговая история вносится ряд преимуществ для добросовестных налогоплательщиков, а именно:

1. Возможность получения отсрочки (рассрочки) или льготы по уплате налогов.
2. Сокращение проведения мероприятий налогового контроля.
3. Расширенное коммуникативное сотрудничество с налоговыми органами по вопросам налогового законодательства.

В целом, добросовестность налогоплательщиков зависит от определенности в области налогообложения, знания прав и обязанностей, организации работы на принципах сотрудничества и доверия.

Одновременно надо повысить квалификации кадров налоговых органов, это может реализоваться через систему дополнительного образования: переподготовки, повышения квалификации, стажировки, участия в семинарах по налоговой и экономической тематике, что позволит расширить объем предоставляемых услуг и способствует положительной динамике поступлений доходов.

Воплощение данных средств на практике позволит: совершенствовать взаимодействие налоговых органов с налогоплательщиками; применение различных инструментов



стимулирования специалистов и руководителей структур налоговых органов к повышению профессиональной компетентности, ответственности; использование способов воздействия на поведение налогоплательщиков, побуждающих их к полному и своевременному исполнению налоговых обязательств.

Таким образом, эффективное налоговое администрирование выступает развивающим фактором налоговой политики. Поскольку как средства повышения эффективности, факторы положительной направленности налогового администрирования максимальное сокращения и упрощения административных процедур для добросовестных налогоплательщиков однозначно отражаются на основной стратегии налоговой политики обеспечения собираемости налогов, своевременного и равномерного поступления налоговых платежей для устойчивого формирования доходной части бюджетов.

## **O‘ZBEKISTONDA BANKLARARO RAQOBAT MUHITI VA UNIG BANK BARQARORLIGIGA TA’SIRI**

**Jo‘raev Isroil Ibrohimovich**

**TMI “Bank ishi” kafedrası dotsenti**

Mamlakatimiz bank tizimida so‘nggi yillarda raqobat muhitining ijobiy tomonga o‘zgarib borayotganligi banklarning moliyaviy barqarorligini oshirishga, bank xizmatlari soni va sifatini yanada yaxshilanishida muhim rol o‘ynamoqda. Banklar o‘rtasidagi raqobat darajasining oshib borayotganligi banklar tomonidan mijozlarni jalb qilish maqsadida kreditlar, depozitlar va boshqa moliyaviy mahsulotlar bo‘yicha yanada qulay shartlarni taklif qilish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda. Bu o‘z navbatida, bank sohasida xizmat ko‘rsatish sifati va innovatsiyalarning yaxshilanishiga, mavjud resurslardan yanada samarali foydalanishiga, o‘z xarajatlarini optimallashtirishga, bank biznesi samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda banklar sonining ortib borayotganligi, bank tizimiga raqamli texnologiyalarning keng joriy etilayotganligi, shuningdek, xorijiy banklar filial va bo‘linmalari sonining

ortib borayotganligi, bank tizimini yanada erkinlashtirish borasidagi islohotlar ko‘lamining kengayayotganligi, banklar faoliyatini transformatsiyalashuv jarayonlarining yangi bosqichga ko‘tarilayotganligi banklar o‘rtasida raqobatning yanada ortishiga sabab bo‘lmoqda.

Shunga qaramasdan, mamlakatimizda davlat ulushi mavjud banklar va boshqa banklar o‘rtasidagi raqobat darajasining ma’lum darajada cheklanib qolayotganligi, moliyaviy bozorlarning kam rivojlanganligi, bank tizimida ayrim imtiyozlarning saqlanib qolayotganligi, aholining moliyaviy savodxonligining umumiy darajasi, davlat banklarida rentabellik darajasining past darajasi, muammoli aktivlar hajmining ortib borayotganligi va boshqa omillar mamlakat bank tizimini raqobatbardoshligini ta’minlash borasidagi ishlarni izchil davom ettirish zarurligini taqozo etmoqda.

Umuman olganda, banklararo raqobat sharoitda tijorat banklari barqarorligini ta’minlashning zarurligi shundaki, banklar raqobatga kirishish natijasida o‘zlarining kuchli va kuchsiz tomonlarini tahlil qilishi, bank xizmatlari bozoridagi roli va ulushini yanada oshirish uchun strategiyalar ishlab chiqishi, mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarda innovatsion yondoshuvlarni yanada kuchaytirish imkoniyatlarini oshirishlari mumkin bo‘ladi.

Mamlakatimiz hukumati tomonidan bank tizimini isloh qilish borasida qabul qilinayotgan strategiyalarning bosh pirovard maqsadi ham avvalambor, tijorat banklari o‘rtasidagi sof raqobat muhitini shakllantirish orqali mamlakat bank tizimini barqarorligini yanada oshirishga qaratilgan.

## 1-jadval

### Banklararo raqobatning ijobiy va salbiy tomonlari<sup>167</sup>

t/r	Ijobiy tomonlari	Salbiy tomonlari
1.	Raqobat banklarni yanada samaraliroq faoliyat yuritishga, xarajatlarni kamaytirishi va o'z mijozlariga sifatliroq xizmatlar hamda mahsulotlarni taklif qilishi uchun xizmat qiladi.	Kuchli raqobat banklarni bozordagi ishtirokini saqlab qolish yoki oshirish uchun katta tavakkalchilikka undashi df bu bank tizimining barqarorligiga putur etkazishi mumkin.
2.	Mijozlarni jalb qilish va ushlab turish uchun banklar yangi texnologiyalarni joriy etishlari va innovatsion moliyaviy mahsulotlarni ishlab chiqishga undaydi.	Haddan tashqari kuchli raqobat banklarning rentabelligini pasaytirishi, ularning barqarorligiga putur etkazishi va bank inqirozlari ehtimolini oshirishi mumkin.
3.	Raqobat iste'molchilar va biznes uchun bank xizmatlari narxini pasaytiradi.	Agar raqobat faqat narxga qaratilgan bo'lsa, banklar o'zlarini marjalarini pasaytirishlari mumkin, bu esa ularni bozordagi o'zgarishshlarga qarshi himoyasiz qiladi.
4.	Kuchliroq raqobat banklarni mijozlarning keng doirasiga xizmat ko'rsatishga undashi va shu bilan iqtisodiyotda moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini yaxshilaydi.	Banklar ko'proq mijozlarni jalb qilish uchun kreditlash standartlarini yengillatishi mumkin, bu esa muammoli kreditlarning ko'payishiga va moliyaviy beqarorlikka olib kelishi mumkin.

Banklararo raqobatni rivojlantirishga qaratilgan sa'y-harakatlar ko'pincha shaffoflikni ta'minlash, bozorga kirish uchun to'siqlarni kamaytirish va adolatli raqobat amaliyotini qo'llash kabi tartibga soluvchi choralarni o'z ichiga oladi. Sog'lom raqobat va risklarni boshqarish o'rtasida muvozanatni saqlash bank tizimining barqarorligi va yaxlitligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega.

<sup>167</sup> Muallif tomonidan tuzildi.

**2-jadval**  
**Bank tizimining taqqoslama ko'rsatkichlari to'g'risida**  
**ma'lumot <sup>168</sup>**

Ko'rsatkichlar	01.01.2022 y.				01.01.2023 y.			
	Aktivlar	Majburiyatlar	Kreditlar	Depozitlar	Aktivlar	Majburiyatlar	Kreditlar	Depozitlar
<b>Jami</b>	<b>444 922</b>	<b>374 005</b>	<b>326 386</b>	<b>156 190</b>	<b>556 746</b>	<b>477 181</b>	<b>390 049</b>	<b>216 738</b>
Davlat ulushi mavjud banklar, trln. so'm	362 422	304 727	280 074	104 248	435 136	373 216	324 681	135 534
Boshqa banklar, trln. so'm	825 01	692 78	463 12	519 42	121 611	103 964	653 68	812 03
<i>Davlat ulushi mavjud banklar ulushi, foizda</i>	<i>81,5</i>	<i>81,5</i>	<i>85,8</i>	<i>66,7</i>	<i>78,2</i>	<i>78,2</i>	<i>83,2</i>	<i>62,5</i>
<i>Boshqa banklarning ulushi, foizda</i>	<i>18,5</i>	<i>18,5</i>	<i>14,2</i>	<i>33,3</i>	<i>21,8</i>	<i>21,8</i>	<i>16,8</i>	<i>37,5</i>

Jadval ma'lumotlarini tahlil qiladigan bo'lsak, mamlakatimiz bank tizimida davlat ulushi mavjud banklarning bank xizmatlari bozoridagi ulushi sezilarli darajad yuqori ekanligi ko'zga tashlanmoqda. 2021 yilda bank tizimi aktivlarining 81,5 foizi, majburiyatlarning 81,5 foizi, kreditlarning 85,8 foizi, depozitlarning 66,7 foizi mazkur banklar hissasiga to'g'ri kelmoqda. 2022 yilda bank xizmatlari bozorida banklararo raqobat muhiti ijobiy tendensiyalarni namoyon qilgan bo'lsada, davlat ulushi mavjud tijorat banklarining ulushi yuqoriligicha saqlanib qolmoqda.

Davlat ulushi mavjud bo'lgan eng yirik banklar beshtaligi (O'zbekiston Milliy banki, "O'zsanoatqurilishbank", "Asakabank", "Ipotekabank", "Agrobank") ning bank tizimi aktivlaridagi ulushi 70,9%

<sup>168</sup> www.cbu.uz –O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlari.

dan 60,5% gacha kamaydi. Davlat ulushi mavjud bo'lgan boshqa banklarning ulushi 11% dan 18% gacha oshgan bo'lsa, xususiy banklarning ulushi 18,1% dan 21,5% gacha ko'paydi.

Eng yirik banklar beshtaligining jami kredit portfelidagi ulushi 77% dan 64% gacha kamaydi. Xususiy banklarning ulushi 11,6% dan 16,6% gacha ko'paygan bo'lsa, davlat ulushi mavjud boshqa banklarning ulushi 19% ga yetdi.

Depozitlar bozorida davlat ulushi mavjud bo'lgan banklar va xususiy banklar o'rtasidagi raqobatdan ko'ra, xususiy banklar o'rtasidagi o'zaro raqobat kuchliroq hisoblanadi. O'zKDB bankning ushbu bozordagi ulushi 8,6% dan 3,6% gacha kamaygan bo'lsa, "Kapitalbank" o'z ulushini 4,8% dan 10,9% ga yetkazib oldi. "Hamkorbank" depozitlari ulushi 5,5% dan 3% gacha kamaydi.

Depozitlar uchun raqobatning kuchayishi muddatli depozitlar bo'yicha foiz stavkalarining jozibadorligida ham o'z aksini topadi. Masalan, 2017 yilning aprel oyida yuridik shaxslar muddatli depozitlari bo'yicha o'rtacha foiz stavkasi 5,8% ni tashkil etgan bo'lsa, 2017 yilning dekabr oyiga kelib 12,1% gacha ko'tarildi, 2022 yilning dekabr oyida esa 16,9% ga yetdi. Jismoniy shaxslarning muddatli depozitlari bo'yicha o'rtacha stavka esa so'nggi 2 yilda 20% ni tashkil etmoqda<sup>169</sup>

Raqobat sharoitida banklar doimiy ravishda o'z xizmatlarini takomillashtirib borishga, mijozlarni jalb qilishga va ularga yanada qulay shart-sharoitlarni taklif qilishga majbur bo'lmoqda. Bu bank tizimi samaradorligini oshirish, aholi va korxonalar uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini yaxshilash, shuningdek, bozor ishtirokchilarining moliyaviy savodxonlik darajasini oshirishga xizmat qilmoqda.

Bundan tashqari, banklararo raqobat alohida banklarning va umuman butun bank tizimining moliyaviy barqarorligini oshirishga yordam beradi. Raqobat banklarni risklarni boshqarishga yanada mas'uliyat bilan yondashishga, likvidlik va kapitalning yetarli darajasini ta'minlashga majbur qiladi, bu esa tizimli inqirozlar ehtimolini kamaytiradi.

---

<sup>169</sup> <http://i1.md.uz/>- Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar institut ma'lumotlari

Banklararo raqobat bank tizimida asosiy rol o'ynaydi va uning barqarorligiga ta'sir qiladi. Mamlakatda banklararo raqobat muhitini yanada yaxshilash va bank tizimining barqarorligini ta'minlash maqsadida quyidagilarga e'tibor qaratish zarur deb hisoblaymiz.

1. Bank sohasida raqobatni yaxshilash strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish, shu jumladan monopoliyaga qarshi nazoratni kuchaytirish va bozorning barcha ishtirokchilari uchun teng sharoitlarni ta'minlash.

2. Banklararo raqobat va investitsion jozibadorlikni oshirish uchun yanada qulay muhitni ta'minlash maqsadida me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish.

3. Bank xizmatlari sifati va qulayligini oshirish uchun texnologik innovatsiyalarni rivojlantirishni davlat omonidan qo'llab-quvvatlash.

4. Aholining barcha qatlamlari uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanishni ta'minlash uchun moliyaviy inklyuzivlikni kengaytirish dasturlarini amalga oshirish.

5. Adolatli va sof raqobat muhitini yaratish maqsadida banklar faoliyatining shaffofligini ta'minlash va nazorat mexanizmlarini takomillashtirish.

Ushbu chora-tadbirlar O'zbekiston bank tizimidagi banklararo raqobat bilan bog'liq muammolarni hal qilishga yordam beradi va yanada raqobatbardosh va inklyuziv moliya tizimini rivojlantirishga xizmat qiladi.

## **ISSUES OF EXPANDING THE BASE OF BANK DEPOSITS IN DEVELOPED COUNTRIES**

*A.Rakhimov Independent Researcher of TIF*

The expansion of the bank deposit base is a fundamental aspect of banking strategy, crucial for the stability and growth of the financial sector. In developed countries, this expansion has been achieved through a combination of innovative approaches, policy interventions, and technological advancements. These strategies have not only helped in attracting a larger number of depositors but have also played a significant

role in retaining them, thereby ensuring a steady growth in the deposit base.

Developed countries offer a rich tapestry of experiences and lessons in expanding the bank deposit base. These experiences are particularly relevant in today's dynamic financial landscape, where banks face increasing competition and rapidly changing customer expectations. The strategies employed range from adjusting monetary policies to incentivize savings, implementing robust deposit insurance schemes to foster trust, to leveraging cutting-edge technology for enhancing customer experience and accessibility.

Moreover, the role of effective marketing cannot be understated. Developed countries have utilized a variety of marketing tools and strategies to reach potential depositors, tailoring their approaches to meet the evolving needs and preferences of their customer base. These strategies have been instrumental in not only expanding the deposit base but also in shaping the overall customer experience and perception of banking services.

This article aims to delve into these varied strategies, examining how developed countries have successfully expanded their bank deposit bases. By analyzing these approaches, the article seeks to provide insights and lessons that can be applied across different banking contexts, especially in emerging economies looking to strengthen their financial sectors. The focus will be on understanding the interplay between policy, technology, and marketing in achieving this expansion and the implications it holds for the future of banking.

Expanding the Bank Deposit Base in Developed Countries: Experiences from the USA, Canada, and Germany.

### *The United States*

The U.S. banking sector has been at the forefront of introducing innovative financial products to attract a diverse range of customers. For instance, the introduction of high-yield savings accounts and reward checking accounts has been effective in attracting depositors seeking higher returns.

The U.S. has seen a significant shift towards digital banking, with banks investing heavily in online and mobile banking platforms. This shift has not only improved customer convenience but also expanded the reach of banking services to a wider audience.

U.S. banks have focused on customer-centric services, including personalized financial advice and tailored banking solutions, which have been instrumental in retaining and expanding their customer base.

**Table 1. U.S. Strategies for Expanding Bank Deposits**

<b>Strategy</b>	<b>Description</b>	<b>Impact</b>
Innovative Financial Products	Introduction of high-yield savings and reward checking accounts	Attracted a diverse range of customers
Digital Banking Platforms	Investment in online and mobile banking	Expanded reach and improved convenience
Customer-Centric Services	Personalized financial advice and solutions	Enhanced customer retention

*Source: Developed by the author*

### *Canada*

Canada's strong regulatory framework has fostered a high level of trust in the banking system, encouraging more people to deposit their savings in banks. Canadian banks have been active in promoting financial literacy, which has helped in educating the public about the benefits of banking and saving. Local community banking initiatives have been effective in reaching out to underbanked communities, thereby expanding the deposit base.



**Table 2. Canadian Strategies for Expanding Bank Deposits**

<b>Strategy</b>	<b>Description</b>	<b>Impact</b>
Robust Regulatory Framework	Strong banking regulations	Fostered trust and increased deposits
Financial Literacy Programs	Education on banking and saving	Enhanced public awareness and participation
Community Banking Initiatives	Outreach to underbanked communities	Expanded deposit base in diverse demographics

*Source: Developed by the author*

*Germany*

Germany has a strong culture of saving, supported by banks offering a variety of savings products tailored to different age groups and income levels. German banks have integrated advanced technologies in banking operations, enhancing efficiency and customer experience. The focus on sustainable and ethical banking practices has attracted a new segment of environmentally and socially conscious depositors.

**Table 3. German Strategies for Expanding Bank Deposits**

<b>Strategy</b>	<b>Description</b>	<b>Impact</b>
Savings Culture Promotion	Variety of savings products for all demographics	Encouraged widespread participation in banking
Technological Integration	Advanced technology in banking operations	Enhanced efficiency and customer experience
Sustainable Banking Practices	Focus on ethical banking	Attracted environmentally conscious depositors

*Source: Developed by the author*

The experiences of developed countries like the USA, Canada, and Germany in expanding their bank deposit bases offer valuable lessons for developing and less developed countries. However, the key to successfully adapting these experiences lies in customization and localization. Each country must consider its unique socio-economic context, technological infrastructure, and cultural nuances when implementing these strategies.

Developing countries have the opportunity to leapfrog certain stages of banking evolution by adopting and adapting modern banking practices, particularly in the realms of digital banking and financial literacy. By doing so, they can not only expand their bank deposit bases but also enhance the overall financial inclusion and economic stability of their populations.

In conclusion, while the path to expanding the bank deposit base in developing countries is challenging, it is also ripe with opportunities. By learning from the successes and shortcomings of developed nations and applying these lessons thoughtfully, developing countries can make significant strides in strengthening their banking sectors and supporting their broader economic goals.

## **DAVLAT BYUDJETI SOLIQLI DAROMADLARINI BO‘YICHA PROGNOZ IJROSINI MAMLAKAT SOLIQ SALOHIYATINI HAMDA SOLIQLARNING YIG‘ILUVCHANLIK DARAJASINI OSHIRISH ORQALI TA‘MINLASH MASALALARI**

**Shirinov Sabir Erkinovich, TMI professori**

Jahonda iqtisodiyotida yuz berayotgan yuqori inflyatsiya, byudjet taqchilligi, moliyaviy-iqtisodiy cheklovlar, ekologik muammolar, davlat o‘rtasidagi o‘zgaro nizolar, COVID-19 pandemiyasining qoldirgan asosrati investitsiya oqimiga va iste‘mol darajasiga, tashqi va ichki bozorlar konyunkturasiga salbiy ta‘sir ko‘rsatib, qo‘shilgan qiymat zanjirining buzilishiga hamda global iqtisodiy o‘shishning pasayishiga sabab bo‘lmoqda. Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra, “2022 yilda global iqtisodiyotning o‘shish sur‘atlari 3,1 foizni tashkil etib, 2023 yilda ushbu ko‘rsatkich 2,1 foizga teng bo‘lishi prognoz qilinmoqda”<sup>170</sup>. Jahon iqtisodiyoti o‘shish sur‘atining susayishi natijasida mamlakatlar moliyaviy tizimlarida fiskal tanglik, moliyaviy nobarqarorlik, davlat byudjeti

---

<sup>170</sup> World Bank. 2023. Global Economic Prospects, June 2023. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1951-3. License: Creative Commons Attribution CC BY 3.0 IGO (p.17) ISBN (paper): 978-1-4648-1951-3 ISBN (electronic): 978-1-4648-1952-0 DOI: 10.1596/978-1-4648-1951-3

yuklamasining oshishi, tashqi qarz miqdorining o‘shishi kuzatilib, davlat byudjetining moliyaviy asoslarni mustahkamlash, mamlakatsoliq salohiyatini oshirish, soliq risklarini kamaytirish hisobidan byudjetning solikli daromadlarni ko‘paytirish, soliqlarni yig‘iluvchanligini oshirish, soliq mamurchiligi tizimida raqamli texnologiyalarni qo‘llashni taqozo qilmoqda.

O‘zbekistonda ham oxirgi yillarda davlat byudjeti taqchillik bilan prognozlashtirilmoqda. 2023 yilda respublika byudjeti -20,29 trln. so‘m taqchillik bilan bashorat qilingan. O‘zbekiston Respublikasining oxirgi yillardagi iqtisodiy strategiyasining asosiy asosiy yo‘nalishlaridan biri davlat byudjetining taqchilligini qisqartirishga qaratilgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-son “O‘zbekiston-2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonida «...Konsolidatsiyalashgan byudjet taqchilligini 2024 yilda yalpi ichki mahsulotga nisbatan 4 foizdan va kelgusi yillarda 3 foizdan past bo‘lgan miqdorda bo‘lishini ta’minlash, natijaga yo‘naltirilgan byudjetlashtirish amaliyotiga o‘tish, yashirin iqtisodiyotni qisqartirish orqali soliq bazasini qo‘shimcha kengaytirish imkoniyatidan foydalanish, markirovkalash va raqamlashtirish tizimi samarasini oshirish va kengaytirish orqali soliq ma’urchiligi tizimining samaradorligini yanada oshirish»<sup>171</sup> bo‘yicha muhim vazifalar belgilangan.

O‘zbekistonda davlat byudjetining barqarorligini ta’minlash, undagi taqchillik darajasini nazorat qilish va boshqarish uchun solikli daromadlarni sifatli prognoz qilishimiz hamda prognoz natijasining ob‘ektivlik darajasini oshirishimiz zarur.

O‘zbekistonda soliq salohiyatini va soliqlarning yig‘iluvchanlik darajasini oshirish orqali davlat byudjetining solikli daromadlari barqarorligini ta’minlash, yashirin iqtisodiyotni qisqartirish hamda soliq siyosatini takomillashtirish hisobidan byudjetning solikli daromadlarini ko‘paytirish, soliq yukini optimallashtirish orqali o‘rta muddatda byudjetning solikli daromadlarini o‘shishiga erishishimiz mumkin.

---

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

Soliq salohiyati – amaldagi soliq qonunchiligiga muvofiq hisoblangan davlat byudjeti soliq tushumlarining mumkin bo‘lgan maksimal miqdori, O‘zbekiston hududlarining soliq imkoniyatlarini aks ettiruvchi ko‘rsatkich.

O‘zbekiston hududlarining soliq salohiyatini shakllantirish ko‘p omilli jarayondir. Shunday qilib, soliq potensialiga ko‘plab omillar ta’sir qiladi.

Hududning soliq salohiyatiga ta’sir etuvchi omillarni quyidagilarga bo‘lish maqsadga muvofiq: doimiy va o‘zgaruvchan; asosiy va ikkilamchi; tashqi va ichki. Tashqi omillarga quyidagilar kiradi: O‘zbekistonning amaldagi qonunchiligi, mamlakatning davlat tuzilishi, makroiqtisodiy prognozlar, siyosiy, iqlimiy, geografik va boshqalar. Ta’kidlash joizki, O‘zbekiston hududlarining soliq salohiyati barcha omillar ishtirok etgandagina amalga oshadi.

Soliq idoralari ishining umumiy, yakuniy ko‘rsatkichi sifatida ko‘plab iqtisodchi-olimlar soliq yig‘ish koeffitsientini joriy qilishni taklif qilmoqdalar. Demak, soliqlarning yig‘iluvchanlik koeffitsienti – bo‘, soliq solinadigan bazaning haqiqiy hajmidan kelib chiqqan holda hisoblangan haqiqiy soliq tushumlari va ularning potensial qiymati o‘rtasidagi nisbat.

Davlat byudjeti solikli daromadlarini bo‘yicha prognoz ijrosini mamlakat soliq salohiyatini hamda soliqlarning yig‘iluvchanlik darajasini oshirish orqali ta’minlashda quyidagilarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

1.mamlakat soliq salohiyatini ichki va tashqi manbalari hisobidan doimiy oshrib borish;

2.soliq ma’murchiligi nizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish orqali soliq ob’ektlarini va soliq solish bilan bog‘liq ob’ektlarning soliq idoralaridagi to‘liq hisobga olinishini ta’minlash;

3.soliq tekshiruvlarining samarasizligini inobatga olgan holda, soliq nazoratining boshqa shakllaridan ko‘proq foydalanish;

4.soliq riski yuqori hisoblangan soliq to‘lovchilar faoliyati ustidan jamoat nazoratini kuchaytirish;

5. soliq huquq buzarlilklarni keskin qisqatirish maqsadida yuqori soliq xavfiga ega bo'lgan soliq to'lovchilar haqidagi ma'lumotlarni davlat soliq idoralarining rasmiy veb saytlari orqali berib borish;

6. qo'shilgan qiymat solig'ining hisobga olinadigan qismi ustidan soliq nazoratini kuchaytirish maqsadida, soliq to'lovchilarning aktivlari harakati va ustav fondalarining shakllantirish jarayonlarini raqamli texnologiyalardan foydalangan holda to'liq hisobi yuritilishini ta'minlash;

7. yashirin qitiodiyot qisqartirish borasida nazorat qiluvchi idoralar faoliyati samaradorligini oshirish, nazoraning ta'sirchan usullarini ishlab chiqish;

8. soliqlarning yig'iluvchanlik darajasi, soliq potensali va ularga ta'sir qiluvchi omillarni doimiy tahlil qilib borish hamda aniqlangan salbiy omillarni bartaraf qilish yuzasidan tegishli chora-tadbirlar ishlab chiqish.

## **O'ZBEKISTON DAVLAT BYUDJETINING SOLIQLI DAROMADLARINI PROGNOZ QILISH USLUBIYATINI TAKOMILLASHTIRISH AYRIM MASLALARI**

**Shirinov Sabir Erkinovich, TMI professori**

Byudjet barqarorligini hamda balansliligini ta'minlash maqsadida jahonning aksariyat davlatlari federal byudjet daromadlari prognozi natijalarini, mamlakatning monitar va fiskal siyosatlarini qayta ko'rib chiqdilar. Federal byudjet daromadlari prognozining ob'ektivlik darajisini oshirish bo'yicha bir qator chora-tadbirlar ishlab chiqildi. Aksariyat chora tadbirlar mamlakat byudjet daromadlarining asosiy qismini tashkil qiluvchi soliqlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirishga, milliy qitiodiyotini rivojlantirish orqali soliq sallohiyati oshirishga, soliq risklari darajasini (pasaytirish, jahonning ofshor hududlaridan soliqdan qochish maqsadida foydalanuvchilarga qarshi dasturlarni amalga oshirish orqali byudjetning solikli daromadlarini ko'paytirishning qo'shimcha manbalarini topishga qaratildi. Jahonning federal byudjetlarni tadqiq qiluvchi yirik tadqiqod markazlari tomonidan solikli daromadlarni prognozi jarayonida qo'llaniluvchi ekonmetrik modellarni

takomillashtirish bo'yicha o'rganishlar olib borildi. Ularning aksariyati Holt-Wintersning multiplikativ, Holtning ikki karra silliqlangan, Trendga tuzatish kiritilgan eksponensial silliqlash, avtoregressiv AR(p), ARIMA (p,d,q) metodlari asosida federal byudjetlarining solikli daromadlarini prognoz qilish yuzasidan o'zlarining ekonometrik modellarini ishlab chiqqanlar.

O'zbekistonda ham davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilish uslubiyatini takomillashtirish zarurligini bir qancha sabablari mavjud. Nazarimizda ularga quyidagilar kiradi:

1.mamlakat davlat byudjetining solikli daromadlari prognozi ijrosining nobarqarorligi. Ayrim yillarda solikli daromadlar bo'yicha belgilangan prognoz topshiriqlarining ortig'i bilan, ayrim yillarda bajarilmay qolishi;

2.Davlat byudjetini solikli daromadlarini prognozini tashkil qilish jarayodida mavjud bo'lgan muammolar. Masalan, prognoz faqat moliya idoralari tomonidan amalga oshirilishi, qolgan davlat idoralari, jumladan soliq idoralari ma'lumot taqdim qilishi;

3.Solikli daromadlarni prognoz qilishda foydalaniluvchi ma'lumotlarning yetarli emasligi hamda ishonchligini oshirish muammosi;

4.Davlat byudjetini solikli daromadlarini prognozini tashkil qilish va amalga oshirish bo'yicha yagona uslubiyatning mavjud emasligi;

5.Davlat byudjetining solikli daromadlarini prognozini amalga oshirish bo'yicha yetarli bilim va malakaga ega bo'lgan mutaxassislarning yetishmasligi;

6.Umumbashar tan olingan prognoz qilish uslubiyatlaridan davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilishda kam foydalanilishi;

Davlat byudjeti va soliq tizimi bir biri bilan soliq tushumlari orqali yaqindan bog'liqlikka ega. Soliq idoralari soliq tushumlarini byudjetga to'liq va o'z vaqtidan yig'ilishi uchun mas'ul hisoblanadi. Davlat byudjetini solikli daromadlarini prognozi faqat qandaydir hisob-kitoblardan tashkil topmaydi. Uni bir tizim sifatida qarash zarur. Mazkur tizimning asosiy elementlaridan qatoriga soliqlarning yig'iluvchanlik darajasi, soliq salohiyati, mamlakat makoriqtisodiy ko'rsatkichlarini ham

kiritish zarur. Shu sababli, O‘zbekiston davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilish uslubiyatini takomillashtirish uchun quyidagi vazifalarni bajarish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

1.davlat byudjeti, soliq tizimi, soliq majburiyati, soliq majburiyatini bajarilishini ta’minlash o‘rtasidagi bog‘liqlikni tadqiq qilish asosida davlat byudjetining solikli daromadlarini shakillanish hamda soliq majburiyatini bajarilishini ta’minlash jarayonlarining chizma ko‘rinishidagi modelini ishlab chiqish;

2.davlat byudjetining solikli daromadlarini prognozlash mohiyatini tadqiq qilish asosida “solikli daromadlarini prognozlash” tushunchasining yangicha talqinini berish, solikli daromadlarni prognoz qilish tamoyillari hamda prognozni tashkil qilish umumiy qoidalari takomillashtirish;

3.davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilishning tashkiliy uslubiy yo‘nalishlarini tadqiq qilish asosida byudjetining solikli daromadlari prognozini tashkil qilish jarayonining chizma modelini ishlab chiqish, prognozlash jarayonini ma’lumotlar bilan ta’minlash muammolarni yechimi yuzasidan takliflar ishlab chiqish;

4.davlat byudjetining solikli daromadlarini tahlil qilish, soliq sallohiyatiga, soliqlarni yig‘iluvchanlik darajasiga ta’sir qiluvchi omillarga, soliq yukini soliq sallohiyatiga ko‘rsatuvchi ta’siriga baho berish yuzasidan ekonometrik modellar ishlab chiqish;

5.empirik ma’lumotlar hamda ekonometrik modellar tahlili asosida, soliqlarni yig‘iluvchanlik darajasini, soliq sallohiyatini oshirish orqali davlat byudjetining solikli daromadlari prognozi natijasining ob’ektivligini ta’minlash yuzasidan ilmiy takliflar ishlab chiqish;

6.umumbashar tan olgan prognoz metodlari asosida davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilish bo‘yicha ekonometrik modellarni ishlab chiqish, O‘zbekiston davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilishning tashkiliy-uslubiy jarayonlarini hamda prognoz qilish uslubiyatini takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish.

7.davlat byudjetini solikli daromadlarini prognoz qilishda eksponensial silliqlash, avtoregressiv,  $AR(p)$ ,  $ARIMA(p,d,q)$

(Autoregressive intergrated Moving Average) metodlaridan foydalangan holda ekonometrik modellar ishlab chiqish uslubi yaratish.

## СТАТИСТИК ҲИСОБОТЛАРИНИ АХБОРОТ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович,  
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик  
тадқиқотлар институти мустақил тадқиқотчиси**

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада давлат статистика ҳисоботларини ахборот тизими орқали қабул қилиш ва қайта ишлашнинг самарадорлик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** статистика, ахборот тизимлари, тармоқ, фаолият, корхона, рақали технологиялар.

Статистик ахборот тизимларининг сони кундан-кунга ортиб бориб, статистика фаолиятининг барча йўналишлари ва тармоқ статистикаларини қамраб олмоқда. Рақамли технологияларнинг статистика фаолиятига ҳам кенг кириб келиши турли мураккабдаги ахборот тизимларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, давлат статистика ҳисоботларини ойлик, чораклик ва йиллик даврийликда қабул қилишнинг ишлаб чиқилган ахборот тизими охирги 10 мобайнида бир неча марта модернизация қилинди. 2011 йилда, дастлаб e-Stat 1.0 - автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда 144 та давлат ҳисобот шаклининг атига 20 таси унда жорий қилинган эди. Ушбу тизимнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари ҳам бор эди. 2013 йилнинг ўрталарида e-Stat 2.0 - автоматлаштирилган ахборот тизими янгитан ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали жорий қилинган. Лекин, вақт ўтиши билан унинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжудлиги кўзга ташланиб қолди. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида 2018 йилда e-Stat 3.0 - автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий




қилинди. Ушбу тизимнинг асосий камчилиги бўлиб давлат статистика ҳисоботларини он-лайн кўринишда топшириш имкониятининг йўқлиги ва олдинги давр ҳисоботларини кўра олмаслик эди. Юқорида келтирилган барча камчиликларни тўлиқ бартараф қилиш мақсадида 2021 йилнинг май ойидан бошлаб e-Stat 4.0 - автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилди ва статистика амалиётига босқичма-босқич жорий қилиниб борилмоқда. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқилган статистик ахборот тизимининг нима мақсадда ишлаб чиқилганлигига тўлиқ мос келиши унинг самарадорлиги ёки сифати ҳисобланади. Мураккаб тизим ҳисобланмиш статистик ахборот тизимлари учун самарадорликни битта кўрсаткич билан аниқлаш қийин бўлиб, уни бир қатор таснифлар билан ифодалаш мумкин бўлади. Статистик ахборот тизимининг асосий таснифлари бўлиб, унинг унумдорлиги, жавоб бериш вақти, ишончлилиги ва қиймати ҳисобланади. Миқдор кўринишда ифода қилиш мумкин бўлган ушбу кўрсаткичлардан ташқари фойдаланувчиларнинг ўзига хос талабларини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Тавсифлар ахборот тизимини ташкил қилинишига боғлиқ бўлиб, уларга тизим таркиби, техник ускуналарнинг параметрлари, дастурий таъминотнинг таркиби, фаолият кўрсатиш режими киради.

Унумдорлик - e-Stat 4.0-автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳисоблаш қувватини ифодалаб, бир вақт бирлигида тизим томонидан ҳисоблаш ишларининг сонини кўрсатади. Жавоб бериш вақти - давлат статистика ҳисоботининг ахборот тизимига тўлиқ келиб тушиши ва унинг қабул қилинганлиги ҳолати бўйича жавобни олганлик ўртасидаги вақт давомлилиги ҳисобланади. Ишонччилик – ахборот тизимининг хусусияти бўлиб, белгиланган сифат кўрсаткичлари (натижалар аниқлилиги, маълумотларни ўтказиш имконияти, жавоб бериш вақти ва бошқалар) шароитида фаолият кўрсатишининг унга юклатилган функцияларни тўлиқ бажаришидир. Ахборот тизимининг қиймати – техник ва дастурий воситалар (хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун кетадиган

ҳаражатларни қўшган ҳолда) қийматининг умумий суммаси, ҳамда тизимда йиғилган маълумотлар ҳамдир.

Қуйида маълум вақт бирлигида статистик ахборот тизимининг киришига келиб тушаётган ( $R$  масалалар кириш оқимининг интенсивлиги) давлат статистика ҳисоботлари ўртача сони ва ундан чиқиб кетаётганлари ўртача сонининг ( $\lambda$  масалалар чиқиш оқимининг интенсивлиги) ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқамиз (1-расм).



$$R^* = \lambda^*$$

**1-расм. Давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнларининг ҳолати.**

$0 \leq R \leq R^*$  доирасида чиқиш оқимининг интенсивлиги  $\lambda = R$  кириш оқими билан тўлиқ аниқланади.  $R > R^*$  шартида ресурсларнинг чегараланганлиги, воситаларнинг сони ва тезлиги ҳамда хотира ҳажмидан келиб чиқиб вақт бирлигида келиб тушаётган барча масалаларни ахборот тизимининг ечиш имконияти бўлмайдди.  $\lambda$  чиқиш оқимининг интенсивлиги  $\lambda^*$  чегаравий қийматга етганидан кейин кириш оқими интенсивлигининг юксалиши билан ошмайди.  $\lambda^*$  қиймати белгиланган масалалар синфи учун статистик ахборот тизимининг максимал унумдорлигини кўрсатади ва

масалаларнинг кириш оқимининг интенсивлигига боғлиқ бўлмаган тизимнинг тавсифи ҳисобланади.

Дастурий маҳсулотнинг ишончли фаолият кўрсатиши e-Stat 4.0-автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳам мўтадил ишлаб туришини таъминлаб беради. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишда ҳар бир давлат статистика ҳисоботини унга жойлаштиришда ундаги арифметик-мантиқий назоратнинг кенг қўлланилиши дастурий таъминотни узлуксиз фаолият кўрсатишида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари ҳар бир статистика ҳисоботининг мураккаблиги даражаси ва бобларининг миқдори ҳам уларни респондентлар томонидан топширишда турлича хатоликка йўл қўйишининг омили бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз шунини кўрсатмоқдаки, e-Stat 4.0-автоматлаштирилган ахборот тизимининг самарали фаолият кўрсатишида техник воситаларнинг вақт ўтиши билан эскириб бориши ўзининг негатив таъсирини кўрсатади. Дастурий таъминоти эса вақт ўтиши билан мавжуд турли кўринишдаги камчиликларни АКТ мутахассислари томонидан босқичма-босқич бартараф қилиб борилиб, мукамал кўринишга келади (1-расм).

Тадқиқотларимиз шунини кўрсатмоқдаки, статистика фаолиятига e-Stat 4.0-автоматлаштирилган ахборот тизимининг кенг жорий қилиниши туман, вилоят ва республика даражасидаги АКТ қувватидан самарали фойдаланишга, давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш муддатларини қисқартиришга, статистик маълумотларни қайта ишлаш қийматларини камайтиришга замин яратиб бермоқда.

Ҳозирги кунда e-Stat 4.0-автоматлаштирилган ахборот тизими асосида йиғилаётган ойлик, чораклик ва йиллик бирламчи кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун республика даражасида амалий дастурлар пакетидан кенг фойдаланишни йўлга қўйилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Махсус статистик амалий пакетларнинг амалиётга кенг жорий қилиниши статистика ходимлари ишларини янада енгиллаштириб, таҳлил



давлатнинг кўплаб макроиқтисодий вазифаларини ҳал қилиш имкониятига эга.

Суғурта иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланади, чунки у: бюджетнинг харажатлар қисмидаги юкни камайтиради; жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлайди; давлатнинг молия тизимини мустаҳкамлашга ва бошқа бир қатор муҳим таъсир кўрсатади.

Суғурта маҳсулотларини сотиш тизими суғурта бозорининг ички тизимининг бошқариладиган ўзгарувчилардан биридир. Суғурта маҳсулоти маркетингидаги асосий масалалар суғурта компанияси ва миждоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни у таклиф этаётган суғурта маҳсулоти ёрдамида қандай қилиб қуриш ва яхшилашдан иборат.

Жисмоний шахс бир нечта суғурта компаниясига мурожаат қилиб, қайси суғурта шартлари унга кўпроқ мос келишини олдиндан ҳал қилиб, охир-оқибат улардан қайси бирида суғурталаниш яхшироқлигини ўзи ҳал қилиши мумкин. Бошқа ҳолатда, у суғурта маҳсулоти ва суғурталовчи ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлган воситачиларнинг хизматларига мурожаат қилиши мумкин.

Турли рискларни суғурталаши керак бўлган юридик шахс, қоида тариқасида, суғурта воситачисига мурожаат қилади, у рискларни баҳолаб, потенциал суғурталанган шахснинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда унга энг яхши суғурталовчини ва ушбу бозордаги суғурта маҳсулотини кўрсатади.

Бундай воситачиликнинг роли, айниқса, миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи объектларда, молиявий ва саноат гуруҳларида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу биринчидан, ўзаро боғлиқ бўлган бутун ишлаб чиқариш занжири бўйлаб жуда кенг кўламли рисклардан келиб чиқадиган реал рискларни аниқлаш, иккинчидан, суғурталанмаган зарарлар юзага келган тақдирда, мамлакат иқтисодиёти учун мумкин бўлган глобал салбий оқибатлар билан шартланган. Бу ерда воситачи нафақат потенциал суғурталанувчига бозорда мавжуд бўлган суғурта қоидаларини танлашни таклиф қилиши мумкин, балки суғурта шартномасини

тузиш учун оптимал рисклар пакетини шакллантиришга ёрдам беради.

Албатта, суғуртанинг айрим турларини лицензиялаш бўйича жорий қатъий талаблар бу ерда чекловчи омил бўлиши мумкин. Аммо улар суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида таклифнинг талабдан устунлиги билан ривожланган. Шубҳасиз, келажакда суғурта шартномалари тузиладиган маълум бир суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжга устувор аҳамият бериш керак. Брокерлар ва янги суғурта воситачилари бундай йўналишнинг йўлбошчиси бўлишлари мумкин ва керак.

Суғурта ва қайта суғурта компаниялари ўртасида рискларни бозорга жойлаштириш орқали брокерлар тегишли пул маблағларини шакллантиришни рағбатлантирадилар ва кўпинча бу жараённинг ташаббускори сифатида ҳаракат қилишади. Акциядорлик жамиятлари, холдинглар, молиявий ва саноат гуруҳлари ва бошқалар олдида энг йирик мижозларга қаратилган суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда брокерларнинг роли шубҳасиз ортади.

Микроиқтисодий даражадаги суғурта воситачиларининг ролини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай суғурталовчининг суғурта бозоридаги ҳолати ва истиқболлари барқарор савдо тармоғининг мавжудлиги, шунингдек, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта шартномаларини бажаришнинг аниқ механизми билан тавсифланади.

Сўнгги йилларда, бир қатор етакчи маҳаллий суғурталовчилар буни тушуниб этдилар ва ниҳоят келажакда жисмоний шахслар билан ишлашга таяниб агентлик тармоқларини ҳар томонлама шакллантиришни бошладилар, чунки бизнинг шароитимизда, гарчи у қимматроқ бўлса-да, лекин айтиш пайтда анча барқарор.

Оммавий суғурта маҳсулотларини аҳолининг кенг доирасига сотиш воситачиларнинг кенг тармоғисиз амалда мумкин эмас. Шунга боғлиқ равишда, суғурта агентининг ҳуқуқий мақоми, унинг иқтисодий ҳолати, суғурта агентларини танлаш ва тизимли равишда ўқитиш бўйича иқтисодий жиҳатдан асосланган ишларни тўғри

йўлга қўйиш, ушбу касбнинг жозибадорлиги ва нуфузини ошириш, ўсиш истиқболларини яратиш, самарали иш ҳақини белгилаш, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ва бошқалар жуда муҳим.

Агентлик тармоғини барқарор ушлаб туриш, доимий равишда кенгайиш ва тобора профессионал бўлиб қолиш учун бизга амалий ҳаракатлар зарур. Суғурталовчилар билан узоқ муддатли муносабатларни сақлаб қолиш учун суғурта агенти доимий равишда такомиллашиб бориши лозим. У нафақат таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари ва суғурталовчининг молиявий аҳволи ҳақида кенг маълумотга эга бўлиши, балки бозорда содир бўлаётган барча муҳим воқеалардан доимо хабардор бўлиши керак.

Бозор барқарорлиги учун бир суғурта компаниясида суғурта агенти ишининг доимийлиги жуда муҳим. Агентнинг бир компаниядан бошқасига ўтиши ҳар доим суғурталанувчини ҳушёр торттиради ва кўпинча суғурта шартномасини тузишдан бош тортади ёки энг яхши ҳолатда суғурталанувчи ўйлаб кўриш учун танаффус олади.

Агар суғурта агенти ўзининг бошқа суғурта компаниясига ўтишини аввалги компанияда молиявий муаммолар бўлгани билан изоҳласа, суғурталанувчида ўринли савол туғилади: янги компания молиявий жиҳатдан қанчалик барқарор? Бу ҳам суғурталовчининг иш натижаларига салбий таъсир қилади ва умуман суғурта ривожланишига тўсқинлик қилади.

Охир-оқибат, суғурталанишдан бош тортган тақдирда ҳамма ютқазади: суғурталанувчи, суғурта агенти, собиқ ва амалдаги суғурта компаниялари ва умуман бозор. Суғурта бозорида авж олган комиссия мукофотларини кўпайтириш орқали суғурта агентларини бир компаниядан бошқасига оғдириб олиш ҳар доим ҳам уларнинг иш сифати ва миқдорига мос келавермайди. Бу нафақат суғурта агентларини “айнилади”, балки кўпинча суғурталовчининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Бугунда суғурта брокерлари суғурталовчилар ва умуман бозор имиджини мустаҳкамлашда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ролни

ўйнаши мумкин, улар юқори малакали мутахассислар сифатида суғурталовчининг ҳақиқий молиявий аҳволини миждозлар ва суғурта агентларига қараганда анча яхши тушунадилар.

Бундай ҳолатда, миждозларнинг аксарияти молия институтларига, жумладан суғуртага ишончсиз бўлса, суғурта компаниясининг ишончлилиги биринчи ўринга чиқади. Суғурта шартномаларини бажариш билан шуғулланадиган воситачилар суғурта ривожланишига таъсир қилиш учун жуда катта имкониятларга эга.

Биринчидан, микродаражада суғурталанувчилар томонидан йўқотишларни қоплашда кўрсатилаётган хизматларнинг тезлиги ва сифати миждознинг муайян суғурталовчига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва шу билан компанияда доимий миждозлар базасини шакллантиради.

Иккинчидан, макроиқтисодий даражада асосий суғурта ходисалари учун суғурта товонини ўз вақтида тўлаш омили умумдавлат хусусиятига эга бўлиб, халқ хўжалигининг муайян тармоғи ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Суғуртада, эҳтимол, бошқа ҳеч қандай жойда бўлмаганидек, макроиқтисодий ва микроиқтисодий жараёнлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бир ёки ҳатто бир нечта уйнинг ёнғиндан нобуд бўлиши тегишли мулк эгаларининг муаммоси саналади. Аммо зилзила, кучли сув тошқини, қурғоқчилик, бўрон оқибатлари умумдавлат муаммолар сирасига киради. Давлат аҳамиятига эга бўлган битта объектнинг ҳам узок муддатга бузилиши мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказади. Бундай ходисалардан етказилган зарарни қоплаш ёки қопламаслик иқтисодиётнинг макроиқтисодий ҳолатига энг бевосита таъсир қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда суғурта воситачилари фаолиятини тартибга солиш зарурати туғилади.

Бу ҳатто жисмоний шахслар билан суғурта шартномаларини тузувчи суғурта агентларига нисбатан ҳам ўзини оқлайди. Аммо айниқса, юридик шахслар ўртасида ишлайдиган брокерлар ва бошқа воситачиларга нисбатан зарур, чунки суғурта воситачилигининг



макроиқтисодий оқибатлари (ижобий ёки салбий) айнан шу ерда намоён бўлади.

Бундай шароитда бир қатор келишилган ахлоқий меъёрларни, шунингдек, суғурта воситачилари билан ишлашнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий стандартларини ишлаб чиқишга комплекс ёндашувни яратишда суғурталовчилар ва уларнинг уюшмалари ҳамда бирлашмаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

## **SUG‘URTA INKLYUZIV VA BARQAROR IQTISODIY O‘SISH OMOLI**

**Mambetqulova M., TMI talabasi**

**Ilmiy rahbar: Yuldashev O., TMI dotsenti, i.f.d.**

Aytish mumkinki, sug‘urta sektori o‘zining tavakkalchilikni o‘tkazish mexanizmi va shu tariqa kompensatsiyani ta‘minlash, shuningdek, iqtisodiyotda o‘ynaydigan vositachi roli orqali iqtisodiy o‘sishga hissa qo‘shishi mumkin. Sug‘urta jamg‘armalarni safarbar qilish vositasi sifatida ham qo‘llanilishi mumkin.

Sug‘urta bozorlari yaxshi rivojlanayotgan bo‘lsa, mamlakatlar barqaror o‘sish ehtimoli ancha yuqori ekanligini va sug‘urta funktsiyasi - risklarni boshqarish va vositachilik - inklyuziv o‘sishni qo‘llab-quvvatlashda hal qiluvchi rol o‘ynashini tasdiqlovchi ko‘payib borayotgan empirik adabiyotlar mavjud. Konsensus shundan iboratki, sug‘urta bozorining rivojlanishi turli rivojlanish bosqichlarida bo‘lgan mamlakatlarda iqtisodiy rivojlanishning kuchli prognozchisi hisoblanadi. Sug‘urta bozorining inklyuziv va barqaror o‘sishga ta‘siri kamida uchta turli yo‘llar yoki uzatish mexanizmlari orqali amalga oshiriladi.

Sug‘urta uy xo‘jaliklarining moliyaviy zarbalarga chidamliligini oshirish mexanizmini ta‘minlash va xavf-xatarli hodisalar yuz bermagan taqdirda ham xotirjamlikni ta‘minlash orqali individual farovonlikka bevosita hissa qo‘shishi mumkin. Bu uy xo‘jaliklariga investitsiya kiritish va daromadlarini oshirish uchun ishlab chiqarish risklarini o‘z zimmasiga olish imkonini beradi. Sug‘urta, shuningdek, uy xo‘jaliklariga kredit,

sogʻliqni saqlash va taʼlim kabi boshqa xizmatlardan foydalanish imkoniyatini berish orqali muhim reklama rolini oʻynaydi.

Sugʻurta inklyuziv va barqaror iqtisodiy oʻsishni taʼminlashda hal qiluvchi rol oʻynaydi. Jismoniy shaxslar va korxonalarni moliyaviy xatarlardan himoya qilish orqali sugʻurta barqarorlik, barqarorlik va iqtisodiyotga ishonchni mustahkamlaydi.

Sugʻurta xatarlarni yumshatish va oʻtkazishga yordam beradi, bu esa korxonalariga halokatli moliyaviy yoʻqotishlardan qoʻrqmasdan sarmoya kiritish va innovatsiyalar qilish imkonini beradi. Aktivlarni, majburiyatlarni va daromadlarni himoya qilish orqali sugʻurta korxonalar barqarorligiga hissa qoʻshadi, bu esa ish oʻrinlarini yaratadi, hosildorlikni oshiradi va umumiy iqtisodiy oʻsishga hissa qoʻshadi

Sugʻurta biznes rivojlanishini kamida uchta usulda qoʻllab-quvvatlaydi:

1. Biznes risklarini oʻtkazish, shu bilan noaniqlikni kamaytirish va daromadlarni yumshatish orqali.

2. Xavflarning oldini olish yoki ularning chastotasini kamaytirish uchun risklarni boshqarish strategiyalarini qoʻllash yoki qoʻllash orqali.

3. Qarz oluvchi xavfini kamaytirish va narx riskini ragʻbatlantirish orqali kreditga kirishni osonlashtirish orqali.

Sugʻurtalovchilar institutsional investorlar sifatidagi roli orqali investitsiyalar va infratuzilmani rivojlantirishga koʻmaklashish uchun kapitalga talab va taklifni shakllantirishda muhim rol oʻynashi va shu bilan oʻsish maqsadlarini qoʻllab-quvvatlashi mumkin. Shunday qilib, ushbu hujjatda qoʻllanilgan “kapital bozorini rivojlantirish” atamasi nafaqat kapital bozori institutlari va birjalari emas, balki kapital bozorlarining kengroq tushunchasini ifodalaydi. Ushbu taʼsir mukofotlar orqali yigʻilgan kapitalni safarbar qilish, birlashtirish va taqsimlash, shuningdek, professional investitsiya sanoatini rivojlantirishga koʻmaklashish orqali erishiladi va shu bilan kapital bozori institutlarining rivojlanishiga hissa qoʻshadi.

Tadqiqotning asosiy yoʻnalishini tashkil etuvchi ushbu uchta sohadan tashqari, sugʻurta jamiyatning asosiy xavf-xatarlarga - birinchi navbatda iqlim bilan bogʻliq, balki ijtimoiy tartibsizliklar yoki siyosiy

beqarorlik bilan bog‘liq suveren risklarga chidamliligining umumiy mavzusida muhim rol o‘ynaydi. Tabiiy ofatlar, shuningdek, boshqa suveren xavflar kabi iqlim bilan bog‘liq xavflarning ortib borishi barqaror shaharlar va qishloq jamoalarini yaratish uchun ijtimoiy xavflarni boshqarish va xavflarni uzatishni qayta ko‘rib chiqishni talab qiladi. Mahalliy va global sug‘urta sohalari ushbu munozarada muhim manfaatdor tomonlardir, chunki aks holda yuk hukumatlarga, donorlar hamjamiyatiga va pirovardida uy xo‘jaliklarining o‘zlariga tushadi va farovonlikka jiddiy ta’sir ko‘rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, sug‘urta inklyuziv va barqaror iqtisodiy o‘shishning muhim vositasidir. U xavf-xatarlardan himoya qiladi, ijtimoiy farovonlikni oshiradi, tengsizlikni kamaytiradi va mas’uliyatli xatti-harakatlarni rag‘batlantiradi. Hukumatlar, korxonalar va jismoniy shaxslar sug‘urta muhimligini tushunish va undan foydalanish imkoniyatini oshirish orqali kuchliroq, bardoshli va inklyuziv iqtisodiyotni yaratish uchun uning afzalliklaridan foydalanishlari mumkin.

Bundan tashqari, sug‘urta daromadlar tengsizligini kamaytirish va ijtimoiy farovonlikni oshirish orqali inklyuziv iqtisodiy o‘shishni qo‘llab-quvvatlaydi. Baxtsiz hodisalar, kasalliklar yoki tabiiy ofatlar kabi kutilmagan hodisalar sodir bo‘lgan taqdirda kompensatsiya va moliyaviy yordam ko‘rsatish orqali sug‘urta odamlar va oilalarga muvaffaqiyatsizliklardan xalos bo‘lishga va ularning hayot sifatini saqlab qolishga yordam beradi. Bu ijtimoiy inklyuziyaga yordam beradi, qashshoqlikni kamaytiradi va jamoalarning umumiy farovonligini oshiradi.

Tabiiyki, sug‘urta vositachilari sug‘urta mahsulotlari jamiyatning barcha qatlamlari uchun ochiq va mos bo‘lishini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Ular shaxsiy maslahatlar beradi, xavflarni aniqlashda yordam beradi va jismoniy shaxslar va korxonalarga tegishli qamrovni olishga yordam beradi. Bu sug‘urta bo‘shlig‘ini bartaraf etishga yordam beradi va hatto marginal guruhlar ham o‘zlariga kerak bo‘lgan himoyaga ega bo‘lishini ta’minlaydi va natijada adolatli va inklyuziv jamiyatga hissa qo‘shadi.

Shuning uchun, sug'urta xavflarni kamaytirish va mas'uliyatli xatti-harakatlarni rag'batlantirish orqali barqaror rivojlanishga yordam berishi mumkin. Xavfsizlik choralari, atrof-muhitni muhofaza qilish va barqaror amaliyotlarni amalga oshirish uchun pastroq mukofotlar va imtiyozlarni taklif qilish orqali sug'urta jismoniy va korxonalarini jamiyat va atrof-muhitga foyda keltiradigan mas'uliyatli xatti-harakatlarni qabul qilishga undaydi.

## **СУГУРТА КОМПАНИЯСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАЙТА СУГУРТА**

**Султонова А.**

**ТМИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доц.**

Қайта суғурта ҳар қандай суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида эътироф этилади. Мазкур амалиёт компанияларга жуда катта ва олдиндан кўриб бўлмайдиган рискларни қабул қилиш имконини беради. Қайта суғуртанинг мақсади суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини ва суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминловчи мувозанатли суғурта портфелини яратишдир. Демак, қайта суғурта нафақат суғурталовчиларни, балки суғурталанган йирик объектларни ҳам молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилади, шу билан бирга давлатга суғурта фаолиятини амалга оширганлик бўйича солиқларнинг келиб тушишини кафолатлайди. Қайта суғуртанинг асосий функцияси бўлиб рискни трансформациялаш ҳисобланади ва натижада суғурта мажбуриятларини ички ва ташқи бозорларда бир неча компаниялар ўртасида тақсимлашга эришилади. XIX асрнинг ўрталарида Европа давлатларида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши катта миқдордаги суғурта рискларининг қайта суғурталашга бўлган талабини янада кучайтирди. Суғурталовчининг хизматлар кўламини кенгайтириш, янги суғурта рискларини суғурта қопламаси билан таъминлашни фақат қайта суғурталаш орқалигина амалга ошириш мумкин бўлди. Қайта суғурта натижасида суғурталовчининг суғурталаш

имкониятлари кенгайди, суғурта ходисасининг юзага келиш эҳтимоллиги катталиги сабабли суғурталаш мумкин бўлмаган объектларни ҳам банкротликдан қўрқмасдан қабул қилишга замин яратилади. Қайта суғурта суғурталовчига мавжуд рисклар таъсирини минималлаштириш имконини беради ва меъёрий талабларнинг бажарилиши устидан назорат қилади. Суғурталовчи ўз ихтиёри билан суғурта шартномаси бўйича ўзида қолдириладиган улушни аниқлайди. Қайта суғурта муносабатларида суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмайди, унда суғурталовчи ва бир неча қайта суғурталовчилар иштирок этади.

Мижоз суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишда имзоланган қайта суғурта шартномаси тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Қайта суғурта бўйича тузилган шартномага қарамай, суғурталовчи компания эҳтимол тугилаётган зарарни тўла ҳажмда қоплаш учун суғурталанувчи олдида жавобгар бўлиб қолади, қайта суғурталовчи учун у бевосита суғурталовчи ҳисобланади. Суғурта тизими ривожланган давлатларнинг суғурта бозорида қайта суғуртадан фойдаланилганлик даражаси юқори, буни жами суғурта мукофотлари ҳажмида қайта суғурта мукофотларининг 40-45 фоиз улушга эгаллиги билан изоҳлаш мумкин<sup>9</sup> ва аксарият давлатларда суғурталовчилар ўзини молиявий ҳимоялаш мақсадида қайта суғуртанинг облигаторли шаклини қўллашни маъқул кўради. Шу ўринда «облигаторли қайта суғурта қилиш» тушунчасига изоҳ беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Облигаторли қайта суғурта — қайта суғуртанинг мажбурий шакли бўлиб, унда цедент компания қайта суғурталовчи билан тузган қайта суғурта қилиш шартномаси шартларига кўра, ушбу шартнома доирасига кирувчи асосий суғурта шартномалари бўйича рискларни қайта суғурталовчига беришга, қайта суғурталовчи эса ушбу рискларни қабул қилишга мажбурдир. Облигаторли қайта суғурта битими маҳаллий қайта суғурта билан қўшимча равишда шуғулланувчи компаниялар билан ҳам тузилиши мумкин. Бунда маълум бир

суғурта турлари танланади, масалан, қурилиш-монтаж рисклари суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, юк суғуртаси. Мазкур суғурта турлари бўйича тузилган барча шартномалар бўйича компания мажбуриятларининг маълум қисми қайта суғурталовчига автоматик тарзда ўтказилади. Бу ҳолатда суғурта компанияси олдида муҳим вазифа пайдо бўлади, яъни ўз зиммасида қолдирадиган улуш миқдорини белгилаш лозим. Бундай вазифани эҳтиёткорлик билан ҳал этиш талаб этилади, чунки тўлов қобилияти меъёрларига амал қилиниши ва молиявий барқарорликка путур етмаслиги лозим. Суғурта компанияси облигаторли битимда қайта суғуртанинг ҳар иккала турини, яъни нисбий ва нонисбий қайта суғурта турларини қўллаши мумкин. Нисбий қайта суғурта қўлланилганда мажбуриятлар тўғридан-тўғри суғурталовчи билан қайта суғурталовчи ўртасида маълум фоизларда тақсимланади, суғурта мукофотлари ва суғурта қопламаларини тўлашда ҳам худди шу нисбатга амал қилинади. Нонисбий облигаторли қайта суғуртада эса суғурталовчи ўзининг маълум чегарасини ўрнатади ва қабул қилинган мажбуриятларнинг шу чегарадан ошган қисми қайта суғурталовчига ўтказилади.

## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИ ИЧКИ АУДИТИ**

*А.Норқучқоров,  
ТМИ катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада бюджет ташкилотлари томонидан тузиб тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар, уларнинг таркиби, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этишнинг назарий-услубий масалалари баён қилинган. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартибига риоя қилиш билан боғлиқ ички аудит жараёнида ўрганилиши зарур бўлган жиҳатлар келтирилган. Молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини оширишда ички аудит хизматининг ўрни ва ролини кучайтириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, бюджет ташкилоти, ички аудит, молиявий ҳисобот, ҳисобот даври.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены финансовые отчеты, составляемые и представляемые бюджетными организациями, их состав, а также теоретические и методологические вопросы формирования и представления финансовых отчетов. Перечислены аспекты, которые необходимо изучить в процессе внутреннего аудита, связанные с соблюдением порядка составления и представления бухгалтерской отчетности. Освещены вопросы усиления места и роли службы внутреннего аудита в повышении информационных возможностей финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** информация, бюджетная организация, внутренний аудит, финансовая отчетность, отчетный период.

**Abstract.** This article describes the financial reports prepared and presented by budget organizations, their composition, and the theoretical and methodological issues of forming and presenting financial reports. Aspects that need to be studied in the internal audit process related to compliance with the procedure for the preparation and presentation of financial statements are listed. Issues of strengthening the place and role of the internal audit service in increasing the information capabilities of financial reports are highlighted.

**Key words:** information, budget organization, internal audit, financial reporting, reporting period.

## **Кириш**

Иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда нафақат, хусусий сектор, балки, бюджет тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бюджет тизими давлатнинг жамият олдидаги вазифаларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодиётни рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор нотижорат фаолиятларни молиялаштиришни амалга ошириш мақсадларида хизмат қилади.

Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган

бўлсак, «пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар давлат харажатларини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 40 фоизига қадар оширганлигини кўришимиз мумкин. Бюджет ташкилотларининг катта қисми ижтимоий соҳада фаолият юритиши аҳоли бандлигини таъминлашда юқори потенциалга эга иш берувчи ҳисобланиб, уларни молиялаштиришни кенгайтириш ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади»<sup>172</sup>.

Республикада бюджет тизимини ислоҳ этишда «бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) уйғунлаштириш»<sup>173</sup>, халқаро стандартлар талабаларидан келиб чиқиб бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, бюджет тизимида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш кўламини кенгайтириш, аудит тадбирларини кенгайтиришни талаб этмоқда.

### **Адабиётлар таҳлили**

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини тузиш, тақдим этиш ҳамда ички аудитининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган. Andreea Cirstea давлат секторида молиявий ҳисоботларни консолидация қилишнинг зарурлиги, хусусиятлари муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган ҳамда халқаро стандартлар асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиққан<sup>174</sup>.

Fernando Velfo бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимида анъаналар ва ривожлантириш йўналишларида тадқиқот олиб борган. Анъанавий бухгалтерия ҳисобини рақамли технологиялар ёрдамида

---

<sup>172</sup> International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори

<sup>174</sup> Andreea Cirstea. The Need for Public Sector Consolidated Financial Statements. Procedia Economics and Finance. Volume 15, 2014, Pages 1289-1296.



ривожлантириш орқали молиявий ҳисоботларнинг ахборот таъминоти кенгайтириш юзасидан таклифлар берган<sup>175</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.У.Меҳмонов бошчилигидаги олимлар бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбалари бўйича молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг назарий масалаларини ёритган<sup>176</sup>.

А.Остонокулов “бюджет ташкилотларида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб китоблар жараёнини ўрганиш орқали бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари”<sup>177</sup>ни очиб берган. Мол етказиб берувчи ва харидорлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби ҳамда ҳисоботини рақамли технологиялар орқали такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиққан.

А.Туйчиев, А.Остонокулов, К.Ибрагимов ва А.Турсуновлар бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар, уларнинг таркиби, молиявий ҳисоботларни тузишнинг назарий масалалари, молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг даврийлиги, ахборот кўрсаткичлари, молиявий ҳисоботларнинг ўзаро боғлиқлиги каби жиҳатларни очиб берган<sup>178</sup>.

З.Хамидова бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятининг назарий асослари, услубий масалалари, амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назоратни самарали ташкил этишни ривожлантириш масалаларини очиб берган<sup>179</sup>.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларнинг ички аудити алоҳида тадқиқот объекти сифатида

---

<sup>175</sup> Fernando Belfo, Antonio Trigo Accounting Information Systems: Tradition and Future Directions. Procedia Technology. Volume 9, 2013, Pages 536-546.

<sup>176</sup> Меҳмонов С.У., Кулибоев А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иқтисод-молия» 2018. 186 б.

<sup>177</sup> Ostonokulov Azamat Abdugarimovich. Improving Accounting of settlements with Suppliers and Buyers in Public Sector Institutions. American Journal of Economics and Business Management. ISSN: 2576-5973. Vol. 4, № 2, 2021.

<sup>178</sup> Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. (2019) "Budget Accounting in Budget Organizations" Textbook, "ECONOMICS-FINANCE" p.429.

<sup>179</sup> Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.: “VNESHINVESTPROM” 2021. 183 б.

кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг бюджет тизимини ислоҳ қилиш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

### **Тадқиқот усуллари**

Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, индуксия ва дедуксия, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, истиқболли прогнозлаш, монографик кузатув ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади бюджет ташкилотининг барча хўжалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий ахборотларни етказиб бериш ҳисобланади. Бунда, фойдаланувчиларга тақдим этиладиган ахборотлар молиявий ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади бюджет ташкилотининг молиявий аҳволи, унинг фаолияти ва пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилиш ҳамда таҳлил қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот борасида изланиш олиб борар эканмиз дастлаб, унинг туб мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. «Молиявий ҳисобот – бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир»<sup>180</sup>.

Ҳар қандай шакл ва мазмундаги ахборотлар ёки маълумотлар молиявий ҳисобот саналмайди. Молиявий ҳисобот маълум бир давр учун қатъий белгиланган шакл асосида ўзаро боғлиқликдаги

---

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон)

кўрсаткичларни тизимлаштириб тугалланган ахборот кўринишида тақдим этилади.

«Молиявий ҳисобот ташкилотда хўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади»<sup>181</sup>. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир. Чунки, молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, ташкилот имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

«Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундаги ахборотларни шакллантириш билан боғлиқ умумқабул қилинган принцип (тамойил)лар мавжуд. Яъни, молиявий ҳисобот ва унинг кўрсаткичлари узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги»<sup>182</sup> каби принцип (тамойил)лар асосида шакллантирилган бўлиши зарур.

Молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичлар биринчи навбатда, узлуксиз тарзда юритилган ҳисоб маълумотлари асосида шакллантирилиши зарур. Иккинчидан, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бюджет ташкилоти фаолияти давомийлигига параллел ҳолда даврий бир-бирини тўлдириши ва узвий боғланган бўлиши шарт. Шундагина, молиявий ҳисоботнинг ахборотлари ишонччи саналиб, уларни тўғри таҳлил қилиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва прогноз кўрсаткичларини шакллантириш мумкин бўлади.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари билан асосланиши, ҳисобот давридаги барча муомалаларнинг ҳужжатлаштирилганлиги ва ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлиги, ҳисоб объектларининг ҳаққоний баҳоларда ифодаланганлиги унда келтирилган

---

<sup>181</sup> Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик. Т.: Шарқ, 2004. 230-б.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон)

ахборотларнинг ишончилигини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ижросига оид қонунчилик ҳамда бюджет ҳисоби стандартлари ҳам молиявий ҳисоботларни ушбу принцип (тамойил) асосида тузиш зарурлигини белгилайди.

Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги. Молиявий ҳисоботларда келтириладиган кўрсаткичларнинг вақт нуқтаи назаридан узлуксизлиги уларнинг даврий ўзгаришини таққослаш ёки қиёслаш орқали таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги ёки бир-бири билан боғлиқлиги ҳисобот давридаги маълум бир кўрсаткичнинг бошқа кўрсаткичларга таъсирини таққослаш ёки қиёслаш натижасида уларнинг ўзгаришини таҳлил қилишга шароит яратади.

Бюджет ташкилотларида маблағларнинг шаклланиш манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари, амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳамда маблағларнинг ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни вақти-вақти билан фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида тақдим этиш талаб қилинади. Негаки, ташкилотларнинг маблағлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, уларни бошқариш, назорат қилиш, таҳлил ва прогноз қилишда ишончли ахборотларга эҳтиёж сезилади. Ахборотларга бўлган ушбу эҳтиёж бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузиш орқали таъминланади.

«Бюджет ташкилотлари давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш шартлари ҳамда уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»<sup>183</sup>.

---

<sup>183</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон)

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда муддатлари ҳам молия органи томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига кўра, «бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини тартибга солиш бюджет ҳисоби стандартлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади»<sup>184</sup>.

Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳисобот шакллари «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» асосида белгиланган тартибда тузиб тақдим этилади.

«Бюджет ташкилотлари учун 1 январь — 31 декабрь календарь йили йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот давридир. 1 январдан бошлаб даврий молиявий ҳисобот тузилаётган даврнинг ҳисобот санасини ҳам қамраб олган давр календарь йил мобайнида тузиладиган даврий молиявий ҳисобот учун ҳисобот давридир. Бюджет ташкилотлари чораклик молиявий ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, йиллик молиявий ҳисоботлар эса, келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра тузилади»<sup>185</sup>.

«Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар»га асосан «бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари таркиби баланс (1-сон шакл), молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот, харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот, бюджет ташкилотини

---

<sup>184</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон)

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (2013 йил 26 декабрь, ЎРҚ-360-сон)

ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот». Мазкур ҳисоботлар тақдим қилиш даврийлигидан келиб чиқиб, чораклик ва йиллик ҳисоботларга ажратилади.

### 1-жадвал

**Бюджет ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар таркиби ва уларнинг даврийлиги<sup>186</sup>**

№	Молиявий ҳисобот	Чораклик	Йиллик
1.	Баланс (1-сон шакл)	+	+
2.	Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)	+	+
3.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот	+	+
4.	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
5.	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
6.	Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
7.	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+
8.	Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот		+

<sup>186</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

9.	Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот		+
10.	Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	+	+

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига баланс (1-сон шакл); харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл); дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот; номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар кирази.

Чоралик молиявий ҳисоботлар таркибига эса, баланс (1-сон шакл); харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл); дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар кирази.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даври мобайнида ҳисобот чорагининг сўнгги иш

куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализатсия қилишдан олинадиган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, ҳомийликдан олинган маблағлар ҳаракатини акс эттириш лозим.

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализатсия қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағларга доир дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини текшириб чиқиши зарур»<sup>187</sup>.

«Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт ташкилотлари:

тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;


---

<sup>187</sup> «Бюджет ҳисоботи» номли 3-сон Бюджет ҳисоби стандарти (2019 йил 18 январь, 3124-сон)



шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқиши зарур»<sup>188</sup>.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таълим ташкилотларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт бўйича тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.



### **18-расм. Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларини тузишда бажарилиши зарур бўлган амаллар<sup>189</sup>**

Таълим ташкилотлари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлиги; аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлиги; тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини текшириб чиқиш зарур.

«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

<sup>188</sup> «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар». 2018 йил 26 декабрь, 2971-сон

<sup>189</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

умумтаълим ташкилотларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

турғун даволаш-профилактика ташкилотларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;

бошқа таълим ташкилотларида (шу жумладан, баркамол авлод марказлари) болалар таъминоти учун ота-оналар тўлайдиган тўловлар;

бошқа маблағлар бўйича депозитлар;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

кредит ва ссудалар»<sup>190</sup>.

Ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари қуйидагиларни текшириши керак:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

Бюджет ташкилотларида молиялаштириш манбалари турлари ва уларнинг ҳажмларидан қатъий назар ягона баланс шакллантирилади. Балансда ҳисобот йили бошига ташкилотнинг

---

<sup>190</sup> «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар». 2018 йил 26 декабрь, 2971-сон

маблағлари ва унинг манбалари ҳолати келтирилиб, уларнинг ҳисобот даври давомидаги ўзгаришлари натижасида ҳисобот даври охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар ташкилот айнан ҳисобот даври бошидаги ҳолати билан ҳисобот даври охиридаги ҳолатни таққослаш орқали таҳлил қилиш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлар шакллари ва уларни тузиш тартиби, ҳисоботларнинг таркиби ва кўрсаткичларнинг шакллантирилиши, ҳисоботларнинг даврийлиги, тақдим қилиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бюджет ташкилотлари ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари ташкилотлар томонидан тузилади ҳамда молия органига тақдим этилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ўз номланиши жиҳатдан пул маблағлари ҳаракатига асосланган ҳолда тузилади. Ҳисобот шакллари асосида бюджетдан ташқари маблағларнинг йил бошига қолдиғи, ҳисобот даври давомидаги пул маблағлари тушумлари ва уларнинг таркиби, ҳисобот давридаги касса харажатлар, яъни пул маблағларининг сарфи ва уларнинг таркиби, ҳисобот даври якунидаги пул маблағлари қолдиғига оид ахборотларни очиб беришга қаратилган. Шу билан бирга, ҳисобот шакллари таркибида харажатларнинг тасдиқланган режаси, ҳисобот давридаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар тўғрисида ҳам кўрсаткичлар шакллантирилади.

Ҳисобот шаклларидаги ахборотларнинг имкониятларини таҳлил қилиш натижасида бюджетдан ташқари пул маблағлари

ҳаракатига оид кўрсаткичлар, яъни ҳисобот йили бошига пул маблағлари қолдиғи, ҳисобот давридаги пул маблағлари тушуми ва сарфи, ҳисобот даври охиридаги пул маблағлари қолдиғини ўзаро боғлиқликда ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин. Ҳисоботда келтирилган ҳисобот давридаги ҳақиқий харажатлар ва касса харажатлар кўрсаткичларини таққослаш орқали ҳар бир харажат гуруҳлари ва турлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбурятларнинг ҳолатини таҳлил қилиш имконияти мавжуд.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари пул маблағлари ҳаракатига асосланган бўлсада, унда бир вақтнинг ўзида даромадлар ва харажатларни тан олиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг касса ва ҳисоблаш методлари элементини кўриш мумкин. Пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши (касса харажатлар) касса методига хос жиҳат ҳисобланса, ҳақиқий харажатларга оид кўрсаткичлар бевосита ҳисоблаш методига хос жиҳат саналади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, бир ватқнинг ўзида ҳисоботда харажатларга оид касса ва ҳақиқий харажатлар кўрсаткичлари мавжуд. Аммо, даромадларга оид кўрсаткичлар мавжуд эмас, балки, ҳисоботларда пул маблағларининг тушумлари бўйича ахборотлар шакллантирилади. Бу эса, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатига оид ҳисобот шакллари номлари ҳамда улардаги ахборотлар билан боғлиқ услубий жиҳатларни такомиллаштириш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

Бюджет қонунчилигига кўра, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизими бюджетлари таркибига киритилади. Шу сабабдан ҳам, бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий молия органлари ва республика миқёсида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига оид молиявий ҳисобот кўрсаткичларини умумлаштириш орқали жамланма ахборотларни шакллантириш зарурияти мавжуд.

# МОЛИЯВИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ТАСНИФИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Хамдамов Омонулло Неъматуллаевич**  
ТМИ доценти, и.ф.д.

**Бахриддинов Камолиддин Бахриддин ўғли**  
Агробанк АТБ Сув лойиҳалари  
маркази гуруҳ раҳбари

Хорижий давлатларда иқтисодий ривожланиш доктринасининг муҳим таркибий йўналишларидан бири сифатида миллий компаниялар молиявий бошқарув механизми ва стратегияларини ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ҳамда тенденцияларга мос равишда такомиллаштириш масаласи муҳим ўрин тутмоқда. 2022 йилнинг бошидан буён “дунёдаги ТОП-100 та компаниялар ташқи иқтисодий-сиёсий омиллар таъсири натижасида 45 млрд.АҚШ доллари миқдоридagi битимларни бекор қилишга тўғри келган бўлса, биргина Европа ва АҚШда акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш амалиётига доир шартномаларни бекор қилиниши натижасида инвестициялар жалб қилиш ҳажми 90 фоизга, жаҳонда эса 283 млрд.АҚШ доллардан 81 млрд.долларгача ёки 70 фоизга камайганлигини”<sup>191</sup> таъкидлаш мумкин. Бундай шароитда компаниялар томонидан молиявий натижаларнинг минимал даражада барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида молиявий менежмент механизмини такомиллаштириш, хусусан, корпоратив молия тизимини трансформация қилиш, капитал таркиби ва мавжуд имкониятларини тўғри баҳолаш, молиявий риск даражасини прогноз қилиш, инвестицион йўналишларини диверсификация қилишни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ташкил этиш аниқ бир тамойилларга асосланиши лозим. Чунки молиявий бошқарув қарорларини қабул қилишда чегаравий омилларнинг мавжудлиги (мультипликатор коэффициентларга, рентабеллик, ликвидлик ва ш.к. молиявий барқарорлик

---

<sup>191</sup> <https://www.financialtimes.com/content/bc96ce22-8065-4be7-b577-5ba9ba225568>

коэффициентларга), турли омилларнинг ўзгариши шароитида яқуний қарорга келиш имконини беради. Халқаро илмий-услубий тажрибаларини тадқиқ қилиш асосида акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ташкил этишнинг қуйидаги муҳим тамойиллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Стратегик йўналтирилганлиги. Молиявий менежментнинг асосий мақсадларидан бири молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига улар билан боғлиқ молиявий рискларни камайтириш ҳисобланади. Шунинг учун акциядорлик жамиятларида молиявий менежерларнинг асосий вазифаси истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаолиятнинг молиявий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган барча йўналишларини қамраб олиш ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда аксарият акциядорлик жамиятларида стратегик қарорларни қабул қилиш асосан йиллик бизнес режаларининг маълум қисми ёки муайян “шаблон” тарзида ишлаб чиқилиши ушбу йўналишни такомиллаштириш заруратини намоён этмоқда. Айтиб ўтиш керакки, айрим йирик акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришдаги давлатнинг иштироки юқори бўлиб, бу каби акциядорлик жамиятлари стратегик қарорлар қабул қилишда давлат томонидан стратегик ривожлантиришга доир сценарийлар ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади. Мисол учун, Ўзбекистонда кон-металлургия саноати корхоналари корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир 2035-йилгача бўлган стратегия қабул қилинган бўлиб, бунда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган: устав капиталида давлатнинг улуши йирик бўлган акциядорлик жамиятларида “халқчил” IPO ларни амалга оширган ҳолда хусусийлаштириш жараёнларини адолат ва шаффофлигини таъминлаш; компанияларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида молиявий-инвестицион фаолиятни диверсификациялаш ҳисобига ликвидлик ва бошқа молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ошириш; компаниянинг обрўсини янада ошириш, замонавий инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш мақсадида мутахассисларни хорижий кўникмаларини

ривожлантириш ва рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш.

2. Интеграциялашув ва диверсификация қилиш. Янги Ўзбекистон шароитида акциядорлик жамиятларида молиявий бошқарув тизимини такомиллаштиришда эътибор берилган муҳим йўналишлардан бири, йирик акциядорлик компанияларининг халқаро валюта ва халқаро капитал бозорининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида интеграциялашув жараёнларини жадаллаштириш ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик тижорат банклари ва реал сектор компанияларининг халқаро еврооблигацияларини йирик фонд бозорларига жойлаштирилиши ортидан компанияларнинг халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг дастлабки босқичлари сифатида баҳолаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, мазкур операцияларнинг кейинчалик такомиллашиб борилиши акциядорлик жамиятлари томонидан истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда анъанавий банк моделидан нобанк моделини ривожлантиришга ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Молиялаштириш ва инвестицион қарорлар қабул қилиш. Мазкур тамойиллар молиявий менежментнинг бош мақсадини ифодалаш билан бирга асосий функциялари ва вазифалар кетма-кетлиги ушбу йўналишдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 сон “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>192</sup>ги Фармонида ҳам асосий устувор вазифалар айнан ушбу икки жиҳатга қаратилган десак муболаға бўлмайди. Хусусан, капитал бозорини босқичма-босқич такомиллаштириш орқали бозор капиталлашувни 2023 йилнинг якунига қадар 45 трлн.га етказиш. Шунингдек, капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш механизминини ривожлантириш орқали банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш инструментларини амалиётга

---

<sup>192</sup> <https://lex.uz/docs/5371091>

татбиқ этиш. Эътиборли жиҳат бундан беш йил аввал капитал бозорини капиталлашув даражасини кўрадиган бўлсак ушбу кўрсаткич 3 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, ўтган давр мобайнида деярли 10 баробардан зиёдга ошганлиги ушбу бозорни йилдан йилга юқори динамика билан ўсаётганлигидан далолат беради. Иккинчи муҳим устувор вазифа, халқаро амалиёт тажрибаларини ўрганган ҳолда, соҳага хорижий малакали кадрларни жалб қилиш, кадрларни халқаро тажриба алмашуви ва малакасини ошириш тартибини ривожлантириш ҳамда фонд бозорини ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш билан бирга инвестицияларни молиялаштириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш.

4. Акциядорлик жамиятнинг молиявий бошқарув тузилмасини шакллантириш. Замонавий молиявий менежментнинг асосий масалаларидан бири, компанияларда молиявий бошқарувнинг аниқ вазифалари ва ваколатлари черагасини белгилаш ҳисобланади. Мазкур “чегара” бевосита молиявий менежментнинг институционал-ташкилий асослари доирасида белгиланади. Халқаро амалиёт тажрибалари кўрсатишича, компанияларда молиявий менежмент тизимини ташкил этиш уларнинг фаолият турлари, кўлами, хажми ва бошқа турли омилларни инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ишимизнинг кейинги параграфиди миллий амалиётда акциядорлик жамиятларида умумий бошқарувнинг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда молиявий менежментни ташкил этишнинг асосий жиҳатлари ёритиб берилган.

5. Ташқи муҳитга мослашувчанлик. Акциядорлик жамиятлари умумий даврийлик фаолиятини оладиган бўлсак, иқтисодий ривожланиш циклининг барча босқичларида ташқи таъсир билан боғлиқ рискларга дуч келади. Мазкур жараёнда молиявий менежмент тизимини ташкил этишдаги асосий тамойил молиявий-инвестицион ривожланишнинг барча босқичларида молиявий менежерлар молиявий рискларни олдиндан прогноз қилиш, рискларни аниқлаш ва уларни камайтиришга доир тегишли чора-



тадбирларни ишлаб чиқишни назарда тутди. Кейинги 10-15 йиллик халқаро ташқи муҳитни таҳлил қиладиган бўлсак дастлабки даврда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий “асоратлари” якунига етмай туриб Covid-19 пандемия натижасида вужудга келган иқтисодий инқироз турли давлатларда фаолият юритаётган компанияларнинг молиявий-инвестицион стратегияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Мисол учун халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Covid пандемияси натижасида “2021 йилнинг бошида жаҳон иқтисодиёти 5-7 трлн. АҚШ доллари миқдоридан йўқотишларга учраган. Бу эса ўтган асрнинг бошларида юз берган “буюк” депрессия давридан кейинги энг йирик инқироз сифатида баҳоланмоқда. Шунингдек, пандемия давридан кейинги босқичда жаҳон иқтисодиётини тиклаш учун амалга ошириладиган харажатлар миқдори 35 трлн. АҚШ доллари миқдоридан баҳоланган”<sup>193</sup>. Ўзбекистон мисолида кўрилган зарарлар миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилнинг якунларига кўра ЯИМ нинг ўсиши 0,2% га секинлашиб ўтган йилларда яъни 2019 йилда ўсиш 6%ни ва 2018 йилдаги ўсиш 5,9%ни ташкил этган.

Молиявий менежментга иқтисодчи олимлар томонидан берилган тарифларга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, молиявий менежмент акциядорлик жамиятининг молиявий муносабатларини бошқариш, молиявий ресурсларини самарали шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида иқтисодий-статистик, математик, эҳтимоллар назариялари каби усулларга асосланиб оптимал қарорлар қабул қилиш ҳисобланади. Молиявий менежерлар молиявий менежментнинг замонавий назария ва амалиёти учун асосий тамойил ҳисобланган, акциядорлар учун компаниянинг қийматини максималлаштириш, яъни компаниянинг хусусий капитали қийматини оширишга интилишлари лозим. Таъкидлаш лозимки, молиявий менежментнинг

---

<sup>193</sup> <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/wdr2022/brief/chapter-1-introduction-the-economic-impacts-of-the-covid-19-crisis>

мақсадларини белгилашда турли бошқа омилларни ҳам инобатга олган ҳолда қўшимча мақсадлар гуруҳини шакллантириш мумкин.

Халқаро амалиётда молиявий менежмент янги ривожланаётган илмий йўналишлардан бири бўлиб, компанияларда молиявий ва инвестицион бошқарув қарорларини қабул қилишнинг иқтисодий асосларини ўрганади. Молиявий менежментнинг аксарият концептуал назарий асослари АҚШ олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик Европа мамлакатлари ва Осиё минтақа олимлари томонидан мазкур илмий йўналишни миллий амалиётга жорий этиш борасида амалий ва назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент механизми қандай ташкил этилади деган масала кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан турлича баён этилганлигига қарамай, буларнинг барчасида асосий эътиборга олинishi лозим бўлган муҳим меъзонларга қуйидагилар киради: давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги (компанияларда) иштироки; кредит ёки капитал бозорининг жорий ҳолати; молия бозорининг ривожланганлик даражаси; молиявий муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мукамаллиги, акциядорлик жамиятларида замонавий молиявий менежмент усулларини жорий этишнинг ҳолати, акциядорлик жамиятида молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини жорий этилиши кабиларни келтиришимиз мумкин.

## **УМУМИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Маврулова Нилуфар Абдухалиловна**

**Тошкент молия институти доценти**

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ўсиши макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш билан бир қаторда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш ишларини давом эттирмоқда. Зеро,

мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган ислохотлар барча соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Суғурта бозорини ислох қилишда маркетинг сиёсатини мукаммал ишлаб чиқиш ва ундан унумли фойдаланиш рақобатда қатнашиш имкониятларини яратади. Суғурта маркетинги деганда суғурта компаниясининг фойдасини суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини чуқурроқ таҳлил қилиш орқали максимал даражада оширишга қаратилган тадбирлар мажмуаси намоён бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, суғурта маркетинги товар ишлаб чиқариш соҳасидаги маркетингдан фарқ қилади. Бу, биринчи навбатда, суғурта бизнесининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг узок муддатли табиати билан белгиланади.

Суғурта компанияси мижозларининг манфаатларини қондириш хизмат кўрсатишнинг энг муҳим босқичи бўлиб, унинг даражаси суғурта хизматларига бўлган талабга таъсир қилади, яъни хизмат кўрсатиш сифати қанчалик юқори бўлса, суғурталанувчининг суғурта хизматларига бўлган талаби шунчалик юқори бўлади. Бироқ, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш харажатларни оширишни талаб қилади. Суғурталовчи маркетинг хизматининг мақсади хизмат кўрсатишнинг иқтисодий омиллари ва суғурта хизматларига бўлган талаб ўртасидаги боғлиқликнинг қонунийлигини аниқлашдан иборат. Суғурта компаниясида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг мезони улар томонидан шикоятлар ва эътирозларнинг йўқлиги ҳисобланади. Суғурта хизматларига бўлган талабнинг пасайиши билан маркетинг хизмати бунинг сабабларини аниқлаши ва уларни бартараф этиш чораларини кўриши керак бўлади. Бундай чора-тадбирлар компания имиджини оширишга, хизмат кўрсатиш сифатини ва кўламини оширишга, тариф тузилмасини қайта кўриб чиқишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Маркетинг хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат: потенциал суғурталанувчиларнинг талабини ўрганиш; суғурта шартномасини тузишда потенциал мижознинг мотивларини

таҳлил қилиш; суғурта компаниясининг салоҳиятини баҳолаш; маҳсулот тадқиқотини ўтказиш (суғурта хизматлари тури); суғурта хизматларини потенциал суғурталанувчиларга тақдим этиш шакллари ва каналларини таҳлил қилиш; рақобатчиларнинг имкониятларини ўрганиш, рақобат шакллари ва даражасини аниқлаш; реклама тадқиқотларини ўтказиш ва унинг юқори самара келтирувчи турларини татбиқ қилиш; суғурта хизматларини суғурталовчидан потенциал мижозгача тарғиб қилишнинг энг самарали усулларини аниқлаш.

Суғурта тизими ривожланган мамлакатларда маркетинг амалиёти шундай ташкил этилганки, унда турли ижтимоий гуруҳлардаги суғурталанувчиларнинг мотивациясини баҳолаш ва шу асосда “суғурталовчи-суғурталанувчи” тамойили асосида фикр-мулоҳазаларни аниқлаш имконини берувчи махсус тестлар, анкеталар тизими қўлланилади. Суғурталовчиларнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини ўрганишда олинган маълумотлардан тўғри фойдаланиш суғурта компаниясига суғурта бозорида юзага келадиган вазиятга адекват муносабатда бўлиш имконини беради. Суғурта маркетингини юритиш бозордаги талаб ва таклифни ўрганиш замирида суғурта хизматларининг сифати хусусида ҳам қайғуради. Суғурта хизмати сифати қуйидагиларни ўз ичига олади:

унинг техник хусусиятлари – суғурта кафолатларининг кенг камровлилиги, тақдим этилаётган асосий ва қўшимча хизматларнинг миқдори, суғурта мукофотининг даражаси – суғурта маҳсулотининг баҳоси; мижоз билан шерикчилик муносабатлари, мижоз ва суғурталовчи вакили билан шахсий муносабатларнинг ўрнатилиши;

суғурта шартномасининг шаффофлиги ва мижозлар манфаатларига йўналтирилганлиги;

суғурта даъволарининг тез, сифатли ва адолатли ҳал этилиши;

суғурталанувчини ўз вақтида ва мунтазам равишда шартноманинг ҳолати, тўловлар ва суғурта мукофотининг тўланиши тўғрисида бохабар этиб бориш;

суғурта ҳодисасининг ҳал этилишига ёрдам берадиган қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Мижозлар аввало суғурталовчининг асосий ва қўшимча хизмат турларидан ва суғурта ҳодисасини ҳал этиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда суғурта маҳсулотини сотиб олиш ёки сотиб олмаслик тўғрисида муайян бир фикрга келадилар ва тегишли равишда суғурта маркасининг обрў-эътиборини ўз тасаввурларида шакллантирадilar. Агар миждоз суғурта тўловининг ҳажмидан, кўрилган зарар қопланишининг тезда ҳал этилишидан ҳамда суғурта ҳодисаси муносабати билан кўрсатиладиган қўшимча хизматлардан (юридик маслаҳат, шикастланган мол-мулкни қайта тиклашга ёрдамдан) қаноатланса, суғурта компаниясининг шартнома муддатини узайтириш ва танишлар, қариндошлар ўртасида суғурта компанияси ҳақида иждобий ахборот тарқатади.

Суғурта тизимининг такомиллашиб бориши билан суғурта маҳсулоти таркибига ёрдамчи хизматлар тобора кўпроқ кириб бормоқда. Суғурталовчи миждозларга ҳар томонлама қулайлик яратиш, шу билан бирга ўзининг манфаатларини кўзлаган ҳолда суғурта ҳодисасига учраган суғурта объектларига техник, тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўймоқда. Бу эса биринчидан, суғурталанувчини суғурта маҳсулотидан кўпроқ қаноатлантиради, иккинчидан, суғурта қопламаларини тўлашга ажратиладиган маблағларни тежаш имконини беради.

## **ISLOMIY SUG‘URTA (TAKAFUL)NING ILMIIY-NAZARIY ASOSLARI**

**Zikriyoyev B., TMI magistranti**

So‘nggi yillarda jahon hamjamiyati va iqtisodiyotida bo‘layotgan keskin o‘zgarishlar (iqtisodiy sanksiyalar, inqirozlar, siyosiy o‘zgarishlar va to‘siqlar, siyosiy vaziyatlar natijasida aholi migratsiyasining kuchayishi, pandemiya va boshqalar) natijasida iqtisodiy rivojlanish vektori va stratigiyasini, jumladan moliya institutlari rivojlanishini qayta ko‘rib chiqishni, shuningdek, sug‘urta sohasi va uning elementlari, yangi usullarini (islomiy sug‘urta yoki takafulni) keng joriy etishni davr talab qilib qo‘ymoqda. Hozirgi kunda tijorat va o‘zaro sug‘urta ko‘plab

mamlakatlarning sugʻurta xizmatlari bozorlarida keng rivojlanib kelmoqda. Islomiy sugʻurta jahon sugʻurta bozorida ham muvaffaqiyatli rivojlanib bormoqda va barcha aholi qatlamlari orasida keng foydalanib kelinmoqda. Shuningdek, milliy sugʻurta bozorimiz isteʼmolchilari orasida ham juda katta qiziqish oʻygʻotmoqda. Bu borada Davlatimiz rahbari taʼkidlaganidek, “Mamlakatimizda islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish boʻyicha huquqiy bazani yaratish vaqti-soati kelganligi shuningdek, bunda Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlarini jalb etish”<sup>194</sup> masalalariga alohida eʼtibor qaratilgan. Ammo, shunga eʼtibor berish kerakki, hamma mamlakatlarda ham islomiy sugʻurtani joriy etishning institutsional, qonunchilik va tashkiliy mexanizmlari shakllanmaganligi sababli sugʻurta sohasida uni joriy qilishda turli xil qiyinchiliklarni keltirib chiqarmoqda. Islomiy sugʻurta yoki takaful – bu islomiy moliya tizimining yangi rivojlanib kelayotgan yoʻnalishlaridan biridir. Soʻnggi yillarda islomiy sugʻurta tizimi barqaror oʻsish koʻrsatkichlarini namoyon etib kelmoqda, ammo bu islomiy moliya tizimining boshqa sohalariga nisbatan rivojlanish davrini bosib oʻtmoqda.

Takafulning mohiyatini talqin etishdan oldin uning tamoyillari, qoidalari va oʻziga xos xususiyatlarini qoʻrib chiqish lozim. Anʼanaviy tijorat sugʻurtasining takafuldan farqi unda ribo (sudxoʻrlik), gʻarar (nonaniqlik, mavhumlik), maysir (qimor) va harom (taqiqlangan faoliyat turi) kabi taqiqlangan elementlari mavjudligidir. Islomiy moliya tizimidagi asosiy taqiqlangan tamoyillardan tashqari, taqiqlovchi tamoyillar ham mavjud, jumladan:

- risklarni taqsimlash (qayta sugʻurtalash) – islomda shartnoma ishtirokchilarining risklarini pul evaziga boshqa tomonga yoki uchinchi shaxslarga berish (oʻtkazish, transfert) taqiqlanadi. Shartnoma ishtirokchilari kelishuvda kelishilgan risklarni oʻzaro (yoki ishtirokiga mos ravishda) taqsimlashlari majburdirlar;

---

<sup>194</sup> Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq soʻzi gazetasi 2020 yil 30 dekabr, №276 (7778) son.

- shartnomaning amalda bo‘lishi (shartlar buzilmasligi) – shartnoma majburiyatlarini bajarish tomonlar majburiyatlarining eng muhimi hisoblanadi;

- pul mablag‘lari faqat potensial kapital sifatida qaraladi, u ishlab chiqarish faoliyatiga (zaxiralarni investitsiya qilish) investitsiya qilingandan keyingina haqiqiy kapital hisoblanadi.

Takafulning asosiy tamoyillari va qoidalari qo‘yidagilardan iborat:

- har bir ishtirokchi tomonidan to‘lanadigan badallarning bir qismi ixtiyoriy xadya va xayr-ehson sifatida ko‘rib chiqiladi va sug‘urta hodisasi yuz berganda to‘lovlarni kafolatlaydigan fondga yo‘naltiriladi, shu sababli unda ortiqcha g‘arar (noaniqlik, mavhumlik) yo‘qdir. Shuningdek takaful tashkiloti ham shartnomaga muvofiq o‘z foyda ulushi haqida xabardor bo‘ladi. Olinadigan daromad miqdori tashkilot tomonidan amalga oshiriladigan operatsiyalarga bog‘liq bo‘ladi va u olingan haqiqiy daromadga bog‘liq bo‘lmaydi, qat’iy belgilanmaydi;

- takafulning asosiy maqsadi bu sug‘urta jarayonlari ishtirokchilariga risklardan kafolat taqdim etish, bunda tomonlar bir vaqtning o‘zida ham kafolat beruvchi va oluvchi shaxs sifatida ishtirok etishadi;

- an’anaviy tijorat sug‘urtasida keng qo‘llaniladigan foizli munosabatlardan qochgan holda foydani taqsimlashning maxsus (“mudaraba”) mexanizmidan foydalanishi;

- takaful tashkilotlarining yangi mahsulotlarini (xizmatlarini) baholash, takaful operatorlari tomonidan amalga oshirilayotgan faoliyatlarini islomiy huquq, me‘yorlari va tamoyillariga muvofiqligini nazorat qilish bo‘yicha maxsus ixtisoslashgan (Shariat ko‘zatuv kengashi) organning mavjudligi;

- takaful shartnomasining barcha tomonlari amal qilishi kerak bo‘lgan yuqori vijdonli javobgarlik (utmost good faith) tamoyilining mavjudligi;

- sug‘urtalanuvchilar tafakul sug‘urta kompaniyasining direktorlar kengashiga o‘z vakillarini tayinlash huquqiga egadirlar;

- an’anaviy tijorat sug‘urtasidan farqli o‘laroq, takafulda “meros” (merosxo‘r) va “vasiyat” (sug‘urtalanuvchining xoxish istagi) shartlarini

buzish mumkin emas. Takaful o'zida o'zaro yordamga asoslangan taqsimot munosabatlarini aks etiradi. Islomiy sug'urta tijorat va o'zaro sug'urta shaklda amalga oshirilishiga mumkinligi sababli unda turli din e'tiqodidagi fuqarolar guruhi ixtiyoriy ravishda risklarni taqsimlashda va foydada ishtirok etishlari mumkin.

Takaful moliya bozori ishtirokchilari uchun shunisi bilan qiziqki, u moliyaviy inqirozlar davrida sinovdan o'tgan va barqaror rivojlanishning yuqori sur'atlarini namoyon etgan. Har qanday mamlakat milliy sug'urta tizimiga islomiy sug'urtani joriy etishi va rivojlantirishda quyidagi yo'nalishlarda faoliyat olib borishlari maqsadga muvofiq hisoblanadi, ya'ni:

1) davlat organlari, shu jumladan sug'urta nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish;

2) sug'urta tashkilotlari faoliyatini takomillashtirish;

3) salohiyatli sug'urtalanuvchilar orasida yangi stereotiplarni shakllantirish ishlarni olib borishi kerak buladi. Bu yo'nalishlarda ishlarni yanada oydinlashtiradigan bo'lsak ular qo'yidagi chora-tadbirlarni qamrab olishi lozim, jumladan davlat hoqimiyati va boshqaruv organlari faoliyatini takomillashtirish nuqtai nazaridan qo'yidagilar:

– shariat qonun va qoidalari asosida islomiy sug'urtani milliy sug'urta xizmatlar bozorida tashkil etish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish;

– xalol sug'urta standartlarini ishlab chiqish;

– takaful operatorlari faoliyatini tartib solish nuqtai nazaridan qonunchilik xujjatlarini ishlab chiqish;

– xorijiy takaful tashkilotlari va sug'urta nazorati organlari faoliyati tajribalarini o'rganish;

– takaful tashkilotlarini faoliyatini tashkil etishning tashkiliy, xuquqiy va iqtisodiy mexanizmlarini ishlab chiqish.

Sug'urta tashkilotlari faoliyatini takomillashtirishda qo'yidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

– islom sug'urtani amalga oshirish imkonini beradigan sug'urta shartlari va qoidalarni ishlab chiqish;



– kompaniya faoliyatiga takaful operatsiyalarini va mahsulotlarini shariat me'yorlariga muvofiqligi nazorat qilib boradigan maslahatchilarni (Shariat kengashi orasidan) jalb qilish;

– takaful fondi shakllantirish modelini tanlash va uning asosligini asoslash;

– takaful fondini shakllantirish metodikasini ishlab chiqish;

– takaful sohasida xorijiy mamlakatlar tajribalarini tahliliy asosda o'rganish.

Shunday qilib takaful sug'urtasi tijorat sug'urtasi qamrab olmagan sohalarni qamrab olishi hisobiga sug'urta bozorini kengaytirishi mumkin. Islomiy sug'urtani joriy etish jarayoni bir muncha murakkab bo'lishi mumkin, biroq jahon bozorida takaful xizmatlariga bo'lgan talab tobora ortib borayotganli sababli islom sug'urasini joriy etish davr talabi sifatida namoyon bo'lmoqda.

## MUNDARIJA

Kirish.....	3
-------------	---

### YALPI MAJLIS

Белозеров С. А.	Современные регуляторные и надзорные технологии в страховании.....	4
Соколовская Е.	Современные технологии как инструмент противодействия страховому мошенничеству.....	11
Қўлдошев Қ.М.	Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси: хорижий тажриба, ривожлантириш йўллари.....	16
Юлдашев О.Т.	Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг фундаментал асослари.....	20
Kyzdarbekova A.S.	Environmental insurance in the republic of Kazakhstan	25

### SHU'BA I: HAYOT SUG'URTASINING SALOHİYATINI OSHIRISH VA JADAL RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI

Атаев Ш.Ш.	Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга оширилишини таъминлаш йўллари.....	32
Азимов Р.С., Мирсадиқов М.А.	Перспективы инноваций в технологичной, экономической и продуктовой сферах страхования как элемента системы управления рисками юридических и физических лиц в Узбекистане.....	40
Юлдашев О.Т.	Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш: муаммолар ва ҳал этиш йўллари.....	45
Закирходжаева Ш.А.	Особенности развития и цифровизации страхования жизни.....	49
Varatova D.A., Olmosova M.Sh.	Tibbiy sug'urta va uning ahamiyati.....	52
Ражабов Н.Н.	Ўзбекистонда пенсия тизимини молиялаштириш механизларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	56
Кенжаев И.Ф.	Суғурта механизми суғурта компанияси молиявий барқарорлигини тартибга солишдаги роли.....	58
Xatamov A.S.	Qishloq xo'jaligi sohasini moliyaviy qo'llab-quvvatlashda subsidiya va sug'urtalash tizimini takomillashtirish.....	62
Begmatova Sh.F.	Yashil iqtisodiyotga investitsiyalar jalb qilishda sug'urtaning o'rni va ahamiyati.....	67
Шеркузиева Н.А.	Суғурта ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашга методик ёндашувлар.....	71
Холбўтаев Ҳ.Ж.	Жавобгарликни мажбурий суғурталашнинг суғурта соҳаси ривожигаги ўрни.....	74

Умаров Ф.У.	Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишнинг статистик таҳлили.....	77
Холбўтаев Ҳ.Ж.	Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғуртасини ривожлантириш.....	82
Носирова Г.А.	Развитие инвестиционной деятельности страховых компаний стран СНГ (содружество независимых государств).....	85
Пхомjonova F.M.	Sug'urta kompaniyalarida moliyaviy menejmentning o'rnı.....	88
Абдураимова М.А.	Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларнинг шаклланиш хусусиятлари.....	90
Yakubova N.T.	Sug'urta faoliyatida biznes jarayonlari reinjiningi.....	97
Кенжаев И.Ф.	Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини бошқариш масалалари.....	100
Хаттабов М.Б.	Суғурта компанияларининг молиявий ресурслари молиявий барқарорликни таъминлашдаги роли.....	103
Сатторов Ш.М.	Суғурта ташкилоти рискларини баҳолашда стресс-тест усули.....	106
Хаттабов М. Б.	Суғурта механизмини такомиллаштириш ва хизматлар сифатини ошириш йўллари.....	109
Сатторов Ш. М.	Рискларини суғурталаш ва баҳолаш.....	112
Шеннаев Х.М., Журакулова М.С.	Вопросы расширения сферы страхования жизни на национальном страховом рынке.....	116

**SHU'BA II: MILLIY SUG'URTA BOZORIDA HAYOT SUG'URTA SOHASINI OMMALASHTIRISH VA KO'LAMINI KENGAYTIRISH MASALALARI**

Шеннаев Х.М.	Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасининг ривожланиши.....	122
Халикулова Г. Т., Синицина К. М.	Вопросы популяризации и расширения индустрии страхования жизни на национальном страховом рынке.....	127
Матиязова С.Р.	Ҳаёт суғуртасида суғурта маҳсулотларини воситачилар орқали сотишнинг ноанъанавий усуллари жориш қилиш йўллари.....	131
Baratova D. A.	Hayot sug'urta kompaniyarining sug'urta bozoridagi o'rnı.....	137
Юлдашев О. Т., Мамбеткулова М. Бекназаров З.Э.	Исломий суғурта (такафул) ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... Ижтимоий суғурта тизимини тамомиллаштириш йўналишлари.....	144 148

Karimova Z.T.	O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini ta‘minlash yo‘nalishlari.....	151
Абдубоқиев М. Ш.	Акциядорлик жамиятлари инвестицион фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари (суғурта компаниялари мисолида).....	155
Meuyliyev O. R., Gofurova.K.	O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarning moliyaviy barqarorligini ta‘minlash yo‘nalishlari.....	159
Кўчқаров Ф.А.	Аграр соҳани суғурталашнинг европа тажрибаси....	163
Arifjanova Y.U.	Moliya bozorida onlayn sug‘urta xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlari.....	168
Бахриев Д. Р.	Миллий суғурта бозорини ривожлантириш йўллари.....	171
Islamov Sh.T.	Sug‘urta kompaniyalarni kapital bozoridagi ishtirokini takomillashtirish yo‘llari.....	175
Kamilov B. U.	The role of reinsurance in ensuring the financial stability of Uzbekistan insurers.....	179
Максудова У.Ш.	Страхование внутреннего туризма.....	189
Максудова У.Ш.	Проблемы страховой защиты в сфере туризма.....	197
Ҳамраева Ф.Ш	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизликни мажбурий ижтимоий суғурталаш.....	205
Бекназаров З.Э.	Ижтимоий суғурта тизими орқали тўланадиган тўловларни ҳисоблаш механизми .....	208
Бекназаров З.Э.	Давлатнинг ижтимоий суғурта тизими бўйича тўланадиган нафақаларнинг молиявий ҳолати.....	211
Якубова Н.Т., Баймуратова Г.Т.	Суғурта фаолияти бизнес жараёнларида классик моделлардан фойдаланиш.....	213
Абдураимова М.А.	Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг шаклланиш хусусиятлари.....	215

### **SHU’BA III: SUG‘URTA BOZORIDA RAQAMLASHTIRISH JARAYONLARINING KECHISHI VA SOHAGA ILG‘OR AXBOROT TEKNOLOGIYALARINI TATBIQ ETISH MASALALARI**

Атаев Ш.Ш.	Пенсия таъминоти тизимида инновацион ахборот технологияларнинг ўрни.....	220
Юлдашев О.Т.	Ҳаёт суғуртасига рақамли технологияларни жорий этиш истиқболлари.....	224
Khalikulova G.T.	Business processes in the insurance system and their features.....	227
Sharipov N.G’.	Sug‘urta bozorida axborot texnologiyalaridan foydalanishning o‘rni va ahamiyati.....	237

Рахмедова М.Н.	Актуальные направления использования финансовых технологий в области страхования.....	240
Камилов Б.У.	Цифровизация информационного обмена в перестраховании.....	244
Ergasheva S.E.	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda sug'urta bozorining ro'li.....	248
Закирходжаева Ш.А.	Особенности разработки стратегии страховой компании в эпоху цифровой экономики.....	251
Эргашева Ю.Э.	Перспективы влияния цифровизации на страхование.....	255
Эргашева Ю.Э.	Технологии цифровой экономики в страховании....	259
Закирходжаева Ш.А., Абдусаломов С.	Развитие информационных и коммуникационных технологий в страховании.....	262
Закирходжаева Ш.А., Абдумоминов А.	Проблемы актуарных расчетов при страховании киберрисков.....	266
Холбаев А.Ю.	Бизнес-процессы страховых компаний в цифровую эпоху.....	269
Холбаев А.Ю.	Страхования киберрисков.....	274
Искадаров М.	Insurtech – основной драйвер развития страховой отрасли.....	279
Искадаров М.	Главные тренды insurtech в страховой сфере.....	281
Якубова Н.Т., Баймуратова Г.Т.	Суғурта фаолиятида бизнес жараёнларининг рақамли трансформацияси.....	284
Адилова Г.	Миллий суғурта бозорида хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштиришнинг авзалликлари.....	288
Бердиева У.А.	Суғурта бозорини рақамлаштириш.....	290
Бердиева У.А.	Суғурта фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш.....	293
Rahmonov I.H., Jumayev M.M.	Raqamli banklarning omonatlarni jalb qilishdagi muammolarni bartaraf etish choralari.....	296
Bazarov F.O.	Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish istiqbollari.....	299
Mambetqulova M., Yuldashev O.	Mikrosug'urta va uning iqtisodiy mohiyati.....	303

**SHU'BA IV: O'ZBEKISTONDA SUG'URTA XIZMATLARI BOZORINING  
MOLIYA TIZIMIDA TUTGAN O'RNI VA MILLIY IQTISODIYOTNING  
RIVOJLANISHIGA TA'SIRI**

Атаев Ш.Ш.	Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари.....	307
------------	--	-----

Синицина К.М., Шермухамедова Ш.А.	Роль рынка страховых услуг Узбекистана в финансовой системе и его влияние на развитие национальной экономики.....	314
Маврулова Н.А.	Ўзбекистонда суғуртанинг соҳаларга ажратилиши, умумий суғурта соҳасининг классификацияланиши	318
Xushvaqov I.M.	Obligatsiyalar bilan bog'liq munosabatlarning rivojlanishida sug'urta kompaniyalarining ahamiyati...	322
Davurov N.Q.	Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik tijorat baklariga kapital jalb qilishni takomillashtirish.....	325
Бахриддинов К.Б.	Акциядорлик жамиятлари молиявий фаолиятини ривожлантириш истиқболлари.....	328
Очилов Ф.	Баҳоланадиган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартиби.....	332
Хамдамов О.Н., Исламов Ш.Т.	Суғурта компаниялари молиявий фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг таснифий жиҳатлари...	337
Мамадиёров О.У.	Суғурта рисклари ва уларни бошқариш.....	340
Каримов А.И.	Фонд бозорида суғурта компанияларининг иштироки.....	342
Рахимов Т.Ф.	Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида суғурта бозорини такомиллаштириш йўллари.....	345
Кенжаев М.Ғ.	Тижорат банкларнинг актив операциялари рискларини минималлаштириш ва бошқариш.....	351
Кенжаев М.Ғ.	Тижорат банкларининг актив операциялари рискларини минималлаштириш йўллари.....	355
Ergasheva Y.E.	Sug'urta faoliyatida biznes jarayonlari.....	358
Мирсадиқов М.А.	Состояние инклюзивного страхования в Узбекистане.....	360
Кобилжонова Ш.Ф.	Экономическая безопасности функционирования и развития страховой компании.....	368
Ҳамраева Ф.Ш.	Жавобгарликни суғурталашда хатарларни бошқариш.....	370
Ҳамраева Ф.Ш.	Мулкни суғурталаш бўйича хатарлар.....	373
Мирзоев С.	Жаҳондаги кузатилаётган глобаллашув ва табиатдаги ўзгаришлар оқибатида келиб чиқаётган турли хатарлардан ҳимоя қилишда суғурта ташкilotлари олдида турган вазифалар (“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ мисолида).....	377
Hoshimov J.R.	Hududlarga xorijiy investitsiya jalb qilish — ijtimoiy- iqtisodiy taraqqiyotning muhim omili.....	386

Абдуразақов А.А.	Стратегик бошқарувда харажатларни ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириш.....	391
Ibodullayev A., O'rolboyeva Z.	Bank tizimi samaradorligini oshirish va faoliyatini avtomatlashtirish.....	395
Эрназаров Н. С.	Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими ва уни ривожланиши.....	400
Кенжаев М.Ғ.	Тижорат банкларида фонд рисклари ва уларни таҳлили.....	403
Эрназаров Н. С.	Банк тизимида банк карталари ва уларнинг аҳамияти.....	407
Jumaniyazov I.T.	Improving the efficiency of sovereign funds in the post-pandemic period.....	411
Ортиқов У.Д.	Банкларда молиявий ресурсларни бошқаришнинг айрим жиҳатлари.....	418
Каландаров Р.А.	Институционал эмуляция жараёнининг ўзига хос томонлари.....	425
Каландаров Р.А.	Замонавий шароитларда божхона органларида юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масалалари...	429
Абдураимова М.А., Дўсмуродова Х.Э.	Аудиторлик текширувида муҳимликни ҳисоблашнинг назарий асослари.....	435
Ahmedov X.R.	Davlat ishtirkidagi aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy munosabatlarining ayrim jihatlari.....	439
Авазов И.Р.	Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг ривожлантириш.....	441
Авазов И.Р.	Консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудитнинг роли.....	445
Begjigitov E.	Private property and joint stock company in our country.....	447
Abduqahorov B.O.	Xorijiy investitsiyalarni mamlakat iqtisodiyotiga jalb etishda rivojlangan mamlakatlar tajribasi.....	450
Кулметов М.Р.	Особенности банковской конкуренции.....	454
Ibodullayev A., To'laganova R.F.	O'zbekiston respublikasi bank tizimining muammolari va ularni isloh qilish yo'nalishlari.....	457
Shomirov A.A.	Investitsiyalarni moliyalashtirishda qimmatli qog'ozlar bozorining ahamiyati: ob'yektiv zarurligi va funksiyalari.....	462
Қурбонов Р.Б.	Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ҳамда шакллантирилган захиралардан фойдаланишни аҳамияти.....	465

Қурбонов Р.Б.	Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисобини такомиллаштириш.....	469
Сабилов М.Қ.	Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғи механизмининг ривожланиш босқичлари таҳлили..	473
Сабилов М.Қ., Рахимов А.Қ. Номозова Қ.И.	Ўзбекистонда солиқ сиёсатини экологик йўналтириш имкониятлари ва истиқболлари.....	477
Номозова Қ.И.	Тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришда суғуртанинг ўрни.....	487
Номозова Қ.И.	Ўзбекистонда тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталашни ривожлантириш истиқболлари.....	492
Ҳиёнов В.И.	Islom moliyasi va uning moliya – bank tizimidagi ahamiyati.....	497
Жиянов Б.И.	Замонавий тижорат банклари ўртасидаги рақобатбардошлик ва унинг иқтисодий моҳияти.....	501
Саидов Д.А. Аминова Н.У.	Тижорат банклари депозит базаси етарлилиги..... Тижорат банклари томонидан ислом молияси тамойиллари асосида молиявий хизматлар кўрсатиш ва инвестиция лойиҳалари молиялаштириш муаммолари.....	504 509
Рахматов А.Ҳ.	Yurtimizda banklarning kapitallashuv darajasini oshirish yo‘llari.....	512
Холбайев А., Келдиёров В.	Kiberxavfsizlik sohasi risklarni sug‘urtalash.....	515
Муминова А.У., Муминова А.У.	Стратегии по увеличению экспорта в Узбекистане и эффективные методы поиска новых клиентов для дальнейшего сотрудничества по всему миру.....	519
Ҳузбаева М.З.	Kichik biznes sub’ektlarining innovatsion faoliyatini moliyalashtirishda xorijiy tajriba.....	525
Ҳузбаева М.З.	Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш.....	528
Одилов Б.Ф.	Тижорат банклари пассив операциялари барқарорлигини таъминлаш йўллари.....	531
Норқо‘чқоров А.З.	Byudjet tashkilotlarining smetalarini tasdiqlash jarayoni.....	534
Ниёзов З., Абдибаева Т. Мисиров К.	Аҳолига инновацион чакана хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштириш йўллари..... Asosiy vositalar hisobini xalqaro standartlarga moslashtirishning nazariy asoslari.....	538 543



Бердиева У.А.	Совершенствования	налогового	
	администрирования.....		549
Jo'raev I.I.	O'zbekistonda banklararo raqobat muhiti va unig bank barqarorligiga ta'siri.....		553
Rakhimov A.	Issues of expanding the base of bank deposits in developed countries.....		558
Shirinov S.E.	Davlat byudjeti solikli daromadlarini bo'yicha prognoz ijrosini mamlakat soliq salohiyatini hamda soliqlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirish orqali ta'minlash masalalari.....		562
Shirinov S.E.	O'zbekiston davlat byudjetining solikli daromadlarini prognoz qilish uslubiyatini takomillashtirish ayrim masalalari.....		565
Раджиев А.Б.	Статистик ҳисоботларини ахборот тизими орқали қабул қилиш ва қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....		568
Матиязова С.	Суғурта воситачилигининг институционал таркиби ва уни ташкил этиш хусусиятлари.....		572
Mambetqulova M., Yuldashev O.	Sug'urta inklyuziv va barqaror iqtisodiy o'sish omoli...		577
Султонова А.	Суғурта	компаниясининг	молиявий
	барқарорлигини таъминлашда қайта суғурта.....		580
Норкучқоров А.	Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари ички аудити.....		582
Хамдамов О.Н., Бахриддинов К.Б.	Молиявий қарорлар қабул қилишнинг илмий ёндашувлари ва таснифий хусусиятлари.....		597
Маврулова Н.А.	Умумий суғуртани ривожлантиришга қаратилган стратегик маркетинг йўналишлари.....		602
Zikriyoyev B.	Islomiy sug'urta (takaful)ning ilmiy-nazariy asoslari...		605